

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

TOSHDO'TAU



0000002799

Тошкент – 2008

2009

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий мақолалар тўплами)
IV

9351

1909



Тошкент – 2008

Ушубу тўпламда лингвистика, хусусан, ўзбек тилшунослиги масалаларига бағишланган мақолалар ўрин олган бўлиб, улар тилшунослик назарияси, фонетика, грамматика, лексикология, семасиология сингари соҳаларни камраб олган. Мақолаларда тилшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослигида бугун ва яқин келажакда ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масалалар қисман бўлса-да, ўз ифодасини топган.

Тўплам тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, филологлар ҳамда талабаларга мўлжалланган.

Фикр-мулоҳазаларни куйидаги манзилга жўнатиш сўралади.

Тошкент – 700174, Талабалар шахарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, ўзбек филологияси факультети, умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедраси.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Ҳ.Дадабоев

Ҳайъат аъзолари: ф.ф.н., доц. З.Ҳамидов
ф.ф.н., доц. З.Холманова

ТАҚРИЗЧИЛАР

ф.ф.д., проф. Р.Расулов
ф.ф.н. М.Абдурахмонова

Босишга рухсат этилди 22.12.2008 Ҳажми 12.75 босма табок
Бичими 60×84 1/16. Адади 150 нусха. Буюртма 375.
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмаҳонасида чоп этилди.

“Девону луғотит турк”даги туркий тилларга хос фонетик ва лексик-семантик хусусиятлар ҳақида

Туркологиянинг алоҳида фан сифатида шаклланишига асос солган, таъбир жоиз бўлса, туркийшуносликнинг устози аввали Маҳмуд Кошғарийнинг машаққатли меҳнати, ёрқин истеъдоди эвазига дунё юзини кўрган, жаҳон тилшунослиги тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган “Девону луғотит турк”нинг тузилганига бу йил роса 935, унинг муаллифи таваллудига 1000 йил тўлди. ЮНЕСКО томонидан Маҳмуд Кошғарий тугилган кунни тантанали нишонлаш, илмий анжуманлар ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарорни буюк лингвистнинг тилшуносликнинг ривожланишидаги мавқеи эътирофи тарзида баҳоламоқ даркор.

Киёсий-тарихий тилшуносликнинг дастлабки фундаментал асари ҳисобланмиш мазкур лугат¹ XI асрда Шарқий Туркистондан тортиб Кичик Осиёгача, Мовароуннаҳрдан тортиб Дашти Қипчок ва Россиягача ёстаниб ётган улкан ҳудудда истикомат қилган туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятларини атрофлича ўрганишда, ҳозирги туркий халқлар тилларининг шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади².

Маҳмуд Кошғарий асарини ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек тилига қойилмақом қилиб таржима қилишга муяссар бўлган профессор Солиҳ Муталлибов таъкидлаганидек, туркий халқлар тарихида бениҳоят қимматли обида бўлмиш бу асар луғат тарзида донг таратган бўлса-да, аслида у Марказий Осиё минтақасида яшовчи уруғлар, қабилалар, халқлар тилларининг товуш тизими, морфологик хусусиятлари, лексик бойлиги борасида зарур маълумот берувчи нодир манбадир³.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Маҳмуд Кошғарий “Девон”да нафақат туркий табақалар ва қабилалар тилларига хос умумий, муштарак, балки муайян тилларга тегишли бўлган фонетик, морфологик, лексик хусусиятларга алоҳида диққат қаратади. Ушбу жиҳа ҳозирги қардош туркий тиллар, алалхусус, ўзбек тилининг шакл иш ва тараққиёт босқичларини белгилашда алоҳида илмий аҳамиятга эга.

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Т. I-III. Таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С.М.Муталлибов. Тошкент. 1960-1963.

² Қаранг: Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчок диллекти. Тошкент. 1976; Кононов А.Н. Маҳмуд Кашгарский и его “Дивану лугат ит-турк”// Советская тюркология. 1972. № 1. С. 3-17.

³ Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Т. I. Тошкент. 1960. 29-бет.

“Турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида” (64) асар муаллифи туркларнинг аслида йигирма қабиладан иборатлиги, ҳар бир қабиланинг саноксиз уруғлари борлиги, шу боис улардан асосини, яъни она уруғларини ёзгани, шохобчаларини ташлагани, фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига босиладиган тамғаларини ҳам ёзгани хусусида маълумот келтириб, шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг номини зикр этади, турар жойларини тартиб билан кўрсатади.

“Турк тилининг хусусиятлари ҳақида” (65-66) Маҳмуд Кошғарий алоҳида тўхталиб, қайд этилган йигирма қabila тилига бирма-бир баҳо берар экан қырқыз, қыпчақ, оғуз, тухсы, йағма, чигил, ығрақ, жарук тилларининг фақат соф турк(ий)ча эканлигини, йаммак ва башғырт тилларининг буларга яқинлигини таъкидлайди. Ўғуз тилини туркий тилларнинг энгили тарзида эътироф этади.

Кузатишларимиз, луғатда турк тили (хоқония турклари тили)га оид лингвистик хусусиятларни асосан ўғуз ва кипчоқ, чигил, яғмо, тухси тилларига муқофос қилинганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат бу тилларнинг Қорахонийлар давридаги нуфуздан, мавқеидан далолат беради.

Мазкур мақолада Маҳмуд Кошғарийнинг ўғуз тили фонетикаси ва лексикасига доир хосликлар ҳақидаги қайд ҳамда таъкидларига қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқ топилди.

Шу ўринда “Девон” морфологияси туркологияда махсус тадқиқ этилганлиги, луғатдаги ўғуз ва кипчоқ тиллари материалларига йўл-йўлай бўлса-да муносабат билдирилганлигини⁴ назардан қочирмаслик зарур бўлади.

Маҳмуд Кошғарий “Тилда ва лаҳжаларда бўлган фарқлар ҳақида” (66-69) туркий тилларга доир фонетик ҳодисалар, товуш ўзгариш қонуниятларига махсус тўхталиб, ўзгаришларнинг туб сўзларда кам воқеланишини таъкидлаган ҳолда, қуйидаги жиҳатларга диққатни тортади⁵:

I. Товуш алмашиниши:

1) Турк(лар) тилида *с* билан бошланадиган от ҳамда феъллар ўғуз тилида (қипчоқ тилида ҳам) ¹ *алиф* ёки *ж* *жимга* алмашади. Чунончи, турклар “мусофир”ни йэлкин, “илиг сув”ни йылығ суw, “марварид, дур”ни йинжў, “туянинг узун юнги”ни йўғду десалар, ўғузлар элкин, ылығ суw, жинжў, жуғду тарзида номлашган. Бундай фонетик ҳодисага учраган сўзлар

⁴ Қаранг: Нигматов Х. Морфология тюркского глагола по материалам Словаря Махмуда Кашгарского. Автореф. канд. дисс. Л., 1970; Морфология языка Восточнотюркских памятников XI-XII вв. Автореф. докт. дисс. Баку. 1978; Абдуллаев Ф. “Девону луғотит турк” асарида ўғуз компонентининг ўрни масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. №.5. 51-56-бетлар; Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Тошкент. 1976. 18-26 – бетлар.

⁵ Қаранг: Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент. Ўзбекистон. 2002.38-42-бетлар; Demir N., Yilmaz E. Turk dili . El kitabı. Ankara.2003. S. 79-80.

лугатда анчагина бўлиб, фикрни турклар тилидаги “тўғри, маъкул” маъноли йэмәт лексемасининг ўғузлар тилида эмәт//эвәт, яғмо, тухси ва кипчоклар тилида эвәт тарзида номланганлигини (1, 85) ургулаш билан кифояланамиз.

2) Анлаутдаги *р мим* ҳарф (товуш)ини ўғузлар (кипчок ва суворинлар ҳам) *б* бега айлантирадилар. Масалан, турклар *мэн бардым* десалар, ўғузлар *бун бардум* дейишган. “Шўрва” маъноси турклар тилида мун, ўғузлар тилида эса бун лексемаси билан англашилган.

3) Сўз боши (анлаут)даги *т* те товушини ўғузлар *д* долга айлантирганлар. Чунончи, турклар “туя”ни тэвәй, ўғузлар дэвәй дейишган. Бу товуш алмашинуви ауслаутда ҳам содир бўлган. Яъни турклар “тешик”ни *от*, ўғузлар *од* шаклида ифодалашган.

4) Инлаутда *д* дол ҳарф (товуш)и ўғуз тилида *т* те билан алмашган. Масалан, турклар “ханжар”ни бөгдә, “жийда”ни *йигдә* десалар, ўғузлар *бөктә* ва *йиктә* дейишган.

5) Турклар тилидаги *б* бе билан *ф* ф махражлари орасидаги *ш* ш ҳарф (товуш)ини ўғузлар ҳамда уларга яқин турувчилар *з* зовга айлантирганлар. Чунончи, турклар “уй” маъносидаги лексемани эш, ва “ов”ни ифодаловчи терминни аш, “мол, тавар”ни ифодаловчи лексемани тавар десалар, ўғузлар эш, ав ва тавар тарзида талаффуз қилишган.

6) Чигил ва бошқа туркий қабилалар тилига *д* дол ва *з* зе оралиғидаги *з* (з) товуши хос бўлиб, уни яғмо, тухси, кипчок, ябақу, татар, қай, чумул ва ўғузлар беистисно й, Россия ва Рум (Кичик Осиё)га қадар тарқалган кипчок, ямак, сувар, булғорлар эса ҳар вақт *з* з тарзида талаффуз қилишган. Масалан, чигиллар тилидаги *қазың* “қайин дарахти”, *қазын* “қайнаға”, *азақ* “оёқ”, *тоз* “қуш”, *тозты* “тўйди”, *базрам* “байрам” каби лексемалар ўғуз тилида *қайың*, *қайын*, *айақ*, *той*, *тойды*, *байрам* шаклини олган.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, *з* (з)нинг *с* билан алмашилиши узок даврни ўз ичига қамраб олди. Туркий тиллар тарихида яратилган қатор асарлар ушбу белгилар орқали бир-биридан фаркланади. Хусусан, “Ўрта Осиё тафсири”, “Қисаси Рабғузий”, “Хусрав ва Ширин”, “Нахжул - фародис”, “Сирожул - қулуб”нинг *з*, “Гулистон бит-туркий”, “Муҳаббатнома”, “Муқаддиматул - адаб”нинг эса *й* тиллари манбалари хисобланиши туркологияда тан олинган⁶. Кўрилаётган *л* соний ходиса XV асрга келиб яқунланди ва *з* нинг *й* га ўтиши эски ўзг адабий тилининг дастлабки обидаси, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони тилида ўз ифодасини топди.

7) Ўғузлар ва кипчоклар анлаутдаги *қ* ҳарфини *х* билан алмаштирганлар. Турклар тилида *қайу* “қайси”, *қызым* “қизим”, *қайда*

⁶ Қаранг: Наджил Э. Историко – сравнительный словарь тюркских языков XIV века. На материале “Хосрау и Ширин” Кутба. Кн. I. М. 1979. С. 31-150.

эрдин? “Қаерда эдинг?” каби сўз ва бирикмалар хайу, хызым, ханда эрдин? шаклини олган (Ш.237-238) ва х.к.

II. Товуш тушиши:

Турклар тилида от ва феъл категориясига оид сўзларнинг ўртасида келган *ç* чим ўғуз ва қипчоқ тилларида ҳар доим туширилган. Яъни ўзақ ва аффиксдаги ундошнинг прогрессив ассимиляцияси таъсирида синкопа рўй берган⁷. Масалан, турклар “олақарға” маъносини англагувчи зоонимни **чумчук**, “томок (бўғиз)”ни **тамғақ** десалар, ўғуз ва қипчоқлар **чумук** ва **тамақ** тарзида аташган. Турклар “арқон”ни уруқ (I, 97) деб номлашса, ўғузлар урқ (I, 78) дейишган. Бунда сўз ўртасидаги *ə* *вов* товуши туширилган. “Олма” маъноси турклар тилида **алмыла** лексемаси билан англашилган. Ўғузлар *ç* ва *ʃ* ни тушириб сўзни алма тарзида қўллашган (I, 150). Турк тилидаги **чумғук** “оёқлари ва тумшуги қизил, канотлари оқ парли қарға” зоонимини ўғузлар сўздаги *g* ни тушириб **чумук** тарзида аташган. Маҳмуд Кошғарий шу жойда ўғузларнинг *g* ли отларда ёки тўрт ҳарfli *k*, *g* ли сўзларда ҳам *k* ва *g* ни туширишларини қайд этади (1,436). Ўғузлар тилида муайян сўздаги бир неча ҳарф (товуш)ни тушириб қўллаш оддий ҳол ҳисобланган, Жумладан, “қўрғошин” маъноли **қоруғжин** лексемасини улар **қошун**, **кочынар** “кўчқор” зоонимини **қоч** (1,311), турклар тилидаги “курук” маъноли **куруғ** сўзини **қур** шаклида ишлатишган (I, 134).

Товуш тушиши ходисаси феъл категориясида ҳам кузатилган. Масалан, “бараверадиган, кетаверадиган” маъносини ифодаловчи сўзни турклар **бараған**, ўғузлар эса **баран** тарзида талаффуз қилишган. (I, 69). Баъзан ўғузлар турклар тилидаги сўзнинг бир неча товушини туширганлар. Масалан, турклар тилидаги унутланды “уялди” сўзини ўғузлар **утанды** шаклида (I, 286), бндүн “тўғридан, олдиндан” сўзини **бң** (1,138) тарзида қўллашган.

Метатеза ходисасига доир баъзи фактик мисоллар ҳам Маҳмуд Кошғарий эътиборидан четда қолмаган. Масалан, “ўрилган соч” семасини ифодаловчи **бркўч** лексемаси ўғузчада **бркўк** тарзида талаффуз этилган (I, 128). Турклар тилидаги **қошны** лексемасини ўғузлар **нун** ҳарфини **шин** ҳарфидан олдин қўйиб **қоншы** тарзида қўллашган. Ҳар иккала шаклнинг ҳам мавжуд қоидага мос ва тўғрилиги луғат тузувчиси томонидан эътироф этилган (1,408).

III. Товуш орттирилиши:

а) анлаутда:

Мазкур фонетик ходисани луғат муаллифи қуйидагича таърифлайди: “Сўз боши (анлаут Х.Д.)даги ҳар бир ¹ **алиф** [унли товуши]ни хўтанликлар,

⁷ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII-IX вв. Л. 1980. С. 72.

канжаклар ҳага алмаштирадилар. Биз уларни турклардан деб ҳисобламаймиз, чунки улар туркий сўзларда йўқ товушни киритганлар. Масалан, улар ата ни **һата**, ана ни **һана** дейдилар” (I, 68). Ўғузларнинг араб тилидан ўзлашган амыр сўзининг анлаутида ҳ ни орттириб, **хамыр** шаклида талаффуз қилишлари Маҳмуд Кошғарий томонидан алоҳида таъкидланган (II, 136);

б) инлаутда:

Чигил тилида “тўпиқ” маъноси **башақ** лексемаси ёрдамида ифодаланган, ўғузлар (қипчоқлар ҳам) *мим* орттириб, уни **башмақ** шаклида қўллашган (1,358). “Чўнтақ” маъносидаги **кўчўк** лексемасини ўғузлар *нун* товуши орттириб, **кўнчяқ** тарзида қўллашган (1,444) ва ҳ.к.

Лексикага оид хусусиятлар

Маълумки, “Девон” лексикаси турфа бўлиб, унда илк эски туркий тил даврининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, диний, маиший ҳаётини акс эттирувчи сўз бойлиги ўз ифодасини топган. Луғатдан ўрин олган лексик бирликларнинг аксарияти ўша замонда ҳаёт кечирган туркий қабилаларнинг барчасига муштарак бўлган. Айни чоғда ҳамма туркийлар учун умумий ҳисобланган лексемалар қатори, муайян тилга хос бўлган сўзлар, истилоҳлар ҳам мавжуд бўлган. Бор фарқларни кўрсатишни Мағмуд Кошғарий мохирлик билан амалга оширган. Турклар ва ўғузлар тилидаги номутаносиб лексемаларни қуйидагича гуруҳлаш ўзини оқлайди деб ҳисоблаймиз:

1. Айни лексик бирлик турли маъно-мазмунни англатади. Масалан, **ағыл** лексемасини турклар “оғил” маъносида ишлатишган бўлса, ўғузлар “қўйнинг қийи” семасида қўллашган (I, 103). **Курт** сўзи турклар тилида “курт”, фақат ўғузлар тилида “бўри” маъносида истеъмомда бўлган (I, 328). Турклар “юмшок ер” семаси учун **қайыр** лексемасидан истифода этишган. Ўғузлар бу лексемани “қум” маъносида қўллашган (III, 180). Турклар тилида **кэнд** ўзлашмаси “шаҳар, вилоят”ни ифодалаш мақсадида ишлатилган. Ўғузлар тилида мазкур термин “қишлоқ”ни англатган (I, 330). **Ашлық** ясамаси турклар тилида “ошхона” маъносини билдирса, ўғузлар уни “бугдой”ни ифодалаш учун қўллашган (I, 137). Турклар тилида “сўнгги маъно” **бугдай** (III, 258) лексемаси қатори ўғузлар тилида “тарик” семасини ифодаловчи **тарық** ясамаси билан англашилган (I, 354). “Тарик” семасини билдириш учун турклар **ўгўр** (I, 88) ва **қонақ** лексемасидан фойдаланганлар (I, 364). Маҳмуд Кошғарий таъкидига кўра **ўгўр** лексемаси ўғузлар учун нотаниш бўлган (I, 88). Бироқ луғатнинг шу саҳифасида ўғузлар “кунжут”ни **йағ үғұры** релятив изофали бирикма билан аташлари қайд этилган.

Турклар қара қуш бирикмасини ҳам “бургут”, ҳам “Муштарий юлдузи (сайёраси)”ни ифодалаш учун қўллашса, ўғузлар “туя оёқларининг учи”ни шу бирлик билан номлашган (I, 319) ва ҳ.к.

2. Аини маъно-мазмун турли лексик бирликлар билан англашилади. Масалан, “Ёй идиши, садок” маъноси турклар тилида йасық термини билан ифодаланган. Ўғуз ва кипчоқлар бу истилоҳ ўрнида қурман лексик бирлигини қўллаганлар (III, 24). XIV аср Хоразм манбаларидан Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонида термин қурбан фонетик шаклида ишлатилган (XIII, 20a20). Мазкур шаклда истилоҳ эски ўзбек тилида, хусусан, Алишер Навоий ва Муҳаммад Солиҳ асариде кузатилади⁸. Кейинчалик бу термин мўғулча сагда// сагдақ ўзлашмасининг фаоллашуви оқибатида архаиклашган.

“Рахбар, йўлбошчи, йўлчи” маъносини ўғузлар чүфра (I, 400), турклар эса қулабүз (I, 44 а) термини билан аташган. Охирги лексик бирлик қулавүз шаклида кейинги давр манбаларида қўлланишда давом этган. Эски ўзбек тилида у ўрнини мўғулча ғажарчы // қачарчы ўзлашмасига бўшатиб берган.

“Хон муҳри” маъносидаги туғдаг терминининг ўғуз тилига хослигини қайд этган “Девон” муаллифи уни нафақат турклар, чунончи ўзи ҳам билмаслигини эътироф этган (I, 430). Турклар зикр этилган маънони тамға истилоҳи билан ифодалашган (I, 400). Эски ўзбек адабий тили, хусусан, Алишер Навоий асарларида ҳар икки термин қўлланишда бўлган. Биринчи истилоҳ туғра фонетик шаклида “сарлавҳа, хат бошидаги муҳр”, иккинчи термин эса “муҳр, тамға” маъносини ифодалаган.

Ранг-тус билдирувчи ак сифати ўғуз тилига оид бўлиб, турклар унинг ўрнида ўрўн лексемасини қўлашган. Кейинги давр манбаларида ак лексемасининг мавқеи кўтарилган ва у маънодошини истеъмолдан сиқиб чиқарган. Бугунги кунда ўзбек тилида кенг қўлланувчи ак сақал “ок соқол, ҳурматли одам” (I, 109) сўз бирикмаси луғатда ўғуз тилига хос деб кўрсатилган. Савчы (III, 445) лексемаси “совчи” маъноси билан турклар тилида фаол қўлланган. Ўғузлар унинг ўрнида йазыгчы (III, 66) дериватини ишлатишган.

“Қоғоз ёки бошқа материал юзига бирор белги туширмақ” семемаси турк -лар тилида бити=, ўғуз тилида эса йаз= феъли билан ифодаланган. Кейинги давр обидалари тилида ҳар икки ҳаракат феъли қўлланишда бўлаверган. “Асал” маъноси суворин ва кипчоқлар тилида бал лексемаси билан ифодаланган бўлса (III, 171), турклар ва ўғузлар ушбу семани ары йағы релятив изофа билан номлашган (III, 171).

⁸ Қўранг: Далабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент. Фан. 1990. С. 62.

3. Айни маъно-мазмун ёки нарса-предметнинг ўз ва ўзлашган қатламга оид лексемалар билан англашилиши.

“Бет-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун ва ингичка жўмракли, бўғзи тор идиш” семемаси турклар тилида қумған (I, 400) ва кўнйак (I, 377) сўзлари билан ифодаланса, ўғузлар тилида форс-тожик тилидан ўзлашган автаба (I, 373) лексемаси ёрдамида ифодаланган.

“Бўйин тумор” маъносини турклар бақан (I, 379) лексемаси билан номлашган. Ўғузлар мазкур маънони асосан арабча килада ўзлашмасининг қалыда шаклига юклашган (I, 406). Айни чоғда ўғузлар таҳлил этилаётган маънони битиг (I, 366) ясамаси билан ҳам ифодалашганини таъкидлаш лозим бўлади.

4. Муайян лексик бирлик у ёки бу тилда умумий (интеграл) ёхуд хусусий (дифференциал) маъно ифодалаши билан фаркланади. Масалан, туркийлар тилида “одамлар орасидаги шодлик, байрам” маъноси базрам сўзи билан ифодаланган. Ўғузлар бу сўзни байрам фонетик шаклида фақат “ҳайит куни”ни англатиш учун қўллаганлар (I, 447). Ўғузлар ҳар қандай байтални номлаш мақсадида қысрак зоонимидан фойдаланганлар, турклар бу лексик бирликни фақат ёш байталга нисбатан ишлатишган (I, 439).

Турклар тилида “ялков, дангаса” маъноси йатук деривати билан очилган. Ўғузлар тилида ушбу лексема “ўз шаҳридан бошка ерга чиқмайдиган, жанг қилмовчи”ни англатган (III, 22). Турклар “ёғ (уруғ ва ўсимлик ёғи)” маъносини ифодалаш учун йағ лексемасидан истифода этишган, ўғузлар тилида бу лексик бирлик фақат “чарви”ни англатган (III.175).

5. Турк тилида мавжуд бўлган, лекин ўғузлар тилида қўлланилмаган лексик бирликлар ҳам Маҳмуд Кошғарий эътиборидан четда қолмаган, Масалан, турклар тилида “ўқдон” маъноси кэш термини билан очилган. Луғат тузувчининг фикрига кўра, “ўғузлар ва ўғузларнинг биродари бўлган қипчоқлар бу сўзни билмайдилар” (III.140). Ушбу қайддан ўғузлар ва қипчоқларда “ўқдон” тушунчаси йўқ экан-да деган фикр туғулмаслиги лозим. Айни шундай мулоҳазани “аскарларнинг турур жойи” маносидаги той лексемаси иштирокида ҳосил қилинган хан той аморф изофали бирикмасининг турклар тилида “хоннинг аскаргоҳи” маъносини англатиши, бу терминни ўғузлар билмаслиги хусуси аги таъкид ҳақида ҳам билдириш мумкин. Бунга ўхшаш жиҳатлар луғат анчагина, уларнинг барчасига мазкур мақолада тўхталишнинг имкони йўқ.

Хуллас, таваллудининг 1000 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланаётган буюк Маҳмуд Кошғарий саъи ҳаракати эвазига дунё юзини кўрган “Девону луғотит турк” асарини бугунги замонавий талаблар нуктаи назаридан атрофлича тадқиқ этиш ўзбек туркологлари олдида турган долзарб масалалар сирасидан ўрин олмоғи мақсадга мувофиқдир.

«Девону луғотит турк» асарининг Ўзбекистонда ўрганилиши

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарининг Туркияда топилиши туркология тарихидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Асарнинг 1915-1917 йиллари Истанбулда чоп этилиши уни ўрганишга бўлган қизиқишни кучайтирди ва туркийшуносликнинг турли марказларида асарни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар яратилишига асос бўлди.

Маҳмуд Кошғарий фаолияти, «Девон»да акс этган тил, адабиёт, тарих, этнография, тиббиёт, география, маданият ва бошқа масалаларга оид юзлаб тадқиқотлар юзага келди. «Девон» турк, ўзбек, уйғур, озарбайжон, козок, инглиз, немис, рус ва эрон тилларига таржима қилинди.

Асар устида тадқиқот олиб борган немис олими К. Брокельманн, турк олимларидан Кўпрулузода, Н.Осим, Ф. Биртек, М.Ш.Улкуташир, А.Жафер ўғли, рус олимларидан В.В.Бартольд, С.Е.Малов, Т.А.Боровкова, И.В.Стеблева, А.Н.Кононов, татар олимларидан Ж.Валидов ва А.М.Қиримли кабиларнинг ишлари диққатга сазовордир. Шунингдек, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон олимлари томонидан ҳам «Девон» бўйича аҳамиятли ишлар амалга оширилди.

«Девон» билан шуғулланган атоқли олимлар қаторида ўзбек туркийшуносларининг ҳам муносиб ўрни бор. Ўзбекистон тарихи, маданияти, географияси, тиббиёти, ўзбек тили, адабиёти, фольклори, шевалари каби қатор масалалар тарихи ва шаклланиш босқичлари ўрганилганда бевосита «Девон»даги материалларга мурожаат қилинади. Бугунги кунда ўзбек мактаблари, коллеж ва лицейлари, олий ўқув юртлари қўлланма ва дарсликлари «Девон»даги материалларидан фойдаланиб тузилган[8; 21; 22; 34].

Энди Ўзбекистонда «Девон» бўйича амалга оширилган илмий ишларга тўхталадиган бўлсак, бу борадаги тадқиқотлар тарихини ўрганишда муҳим бўлган муаллифи номаълум бир асар хусусида мулоҳаза билдириш лозим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида 5046/1 инвентар рақамли «Девону луғат сўзлари учун фикраст» сарлавҳаси остида бир қўлёзма сақланмоқда. У 231 саҳифадан иборат бўлиб, оддий дафтарга кизил ва қўқ сиёҳларда ёзилган. Қўлёзмада «Девон»нинг арабча нашридаги 6500 тача туркий сўз алифбо асосида кўчириб ёзилган, ҳар бир сўз қайси жилдда, саҳифада эканлиги кўрсатилган. Арабча нашрнинг биринчи жилдидаги сўзлар дафтарнинг 1-57, 65-74 саҳифаларида, иккинчи жилддаги сўзлар 59-62, 74-83 саҳифаларда, учинчи жилддаги сўзлар эса 62-66 ва 83 саҳифалардан кейинги бетларда берилган. «Девон»

тадқиқотчиларидан Х.Хасановнинг фикрича, бу кўрсаткич 1924-1925 йилларда тузилган[35.18]. Агар шу сана илмда эътироф этиладиган бўлса, бу кўлёзма туркийшуносликда «Девон» бўйича тузилган дастлабки индекс-путат кўлёмаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда «Девон» билан шугулланган биринчи олим Абдурауф Фитрат ҳисобланади. Унинг «Девон» бўйича яратган тадқиқотлари, кузатишларини нафақат ўзбек илмида, балки туркийшуносликдаги энг муҳим ишлардан деб баҳолаш мумкин.

Мисолларга мурожаат этайлик. Фитрат «Сарф» асарида «Девон» тили «Кутадугу билиг», «Ҳибатул- ҳақойик» асарлари ва Аҳмад Яссавий ҳикматлари тили билан жуда яқин бўлиб, кейинчалик чигатой тили деб номланган тилга асос бўлганлигини қайд этган [23.6-9]. «Ўзбек адабиёти намуналари» номли мажмуасида «Девон»даги шеърий парчалардан намуналар бериб, уларни ҳозирги ўзбек тилига уйғунлаштирган, тушуналиши қийин бўлган сўзларни изоҳлаган[25.26-33, 68-70].

Фитратнинг «Девон» бўйича амалга оширилган муҳим ишларидан бири «Энг эски турк адабиёти намуналари» асаридир. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида 4 қаторли, иккинчи қисмида 2 қаторли шеърлар берилган, учинчи қисмда эса баъзи сўзлар, сўзларнинг грамматик хусусиятлари изоҳланган. Шеърий парчалардаги сўзлар «Кутадугу билиг», «Ҳибатул -ҳақойик», «Муқаддиматул -адаб» ва эски ўзбек тилининг муайян асарларидаги сўзлар билан қиёсланган.

Маълумки, туркий тилларнинг таснифи масаласи ҳозиргача туркологиядаги муаммоли масалалардан бири сифатида қолмоқда. Ҳозиргача туркий тилларнинг бир неча таснифлари яратилган бўлса-да, Маҳмуд Кошғарий томонидан амалга оширилган тасниф қайсидир жиҳатлари билан бу кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Фитрат «Энг эски турк адабиёти намуналари» асарининг «Бир-икки сўз» деб номланган Сўзбошисида туркий тилларнинг тасниф масалаларига, хусусан, В.Радлов ва А.Самойлович таснифларига тўхталган. Маҳмуд Кошғарий томонидан қилинган тасниф кейинги таснифларда тўлалигича айнан олинмаса ҳам, асос сифатида келтирилишини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Фитрат Туркияда «Девон» бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларга, хусусан, Н.Осим ва Кўпрулузода ишларига ҳам муносабат билдирган. Кўпрулузоданинг «Турк адабиётининг маншай» мақоласидаги фикрлар билан мунозарага киришган. Кўпрулузода «Девон»даги шеърий парчаларнинг вазн, қофия ва мавзусига асосланиб, асарда тўртта - «Алп эр тўнга» марсияси, «Ябаку» қабиласи билан боғлиқ бир воқеа марсияси, кимга бағишлангани номаълум бўлган учинчи марсия, Танкут амирига бағишланган марсия борлигини қайд этган. Фитрат эса «Девон»да икки марсия мавжуд деган, фикрни билдирган. Кўпрулузоданинг фикрича, «Алп эр тўнга» марсияси ўн икки парчадан иборат. Фитрат фикрига кўра эса

«Алп эр тўнга» марсиясида ўнта парча мавжуд. Иккинчи жилднинг 105 саҳифасидаги

jўgурдi k w l at

Чакiлдi кiзiл от

Кўjурдi арут от

Сачраб  nin органур.

(Душман отини таърифлайди: учар от чопганда, туёқларидан ўтлар чакнади. Ундан чакнаган олов (сахро) хашакларини куйдириб юборди)

парчаси вазн, қофия ва мавзу жиҳатидан «Алп эр тўнга» марсиясига мос тушмайди. Биринчи жилднинг 91- бетидаги билан учинчи жилднинг 31- бетидаги парчалар бир хилдир.

Фитрат «Девон»да келтирилган шеърий парчаларни исломдан олдинги давр адабиёти намуналари сифатида баҳолаган.

Бундан ташқари, 20-йилларнинг ўрталаридан маҳаллий халқларни ўз тарихидан, тилидан узиб қўйишга ҳаракатлар бошланган эди. Фитрат ва унинг атрофидаги зиёлилар эса ўзбек халқи ва тилининг тарихини жуда қадимги даврларга бориб тақалишини ўз ишларида бериб боришга ҳаракат қилдилар. Фитрат «Энг эски турк адабиёти намуналари» асарининг Сўзбошисида шундай ёзади: «Сарф»имнинг бошланғичида ёзганим каби хоқоний туркчаси ёки, туркча аталган мана шу адабий шеванинг беш аср кейинги шакли чигатойчадир... Бу шеванинг энг эски намуналарини бизга «Девону луғатит турк» китоби берадир» [24].

Фитратдан кейин «Девон» билан астойдил шуғулланган забардаст олимлардан бири С. Муталлибов ҳисобланади. Олим «Девон»ни ўзбек тилига таржима этди [12]. Бу таржима кўплаб тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилди. 1967 йилда асарининг «Индекс-луғат» и тузилиб [9], унинг охирида «Киши номлари» (387-391), «Халқ, уруғ ва қабила номлари» (391-397), «Шаҳар ва қишлоқ номлари» (397-401), «Мамлакат, вилоят, водий, дара, яйлов, жарлик, тепалик, доvon ва йўл номлари» (401-404), «Денгиз, кўл, дарё, сой номлари» (404-405), «Планета, юлдуз ва фасл номлари» (405) шунингдек, Қ. Маҳмудов томонидан тузилган «Грамматик кўрсаткич» (406-476) [14], Ғ. Абдурахмонов ва Ш. Шукуровлар томонидан тайёрланган «ХI аср эски турк тилининг грамматик очерки» (477-525-бетлар) берилган. «Индекс-луғат» нинг 529-541-бетларида «Девон»даги мақол ва маталлар илова қилинган.

С.Муталлибов «Девон» материаллари асосида «ХI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси», «Морфология ва лексикадан қисқача очерк» каби рисолаларини, кўплаб мақолаларини чоп эттирди [15; 16; 40]. «Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари» мавзусидаги докторлик диссертациясини химоя қилди [39].

А.Рустамов Миллат кутубхонасида сақланаётган «Девон» кўл ёзмасининг микрофилми ва 1915-1917 йилларда Истанбулда чоп

тинган арабча нусха асосида асарни рус тилига таржима килди. Таржима арабчида Килисли Рифат асарни нашр этишда, Бесим Аталай ва С. Муталибовлар таржима қилишда йўл кўйган камчиликларни аниқлади [45].

«Девон» нинг ўзбек тилида чоп этилиши ва тадқиқ этилишида Г. Абдурахмоновнинг хизматлари ҳам катта бўлди. Олим «Девон»ни ва «Девон» индекс-луғатини таҳрир килди, асарнинг грамматик хусусиятларини, фонетикасини ўрганди [2, 3; 4; 5].

Ўзбек олимлари томонидан «Девон» тилининг ўзбек шеваларига шукоси [1; 6; 7; 11; 18], фонетик ходисалар [4; 13], айрим соҳалар терминлари [10; 36], туркий тилларнинг таснифи [17; 57; 41; 43], «Девон»даги уйғур ёзуви ҳақидаги маълумотлар [20], нутқ феъллари [33; 37], асар нашри ва ноширлари [27; 50], қадимги туркийлар поэзияси [47], асарнинг топилиши, таржималари ва ўрганилиши [28; 29; 30; 31; 53] каби мисалалар ўрганилди.

Географ олим Х. Ҳасанов Махмуд Кошғарийнинг географияга оид қарашларини чуқур ўрганиб, қатор мақолалар эълон этди [48; 49]. Махмуд Кошғарийнинг ҳаёти ва фаолияти, географик мероси ҳақидаги китобини ёзди [35].

«Девон» ёзилганлигининг 900 йиллиги муносабати билан 1972 йили Фарғонада жуда катта анжуман ўтказилди [52]. Шу йили Қарши Давлат педагогика институтининг XI илмий-назарий конференцияси ҳам Махмуд Кошғарий ҳаёти ва ижодий меъросини ўрганишга бағишланди [38].

Ўзбекистонлик олимлар бугунги кунда «Девон» материалларини янгича нуқтаи назардан талқин қилишга қаратилган тадқиқотлар яратиб, халқаро анжуманларда ҳам фаол иштирок этмокдалар. Масалан, Э. Фозилов («Kâşgarlı Mahmud'un Divanu Lügati't Türk Eserinin Almanca, Türkçe, Özbekçe, Uygurca, İngilizce, Farsça, Kazakça: Azerice ve Rusça Tercümelelerinin Karşılaştırılması Üzerinde»), Х. Дадабоев («Divanu Lügati't Türk'te Kadın Cinsini İfadeleşi Leksemeler»), Х. Болтабоев («Kâşgarlı Mahmud'un Divanu Lügati't Türk Eserinin Fitret Tarafınca İncelemesi»), Б. Юсупов («Divanu Lügati't Türk'te Enantiosemyeler»), А. Тиловов («Kâşgarlı Mahmud'un Divanu Lügati't Türk Eserinde Atla İlgili İnançlarve Terimler»), Ж. Худойбердиев («Divanu Lügati't Türk Eserinin Özbekistan'da İncelemesi») каби олимлар ўз маърузалари билан 2008 йил 20-25 октябрда Анкара шаҳрида бўлиб ўтган Турк тили қурумнининг халқаро конференциясида иштирок этдилар.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Ф. «Девону луғотит турк» асарида ўғуз компонентининг ўрни масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971, № 5, 51-56-бетлар.

2. Абдурахмонов Ғ. Маҳмуд Кошғарий туркий уруғларнинг жойлашиши ва баъзи тил хусусиятлари хақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. Тошкент. 2005. 23-26-бетлар.
3. Абдурахмонов Ғ. Равишдош тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5. 45-50-бетлар.
4. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили фонетикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963. № 2, 30-36-бетлар.
5. Абдурахмонов Ғ. Шукуров Ш. XI аср эски турк тилининг грамматик очерки // Девону луғотит турк, Индекс-луғат. Тошкент. 1967. 277-525-бетлар.
6. Алиев А. «Кутадуғу билиг» ва «Девону луғотит турк»нинг Наманган шеваларига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. № 1. 35-37-бетлар.
7. Алиев А. «Девону луғотит турк»даги айрим аффиксларнинг Наманган группа шеваларида қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971, № 5, 68-70-бетлар.
8. Алиев А., Қ.Содиқов. Ўзбек адабий тили тарихидан. Тошкент. 1994. 70-73, 89-95-бетлар.
9. Девону луғотит турк, Индекс-луғат. Тошкент. 1967.
10. Иброҳимов С., Асомуддинова М. XI асрдаги туркий тилларда касб-хунар атамалари ва уларнинг «Девону луғотит турк»да акс этиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5. 57-62-бетлар.
11. Ишаев А. «Девону луғотит турк» ва ўзбек шевалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5, 63-67-бетлар.
12. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи. С.М.Муталлибов. I-Ш. Тошкент. 1960, 1963.
13. Маҳмудов Қ. «Девону луғотит турк» ва «Тафсир» тилида айрим ундошлар ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. № 5. 46-49-бетлар.
14. Маҳмудов Қ. Грамматик кўрсаткич. // Девону луғотит турк, Индекс-луғат. Тошкент 1967. 406-476-бетлар.
15. Муталлибов С. XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари // Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи. С.М.Муталлибов. Тошкент. Т. I. 1960. 7-39-бетлар.
16. Муталлибов С. «Девону луғотит турк» ва унинг таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5. 40-44-бетлар.
17. Неъматов Х. XI асрдаги туркий тилларнинг Маҳмуд Кошғарий томонидан қилинган таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1969. № 4. 51-54-бетлар.
18. Содиқов Қ. Маҳмуд Кошғарий туркий диалектлар хақида // Адабий мерос. 1989. № 4(50). 60-65-бетлар.

19. Содиқов Қ. Маҳмуд Кошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва счимлари. Тошкент. 2005. 1-14-бетлар.
20. Содиқов Қ. Маҳмуд Кошғарий уйғур ёзуви ҳақида // Адабий мерос. 1986. № 3(37). 41-45-бетлар.
21. Гурсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент. 1982.
22. Гурсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1995.
23. Фитрат. Сарф. 5 нашри. Самарқанд-Тошкент. 1927.
24. Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Самарқанд. 1927
25. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Самарқанд. 1928.
26. Фозилов Э. Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девон»и // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5. 34-39-бетлар.
27. Фозилов Э. Шарқнинг машхур филологлари. Тошкент. 1971.
28. Худойбердиев Ж. «Девону лугатит турк»нинг топилиши // Миллий тикланиш. 1998 йил 24 ноябрь.
29. Худойбердиев Ж. «Девону лугатит турк» қачон топилган? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2006 йил 24 февраль.
30. Худойбердиев Ж. «Девону лугатит турк»нинг топилиш санаси ҳақида // ЎЗМУ хабарлари. 2006. № 3. 50-52-бетлар.
31. Худойбердиев Ж. «Девону лугатит турк»: топилиши, таржималари ва ўрганилиши // Туркология масалалари. 1. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент. 2006. 60-65-бетлар.
32. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент. 2001.
33. Кўчқортоев И. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» асаридagi нутқ феъллари // ТошДУ илмий асарлари. 412-сон. Тошкент. 1971.
34. Кўчқортоев И., Исабеков Б. Туркий филологияга кириш. Тошкент. 1984.
35. Ҳасанов Х. Маҳмуд Кошғарий. Тошкент, 1963.
36. Ибрагимов С., Асамуддинова М. Отражение профессиональной терминологии в «Дивану лугат-ит-турк» и «Кутадгу билиг» // СТ. 1972. № 1. С. 114-122.
37. Кучкартаев И. Лексика «Дивану лугат-ит-турк» Махмуда Кашгари и современный узбекский литературный язык // СТ. 1972, № 1. стр. 83-90.
38. Материалы предстоящей XI научно-теоретической конференции профессорско-преподавательского состава Каршинского Госпединститута (сентябрь 1972). Карши 1972.
39. Муталлибов С.М. «Дивану лугат ит-турк» Махмуда Кашгарского (перевод, комментарии, исследования), Автореф. док. дисс. Ташкент. 1967.
40. Муталлибов С.М. Махмуд Кашгарский // Вопросы методов изучения истории тюркских языков. Ашхаба. 1961. С. 109-112.

41. Нигматов Х. Махмуд Кашгарский о тюркских диалектах XI в. // VI региональная конференция диалектологов. Тезисы. Ташкент. 1970.
42. Нигматов Х. Отименное основообразование тюркского глагола в XI веке // СТ. 1971. № 3. С. 34-36.
43. Нигматов Х. О классификации тюркских племенных языков Махмудом Кашгарском // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. Л., 1969 С. 144-147.
44. Нигматов Х.Г. Некоторые особенности тюркских авторских примеров в «Диване» Махмуда Кашгари // СТ. 1971. № 1. С. 100-102.
45. Рустамов А. О переводе «Дивану лугат ит-турк» Махмуда Кашгари на русский язык // СТ. 1972. № 1. С. 129-139.
46. Рустамов А. Махмуда Кашгарский о славах с звуковой оболочкой qaq // Turcolociga. К семидесятилетию академика А.Н.Кононова. Л., 1976. С. 146-149.
47. Хайитметов А. О древней поэзии тюрков (по материалам «Девону лугат-ит-турк» Махмуда Кашгари) // СТ. 1972. № 1. С. 123-128.
48. Хасанов Х. Среднеазиатский филолог-географ XI века // Известия Узбекистанского филиала Всесоюзного Географического общества. т. V. Ташкент, 1960, стр. 91-100.
49. Хасанов Х. Ценный источник по топонимике Средней и Центральной Азии // Топонимика Востока. М. 1962. С. 31-36.
50. Фазылов Э.И. Об изданиях и издателях «Дивана» Махмуда Кашгари // СТ. 1972. № 1. С. 140-149.
51. Фазылов Э.И. Первый тюркологический съезд в Анкаре // СТ. 1971. № 1. С. 131-136.
52. Фазылов Э.И., Данилова Л.В. Всесоюзная Тюркологическая конференция, посвященная 900-летию труда Махмуда Кашгарии «Дивану лугат-ит-тюрк» // СТ. 1972. № 1. С. 151-155.
53. Hidayberdiyev "Divanü Lugati't-Türk"ün bulunuş tarihi. I Uluslararası türk dünyasi kültür kurultayı 9-15 Nisan 2006, Çeşme-İzmir, Bildiri kitabı-III, Ankara. 2007. s. 1091-1093.

Г.Шукурова
ЎЗМУ

“Девону луғотит турк”да устки кийимни ифодаловчи лексемалар парадигмаси

Этти мингдан зиёд турфа лексик бирликларни камраб олган Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари Қорахонийлар даври илк эски туркий тил хусусиятларини ўзида тўла-тўқис акс эттирувчи ноёб манбалиги билан алохида қимматга эгадир. Луғат сўз хазинасида

интимоний, иктисодий, сиёсий, маданий турмуш тарзига оид лексемалар қатори маиший ҳаёт инъикосини ўзида ифодалаган лексик бирликлар ҳам мумкинсам этган.

Кузатишларимиз “Девон”да 400 атрофида маиший лексемаларнинг ифодаланишида бўлганлигидан далолат беради. Асарда мавжуд маиший лексикани бир нечта мавзуий гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил этиш ташаббуқи қилинади. Мазкур мақолада луғатдан ўрин олган ва устки кийим турларини англатувчи лексик бирликлар ва уларнинг ўзбек, турк ва қозок тилларига муносабати ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Урғулаш лозимки, умуман “кийим” интеграл семаси луғатда кэз= “киймок” феълидан ҳосил қилинган кэзгү ясамаси билан ифодаланган (I, 405). Шу ўринда ушбу лексеманинг илк бор қадимги туркий тилга оид турфон матнларида “кийим” маъносини билдирган кэдгү тонанғу жуфт сўзи таркибида (ДТС, 293), шунингдек “Қутадғу билиг” тилида ҳам ишлатилганини (ДТС, 294) эътироф этиш керак бўлади. Айни чоғда бугунги ўзбек тилидаги кийим сўзининг кэдим, кэзим, кэйим фонетик шакллари Юсуф Хос Ҳожиб асарида ҳамда Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойик”ида қўлланган (ДТС, 293-295), бироқ мазкур лексиканинг “Девон”да қайд этмаганини таъкидлаш керак. Таҳлил этилаётган умумлаштирувчи сема “Девон”да яна тон лексемаси билан ишлатилган: опрак тон “сузилган, эскирган кийим” (I, 140). Ушбу сўз луғатда шунингдек “тўн” маъносини англатганлигига ҳам мисол мавжуд (III, 151). Бу жиҳат XI асрдан тон лексемасининг фарқловчи семаси шакллана бошлаганлигини кўрсатади. Гарчи, дастлабки умумлаштирувчи сема кейинги асрлар манбалари тилида ҳам етакчилик қилган бўлса-да. “Қалпоқ, бош кийими” маъноси “Девон”да бери=, бүрү= “беркитмок, ёнмок, ўрамок” феълидан ясалган (ЭСС, II, 222) бөрк сўзи билан ифодаланган: татсыз түрк болмас, башсыз бөрк болмас (I, 333). Умумтуркий характердаги бу лексеманинг пайдо бўлиши XI аср илк эски туркий тил даврига тўғри келади. Зеро, у қадимги туркий тил битигларида мавжуд эмас. Уни биз дастлаб “Девон” қатори “Қутадғу билиг” ва кейинроқ “Ҳибатул-хақойик”да учратамиз.

Махмуд Кошғарий бөрк нинг бир нечта турларини луғатда номмапом келтиради. Жумладан, “узун, майин, оқ эчки юнгидан қилинган оқ қалпоқ” семаси қыймач бөрк сўз бирикмаси билан ифодаланган. Қалпоқнинг ўзига хос турини билдирувчи бу сўз бирикмаси чигиллар тилига хос бўлган (III, 190). “Қайтарма қалпоқ” қөтүрмэ бөрк (I, 452), “узун (учли) қалпоқ” эса сукарлач бөрк (I, 454) сўз бирикмалари ёрдамида ифодаланган. Кези келганда қалпоқ ва унинг ранг-баранг хилларини тикувчи қалпоқчининг луғатда бөркчи (I, 62) ясамаси билан аталганини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Бөрк лексемаси ҳозирги қариндош туркий тилларда турли фонетик шиклларда ва маъноларда ўз аксини

1929



топган. Хусусан, ўзбек тилида бўрк “кишлик қалпоқ, телпак” (ЎТИЛ, I, 164), козок тили ва диалектларида берік “юпқа юнгдан қилинган қалпоқ”, турк тилида vörük “бош кийими”, “рўмол” маъносини ифодалашда давом этмоқда (ЭСС, II, 222). Ўзбек тилининг Хоразм шеvasида бўрк сўзининг шунингдек “ёпинчик” маъноси ҳам воқеланади. Демак, “рўмол” ва “ёпинчик” иккиламчи маънолар кўрилагаётган лексеманинг бирламчи (дастлабки) маъноси негизида шаклланган ва уларни “бош ва бадан учун ёпинчик” семаси бирлаштиради.

Чўпонлар томонидан ёмғир ва қордан сақланиш мақсадида ёпиниладиган ёпинчик “Девон”да йап= “ёпмок, беркитмок” феъли асосида ясалган йаптач деривати билан ифодаланган (III, 45). Мазкур лексема ўзга бирорта обида тилида қўлланган эмас.

Икки энги калта (қиска) кийим тури қулок тон бирикмаси билан англашилган (I, 365). “Қулок” маъноли қулак анатомик терминига омоним ҳисобланмиш қулак лексемасининг этимологиясини қиска энгларнинг икки томондан осилиб туришининг инсон қулоғига ташбех қилиниши нуқтаи назаридан белгилаш керакка ўхшайди. Ҳозирги ўзбек тилида “енгсиз, энги калта кийим тури, русча жилетка” (ЎТИЛ, I, 279), французча камзул (ЎТИЛ, I, 364) ва ўзбекча нимча (ЎТИЛ, I, 503) сўзлари билан ифодаланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, “камзул, калта пахталик тўн” маъносини англаувчи бэртү лексемаси “Девон”нинг Бесим Аталай нашрида қайд этилади (ДТС.96). С.Муталлибов нашрида бу сўздан ҳосил қилинган ва “калта пахтали тўнлик бўлмок” маъносини билдирувчи бэртлән= феъли қайд этилган (Ш.217). “Калта устки кийим” маъноси “Девон”да “қуллар кийими, жунли ёпинчик”ни англаувчи чэкрэк қапа бирикмаси таркибидаги чэкрэк ясамаси ёрдамида ифодаланган (ДТС., 143). Мазкур лексема эски ўзбек адабий тилидаги чэкмән, ўзбек тилидаги чакмон (ЎТИЛ.П.350), турк тилидаги секмен “калта устки кийим; кенг шалвор” (ТРСл, 178) сўзларига уядош ҳисобланади.

“Ич кийим, иштон” маъносининг Турфон матнларида ич тон бирикмаси билан англашилиши ДТСда ўз аксини топган (201). Лекин бу сўз бирикмаси “Девон”да мавжуд эмас. Ушбу ҳолдиси илк эски туркий тилда сўз бирикмаси ифодалаган маъно (тушунча)нинг мавжуд бўлмаганлигини мутлақо англамайди. Зеро, ҳозирги ўзбек тилида “тананинг белдан пастки қисмига кийиладиган, узун икки почали ички кийим, лозим” семемасини (ЎТИЛ, I, 345) ифодаловчи иштон лексемаси биз кўраётган бирикманинг фонетик шаклидир. Таҳлилга тортилган бирикманинг маънодоши өм лексемаси “иштон” маъносида Маҳмуд Кошғарий асарида зикр этилган бўлиб – өгүнгүчи өминдө артатур “Мактанчоқ иштонини булғаб қўяди” (1,74), унинг кейинги қўлланиши

уйгур хатида битилган XIII асрга оид юридик ҳужжатлар матнида кузатилади (ДТС,384). Ўзга манбаларда бу лексема учрамайди.

“Ичдан боғланадиган белбоғ” семаси илк эски туркий тилда, хусусан, “Девон”да ич қур изофали бирикма билан ифодаланган (I,71). Ич лексемаси билан синтагматик муносабатга киришган қур туб сўзи “белбоғ” маъносида илк марта Турфон матнлари тилида кўзга ташланади (ДТС,466). “Девон” муаллифи бу сўзнинг “белбоғ, камар” маъносини билдиришини қайдлайди (I,314). Айни шу маънода лексик бирлик “Қутадғу билиг”да ҳам қўлланган (ДТС,466). Шу ўринда қур лексемасининг Кодек куманикус, Ат-тухфа, Китобул-идрок, Нахжул-фародис, Хусрав ва Ширин сингари эски туркий тил манбалари (СУЯ, П,645-646), Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асрида “белбоғ, камар” маъносида фаол қўлланганини таъкидлаш ўринли. Навойнинг “Ҳайратул-аюроқ” достонини матнида таҳлил этилаётган лексема “ўрама боғ” маъносида ишлатилган (НАЛ,745). Ҳозирги ўзбек тилида қур сўзи ифодалаган маънолар белбоғ (ЎТИЛ,1,99) ҳамда форсча-тожикча камар (ЎТИЛ,1,363) сўзлари билан англашилади.

Луғатда олмахон, кундуз каби майда мўйнали ҳайвонлар терисидан тикилган пўстин ичүк ясамаси билан номланган. Ўзга бирорта манбада бу сўз қайд этилмайди. Қозок тилида у ышық “мўйнали пўстин”. Жанубий Қозоғистон ўзбек шеваларида ичик “ичи юнгли нимча” (ЭСС,1,393) шаклларида қўлланиб келмоқда. “Девон”да ичмәклән- “қўзи терисидан тикилган пўстинни киймоқ” феъли мавжуд бўлиб (I,305), у “қўзи терисидан қилинган пўстин”ни ифодаловчи ичмәк ясамасидан ўзлик даражаси аффикси ёрдамида ҳосил қилинган. Бошқа бирорта илк эски туркий тил манбаларида ишлатилмаган бу лексема ўзбек тили Ҳазорасп шеvasида “ичдан кийиладиган иссиқ кийим” маъносида сақланиб қолган (ЎХШЛ,118).

“Тананинг юқори қисмига мослаб тикилган яланг қават юпка кийим” семемаси “Девон”да көнлэк лексемаси билан ифодаланган (Ш, 394). Бу сўзнинг қадимги туркий тил манбаларида, бошқа илк эски туркий тил обидаларида ишлатилмаганлигини таъкидлаган ҳолда, унинг XIУ аср Хоразм ёдгорликларида (СУЯ,1,621) ҳамда “Қисаси Рабғузий” тилида фаоллашганини эътироф этамиз. Айни шу шакл ва маънода бу лексема Алишер Навоий асарлари матнида (НАЛ,326) қўлланаверган. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз кўйлак фонетик шаклида ишлатилмоқда (ЎТИЛ, I,412). У турк тилида gomlek, турк тили шеvelарида gonlek, gonek, kojnak, konsek фонетик шакллarga эга, Лексеманинг көн “тери” + лэк шаклида ясалгани туркологияда эътироф қилинган.

“Ёмғирпўш” маъносини ифодалаш учун ажодлар “ёғмоқ” семали йағ- феъли асосида шаклланган йағқу (Ш.31) лексемасидан фойдаланганлар. Мазкур лексема қозок тили шеваларида зақы шаклида айни маънода сақланиб қолган (ЭСС,1У,60-61).

“Пахтали тўн, ёпинчик” семаси “Девон”да йалма ясамаси билан номлапган (III,41). Ушбу лексеманинг илк бор Култегин битигтошида қўллангани ДТСда қайд этилган (229). Бошқа обидалар бу сўзни билмайди.. Йалма ифодалаган маъно кўпик лексемаси ёрдамида ҳам англашилган (1,387). Ҳозирги ўзбек тилида гуппи фонетик шаклида ишлатилаётган лексема “дўмбаймоқ”ни ифодаловчи көп= феълидан ясалган деган мулоҳаза мавжуд (ЎТЭЛ, I,86-87).

“Аёллар бошига ўрайдиган, одатда, тўртбурчак шаклидаги мато” семемаси ҳозирги ўзбек тилида рўмол лексемаси билан англашилиши (ЎТИЛ, I, 631) сир эмас. Қайд этилган семема “Девон”да бўрунчүк (< бўрун- “киймоқ, ёпмоқ, бурканмоқ) ясамаси ёрдамида ифодаланган: урағут бўрунчүк сарынды “Аёл рўмол ўради” (II,175). XIУ аср Хоразм манбаларида шу лексемадан ясалган ва “рўмоллик” маъносини билдирувчи бўрунчүклүк деривати мавжуд бўлган (СУЯ,1,290). Алишер Навоий асарларида лексема “рўмол” маъносида бўрунчүк шаклида қўлланган:

Сачыда шабнам бўрунчүк, эй көнүл, эрмәс, ажаб,

Сунбул үзрә гар түшәр шабнам таажжуб қылмагыл (ХМ,209).

Турк тилида лексема *vürüncük*, озар тилида *vürüncük*, гагауз тилида *bügünjək* фонетик шаклида “чачвон, ипак, ипакли, юпка ҳарир мато” маъноларида қўлланмоқда, Лексема болгар, серб, румин [*vurundzuk*, *voradzik*], поляк (*vurünczuk*, *vóчасik*, *vorat*), чех тилида (*burga*) сақланиб қолган, Таҳлил этилаётган лексеманинг “ўрамоқ, ёпмоқ” маъноли *бүр=//бүрү=* феъли негизидан ясалгани эътироф этилган (ЭСС,II,298).

Хуллас, Маҳмуд Кошғарийнинг бундан 935 йил муқаддам тузилган “Девону луготит турк” асари Қорахонийлар даври илк эски туркий тилда қўлланган маиший лексемалар борсида мулоҳаза юритиш учун қимматли объект бўлиб хизмат қилади.

УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК

А.Хожиев
ЎЗР ФА ТАИ

Тил бирликларини таснифлаш масаласи

Тилни система сифатида ўрганишга, системаларнинг шаклланиши билан боғлиқ назарий масалаларни ҳал этишга жиддий эътибор қилганилиши ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар ва уларнинг савари тасниф масаласига янгича ёндошиш кераклигини кўрсатмоқда. Ҳозиргача бўлган таснифлар тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда аҳамият касб этмаслиги, талабга жавоб бермаслиги маълум бўляпти. Масалан, луғавий маънога эга ёки эга эмаслигига кўра сўзларни икки гуруҳга ажратишнинг ҳозиргача давом этиб келаётганлиги маълум. Масалани шу асосда ёндошилса, сўзларни бундай гуруҳлашга эътироз бўлиши мумкин эмас. Шу боис ҳам сўзларни мустақил ва ёрдамчи каби икки турга ажратиш ҳамда бирини “мустақил сўз”, иккинчисини “ёрдамчи сўз” деб аташ, шу икки сўз бирикмасини лингвистик термин сифатида қўллаш давом этаётганлиги ҳам маълум.

Юзаки қараганда, бунда эътирозга сабаб бўладиган ҳеч нарса йўқдек, ҳар икки сўз бирикмаси терминга қўйиладиган талабга тўлиқ жавоб берадигандек туюлади (Уларнинг ҳеч қандай эътирозсиз қўлланишда давом этиб келаётганининг сабаби ҳам шунда!). Бироқ масалани терминга қўйиладиган талаб асосида ёндошилса ҳамда ўрганилаётган объект(лар)нинг моҳиятидан келиб чиқилса, уларнинг талабга жавоб бермаслиги маълум бўлиб қолади. Гап шундаки, тил бирликларини белгилаш, уларни турларга ажратиш ва тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ энг муҳим, назарий муаммоларни ҳал этишда ҳам иш сўзларни “мустақил” ва “ёрдамчи” каби турларга ажратишдан бошланади. Ваҳоланки, бу масалаларни ҳал этишда сўзларни бу тарзда гуруҳлаш, яъни сўзларнинг “мустақил”, “ёрдамчи” эканлиги асосида иш кўриш, “мустақил сўз”, “ёрдамчи сўз” терминларини қўллаш ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Маълумки, ҳар иккала сўз бирикмаси, одатда, кўплик шаклида (“мустақил сўзлар”, “ёрдамчи сўзлар”) қўлланади. Шунинг ўзиёқ, ҳар иккала термин ҳам муайян тил ҳодисасини, тил бирлигини, унинг моҳиятини қайд эта олмаслигини, бинобарин, талабга жавоб бермаслигини кўрсатади. Фикримизни “ёрдамчи сўз” терминини мисолида асослашга ҳаракат қиламиз.

Кейинги вақтларда, яъни тилни ситема сифатида ўрганишга, айниқса, бундаги назарий масалаларга жиддий эътибор қаратилиши билан тил бирликларини, уларнинг турларини белгилашга, тил бирликларининг амалиёти билан, масалан, тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ масалаларга бағишланган ишлар юзага кела бошлади. Лекин бирор ишда “мустақил сўз”, “ёрдамчи сўз” терминларига муносабат билдирилгани йўқ. Фақатгина профессор О.Бозоровнинг яқингинада чоп этилган бир мақоласида “кўмакчи” ва “боғловчи” терминлари ҳақида аниқ фикр билдирилган. Муаллиф, жумладан, қуйидагиларни ёзади: “... ёрдамчи сўзларнинг моҳият-борлиғини уларнинг мустақил сўзларга кўрсатаётган вазифаси ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу сўзлар рус тилшунослигида “хизмат кўрсатувчилар” (“служебные слова”) деб аталади. Демак, ёрдамчи сўзларнинг дастлабки таснифида уларнинг гап таркибидаги сўзларга (гап бўлакларига) ёки жумланинг умумий мазмунига кўрсатаётган хизмат тури ҳисобга олинади. Шу томондан боғловчи ва юкламаларга диққат қилинса, уларнинг вазифа турлари ўзаро фарқланиб (“боғлаш” ва “қўшимча маъно юклаш”) туради. Лекин кўмакчиларда буни яққол кўрмаймиз. Чунки кўмакчилар ҳам боғлаш учун хизмат қилади. Буни унинг анъанавий таърифи ҳам кўрсатиб турибди: “Кўмакчилар от ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзларга синтактик муносабатини (боғланишини) ифодалайди” (4-405) каби. Демак, ёрдамчи сўзларнинг гапдаги вазифаси, асосан, иккита: боғлаш ва қўшимча маъно юклаш. Шундай экан, бизнингча, ёрдамчи сўзларни дастлабки боскичда икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир: боғловчилар ва юкламалар. Ўз навбатида, боғловчилар кейинги боскичда яна икки турга бўлинади: а) тобе-хоким сўзларни боғловчилар; б) тенг муносабатдаги сўзларни, тенг ва тобе муносабатдаги гапларни боғловчилар. Агар шундай тасниф амалга оширилса, биринчидан, ёрдамчи сўзларнинг вазифа турлари тўғри (симметрик) аниқланган бўлади. Иккинчидан, жинс тушунчасидаги “ёрдамчи” атамаси хусусий мақомдаги “кўмакчи” терминининг анъанавий маънодош бўлиб қолганлиги ўз-ўзидан бартараф этилади¹. Кўрииб турибдики, асосий мақсад “кўмакчи” деб аталувчи тил бирлигининг боғлаш вазивасига эгаллигига асосланиб, уни ҳам боғловчи ҳисоблаш, ёрдамчи сўзларнинг “боғловчи” турига киритиш ҳамда “кўмакчи” терминидан воз кечиб, терминдаги маънодошлик ҳолатини бартараф этишдир. Шу нарсага эътибор қаратишнинг ўзини маъқуллаш керак. Бироқ ўзбек тили материаллари бундай қилиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Муаллиф томонидан келтирилган далиллар ҳам унинг фикрини қувватлаш учун асос бўла олмайди.

Биринчидан, кўмакчи, боғловчи ва юклама деб юритилаётган тил бирликларини гуруҳлашда боскичланиш ходисаси йўқ, яъни улар умумий

¹ Бозоров О. Ёрдамчи сўзларнинг долзарб муаммолари//Айюб Ғулум ва ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). Тошкент.2007. 39-бет.

хусусиятларига кўра бирлашади, хусусий белгиларига кўра ажралади, ҳосил. Иккинчидан, “ёрдамчи сўзларнинг мохият – борлигини уларнинг мустақил сўзларга кўрсатаётган вазифаси ташкил этади” деган жумла умуман “ёрдамчи сўзлар”нинг, шунингдек, улардан ҳар бирининг мохиятини қайд эта олмайди. Чунки, ёрдамчи сўзларнинг, улардан ҳар бирининг мохияти мустақил сўзларга хизмат кўрсатиш” эмас. Учинчидан, Ўзбек тилшунослигида кўмакчилар боғлаш вазифасига эга бўлган тил бирлиги сифатида таърифланмайди, жумладан, муаллиф тилга олган мишбада ҳам бундай таъриф йўқ, аслида, таъриф куйидагича: “Гапда носита, мақсад, сабаб, вақт, макон ва шу каби синтактик муносабатларни ифодалаш учун қўлланидиган сўзлар кўмакчилар деб аталади.” Бу жумладан синтактик сўзи олиб ташланса ҳам ҳеч нарса ўзгармайди ва кўмакчиларнинг вазифаси боғлаш эмас, балки восита, мақсад, сабаб, вақт, макон ва шу каби муносабатларни ифодалаш экани аниқ англашилади. Хулди шу нарса кўмакчилар ҳақида фикр юритилган, кўмакчиларга махсус бағишланган ишларда³ алоҳида қайд этилган. Шу ўринда куйидаги бир фактга эътиборни қаратишни лозим топамиз. Маълумки, адабиётларда кўмакчиларнинг, маъно ва вазифасига кўра, келишик шаклини ясовчи морфемаларга (умуман, келишик шакллари) яқинлиги таъкидланади. Бунда келишик шакллари ҳам пайт, макон каби муносабатларни кўрсатиши, ифодалашни назарда тутилади, албатта. Лекин бирор ишда бу морфемаларга нисбатан, умуман, келишик шаклларига нисбатан “боғловчи” термини қўлланмайди. Ваҳоланки, сўзлар келишик шаклларида ҳам бошқа сўзга боғланади. Лекин бу шаклларнинг асосий вазифаси боғлаш эмас. Ана шу фактнинг ўзиёқ кўмакчиларни боғловчи бирликлар қаторига қўшиш, боғловчи тил бирлиги ҳисоблаш мумкин эмаслигини аниқ кўрсатади.

Шу ўринда юқоридаги мақолада ёрдамчи сўзлар, хусусан, кўмакчи ҳақида билдирилган фикрлар ҳақида бундан ортиқ мулоҳаза билдиришни лозим топмаймиз. Чунки О.Бозоровнинг мақоласида ёрдамчи сўзлар, шунингдек, кўмакчи билан боғловчи ҳақида айтилган гапларни ёрдамчи сўзлар масаласида мавжуд бўлган муаммо(лар)га оид гап дея олмаймиз. Боз устига, юқорида айтилганидек, бу фикрларни ўзбек тили материаллари тасдиқламайди.

Ўзбек тили материаллари кўрсатяптики, ёрдамчи сўз бирикмасида “ёрдамчи” сўзи “сўз” сўзи ҳам “кўмакчи”, “боғловчи”, “юклама” деб аталаётган тил бирликларига хос умумий белгини ҳам, ҳар бирига хос хусусий белгини ҳам қайд эта олмайди. Яъни уларда шу хусусият

¹ Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1980. 405-бет.

² Рустамов Т. Соф кумакчилар. Тошкент. “Фан”. 1991. 112-бет.

(белги)ларни кайд этиш, билдириш имкони йўқ. Демак, шу нарсани исботлаш талаб этилади.

Юкорида кўрдикки, О.Бозоров “ёрдамчи сўз” терминининг моҳиятини, унинг мақбул термин эканлигини рус тилшунослигидаги “служебные слова” термини асосида исботламоқчи бўлади, яъни муаллиф ёрдамчи сўзлар учун умумий хусусият “хизмат кўрсатиш” деб билади. Бирок “ёрдамчи” сўзи, шунингдек “хизмат кўрсатиш” (хизмат қилиш) бирикмаси бирон бир умумий ёки хусусий лингвистик тушунчани кайд эта олмайди, хатто, “муस्ताқил сўз” бирикмаси ифодалайдиган тушунчага зид бўлган тушунчани билдира олмайди. Чунки “муस्ताқил”нинг зидди “номустақил” бўлади. Бу сўз эса “ёрдам сўзлар” деб аталаётган тил бирликларига хос умумий моҳиятни кайд эта олмайди. Хуллас, “ёрдамчи сўзлар” термини таркибидаги “ёрдамчи” сўзи кўмакчи, боғловчи, юклама тил бирликлари учун умумий бўлган белгини (хусусиятни) ифодалаш, бу вазифани бажариш имконига эга эмас. Ўз-ўзидан, бу сўз кўмакчи, боғловчи, юклама тил бирликларининг умумий белгисини ифодалаш учун қўлланадиган бирикма терминнинг таркибий қисми бўла олмайди.

Бевосита ўзбек тили материалларидан келиб чиқилса, “ёрдамчи сўз” термини таркибида “сўз”ни қўллаш мумкин бўлмайди. Чунки кўмакчи, боғловчи, юклама деб аталувчи тил бирликларига хос вазифада фақат сўз эмас, балки ифода жиҳатидан аффикс (кўшимча) кўринишида бўлган бирликлар ҳам қўлланади. Ўзбек тилшунослигида бу факт тан олинган ва улар кўмакчи аффикс (кўшимча), боғловчи аффикс (кўшимча), юклама аффикс (кўшимча) терминлари билан юритилади. Масалан, -ча кўмакчи аффикси, -ки (ким) боғловчи аффикси, -ку (биласан-ку) юклама аффикси ва бошқалар. Шундай экан, кўмакчи, боғловчи ва юклама ҳақида гап борганида бу тил бирликларининг ҳар икки тури, яъни ифода жиҳатига кўра сўз ва аффикс шаклидаги тури ҳисобга олиниши шарт бўлади. Шу билан бирга бу икки ҳолат учун умумий бўладиган, яъни “сўз” сўзи қўлланмайдиган терминни топиш керак бўлади⁴. Қолаверса, бу уч тил бирлигини ифодаловчи терминларнинг “сўз” сўзисиз (кўмакчи, боғловчи, юклама тарзида) қўлланиши маълум, яъни уларни “сўз” билан қўллаш (кўмакчи сўз каби қўллаш) талаб этилмайди. Бу факт ҳам учала тил бирлигининг умумий хусусиятини ифодалай оладиган (“сўз” сўзисиз) термин топиш ва истеъмолга киритиш шартлигини кўрсатади. Бу кичик мақолани ёзишдан мақсад ҳам шу масалага мутахассислар эътиборини қаратиш ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазаларини олишдир. Бу тил ходисаси учун муайян термин тавсия этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Тил системадан иборат экан, уни системалар мажмуи ташкил этар экан, бу системаларнинг муайян тил бирликлари асосида шаклланиши

⁴ Аслида, “ёрдамчи сўз” термини таркибидаги “сўз” ҳам тил бирлигининг ифода жиҳати, сўзга қўшиб ёзилмаслигига кўра қўлланади.

шубҳасиз. Ўзбек тили материаллари ҳам бунни тасдиқлайди. Лекин бу жараёнда, яъни тил системаларининг шаклланиш жараёнида тил бирликларининг тугадиган ўрни, бажарадиган вазифаси бир хил эмас ва бу ҳам табиий ҳол. Уларнинг айримлари муайян системани бевосита шакллантирувчи бўлса, баъзилари бу жараёнда ўзига хос бошқа вазифа билан иштирок этади. Масалан, сўз шакли (морфологик бирлик) морфологик сатҳга хос системаларни шакллантирса, яъни шу системаларни шакллантирувчи тил бирлиги ҳисобланса, морфем бирликлар (морфемалар) сўз ясалиши ва морфологик системаларни шакллантирувчи тил бирликларининг, яъни ясама сўз ва сўз шаклини яшаш учун хизмат қилади. Бинобарин, улар шу системаларнинг шаклланишида бевосита эмас, билвосита иштирок этади дейиш мумкин ва ҳ.к.

Хуллас, тил системалари, системаларнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисалар тил бирликлари асосида юз беради. Демак, тил системалари билан боғлиқ ҳар қандай ҳодисанинг моҳияти унинг шаклланишида бевосита ёки билвосита иштирок этувчи тил бирликларининг маъно, вазифаси асосида ёритилиши керак бўлади. Бу эса, биринчи навбатда, тил бирликларининг маъно ва вазифасига кўра турларини аниқ белгилашни талаб этади. Бунда жинс ва тур тушунчаларини тўғри қайд этувчи сўз ёки сўз бирикмасини топиш ва уларни термин сифатида истеъмолга киритиш муҳим аҳамият касб этади. Шу айтилганларнинг ўзиёқ тил бирликларини типнифлаш масаласи ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири эканлигини, уни ҳал этиш тилшуносларимизнинг биринчи галдаги вазифаси эканини кўрсатади.

Кейинги вақтларда ўзбек тилшунослигида тил бирликларини маъно ва вазифасига кўра турларини белгилашга, турларга ажратишга эътибор қаратила бошланди. Масалан, профессор Ш.Раҳматуллаевнинг бир илмий рисоласи “Тил қурилишининг асосий бирликлари”⁵ деб аталишининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди. Лекин бу масала яхлитлигича қун тартибига қўйилгани йўқ. Қолаверса, тил системаларини шакллантирувчи тил бирликлари ҳамда системаларнинг шаклланишига у ёки бу даражада дахлдор бўлган тил бирликларининг маъно ва вазифаси етарли даражада ўрганилгани йўқ.

Тил системалари муайян тил бирликлари асосида шаклланар экан, яъни системани шакллантирувчи, ташкил этувчи тил бирликлари бор (борлиги тан олинар) экан, бундай бирликлар тўла ва аниқ белгиланмаган бўлса-да, уларни алоҳида тур сифатида ажратиш ҳамда, ўз моҳиятига кўра, “системани шакллантирувчи тил бирликлари” деб аташ мумкин, тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Бу билан тил бирликларининг бир тури ва уни қайд этувчи термини аниқланган, белгиланган бўлади.

⁵ Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари Тошкент “Университет”. 2002.

Ўзбек тилшунослигида “морфема” деб аталувчи тил бирлиги борлиги тан олинган. Лекин морфема термини унинг моҳиятини, вазифасини қайд этмайди. Ш.Раҳматуллаевнинг юқорида келтирилган рисоласида морфема тил қурилишининг асосий бирликлари қаторига киритилади⁶. Лекин ўзбек тили материаллари бу фикрни қувватламайди. Гап шундаки, морфема (морфемалар) системани шакллантирмайди, балки системани шакллантирувчи тил бирликларини, яъни ясама сўз ёки сўз шаклини ясайди (ҳосил қилади), унинг моҳияти, вазифаси шундан иборат. Ясама сўз ва сўз шакли эса сўз ясалиши ва морфологик системани шакллантирувчи бирликлардир. Демак, морфемаларни тил бирлиги сифатида баҳолашда, номлашда уларнинг шу хусусиятига, моҳиятига асосланиш керак бўлади. Шундай қилинганда, морфемаларни “ясовчи тил бирликлари” деб аташ тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Яна бир тур тил бирликлари борки, улар тил системасини шакллантирмайди, шунингдек, сўз яшаш ёки сўз шаклини яшаш учун хизмат қилмайди. Улар тилда муайян вазифа бажаради. Вазифа бажарувчи сифатида улар бир гуруҳга, бир умумий турга бирлашади. Булар кўмакчи, боғловчи, юклама деб аталувчи тил бирликларидир. Худди шу умумий хусусиятлари асосида тил бирликларининг бу гуруҳини “функционал тил бирликлари” термини билан юритиш мумкин.

Тил бирликларининг, аниқроғи, лисоний бирликларнинг таснифи юзасидан бизнинг тавсияларимиз шулардан иборат. Лекин шу нарса аниқки, ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг маъно ва вазифалари етарли даражада ўрганилган эмас. Уларнинг моҳияти кенг, тўғри ёритила борган сари тасниф ҳам такомиллашиши, шубҳасиз.

А.Абдуазизов
ЎЗМУ

Морфонологик алмашинувлар ва валентлик ҳақида

Морфонология асосчиси Н. С. Трубецкой бу соҳанинг уч жиҳатини кўрсатиб берган эди:

- 1) морфемаларнинг фонологик структураси;
- 2) комбинатор товуш ўзгаришлари назарияси;
- 3) морфонологик функция бажарувчи товуш алмашинувлари назарияси¹;

Бу уч соҳа фақат тилнинг сегмент (товуш) томони билан чегараланиб қолган эди. Тилшуносликдаги мавжуд морфонологик назарияларда кўпинча фонемаларнинг морфемалардаги алмашинуви ва урғунинг

⁶ Раҳматуллаев Ш. Курсатилган асар. 17-бет.

¹ Трубецкой Н. С. Некоторые соображения относительно морфонологии // Пражский лингвистический кружок. М.: Прогресс, 1967, С. 115-118.

морфонологик функцияларини аниқлаш билан шуғулланиб келинди. Ушбу ҳолат сегментал ва акцентологик (просодик) морфонологиянинг тадқиқот мавзуларини белгилаб беради.

Бундай илмий қараш морфонологиянинг ўрганиш соҳасини анча чегаралаб қўйиб, уни А. А. Реформатский таъбирича, “доналик бўлим” (“интуитивный отдел”)² деб аташга асос бўлган эди. Эндиликда сегментал ва просодик морфонология билан бирга синтактик (интонологик) морфонология ҳам тақлиф этилди ва бу янги қараш таникли рус тилшуноси В. Б. Касевичга тегишлидир.³

Фонология сегментал (фонематик) ва суперсегментал (просодик) босқичларга бўлинганидек, морфонология ҳам айнан шундай босқичлардан иборат бўлиб, морфемалардаги морфологик функция бажарувчи фонемалар алмашинуви сегментал морфонологияга, урғу ва интонациянинг грамматик вазифасига тегишли воситалар просодик морфонологияга киритилиб, бу ўз навбатида акцентологик ва интонологик морфонологияга ажратилди. Демак, Н. С. Трубецкой кўрсатиб берган морфонологиянинг уч таркибий қисми тўртинчи – урғунинг морфологик вазифа бажариши, яъни морфологик функцияси – акцентологик морфонология ва бешинчи – интонациянинг грамматик (синтактик) жараёнда иштирокини таъминловчи функцияси, яъни интонологик морфонология билан тўлдирилиши лозим.

Бирок кейинги тўлдиришлар морфонология тушунчаси ва терминига мос келмайди. Бу ҳолатда морфемалардаги урғунинг ўрни ва даражаси морфологик вазифа бажариши ҳақида гап кетганда, “морфоакцентема” терминини қўллаш мумкин.

Лекин бундай морфоакцентема инглиз ва рус тилларида аниқланади. Масалан, *impery – im'perial, invade – in'vasion, exhibit – exi'bition, город – городс' кой, белый – бел'ё, рука – руч'ной, дом – до'машний* ва ҳ. к. Бу мисолларнинг кўпчилигида бир йўла товуш алмашинувлари ва ўрғунинг кўчиши морфологик вазифа бажармоқда: отдан феъл, сифатдан от, отдан сифат ясалмоқда. Морфологик вазифа бажарувчи фонемалар алмашинуви морфемаларда рўй берса, улар “морфонема” деб аталади. Урғунинг морфемалардаги морфологик вазифа бажариши «морфоакцентема» учун асос бўлади.

Албатта, бу тушунча ва терминлар ташқи жиҳатдан тил бирликларига ўхшаш (фонема, морфема каби) бўлса ҳам, аслида морфонема ва морфоакцентема “уйдирма бирликлар” ҳисобланади. Чунки улар тилда фонема ва морфема каби вазифа бажара олмайди. Балки баъзи ҳолатларда бир йўла турли фонемалар алмашинуви ва урғунинг кўчиши

² Реформатский А. А. Ещё раз о статусе морфонологии, её границах и задачах // Фонологические этюды. М.: Наука, 1975, С. 118.

³ Касевич В. Б. Морфонология. Л.: ЛГУ, 1986, С. 115-151.

билан изоҳланади. Эндиликда *олма'* (мева) – *'олма* (фёълнинг буйрук шакли), шунингдек *тузма'* – *туз'ма, сузма'* – *суз'ма* каби мисолларда от ва фёъл шакли бир йўла семантик ва морфологик фаркланиши туфайли урғунинг фонологик ва морфонологик функцияларини аниқлаш мумкин бўлади.

Лекин интонологик (синтактик) морфонологияда қандайдир “морфоинтонаема” ёки “синтактикоинтонаема”ни қўллаш мумкин эмас. Бу терминлар морфонологияга мос келмайди, чунки интонаема морфемада бўлмайди, маълум синтактик ибора интонацияга эга бўлади, лекин бу ҳолатда ҳам интонациянинг морфонологик функцияси ойдинлашмайди. Ҳар бир гап ўз интонациясига эга. Одатда дарак гаплар тушувчи оҳанг билан айтилса, сўрок ва ундов гаплар кўтарилиувчи оҳанг билан айтилади. Уларнинг оҳанги алмаштирилса, гапнинг коммуникатив тури ҳам ўзгаради ва бу бир йўла фонологик ва морфонологик вазифаларни бажара олади: *У келди. У келди. У келди!* *У келди?*

1) *Агар у келса, мени чақиринг.* 2) *У келса – мени чақиринг.* Бу икки гапдан биринчисида “агар” боғловчиси ишлатилган ва бу гапнинг интонацияси бирламчи, унинг морфонологик функцияси иккиламчи вазифани бажармоқда. Иккинчи гапда “агар” қўлланмай, бош ва эргаш гап фақат интонация ёрдамида берилган. Бу ўринда интонациянинг морфонологик вазифаси берилмаган. Турли гаплардаги инверсия, алмашинув, синтагмаларга бўлиш ва бошқа воситалар интонологик морфонология доирасида ўрганилиши мумкин.

Баъзан сўз ва сўз бирикмаси урғу ёрдамида фаркланади: *'гшишт 'ин* – *'гшиттин* (*бу би'но гши'тин*), *'кўр, 'мана* – *кўрма'на* каби. Бу ҳолатларда сўз акцентема ва ибора акцентемалардаги урғунинг морфонологик жиҳатдан қўлланиши акцентологик морфонологиянинг мавзуси ҳисобланади.

Авваллари бу ҳолат урғунинг фонологик вазифа бажаришига киритилган эди. Эндиликда ушбу ҳолатда урғунинг фонологик ва морфонологик функцияси ҳақида гапириш мумкин.

Морфонологиянинг юқорида кўрсатилган соҳалари барча тилларда ҳам учрамаслиги ва улардан баъзилари жуда кам қўлланиши мумкин.

Морфонологик ҳодисаларни аниқлаш ва уларни турли тилларда қиёслашда тилларнинг морфологик типологиясини, яъни флектив, агглютинатив, аналитик, изолирлашган ва полисинтетик гуруҳларнинг хусусиятларини эътиборга олмақ зарур. Бу тилларнинг турлари ва уларда морфонологик ҳодисаларнинг ривожлангани ўзаро боғлиқ бўлиб, флектив тилларда морфонология жуда кучли даражададир.

Бирок изолирлашган тилларда бу хусусият анча кам, агглютинатив тилларда, масалан, туркий тиллар, хусусан ўзбек тилида, морфонологик ҳодисалар бошқа тилларга қараганда анча тор доирада кузатилади.

Унинг морфонологияси ҳам турли тилларда бошқача тусда бўлиб, флектив тилларда сўз ўзгариши кўпроқ бўлса, агглютинатив тилларда сўз тушишни аҳамиятлироқдир. Агглютинатив тилларда сўз ўзагига беш – олти қўшимча ва аффиксларни қўшиш ёрдамида унинг турли шакллари ҳосил бўлади ва ўзак морфемага уланган нуктада турли морфонологик ҳодисалар рўй беради.

Изолирлашган ва полисинтетик тилларда морфонологик ҳодисалар жуда кам учрайди. Изолирлашган тилларда морфемаларнинг фақат бир шакли нусхада учраши сегментал морфонологик алмашинувга йўл бермайди.⁴ Полисинтетик тилларда морфонологик ҳодисалар бироз ривожланган, лекин флектив ва агглютинатив тиллардаги даражадан ҳам пастроқдир.

Тилларнинг морфонологик типологияси ҳали энг бошланғич босқичда бўлиб, уни аввало статик ва динамик морфонология доирасида ўрганиш лозим бўлади. Умуман, тиллардаги морфонологик ҳодисаларни қисқашда ҳар бир алмашинувнинг грамматик (морфологик) вазифа бажариши ва семантик жиҳатини эътиборга олиб, алоҳида ҳолда тадқиқ этиши керак. Фонемик ва просодик морфонология доирасидаги барча алмашинувларнинг рўй бериш сабаблари, қандай тарихий ўзгаришлар бўлгани ва уларнинг функционал жиҳатдан фарқлигининг ҳар бир қисқашган тилда чуқур ўрганилиши тилларнинг морфонологик типологиясини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Фикримизча, фонологиядаги⁵ каби морфонологияда ҳам валентлик, алмашинув кучи ва унинг функционал хизмати тушунчаларини тақлиф қилиш мумкин. Бунда морфонологик валентлик морфонотактикадаги бириктишларга тегишли бўлса, морфонологик алмашинув кучи шу алтернацияда қатнашган морфемалар миқдорини кўрсатади. Морфонологик алмашинувнинг функционал хизмати унинг тилда қанча морфемаларнинг алломорфларини фарқлай олиши билан ўлчанади. Масалан, инглиз тилида кўплик морфемаси /- s, z, iz/ алломорфларида, феълларнинг ҳозирги замон ноаниқ замон шаклида /- s, es, z/, ўтган ноаниқ замон шаклида /- ed, - t, - d/ морфонологик валентлик, алмашинув кучи ва унинг функционал хизмати бошқа алтернациялардагидан кучлидир. Чунки улар инглиз тилида жуда кўп қўлланади. Бу тушунчалардан тилларнинг морфонологик типологиясига доир тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Афсуски, валентлик тушунчаси универсал бўлса ҳам уни акцентологик ва интонологик типологияда қўллаш қийинчилик туғдиради.

Сегментал морфонологияда қандай товушларнинг алмашинуви кўпроқ ишлатилиши катта қизиқиш уйғотади. Одатда кўпроқ тил олди

⁴ Абдуазизов А. А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент: Ўқитувчи. 1992. 79- бет.

⁵ Абдуазизов А. А. О фонологической валентности // Филологиянинг долзарб муаммолари. Тошкент. 2008. 13–21- бетлар

товушлари морфонологик алмашинувда қатнашади, чунки инсон талаффузи учун бу товушлар анча қулай, бошқа нутқ механизмларини иктисод қилиш учун имконият яратади. Морфонологик алмашинувларнинг алоҳида лугатини тузиш ва унда ҳар бир ўзак морфеманинг бошқа аффиксал морфемалар билан уланишда рўй берадиган ўзгаришларни ва фонетик ҳодисаларни кўрсатиш зарур.

Интонологик морфонологияда кўпгина бахсталаб муаммолар мавжуд, уларнинг баъзиларини ойдинлаштириш керак.

Морфонология эндиликда ўзининг сегментал ва суперсегментал турлари билан фонология каби алоҳида мустақил тил сатҳи (босқичи) сифатида устивор ўрин эгаллади.

М.Миртожиев
ЎЗМУ

Семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типлари

Семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрнига қараб бир неча типларга бўлинади. Уларнинг шу типларга бўлинишида яна уч нуктаи назар бор:

1. Семеманинг мантиқий узвлари нуктаи назари;
2. Борлиққа бўлган муносабати нуктаи назари;
3. Субъект хабари нуктаи назари.

Сўзлар маъноли қисмларга бўлинади. Унинг ҳар бир маъноли қисми, грамматик нуктаи назардан, морфема дейилади. У ясалиш асоси, ясовчи ва сўз шакли морфемаларидан иборат. Бу морфемалар сўзнинг морфем таркибидир. Сўз семемалари, дифференциал-семантик метод нуктаи назаридан ҳам, худди шундай бўлинишга эга. Уни рус тилшуноси Л. А. Киселева номловчи сема ва релятив семаларга бўлади¹. Шу билан бирга у ядро семани ҳам тилга олади ва изохлаб беради. Унинг изохиға кўра, я д р о с е м а сўзнинг ўзак маъноси ифодасига тенг келади². Номловчи семанинг ядро семасидан қолган қисми эътиборга олинмаган. Сўз фақат ўзак ва сўз шаклларида иборат бўлмайди. Сўз семемасининг н о м л о в ч и с е м а с и сўз шакли ифодасини берувчи релятив семадан қолган барча маънони кўрсатади. Сўз фақат ўзак эмас, у ўзакдан ясовчи воситасида ясалган бўлиши ҳам мумкин. Мана шу ясаманинг ўзакдан қолган қисми ҳам ўз ифодаси, маъноли қисмга эга. Мана шу маъноли қисм номловчи семанинг ядро сема ифодалаган қисмидан қолган қисмдир.

¹ Қаранг.: Киселева Л. А. Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения // Проблемы семантики. Отв. ред. В. М. Солнцев. М. Наука. 1974. С.75.

² Қаранг.: Киселева Л. А. Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения... -С.70.

Ундарни биз дериват сема деб аташни лозим топдик. Яъни сўз семемаси ядро сема, дериват сема ва релятив семалардан иборат. Бу семалар кўндалагича характерланади.

Ядро сема, Л. А. Киселева қайд этишича, сўз яшаш билан боғли имкониятларга эга бўлади³. Яъни сўз яшаш асоси, анъанавий тишшуносликдаги тушунча бўйича, ўзак вазифасини ўтайди. Д е р и в а т с е м а эса ядро семасига кўшилиб, янги семемани таркиб топтирувчи семадир, яъни у сўз яшаш асосига кўшилиб, ясама сўз яшаш хусусиятига эга бўлган аффикс маъноси ҳисобланади. Масалан, *пичоқ* сўзининг семемасининг ядро семаси *пич-* қисмида ифодаланади, у сўз ўзаги, яъни сўз яшаш асосидир. Унинг *-оқ* қисми ясовчи аффикс бўлиб, дериват семани ифода этади. Чунки у ядро семага кўшилиб, ясама сўзнинг янги семемасини ҳосил қилди.

Ясама сўзларда ҳамма вақт ядро сема битта бўлади, дериват сема бир ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Юқорида *пичоқ* сўзи мисолида бир ядро сема ва бир дериват сема бир сўзда ифода топиши учун намуна кўрсатилди. *Пичоқчи* сўзида эса бир ядро ва икки дериват сема бор: бири – *оқ* аффиксида ифодаланган ‘нарсa, қурол’ билдирувчи сема, иккинчиси – *чи* аффиксида ифодаланган ‘шахс’ билдирувчи семадир.

Л. А. Киселева ядро сема ва дериват сема ёки дериват семаларни кўшиб, бир бутун ҳолда номловчи сема деб атайди⁴. Масалан, *пичоқчилар билан гаплашдим* бирикмасидаги *пичоқчилар* сўзининг *пичоқчи* қисми номловчи семани ифода этган. Маълумки, *пичоқчи* сўзи бир ядро ва икки дериват семани ифода этади. Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар ҳамкорлигидаги ишларида эса худди шу семани ўзбек тилида а т а ш с е м а с и деб номлайдилар⁵. Худди шу асарда унга: “Аташ семалари объектив борликдаги нарсa, буюм, белги-хусусият, микдор кабиларни атовчи, номловчи семалардир”, – дейилади⁶. Л. А. Киселева қайд этган фикр ҳам ундан деярли фарқ қилмайди⁷. Яъни бу номловчи сема – аташ семаси анъанавий тилшуносликдаги негиз моҳияти билан адекватдир.

Юқорида келтирилган *пичоқчилар* сўзининг *-лар* маъноли қисмида релятив сема ифода топган. Л. А. Киселева таъбири билан айтганда, релятив сема сўз маъноси шаклланишида муҳим аҳамият касб этади⁸. Маълумки, сўз коммуникацияга киришганда фақат номловчи семаси билан бошқа сўзларга боғланмайди. У албатта грамматик шаклланган, яъни граммема орттирган бўлади. Сўзнинг мана шу орттирган граммемаси,

³ Қаранг.: Киселева Л. А. Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Қаранг.: Киселева Л. А. Ўша асар. 75-бет.

⁵ Номловчи сема терминини муаллифингиз Л. А. Киселева ишидаги номинативная сема терминини калькалаш орқали ясади. У а т а ш сўзи кунроқ ремаларни агашга қўлланади деб тушунди.

⁶ Қаранг.: Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент. Фан. 1991. 58-б.

⁷ Қаранг.: Киселева Л. А. Ўша асар. 75-бет.

⁸ Қаранг.: Киселева Л. А. Ўша асар. 70-бет.

шакл семантикаси релятив сема деб қаралади. Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар ўз асарларида р е л я т и в с е м а термини ўрнида в а з и ф а с е м а с и терминини қўллаганлар ва терминни ф у н к ц и о н а л ь н а я с е м а терминидан таржима қилиб олганликларини қайд этганлар⁹. Шуни ҳам айтиш керакки, вазифа семаси термини ҳар қанча тўғри таржима қилиб олинган бўлмасин, релятив сема термини ўрнини боса олмайди. Чунки вазифа семаси термини сўзлар коммуникациясида уларнинг грамматик муносабати учун восита вазифасини ўтайди. Релятив сема ундан кенгроқ ифодага эга. У сўзларга қўшилиб, улардан англашилган маънога қўшимча маъно илова қилувчи аффикс (шакл ҳосил қилувчи аффикс)нинг ҳам моҳиятини ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам семаларнинг, сўз семемаси таркибида тугган ўрнига қараб, типларини фақат ядро сема, дериват сема ва релятив семалардан иборат деб қараш жоиздир.

Сўзлар коммуникацияга киришганда уларнинг ўзаро грамматик боғланиши вазифасини доимо тобе сўз шакли бажаравермайди, балки ёрдамчи сўзлар ҳам бажариши мумкин. Маълумки, айрим ҳолларда сўз шакли вазифасини предлоглар, яъни фонетикада проклитика деб номланувчи бирликлар; кўмакчилар, яъни фонетикада энклиза деб номланувчи бирликлар ўтайди. Улар ўзи қўшилиб келган сўз урғусига марказлашувидан¹⁰ ташқари ўша сўзнинг грамматик шакли вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун уни Л. А. Киселева семеманинг с и р т қ и с е м а с и деб номлайди ва уни “Сиртқи сема ўзи оид бўлган сўз маъносини ўзгартирмайди, фақат айрим маъно қирраси билан тўлдиради”,- деб изоҳлайди¹¹. Бунинг учун юқорида берилган мисолга қайта мурожаат қилайлик: *тичоқчилар билан гаплашдим* бирикувида *гаплашдим* сўзи *тичоқчилар* сўзини бошқариб келиши, яъни *писоқчилар* сўзи семемаси билан *гаплашдим* сўзи семемасининг семантик боғланиши учун *билан* сўзида ифодаланган сиртқи сема аҳамият касб этган. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилида сиртқи семалар асосан энклизаларда ифода топади. Энклизалар вазифасида кўпроқ кўмакчилар келганлиги кузатилади. Ўзбек тилидаги боғловчилар эса деярли проклитика вазифасини ўтайди. Масалан, *У ва мен келдик.* ва *Ҳам у, ҳам мен келдик.* гапида *ва* бириктирув ва *ҳам* такрорланувчи боғловчилар проклитикадир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам гап таркибида сиртқи семани ифода этган.

Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар ўз асарида: “Боғловчи, кўмакчи, юклама каби ёрдамчи лексема семемаларида вазифа семаси етакчилик қилади,”- деб кўрсатадилар¹². Улар лексема эмас, ё проклитика, ё

⁹ Қаранг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари...58-6.

¹⁰ Қаранг.: Ахманова О. С. Словар лингвистических терминов. М. СЭ. 1966. С. 366, 526; Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. Тошкент Университет. 1998. 53-6.

¹¹ Қаранг.: Киселева Л. А. Ўша асар. 71-бет.

¹² Қаранг.: Нематов Ҳ., Расулов Р. Курсатилган асар. 62-6.

энклизадир. Улар ўзича мустақил лексик маъно ифодаламайди. Балки бирор лексик маъноли сўз билан гап таркибида бирга келиб, унинг проклитикаси, ё энклизаси вазифасини ўтайди. Проклитика ва энклизалар ўзи бирга келган сўзнинг бирор грамматик вазифасини бажаради. Яъни улар ўзи бирга келган сўзнинг семемасига оид биргина семадир. Бу семани яна сиртқи сема деб қаралди. Тўғри, проклитика ва энклизалар сўзларни ўзаро грамматик боғлаб келиш вазифасини бажаради. Шунга кўра улар вақифа семасини ифода этишти дейилса ҳам бўлади. Аммо юқорида вақифа семаси релятив сема қаралган эди. Бу ўринда шу моҳиятли сема деб сўз шиклига эмас, сўз проклитикаси ё энклизасига мансублиги эътиборга олиниб, у, дифференциация мақсадида, сиртқи сема деб аталди.

Демак, семалар, сўз семемаси таркибида тугган ўрнига қараб, ядро сема, дерават сема, релятив сема ва сиртқи семаларга ажратилади. Ядро сема сўзнинг туб маъносини бериб, сўз яшаш билан боғлиқ имкониятларга эга бўлади. Дерават сема ядро семага қўшилиб, янги семемани таркиб топтирувчи семадир. Релятив сема сўз шаклида ифода топиб, сўз семемасида унга қўшимча отгенка илова қилувчи ёки бошқа сўз билан грамматик алоқага киритиш вазифасини ўтайдиган сема ҳисобланади. Сиртқи сема проклитика ва энклизаларда ифода топиб, бирикмалар таркибидаги ҳоким ва тобе сўз семемаларини ўзаро грамматик алоқага киритиш вазифасини ўтайди.

Семалар сўз таркибида тугган ўрни ва борлиққа бўлган муносабатга кўра тилшуносликда мантиқан икки типга бўлинади: денотатив сема, коннотатив сема¹³. Д е н о т а т и в с е м а семеманинг бевосита денотатни ифода этувчи узвидир¹⁴. У ҳамма вақт тушунчага тенг келади. Чунки тушунча денотатнинг онгдаги инъикосидир. Тушунчанинг сўз семемасидаги ифодаси денотатив сема деб аталади. У, сўзнинг морфем таркиби нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, бобнинг шу сарлавҳаси остида айтиб ўтилган номловчи семага тенг келади. Айтиш мумкинки, у номловчи сема билан адекват, яна ҳам тўғрироғи, дублетдир. Шунинг учун бўлса керак, Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар ўзларининг ҳамкорликдаги ишларида аташ сема билан денотатив сема терминини бир тил фактининг икки номи сифатида бериб кетадилар¹⁵. Албатта, бу билан улар ҳақдир. Уларнинг шу ўринда: “Аташ семалари объектив борлиқдаги нарса, буюм, белги-хусусият, миқдор қабиларни атовчи семадир,”- деб берган таърифлари ҳам ўз ўрнини топган¹⁶. У юқорида муаллифингиз томондан келтирилган таърифни тўлдиради. Масалан, *башара* сўзи маъносидаги – семемасидаги киши бош қисмининг оғиз ва бурундан икки томонда

¹³ Қаранг.: Миртожиев М. М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент. Университет. 2000. 8-б.; Шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. Университет. 2004. 150-б.

¹⁴ Қаранг.: Ўша асарларнинг уша бетлари.

¹⁵ Қаранг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Курсатилган асар. 57-б.

¹⁶ Қаранг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Курсатилган асар 58-б.

жойлашган юмшоқ тери юзасини ифода этувчи узви денотатив сема хисобланади. Кишининг шу изоҳланган органи онгда акс эгар экан, шу инъикоси тушунчадир. Бу ўринда тушунча ва денотатив сема адекватдир.

К о н н о т а т и в с е м а термини ўрнида анъанавий тилшунослигимизда к о н н о т а т и в м а њ н о термини қўллаб келинган¹⁷. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, коннотатив сема ҳам коннотатив маъно¹⁸ каби, сўзнинг қўшимча маъно (ёки ифода)си (дифференциал-семантик метод нуктаи назаридан, семаси) бўлиб, асосий маъно (денотатив сема)га бўйсунувчи, ёндош семантик ёки услубий оттенкалари эканлиги ҳолда, турли хил экспрессив-эмоционал – баҳоловчи тонларни ифодалаш учун хизмат қилади ва тантанаворлик, ўйноқилик, бамайлихотирлик, бетакаллуфлик ва ҳ.к.ларни ифодалаб бера олади¹⁹. Масалан, *башара* сўзининг мазкур семемаси яна субъектнинг ўша денотатга бўлган салбий муносабатини ҳам билдиради. Яна шу семемадан мазкур сўзнинг от туркумига оидлиги ҳам маълум. Ушбу сўз *башарасига боқди* бирикмаси таркибига кирар экан, унинг семемасида эгалик ва йўналганлик кабилар ҳам англашилади. Шу кейинги англашилганларнинг ҳаммаси *башара* сўзида ифодаланган семеманинг коннотатив семаларидир.

Х. Неъматов, Р. Расуловлар коннотатив сема термини ўрнида ифода сема терминини қўллаганлар ва у ҳақда муфассал ва тўғри тушунча беришган²⁰. Терминни эса ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилишган. Ифода сўзининг маъноси анча кенг ва бунинг устига коннотатив сўзи маъносини бермайди. Шунинг учун терминни ўзгаришсиз ўзлаштириш маъқул деб хисоблаймиз.

Демак, семалар сўз таркибида тутган ўрни ва борлиққа бўлган муносабатига қўра мантиқан икки типга бўлинади: денотатив сема, коннотатив сема. Денотатив сема семеманинг бевосита денотатни ифода этган узвидир. Коннотатив сема сўз семемасининг денотатив семасидан қолган, лекин унга тобе, турли қўшимча грамматик ва субъектив муносабат ифода этувчи узвидир.

Семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва субъект хабари жиҳатидан ҳам тилшунослиқда мантиқан икки типга бўлинади: информатив сема, прагматик сема²¹. Бу семалар, Л. А. Киселева таъбирича,

¹⁷ Қаранг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. С. 203; Қўнгулов Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент: Фан. 1980. 3-б.; Ҳожиев А. П. Лингвистик терминларнинг изоҳли дугати. Тошкент: МЭ. 2002. 51-б.

¹⁸ Маълумки, дифференциал-семантик методга қўра маъно термини ўрнида семема термини қўлланиб келмоқда. Унинг узвларини эса сема дейилади. Шунга қўра коннотатив маъно термини ўрнида коннотатив сема термини қўлланмоқда.

¹⁹ Бу изоҳ О. С. Ахманова лугатидан олинди. Қрнг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. С. 234.

²⁰ Қаранг.: Неъматов Х., Расулов Р. Қўрсатилган асар. 58-б.

²¹ Қаранг.: Миртожиев М. М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. 8-б.; Шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 150-б.

инг юқори даражадаги семалар бўлиб, юқори даражадаги умумлаштирувчи кишиликлари билан характерланади²². Информатив сема семеманинг денотатни билдирувчи ва у ҳақдаги муносабатларни ифодаловчи узви ҳисобланади, яъни информатив сема семеманинг денотатни билдирувчи узви билан эгалик ва макон, шунингдек муайян туркумга хосликни билдирувчи узвларини ўз ичига олади¹³. Шунинг учун Л. А. Киселева: “Информатив сема вазифа сатҳи бўйича номловчи (шнѐвий) ва релятив (граммема) семаларига бўлиниб кетади”, – деб кўрсатади¹⁴. Масалан, *башарасига боқди* бирикмасидаги *башарасига* сўзи семемасининг денотатив семаси билан отлик, эгалик ва йўналганлик аниқлағчилари бирликда информатив семадир.

П р а г м а т и к с е м а семеманинг фақат денотатга бўлган муносабатини билдирувчи узвидир¹⁵. Масалан, юқоридаги мисол бўйича *башараси* сўзи семемасидаги кишининг ўша органига бўлган салбий муносабат прагматик сема ҳисобланади. Яна *чехрасига термулди* бирикмасидаги ҳар икки сўз семемасида ижобий муносабат билдирувчи прагматик семалар мавжуд. Бу прагматик семаларнинг ўзи яна эмоционал сема ва экспрессив семаларга бўлинади¹⁶. Э м о ц и о н а л с е м а субъектнинг объектга бўлган ижобий ёки салбий муносабатини билирувчи семалардир. Юқорида келтирилган *башарасига* сўзи семемасидаги ва *чехрасига термулди* бирикмасидаги ҳар икки сўз семемасидаги прагматик семалар эмоционал семадир. Чунки улар субъектнинг объектга бўлган салбий ёки ижобий муносабатини ифода этган. Э к с п р е с с и в с е м а бирор сўз семемасидаги ифодани кучайтириб таъкидловчи семадир. Масалан, *қип-қизил олма* бирикмасидаги *қип-қизил* сўзи семемасида экспрессив сема бор. Бу сема *қизил* сўзи семемасида ифодаланган рангнинг ниҳоятда ортиқ даражада эканлигини таъкидлапти. Бундай семалар сифат даража кўрсаткичларида ва кучайтирув юкламаларида ифода топадилар. Шунингдек озайтирма даража сифатларидаги даража кўрсаткичи ҳам миллиони кучсизлантирувчи юклама ифодаси ҳам экспрессив семага хос. Масалан, *сал кулди* феълининг проклитикаси бўлган *сал* юкламасида экспрессив сема ифодаланган.

Демак, семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва субъект хабари нуктаи назаридан мантиқан информатив сема ва прагматик семаларга бўлинади. Информатив сема ўз ичига номловчи сема ва релятив семаларни олади. Прагматик сема таркибида эса ҳам эмоционал, ҳам экспрессив семалар бор. Эмоционал сема субъектнинг объектга бўлган

¹³ Қиранг.: Киселева Л. А. Курсатилган асар. 75-б.

¹⁴ Қиранг.: Миртожиев М. М. Курсатилган асарлардаги уша бетлар.

¹⁵ Қиранг.: Киселева Л. А. Курсатилган асарнинг уша бети.

¹⁶ Қиранг.: Миртожиев М. М. Курсатилган асарлардаги уша бетлар.

¹⁷ Қиранг.: Киселева Л. А. Курсатилган асарнинг уша бети.

ижобий ёки салбий муносабатини ифода этса, экспрессив сема семема ифодасини ё кучайтириб, ё озайтириб кўрсагади.

Хуллас, семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига қараб тасниф этиш қуйидаги натижаларни берди:

1. Семалар уч нуктаи назардан тасниф этилади: 1) семеманинг мантикий узвлари, 2) борлиққа бўлган муносабати, 3) субъект хабари нуктаи назарларидан.

2. Семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва унинг мантикий узвлари нуктаи назаридан туб маънони белгиловчи ядро сема, янги маъно ҳосил қилувчи дериват сема, қўшимча маъно илова қилувчи релятив сема, проклитика ва энклизаларга мансуб сиртки семаларга ажралади. Ядро ва дериват семалар умумлаштирилган ҳолда номловчи сема деб ҳам атаади.

3. Семелар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва борлиққа бўлган муносабати денотатни, яна ҳам аниқроғи, тушунчанинг ўзини ифодаловчи денотатив сема; денотатив семанинг коммуникатив томонини ва субъектнинг объектга бўлган муносабатини кўрсатувчи коннотатив семаларга бўлинади.

4. Семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва субъект хабари нуктаи назаридан номловчи ва релятив семаларни ўз ичига олувчи информатив сема ва субъектнинг денотатга бўлган муносабатини кўрсатувчи прогматик семаларга ажралади. Прагматик сема ўз ичига эмоционал ва экспрессив семаларни олади.

5. Семаларнинг бундай типларга бўлиниши сўзларнинг маъноли қисмларга ажралиши билан узвий боғлиқдир.

Х.Неъматов, Н.Ширинов:
БухДУ
Н.Юнусов:
ЎЗМУ

Ўзбек градуонимияси Европа тилшунослигида

Методологик замини тадқиқ манбаи ҳақида илмий тушунча шакллантириш асносида диалектик гносеология тамойилларига онглилик ва изчиллик билан ёндашиб, ҳар бир илмий тушунчанинг ЯХВО (яққалик, ҳодиса, воқелик, оқибат) ёки УМИС (умумийлик, моҳият, имконият, сабаб) табиатли эканлигига боғлиқ равишда унга фаҳмий (эмпирик) ёки идрокий (рационал) тадқиқ усуллари билан ёндашадиган, асосий илмий маншалари, тараққиёт босқичлари, таҳлил тамойиллари М.Қурбонованинг тадқиқотида /1/ муфассал шарҳланиб, умумлаштирилган ўзбек субстанциал (формал-функционал) тилшунослиги (ўзбек субстанциализми) Миллий истиқлол туфайли шаклланиб, бугун ўзи мустақил равишда ишлаб

чиққан илмий тушунчаларини дунё илмига таратаётган пурсамар, истиқболли илмий йўналишлардан биридир. Европа илмининг ўзбек фанига таъсири ва илмий тушунчаларини бериши каби о д а т и й ҳолатнинг моҳиятан акси бўлган ҳодисанинг – ўзбек субстанциализми ишлаб чиққан илмий тушунчаларнинг ва таҳлил усулларининг Европа фанига қабул қилина бошлашининг сирри нимада? деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, Европа тилшунослиги тилда ўхшашлик (синонимия) ва зидланишни (антонимияни) бир-биридан ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўйиб ўрганди. Ўзбек субстанциализмида мана шу икки турли зидланиш – синонимия ва антонимия – битта қонуниятга (муносабатлар силсиласига, тизимига) г р а д у о н и м и я г а (даражаланишга) бирлаштирилди. Ўзбек субстанциализмида градуонимик қаторларда марказ-доминантадан ўнг ва чап томонларда жойлашган бирликлар томонлар ичида ўзаро синонимик, томонлараро эса антонимик муносабаталар билан боғланиши кўплаб қаторлар мисолида кўрсатилди /2/ /3/ Натижада, градуонимик қаторларда ўтган даврларда лингвистик тавсиф асосини ташкил этадиган ўзаро ўхшашлик, фарқланиш, синонимия ва антонимия б и р л а ш д и - бир хил муносабат ичида бўлди.

Ўзбек субстанциализми очган градуонимик муносабатлар, бундай муносабатларнинг лексик, морфологик, синтактик сатҳ бирликлари орасида намоён бўлишини ўрганиш ва тавсифлашнинг фанимизда ишлаб чиқилган усуллари жаҳон тилшунослиги учун том маънода янгилик эди.

Тилшуносликда қадимдан кейинги даврларларгача даражаланиш муносабатларининг тадқиқи фонологик градуал оппозицияларни, айрим сўз гуруҳларида белгининг оз-кўплигини ўрганишдан нари ўтмаган. Кейинги йилларда Германияда ташкил этилган тилда даражалаш (die Graduierung) муаммоларини ўрганувчи махсус гуруҳ – Х. Яхнов гуруҳи ҳам /4/ масала атрофида ўрналишиб, унинг мағзини чақа олмади - градуонимик муносабатларнинг асосий қонуниятларини, бу муносабат турининг синонимия, гипонимия, меронимия (партонимия), антонимия в.х. билан алоқаларини, тилнинг б а р ч а сатҳ бирликлари орасида вокелана олишини, хуллас, лисоний бирликлараро семантик муносабатларнинг бугунгача очилмаган ва махсус тавсифланмаган бир тури эканлиги ҳақида ҳукм чиқара олмади. Э.Косериу /5/, Ж.Лайонз /6/, Д. Круз /7/, Х.Грайз /8/, И.Хорн /9/ каби ғарбнинг машҳур тадқиқотчилари ҳам даражаланиш алоқалари ҳақида фақат антонимлар таҳлили жараёнидагина тўхталиб ўтадилар, холос. Шунинг учун умумлисоний ҳодиса сифатида градуонимия ва градуонимик муносабатлар ўзбек субстанциал тилшунослигида мустақил равишда ишлаб чиқилган илмий тушунча сифатида баҳоланиши ва қабул қилиниши лозим..

Лисоний бирликлараро маъновий муносабатларнинг янги бир тур бўлмиш градуонимия тилшунослигимиз анъанасида бўлган ва тилла тизимида ажратилган ранг-баранг парадигмаларни мутлақо рад этмайди. аксинча, уларнинг сирасини градуонимик парадигмалар билан тўлдиради. синонимик ва антонимик муносабатларни объектив борликда микдори ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуниятининг лисоний инъикоси сифатида очик-равшан ифодалайди.

Ўзбек тилшунослигида маълум даражада махсус (жумладан Ш.Орифжонова, О.Бозоров тадқиқотларида) ўрганилган градуонимий муносабатлар рус тили материалларига татбиқ этилганда ҳам яхши натижалар берди ва славистлар диққатига сазовор бўлди /10;11/. Лекин тилшунослик назарияси учун янги бўлган бу илмий тушунчанинг тоғ маънода тантанаси ва Европа тилшунослари томонидан тан олинмаси германист Нофиза Воҳидованинг немис тили лексикаси бўйича корпус лингвистикаси ва компьютер лингвистикаси изланишлари билан узвий алоқадордир /12/. Бунда тилшуносликда энг ёш бўлган янги илмий тушунча - градуонимия оғир синовга учради ва бу Европада тилшунослигининг бугунги тараққиёт хусусияти ва йўналиши билан боғлиқ. Зероки, бугунги Европа тилшунослиги эмпирик методологияга таяниб, лингвистик корпуслар¹ асосида иш кўрадиган компьютер лингвистикасидир. Рационал (идрокий, систем-структур) таҳлил асосида тилшунослигимизда ажратилган градуонимия Европа олимлари назарити манзур бўлиши учун у мана шундай таҳлил ва тавсиф чиғиригидан ўтиш лозим эди.

Лексик тизимда градуонимик муносабатларни тан олиш градуонимларни алоҳида гуруҳга ажратиш 1995 йилдан бери тузи келинаётган ва мутгасил такомиллаштирилаётган NET|NETZ компьютер луғатларга жиддий тузатиш киритишни талаб қиларди. Шу боис Ўзбек олимаси Н.Воҳидованинг Ўзбек субстанциал тилшунослиги ютуқлари асосида немис тили лексик тизимида градуонимий муносабатларни ажратиш зарурати ҳақидаги фикрига германистлар табиийки, тиш-тирноқлари билан қарши чиқдилар, уни сафсата деб баҳолашди. Фикрини асослаш учун олимдан илк босқичда Тюбинген университетнинг янги филологик тадқиқотлар – корпус ва компьютер лингвистикаси факультети доирасида немисзабон аҳоли орасида компьютер сўрови ўтказишни талаб этишди. Сўров градуонимияни ажратиш зарурати фойдасига ижобий натижа бергач /13/, масалан Европа, Америка ва Осиёнинг етакчи олимлари иштирокида иш оли

¹ Лингвистик корпус – компьютер ва Интернет воситасида фойдаланиш ва таҳлил этиш имконини берадиган электрон матнлар мажмуаси. Корпус миллионлаб сўз-қўлланишларни ўз ичига олади. Чунончи, немис тили бўйича ҳозирча энг катта корпус (Немис тили корпуси – DeReKo – <http://www.ids.mannheim.de/kl/projekte/korpora/>) 3 миллиард 400 миллион сўз-қўлланишдан (қарийб 8 миллион китоб-саҳифадан) иборатдир.

Тартиланган Lexical-Semantic and Ontological Resources фаол гурухи (workshop) муҳокамасига чиқаришди, Н.Воҳидованинг ўзбек субстанциал тилшунослиги ютуғини кўрсатувчи «Немис тилида лексик – семантик градуонимия» мавзусида 1,5 босма табаклик мақоласи фаол гурух ширкатида чоп этилди /12/ ва 2007 йилнинг 13-14 апрелида Тюбингенда тилиштиладиган анжуманда муҳокама этиладиган бўлди. Ишида Германия, Франция, АКШ, Буюк Британия, Испания, Италия, Канада, Дания, Гонг-Конг олимлари катнашган бу анжуманда ўзбек олимасининг фикри яқинлик билан маъқулланди /14/. Анжуман тавсиясига кўра Манхайддаги Немис тили институти лексика бўлими градуонимик муносабатларнинг немис тили лексикасида воқеланиши ва шу асосда компьютер лугатларини такомиллаштириш бўйича катта иш бошлади - синонимия ва антонимия корпус ва компьютер лингвистикаси талаблари асосида қандай текширилган, кузатилган бўлса, илк босқичда 8-10 градуонимик қатор мана шундай кузатилиши ва аниқ математик хулосалар умумлаштирилиши талаб этилди. Ўзбек олимаси Манхайддаги Немис тили институтининг ELEXICO ва COSMAS корпуслари асосида бу ишни шараф билан адо этмоқда. Узоқ тадқиқ тарихига эга бўлган, компьютер лингвистикаси синонимия дош берган синонимия ва антонимия кўтара олган «вокни» ўзбек субстанциал тилшунослигининг «ўспирини» бемалол кўтара олди ва у жаҳон тилшунослиги сахнасида мустақкам ўрин олиш арафасида турибди.

Адабиётлар

1. Қурбонова М.М. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Тошкент. Университет. 2004.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Тошкент. Фан. 1995.
3. Нигматова Л.Х. Ўзбек тилида привативлик (нофонологик сатҳлар). Филол. фан. ном.дисс. Тошкент. 2004.
4. Yaxnow H., Kiklevic A., Meckovskaya N., Norman B., Wingender M. Kognition, Sprache und phraseologische/paromiologische Graduierung. Harrassowitz Verlag. Wiesbaden. 2005.
5. Coseriu, E.: Probleme der strukturellen Semantik. 3. Aufl./Autorisierte u. bearb. Nachschr. von Dieter Kastovsky- Tübingen: Narr, 1978. -106 S.
6. Lyons J.: Semantik. Band I. Verlag C.H. Beck München, 1980.
7. Cruse D.A.: Meaning in language: An introduction to semantics and pragmatics. Oxford: University Press, 2004.
8. Grice, H. P.: Studies in the Way of Words. Harvard University Press, Cambridge, 1989.
9. Horn L.R.: A natural history of negation. Chicago: University of Chicago Press, 1989 (Expanded reissue, Stanford: CSLI, 2001.)

10. Саидова М.Р. Сравнительно-типологическое исследование односоставных предложений в русском и узбекском языках. АКД. Ташкент. 1996.
11. Файзуллаев М.Б. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках. Автореф. канд. диссертации. Ташкент. 1994.
12. Vokhidova N. Lexikalisch-semantiche Graduonimie im Deutsch. Informatik Berichte – 336 – 3/2007. GLDV-2007 Workshop Lexikal Semantic and Ontological Resources. Kunze Claudia, Lemnitzer Lothar. Osswald Rainer (eds.). FernUniversita:t in Hagen. Yagen. 2007. Б. 119-129.
13. Vakhidova N. Ueber die Ergebnisse der web-basierten Umfrage zur lexikalisch-semantiche Graduonimie/ «Германистика ва романистиканинг Ўзбекистонда тараққиёти ҳамда келажаги. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008 йил 14-15 март» Бухоро .2008. Б.236-238.
14. <http://www.ut.uz/eng/today/europe recognizes her discovery.mrg>
<http://www.pressuz.info/index.php?title=home&nid=4024&my=012008&st=10>
<http://www.uzbekistan.be/press-releases/14-2008.html#>
 SOCIETY;
<http://www.ut.uz/rus/strana/ee otkritie priznala vsva evropa.mgr>

Ё.Тожиев
ЎЗМУ

Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг истиқболи ҳақида

Ўзбек тилшунослиги XX асрда жиддий ютуқларга эришди. Тилшунослигимизнинг ҳамма соҳалари бўйича, кўпроқ рус тилшунослиги ютуқларига суянилган ҳолда, анчагина ишлар яратилди. Олимларнинг рус ва жаҳон тилшунослиги ютуқларини ўзлаштириш, уларга суянган ҳолда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш йўналишини танланганлиги ҳаммага маълум. Бу нарса, албатта, ёш тадқиқотчиларнинг чет тилларини, айниқса, рус, инглиз ва немис тилларини ўрганишга эътиборини қаратганликлари билан боғлиқдир. Бундан ташқари, яна бир нарсани мамнуният билан айтиш мумкинки, ўзбек тилшунослиги Европа, жаҳон ва рус тилшуносликларидан, бизнинг назаримизда, жуда орқада қолиб, тамомила узилиб қолмади. Улардаги янги йўналишлардан хабардор бўлган ҳолда, бўлаётган янгича тадқиқотлар, улардаги қарашлар, йўналишлар, назарияларни ҳам, тадқиқот методларини ҳам йўл-йўлакай тарзда бўлсин, ўзбек тилшунослигига татбиқ этиб келдилар. Шу билан бирга, ёш тадқиқотчиларга турли йўсинларда уларни сингдирдилар ҳам. Бунга бир

мисол. Ўзбек тилшунослигида кўзга кўринган вакилларида бири бўлган А. Нурмонов А.Ғуломоўнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Синтаксис” (1961, 1965, 1987 йиллар нашрлари) дарслигининг нашрларини ўзаро ва 1948 йилда яратилган “Содда гап” дарслиги билан қиёсан ўрганиб чиқарган, кейинги нашрларда матн назарияси ҳақида маълумот берилганлиги, матн назариясининг вужудга келиши синтактик сатҳнинг иерархияли структурасини очиб беришга қулай имконият яратишини англаган ҳолда тадқиқотлар олиб боришга ундаганлиги, айрим тадқиқотларнинг юзага келишини таъминлаганлигига эътиборни қаратади. А.Нурмонов: “А.Ғуломоў синтактик семантика ютуқларига таянган ҳолда, дарсликнинг кейинги нашрларида гапнинг семантик структурасини ўрганишга алоҳида ўрин берган”, – деган фикрни айтади. Бундай фикрларни предикативлик категорияси (синтактик назариянинг марказий категорияларидан бири), уюшиқ, ажратилган бўлак, кириш ва киритма конструкцияларнинг мураккаблашган гаплар номи остида ўрганилиши каби масалаларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Демокчимизки, олимнинг бундай ишлари, унинг дарсликнинг ҳар бир янги нашрига турли ўзгаришлар киритилишининг ўзиёқ замон билан ҳамнафас бўлганлигини кўрсатади. Аффикслар келиб чиқиши ҳақида О.Бётлинг, В.Радлов, Г.Рамстедт, Э.Сспир, Н. Крушевский, М.Рясянен каби олимлар ишларидаги фикрлар кейинги тадқиқотлар учун сингдириб борилди. Шунга кўра морфемика, сўз исламиши соҳалари бўйича жиддий ишлар юзага келди. Назарий грамматика, назарий лексикология соҳаларида қилинган ишлар, аффикслардаги омонимия, синонимия, полифункционалликнинг тадқиқ қилиниши катта ютуқ бўлди.

“Ўзбек адабий тилининг қўшма гап қурилмаларида семантик-синтактик парадигма ва синтагматик муносабатлар” ёки “Ўзбек тилида морфем парадигма ва синтагматик муносабатлар” ёки “Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари”, “Шеърый матннинг лингвопоэтик талқини”, “Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги қўшма тилларнинг стилистик хусусиятлари” мавзудаги диссертациялар юзага келди. Бундай тадқиқотлар анчагина. Булардан ташқари “Ўзбек тилида предикатив муносабат”, “Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг мөнотатив аспекти”, “Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги илданишларнинг мўтадиллашуви”, “Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг инвариант-вариант муносабати” каби ўнлаб тадқиқотлар юзага келди.

Феъллардаги ўтимли-ўтимсизлик, аффиксация усулида феъллардаги ички ясалиш концепцияси, қўшма сўзларнинг ясалишидаги кўп босқичлилиқ ва конверсия, топонимлар, этноойконимларнинг ясалиши, тилдаги узуаллик ва окказионаллик масалаларида янгича қарашлар, дейиш мумкинки, ишончли концепциялар юзага келди.

Ўзбек тилшунослигида қиёсий тилшунослик, социолингвистика, матн лингвистикаси, бадиий матн таҳлиliga бағишланган кўпгина ишлар ҳам бажарилганки (булар анчагина), улар Ўзбек тилшунослиги мавқеининг тобора ортиб бораётганлигини кўрсатади. Эргаш морфемалар талқинига бағишланган “Аффикслар синонимияси”, “Аффикслар омонимияси”, “Ўзбек тили морфемикаси”, “Эргаш морфемаларнинг стилистик хусусиятлари” каби кўпгина тадқиқотлар ўз салмоғи билан ажралиб туради. Яна бир нарсани айтиш зарурати борга ўхшайди. Гап шундаки, ўзбек тилшунослигининг шу кунгача қилган ишларини ҳам муносиб баҳолаш, жиддий фикрларнинг назария даражасида ўзбек тилшунослигида мавжудлигини баралла айтиш вақти, истиқлол туфайли, келди.

XV асрдаёқ Алишер Навоий нутқ ва тил ҳодисаларини фарқлаган, улар муносабатини ўша даврдаёқ очиб берган. Буюк шоир ва олим илмий асосга эга бўлмаган фикрни айтмаган бўлиши аниқ. Демак, Фердинанд де Соссюр маълум даражада бўлса-да, Навоий олдида қарздордир.

Маҳмуд Кошғарий тилнинг софлиги учун курашга чорловчи фикрларни илгари сурган. Сўз олиш меъёрларини ҳам белгилаб берган, (бу гап Фитрат ва Абдулла Қодирийларда ҳам мавжуд). Ана шу тарздаги гоюлар XIX асрнинг 2-ярми ва XX асрлардагина бошқа халқлар тилшунослигида ўз тасдиғини топди.

Шунингдек, кўмакчи феъллар, феъллардаги нисбат категорияси, айрим сўз туркумлари стилистикаси, сўз структураси мавзуларидаги тадқиқотларда қатор фикрлар айтилдики, бу фикрлар жаҳон тилшунослигида кейинги пайтларда илгари сурилаётган қарашларда ўз исботини топмоқда.

Яқинда “Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси” номли монография юзага келди (1998). Ёш тадқиқотчи “Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш” (шахс микромайдони) мавзусида докторлик диссертациясини эълон қилди. “Ҳозирги ўзбек адабий тилида арабча луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик асимметрияга муносабати”, “Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва парадигматик хусусиятлари” мавзусида диссертациялар ёқланди. Бу ишларни санаб ўтишдан мақсад 70-йиллардан кейин яратилган барча илмий-тадқиқот ишлари мазмун ва шакл жиҳатидан систем-структур тилшунослик назариясидан келиб чиққан ҳолда диахрония ва синхрония, нутқ ва тил ҳодисалари муносабатларининг сақланганлиги ҳолда амалга оширилганлигини, демак, ўзбек тилшунослиги жаҳон тилшунослигидаги ютуқлардан ҳар ҳолда бохабар эканлиги, албатта, имкон даражасида улар билан тенг даражада қадам ташлашга ҳаракат қилганлигини таъкидлашдир.

Албатта, салкам бир аср Москва, Петербург, Қозон каби тилшунослик мактаблари таъсирида бўлган ўзбек тилшунослигининг

номис, инглиз, Америка тилшунослари йўналишларига ҳам дарҳол қарашиб олиши осон эмас. Бунинг устига рус тилшунослиги тараққиётининг беқирёслигини ҳам назардан қочириб бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, йирик рус тилшунослари Ф.Фортунатов, И.Водуэн де Куртенэ, Н.Трубецкой, И.Мещанинов, А.Потебня, А.Нешковский каби ўнлаб олимларнинг тилшуносликка қўшган ҳисматларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Янги назариялар, янги тадқиқотлар заминсиз юзага келмайди.

Ўзбек тилшунослигининг ўтган асрнинг 30-йилларидан олдинги асрига нисбатан “эмпиризм” даври терминини қўллаш мумкинлиги, шунингдек, тил ҳодисаларини фақат инвентаризация (рўйхатга олиш даври) деб баҳолаш ҳам нотўғри эканлигини олимлар алоҳида таъкидлаётдилар. Яъни олдинги авлод тилшунослар амалга оширган инвентаризациясиз, эмпиризмсиз тараққиётнинг кейинги погонасига кўтарилиб бўлмас эди. Кейинроқ эса, ўзбек тилшуносларининг сўз алоҳиини ва эргаш морфемаларни тадқиқ қилиш бўйича олиб борган ишлари, валентлик назарияси (компонент таҳлил) асосида юзага келтирган ишлари истиқболни белгилашга асос бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Назаримда яна бир муҳим нарсани ҳам айтиб ўтиш зарурдир. Бу тил билиши билан боғлиқ масаладир.

Кейинги йилларда қилинган кўплаб жиддий тадқиқотларнинг асосий мазмуни жуда босса, автореферат шаклида ёки аксарият ҳолларда, равоме шаклидагина жаҳон юзини кўряпти. Кўпчилик рус тилини ўрганган ва шу орқали илм оламига чиққан эди. Ҳозирги кунда бу жараён муайян даражада сусайди. Бошқа тилларни биладиганлар, афсуски, кам. Демакчимизки, тил билиш тўсиғининг анча жиддий эканлиги сезилди. Илмий тадқиқотларимиз натижаларининг ҳаммасидан ҳам жаҳон бохабар бўлаётгани йўқ. Бир-икки умумий тарздаги мақолалар ёки тадқиқотлар билиш ўзбек тилшунослигида бўлаётган жиддий ўзгаришларни жаҳонга таъкидлаб бўлмайди. Шу билан бирга, қувонарлиси шундаки, кейинги тадқиқотчиларнинг кўпчилиги инглиз, француз, немис тилларини яхши билганликлари туфайли, биринчидан, оригинал манбалардан фойдаланишни яхши йўлга қўймоқдалар, ўзларнинг ишларидан бошқа мамлакатлар тилшуносларини хабардор қилмоқдалар.

Шунга қарамай, тадқиқотларимизни қайсидир шаклда бўлмасин, жаҳон тилшунослиги оламига олиб кириш масаласини жиддий ўйлашимиз зарурка ўхшайди. Зеро, тадқиқотларимиз натижалари ўз ўқувчимиздан нарга чиқмаяпти. Бошқа тилларга таржима қилинаётгани йўқ, ҳисоб. Қайд этилганлардан ташқари тилшунослигимизда жуда долзарб ва ўз вақтинини кутаётган муайян муаммолар ҳам бор.

Биринчидан, модомики, кўпчилик рус тилини билар экан, (ҳозирча) барибир, рус тилшунослиги ютуқларидан фойдаланишни ҳам жуда четга суриб қўйиб бўлмайди. Афсуски, кўпгина тадқиқотчилар рус тилидаги адабиётларни ўқиёлмаётдилар. Рус тилшунослиги социолингвистика, матн лингвистикаси соҳаларида жиддий ютуқларга эришди. Айниқса, бадиий матнни лисоний таҳлил қилиш бўйича сезиларли тадқиқотлар юзага чиққан. “Языковые процессы прозы”, “Языковые процессы поэзии” номли китоблар нашр этилган. Л.А.Новиков, З.С.Смелькова, А.И.Горшков, В.М.Мокиенко, А.Н.Васильева каби ўнлаб олимларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Матн лингвистикасига доир анчагина ишлар қилинган маълум. Кўйинги, семантика, стилистикага, грамматиканинг назарий масалаларига бағишланган изланишлар олиб бориш зарур. Ўзбек тилшунослигининг истиқболлини буларсиз тасаввур қилиш қийин.

Иккинчидан, ўзбек тилшунослигида шу кунгача бажарилган тадқиқот ишларига, улардаги назарий фикрларга ўзбек тадқиқотчиларининг, талабалар, аспирантларнинг муносабатини, эътиборини ўзгартириш масаласидир. Тадқиқотчилар сафи бажарилда кўзга кўриниб қолганлар ҳам, ёшлар ҳам жуда кўп ўзбек тилшуносларининг тадқиқотларидан, назарий қарашларидан беҳабар эканлиги, бошқача айтганда, уларга менсимай қараш кайфиятига ўтиб олганлиги, уларни чуқур билмаслиги, жиддий ўрганмаётганликлари масаласи борки, бу ҳолат ўзимизнинг олимлар қилган ишларни қадрламаслиқдир.

Албатта, ҳамма ишларнинг ҳам савиясини бир хилда дейиш қийин. Бирок кўплаб докторлик, номзодлик диссертациялари ёқланган экан, уларнинг ҳаммаси барабарига “чатоқ” эмас. Уларда ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларини имкон даражасида ҳал этишга ҳаракат қилинган. Буларни камситиш йўлидан бориш ўрнига (бу инсофдан бўлмас) уларда кўтарилган масалаларга эътибор бериб, йирик деб тан олинган ўзбек олимларининг жиддий тадқиқотларини нашр этиш, улардан кенг илмий жамоатчиликни хабардор қилиш йўлидан ҳам боришимиз зарур.

“Систем тилшунослик нуқтаи назаридан ёндошиқ” қабилидаги гаплар билан йирик олимларимизнинг жиддий тадқиқотларини нарироққа суриб қўйиш, чуқур ўрганмаслик мумкин эмас. Ўзбек тилшунослигининг XXI асрдаги истиқболи ана шу ўзбек олимларининг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда ҳам белгиланиши мумкинлиги, бунга асос борлигини унутмаслик керак. Янги тилшунослик осмондан тушмайди. Мавжудларга таянади, уларга ҳисса бўлиб қўшилади, ҳолос.

Учинчидан, ўзбек шеваларини ўрганиш ҳозирги пайтда жуда ёмон аҳволда эканлиги ҳаммага маълум. Шевашунослар ўзбек тилшунослигида қолмади, ҳисоб. Диалектологлар қамайиб кетди. Бундай мутахассисларни

таърихламаяпмиз. Экспедициялар йўқ бўлди. Шевалар лугатлари тузиш сўхтаб қолган. Ўзбек тили шеваларга бойлиги билан ажралиб туради. Бабаҳо хазина ҳисобланмиш ўзбек шеваларини жиддий тадқиқ қилмай туриб, ўзбек адабий тилининг таракқиётини белгилаб бўлмайди. Математик лингвистика керак, бироқ шеваларни жиддий тадқиқ қилиш ҳам жуда зарур.

Туртинчидан, бадий асар тилини ўрганиш, лингвистика билан адабиётшуносликни омухталаштириш масаласи яхши йўлга қўйилиши лозим. *Стилистика* – бу оралиқ соҳа, бирлаштирувчи фан. Бу соҳадаги ишлар кейинги пайтларда анча жонланди, бироқ талаб даражасида эмас. Бадий асар тилини: ҳам матн лингвистикаси, ҳам эстетик, яъни тилнинг бадий тасвир воситаларидаги имкониятлардан ўринли фойдаланиш мижорати нуктаи назаридан ўрганиш тилшунослигимиз истиқболини белгилашда, албатта, назарда тутилиши лозимдир.

Бешинчидан, ўзбек тилшунослигида туркий тилларни қиёсий ўрганишга бўлган эътиборни кучайтириш жуда муҳимдир. Ўзбек адабий тилининг тарихий шаклланиш қонуниятларини тўғри ва тўла белгилашда бундай тадқиқотларнинг ўзига хос ўрни бор. Тил тарихини, имло билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ҳам ана шундай қиёсий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, соҳалар терминологиясини жиддий ўрганиш ва тартибга солиш жуда долзарб масалалигича қолмоқда.

Хуллас, ўзбек тилшунослигининг ХХI асрдаги таракқиёти истиқболини белгиловчи айрим нукталар ҳақида фикр юритар эканмиз, назаримизда, юқоридаги айрим мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, истиқболни, ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларини қуйидагича белгилаш мумкин (албатта, булар айримлари, холос):

1) жаҳон тилшунослиги ютуқларини янада дадилроқ ва изчилроқ тарзда ўзбек тилшунослигига тўғри ва тўла татбиқ этиш. Ҳар доимгидек мазмундан шаклга тамойилида, систем-структур йўналишида бошланган илмий-тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, барча тадқиқотчиларни тил ва нутқ, мазмун-шакл, бутун-қисм, моҳият-ҳодиса муносабатлари ҳамда диалектика қонунларига амал қилган тил ҳодисаларини ўзаро муносабатда олиб, фарқли ва умумий томонларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш йўлидан бориш;

2) матн лингвистикаси борасидаги тадқиқотларга жиддий эътибор бериш. Тил бирликлари ва нутқ бирликларига матн нуктаи назаридан баҳо бериш йўлидан бориш, айниқса, бадий матн лингвистикаси масаласи билан боғлиқ ишларни жонлантиришга эришиш;

3) социолингвистика, шевашунослик, терминологияга оид илмий-тадқиқот ишларини тубдан кенгайтириш, шу соҳаларга эътиборини кучайтириш;

4) тил билиш билан боғлиқ бўлган муаммолар, тўсиқларни бартираф этиш йўлини изчил давом эттириш орқали:

а) тадқиқотчиларнинг жаҳон тилшунослари ютуқларидан тўла фойдалана олиши учун зарур имкониятларни яратиш;

б) ўзбек тилшунослиги ютуқларини чуқур билган, уларга хурмат билан қараган ҳолда эришилган ютуқлардан жаҳон тилшунослигини бохабар қилиш, ўзбек тилшунослиги мавқеини тарғиб қилиш йўлидан бориб, тадқиқотлар натижаларига чет эл олимлари диққатини турли шаклларда жалб қилиш каби жиҳатлар ҳозирги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари сирасидан ўрин олмоғи лозим.

Н. Маҳмудов
ТДПУ

Ўзбек нутқи маданияти ва социолингвистика

Нутқ маданияти ва уни такомиллаштириш муаммолари ҳамма замонларда нафақат мутахассиларнинг, балки жамиятнинг барча аъзоларининг диққат марказида бўлиб келган. Зотан, жамият аъзоларининг нутқий маданият даражаси умуман жамият маънавий-маърифий камолотининг кўзгусидир. Мухтарам юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун “ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди”. Ана шу шароитда, Президентимиз таъкидлаганларидек, “...ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз”¹. Табиийки, ўзбек тилини илмий асосда ривожлантиришда нутқ маданияти масалалари ҳам алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, тил ижтимоий эҳтиёж маҳсули сифатида юзага келган, шунинг учун ҳам унинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий ҳодиса эканлиги барча томонидан эътироф этилган бир ҳақиқатдир. Жамият аъзолари ўртасидаги алоқани таъминлаш, яъни коммуникатив вазифа тилнинг барча бошқа вазифалари (когнитив, эмоционал, кумулятив, эстетик, фатик ва ҳ.к.) сирасида бирламчи, асосий ўринни эгаллайди. Кишилар ўртасидаги нутқий коммуникация жараёнлари эса ғоят хилма-хил бўлиб, унда тил ўз моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда турлича ўзига хосликлар билан намоён бўлади. Албатта, бу ўзига хосликларнинг асосий типлари нутқ услублари (стиллари) сифатида умумлаштирилади. Нутқ маданияти тилдан мақсадга ва конкрет нутқий-ижтимоий вазиятга мувофиқ тарзда фойдаланишни

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008. 85, 87-бетлар.

Ўрганар экан, табиийки, ана шу услублар билан бевосита тўқнашади. Лемакки, услубият (стилистика) билан алоқада бўлади. Тилнинг нутқий-ижтимоий вазиятга мувофиқ қўлланиши ўларок намоён бўладиган услублар масаласини айти пайтда социолингвистика ҳам ўз ичига олади.

Аввало айтиш керакки, нутқ маданияти ва услубият ўртасидаги муносабат ҳақида гап кетганда, бу икки соҳанинг ўрганиш объектини бир-бири қараб, уларнинг бирини иккинчиси ичига киритиб юбориш мумкин деган фикрдаги тадқиқотчилар ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам, нутқ маданияти ва услубият бир-бири билан жуда зич боғлиқ, бири иккинчисига суянади, ammo ўз ўрганиш объектига эга бўлган алоҳида-алоҳида соҳалардир. Ўзбек тилишунослигида бу масалалар тадқиқи билан жиддий шуғулланган олимлар куйидагича таъкидлайдилар: “Нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти нутқнинг алоқавий сифатлари йиғиндиси ва тизимини, уларни таъминловчи шарт-шароитлар, шу сифатларнинг такомиллашуви, риншожи ёки қолоқлашиши, пасайиши кабиларни ўз ичига олса, услубият соҳасининг объекти тил ва нутқ услубларини ўрганишдир. Модомики, услубият нутқ услубларини ҳам ўрганар экан, худди шу ҳолатда нутқ маданияти билан унинг муносабати вужудга келади. Чунки нутқ маданияти ҳақидаги таълимот ўз-ўзидан тил услубларини батафсил акс эттириш, ҳар бир услубнинг ўзига хос томонларга эга эканлиги, имкониятларининг ёритилишига эҳтиёж сезади. Чунки нутқнинг алоқавий сифатлари, одатда, ҳар бир услуб доирасида ўзгариши, бири бир услубда яқинроқ намоён бўлгани ҳолда, иккинчиси бошқа бир услубда сустрок намоён бўлади... Услубият билан нутқ маданияти бир-бирини тамомила шикор этмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради, алоҳида-алоҳида соҳа бўлишларига қарамай, бир-бири учун хизмат қилади.”²

Нутқий-ижтимоий вазият ва нутқнинг бу вазиятга мослиги, шубҳасиз, мантикий мувозанатни, мутаносибликни тақозо этади. Бунда объектив воқелик ва нутқ орасидаги, айти пайтда нутқ қисмлари орасидаги мантикий уйғунлик назарда тутилади. Табиийки, мантикий бўлмаган нутқ ҳар бир ҳолатда маданий бўла олмайди. Тилимиздаги *нутқ* ва *мантиқ* сўзларининг ўзаги айнан бир эканлиги бежиз эмас. Айрим сўзлар ва яхлит сўмчаларнинг ўзаро алоқасидаги аниқлик ва мантиқлилики таъминлашда мантиқ қоидаларига суяниб иш кўрилади. Бобомиз Фаробий мантиқ илмининг аҳамиятини мана бундай тарзда таъриф этган: “Грамматика олимлар нутқини тўғрилагани каби - у шунинг учун ҳам вужудга келгандир - мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда тафсилкурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради. Грамматиканинг тилга ва тил ифодаларига бўлган муносабати мантиқ илмининг ақл ва ақлий тушунчаларга бўлган муносабати каbidир.

² Унгунов Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент. Ўқитувчи. 1992. 136-137-бетлар.

Грамматика ҳар доим тил ифодаларида хатолар келиб чиқиши мумкин бўлганда тилнинг ўлчови бўлганидек, мантиқ ҳам ҳар доим ақлий тушунчаларда хато келиб чиқиши мумкин бўлганда ақл ўлчовидир. Мантиқ илмисиз ҳақиқий ижодий тафаккур, гўзал ва аниқ нутқ тузиш маҳол. Икки маълум фикрдан учинчи бир янги фикрни мустақил ҳолатда келтириб чиқариш ва уни маромига етказиб нутқда ифодалай олиш учун мантиқ қоидаларидан бохабарлик зарур.

Нутқ маданиятинининг ижтимоий моҳияти ва табиати унинг педагогик мақсадларида ҳам кўринади. Зотан, нутқ маданиятига соҳиб бўлиш малакалари жамият ҳаётидаги мунтазам ва мутлақо зарурий ҳаракатлар бўлмиш таълим-тарбия жараёнларида шакллантирилади. Дунё тилшунослигида тилдан тўғри ва маҳорат билан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш, яъни маданий нутқ тузиш йўллари кўрсатиш билан шуғулланадиган соҳа тил дидактикаси ёки лингводидактика номи билан ҳам юритиладики, бунда нутқ маданияти ва педагогиканинг бир қисми бўлган дидактика ўртасидаги зич алоқа яққол намоён бўлади. Ю.В.Рожественский рус ва бошқа тилшуносликларда “умумий лингводидактика нутқ маданияти номини олган” лигини таъкидлайди³.

Нутқ маданияти ўзининг доимий ижтимоий моҳиятига кўра психология, эстетика, этика, социология, маданиятшунослик адабиётшунослик каби бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам узвий боғлиқдир.

Инсон жамиятнинг ичида яшайди, фаолият кўрсатади, бошқалар билан мулоқот қилади. Бу мулоқот, албатта, нутқ орқали амалга ошади ва жамият аъзосининг нутқи айни жамият томонидан баҳоланади. Жамият аъзосининг нутқи шу жамиятда қарор топган миллий руҳият, нафосат, ахлоқ, ижтимоий муносабат, маданият, тарбия, урф-одат, идрок тамаллари ва қоидаларига асло зид келмаслиги лозим. Бу тамаллар ва қоидалар эса мазкур нолингвистик ижтимоий фанлар томонидан турли нуқтаи назарлардан ўрганилади. Тўғри ва таъсирчан нутқ тузишда айни қоидалар ҳисобга олинмас экан, уларга амал қилинмас экан, қўйилган мақсад эришиб бўлмайди.

Нутқ маданиятидаги бош масала, айтиб ўтилганидай, тилни мақсадга мувофиқ фойдаланишдир, демак, тилни қўллашнинг реал ижтимоий жараёнларини таҳлил қилиш бу соҳанинг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ўринда нутқ маданиятининг социологияси билан тўғридан-тўғри алоқадорлиги аниқ кўринади. Р.А.Будагов шундан ёзади: “Тил маданияти – бу нафақат филологик, балки социологик муаммо ҳамдир: у бугунги дунёдаги коммуникациянинг бениҳоя хилма-хил кўринишлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир.”⁴ Тилнинг

³ Рожественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию. М. Высшая школа. 1990. С.319.

⁴ Будагов Р.А. Как мы говорим и пишем. Москва. МГУ. 1988. С.78.

ижтимоий моҳияти, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, инсон нутқий фаолиятининг ўзига хосликларини ўрганган баъзи тадқиқотчилар бу муаммолар социологияга дахлдор деган фикрга ҳам келганлар. Масалан, инглиз олими Б.Малиновский ўзининг “Замонавий лингвистика диссеммаси” номли дастурий мақоласида “тил инсон ахлоқининг шаклларида бири, эҳтимолки, энг муҳимидир” деган тезисни илгари суради ва унингча, нутқий фаолият бўйича барча тадқиқотлар социологияни кўзда тутиши лозим, лингвистика эса умумий маданият шарҳларининг қисми бўлиб қолиши керак⁵.

Тил ва жамият ўртасидаги беҳад мустаҳкам алоқадорликни бутун кўлами билан англаш, тилшунослик ва социологиянинг кесишадиган қўшаб нуқталарини идрок этиш натижасида дунё тилшунослигида социолингвистика йўналиши, тўғрироғи, фани юзага келди. Тил структуралари билан социал структуралар ўртасидаги доимий муаносибликлар, лисоний шакллар билан социал вазифалар орасидаги ўзаро алоқадорликларни аниқлашни асосий мақсад қилиб олган социолингвистика йўналиши, фани ривожланиб бормоқда. АҚШдаги Банкастер университети тилшунослик кафедраси ўқитувчиси Роджер Г.Белл социолингвистиканинг мақсадлари, методлари ва муаммолари таҳлилига бағишланган китобида бу соҳанинг бош вазифаси тилни қўллаш шарҳларини яратишдан иборат бўлиши лозимлигини айтади. У шундай ёқди: “...Тилни қўллаш нафақат грамматик тўғри, балки коммуникатив шуникмаларнинг кенг диапозони томонидан қўллаб-қувватланадиган, ижтимоий мақбул бўлган жумлалар ва ёзувлардан иборат...”⁶ Унинг таъкидлашича, тил воситаларини танлаш ва бундаги моҳирлик асосида тингловчи ва ўқувчига кўрсатилган таъсирнинг сабабларига бўлган шуниккиш риторика, нотиклик санъатини социолингвистика билан таъкидлаштиради, аммо ...бу икки фан ўртасида муаммога ёндашув борасида ёшқин фарқ кузатилади⁷.

Социолингвистикада коммуникация мазмуни ва бу мазмунни ўқувчи каналларига алоҳида эътибор берилади. Одатда коммуникатив шарҳларнинг уч асосий унсури мавжуд бўлади, яъни сўзловчи, тингловчи ва мазму ёки ахборот. Сўзловчи муайян ахборотни тингловчига етказиш учун, алоҳида, восита – тегишли канални танлайди. Табиийки, асосий канал тингловчи ўзидир. Аммо ахборотни тўла етказишда умумий вазият ва мақсадга мувофиқ бошқа каналлар ҳам ишга туширилади. Бу ўринда паралингвистик ва экстралингвистик воситалар назарда тутилади. Чиндан ҳам, турли жестлар, юз ифодаси, бошни қимирлатиш, гавда ҳаракатлари,

⁵ Шейнцер А.Д. Современная социолингвистика. Теория, проблемы, методы. М. Наука. 1976. С.22-23.

⁶ Белл Роджер Т. Социолингвистика. Цели, методы и проблемы. М.Международные отношения. 1980. С.

⁷ Белл Роджер Т. Кўрсатилган асар. 43-бет.

макон яқинлиги, овоз табиати, кийимлар, сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий ёки бошқа мақоми каби хилма-хил омиллар коммуникация жараёнида алоҳида қимматга эга. Узатилмоқчи бўлган ахборотнинг мазмуни, мақсади ва табиатига уйғун тарзда мавжуд коммуникация каналларидан тегишлиси, энг мақбули танланади.

Ю.Абдуллаев ва А.Бушуйлар ўзларининг “Тил ва жамият” номли монографик тадқиқотларида беҳад ўринли таъкидлаганларидек, социолингвистиканинг “асосий тадқиқот методи лисоний ва ижтимоий ҳодисаларни корреляциялаш (ўзаро алоқалантириш)дан иборат”⁸. Умуман, дунё социолингвистикасидаги бу муаммолар бўйича қўлга киритилган илмий-назарий ва амалий умумлашмалар нутқ маданияти учун жуда ҳам фойдалидир.

Тил, хусусан, ўзбек тили ифода вариацияларига жуда ҳам бой, яъни муайян бир тушунча ёки фикрни хилма-хил шаклларда ифодаланган имкониятлари мавжуд. Уларни соф лисоний вариациялар (масалан, *юл, бет, чехра, афт, башара, турқ* каби ёки *чай ичмоқ, чойдан ичмоқ, чойин ичмоқ* каби ёки *Биз истибоддан қутулдик, Биз мустақилликка эришдик. Бошимизга эрк қуши қўнди* каби) ва ижтимоий вариациялар (масалан, коммуникация иштирокчиларининг ёши ёки ижтимоий мақомидаги фарққа кўра *Кел, Келинг* каби фарқли ифодалар) тарзида фарқлаш мумкин. Маданий нутқ тузишда вариациялар ва улардан керагини, яъни ижтимоий-нутқий вазиятга тамомила мувофиқини танлаш диққат марказида бўлиши лозим. Маданий нутқ учун фақат грамматик тўғрилиқ эмас, балки танланган ифода вариантининг ижтимоий мақбуллиги, ўринлилиги ҳам муҳимдир. Айтиш жоизки, нутқ маданияти бўлиши учун грамматик ва, умуман, лисоний қоидаларнинг ўзигина етарли эмас, бу борада тилнинг қўлланиши билан боғлиқ ижтимоий қоидалар ҳам хал қилувчи роль ўйнайди.

Бу ўринда яна шуни ҳам таассуф билан таъкидламоқ жоизки, ўзбек тилшунослигида социолингвистик тадқиқотлар, Ю.Абдуллаев ва А.Бушуйнинг кўрсатилган монографияси ва яна бир-икки ишни ҳисобга олмаганда, йўқ ҳисоби. Ҳолбуки, мустақиллик шарофати билан юзага келган тамомила янги тарихий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий ва маданий-маънавий шароитларда мамлакатимиздаги тил ва жамият масалаларининг теран ва ҳар тарафлама тадқиқ этиш энг долзарб вазифалардандир.

Хуллас, нутқ маданияти барча тавсифий тилшунослик фанлари билан бир қаторда кўплаб ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам ютуқларидан унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Нутқ маданияти муаммолари ўрганилар экан, айниқса, социолингвистика фани қўлга киритган асосий илмий хулосалардан хабардорлик лозим бўлади. Зотан, инсон ва унинг тили, хусусан, нутқий фаолият, яъни нутқни тўғри тузиш

⁸ Абдуллаев Ю., Бушуй А. Язык и общество. Ташкент. Фан. 2002. С. 153.

ва уни тўғри тушуниш бениҳоя мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, лингвистика бу жараён сирларини ўрганишда фавқулодда муҳим аҳамиятга эга.

Т.Мирзакулов, М.Эркаев
Навоий давлат кончилик институти

Морфем маъноларнинг борлиқ – онг – тил тизимига муносабати

Тилшуносликда морфем маънолар турли жиҳатдан тасниф этилади. Бу таснифларнинг бир неча ўлчовларга асосланиши махсус адабиётларда тасвирланган. Ушбу ахборотда морфем маъноларнинг борлиқ, онг, тил тизими ва структураси билан боғлиқ бир таснифи хусусида фикр юритамиз.

Маъно учун асос бўлувчи манба борлиқ, воқеликда бўлса, объектли, онг доирасида жойлашган бўлса, субъектли, тил тизимида мавжуд бўлса, структур маъно деб юритилади. Ушбу маъно турлари тилшуносликда таснифланаётган денотатив, сигнификатив ва структур муносабатга маълум даражада мос келади (1,131).

Фан тарихида воқеликдаги предмет, белги, ҳаракатнинг якка номи сифатида лугавий маънолар кенг ўрганилиб келинган ва улар формал маънолар сифатида қаралувчи грамматик маъноларга қарама – қарши бўлишган. Натижада тил мазмун сатҳида лугавий маънолар асосий маънолар, грамматик маънолар эса уларга орттириладиган йўл – йўлакай маънолар мақомида тавсифланган.

XX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб ўзаро боғланган, бири йилликисини тақозо этувчи сатҳлар – фонология, морфемика, сўз ясалиши, лексикология, грамматика (морфология ва синтаксис)нинг изчил бошланиши ва уларга хос асосий, базисли бирликларнинг маъно томонига эътиборнинг кучайиши лингвистик семантикага доир тадқиқотларнинг кенг кўламда олиб борилишига имкон яратди. Ўзбек тилшунослигида алоҳида истиқболли йўналиш – мазмуний синтаксис (А.Н. Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Бердалиев, Р.Расулов, Р.Сайфуллаева ва би олимларнинг ишлари туфайли) пайдо бўлди. Худди шунга ўхшаш тадқиқотлар морфемика ва функционал морфология, систем лексикология (Н.Қўчқортоев, Ш.У.Раҳматуллаев, Ҳ.Ғ. Неъматов, Р.Расулов ва бошқа олимларнинг ишлари) соҳасида ҳам юзага келди.

Юқорида қайд этилганидек, объектли маънолар кўпроқ лексикага хос деб белгиланиб келинган бўлса ҳам, маълум бўлишича, бу тур маънолар йкки ёқлама тил бирликларига эга бўлган барча сатҳларда мавжуд бўлади. Агар морфемика бирликлари доирасида объектли, субъектли ва структур маънолар нисбатини кузатадиган бўлсак, бош

морфемалар – ўзаклар ва туб сўзлар борлиқдаги турли денотатлар ҳақида маълумот бериб, объектли маъноларни мужассам этиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга, бош морфемалар маълум парадигма, функционал – семантик майдонларга тортилиб, ўрни билан субъектли, онг билан боғланган маъноларни акс эттиради ва таснифловчи белги (маркер) вазифасини ўтайди (2).

Ёрдамчи морфемалар – қўшимчалар ва уларга маъно – вазифали жиҳатидан тенг келувчи (эквивалент) бирликларда саналган маънолар нисбати қай даражада бўлиши мумкин?

Кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича, - чи, - дош, - ли каби сўз ясовчи қўшимчалар борлиқ – онг – тил учлиги алоқадорлигида муайян объектли маъноларга ишора қилади, - лар, - та, - тача, - ларча каби қўшимчалар ҳам кўплик, миқдор каби тушунчаларни онгдан шакллантирувчи вазифани бажаради, - ча (уйча), – лоқ (бўталоқ), - гиш (озгина), - чоқ (кўзичоқ) каби қўшимчаларда субъектли маъноларни шакллантириш вазифаси устун туради; сўз ўзгартувчи қўшимчаларда эса боғлаш, бириктириш каби реляцион маънолар ифодаланиб, бу қўшимчалар ҳам борлиқдаги турли объектли муносабатларни акс эттиради.

Ёрдамчи морфемалардан – қўмакчиларда объектли (реляцион) маънолар ёрқин ифодаланса, юкламаларда аввалги ўринда субъектли (модал) маънолар устун туради.

Сўз туркумлари сўзларнинг лексик - грамматик тўдалари сифатида баҳоланади. Шу жиҳатдан қаралса, бу сўзлардаги маънолар тавсифи ҳар учала тур (объектли – субъектли – структур) маъноларни қамраб олади. Албатта, предмет, белги, ҳаракат каби умумкатегориал маънолар луғавий маъно бўлмаса – да, улар тарихан шаклланган умумлашма маънолардир. Айни шу маънолар кейинги, иккиламчи (луғавий маъно, сўз ясашиш маъноси, фразеологик маъно, турли бошқа) маъноларнинг шаклланиши учун асос бўлади. Турли грамматик восита ва категориялар эса туркум доирасида ва туркумлараро ана шу маъноларнинг конкретлашуви учун хизмат қилади. Мавҳум деб қараладиган ва борлиққа алоқаси йўқдек туюладиган эгалик, келишик, шахс – сон қўшимчалари ҳам фикр предметлари ўртасидаги муносабатни ифодалаб, объектли маъноларни ташиб келади (3, 384).

Синтаксисга оид тадқиқотларда ушбу сатҳга оид бирликларнинг денотатив, сигнификатив ва структур томонлари ҳам алоҳида, ҳам яхлит ҳолда ўрганилиб сўз бирикмаси ва гапнинг борлиқ билан боғлиқ томонлари мазмуний синтаксиснинг асосини ташкил этиши кўрсатилди (4).

Морфемика бирликларида ҳам қайд этилган маънолар ўзаро яхлит ёндош келади. Фақат айрим тур морфемалар (ўзак ва туб сўзлар)да объектли, кичрайтиш – эрқалаш, майл категорияси каби қўшимчаларда

субъектли, эгалик, келишик, шахс – сон кўшимчаларида структур (тил ўтки тизимига хос) маънолар етакчи ўринда туради.

Ономасиологик – номинатив жараёнлар морфемика бирликларининг ҳам турмуш эҳтиёжи туфайли коммуникатив бирликлар таркибига тортилишини таъминлаб туради (5). Фаол сўз яшаш, шакл яшаш, сўз ўзгартиш моделлари борлиқ ва унга хос муносабатларни инсон онгида турли даражада акс эттиради. Бу жараёнда ахборот билан бирга, шахснинг носеликка бўлган турли баҳоси ҳам акс этади, ахборот ва унга муносабат ва турли боғловчи (структур) воситалар ёрдамида амалга оширилади. Натижада ўзаро боғланган маъноларнинг тил тизимидаги қатламлари асосий бўлади ва бу ҳар бир давр тил эгалари онгида синхрон жиҳатдан “борлиқ – онг – тил тизими”нинг маҳсули сифатида кўринади.

Адабиётлар

1. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. М. 1979.
(Магнда биринчи рақам адабиётлар рўйхатидаги манбани, кейингиси эса унинг саҳифасини билдиради).
2. Кубрякова Е.С. Части речи в ономазиологическом освещении. М. 1978.
3. Современный русский язык (Под ред. В.А. Белошапковой). М.1989.
4. Нурмонов А.Н. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент 1993; Бердалиев А. Эргаш гапли кўшма гап конструкцияларида семантик – сигнификатив парадигматика. Тошкент. 1989.
5. Большой энциклопедический словарь. Языкознание. М. 2000.

Р. Расулов
ТДПУ

Ҳолат валентлиги реализаторининг агенс ҳолатининг кечиш тарзини ифодалаш¹

Ҳолат валентлиги реализатори гап конструкцияларида муайян синтактик позицияда келиб, мантиқан феъл маъносида қайд этилган агенс вақтининг кечиш тарзини, қандай ҳолда содир бўлишини англатади. Ҳолат валентлиги реализатори ҳолат феълдаги агенс ҳолатининг ҳолат белгиси, характерли хусусияти бўлиб кузатилади.

Феълда ифодаланган ҳолат агенс ҳолати сифатида семантик жиҳатдан асосий бўлса, унинг – агенс ҳолатининг ҳолат белгиси бўлиб келган ҳолат вақтинчалиги, аниқлиги, фаол таъсир қилишига кўра, шахсда ўтки бу даражада модал муносабат уйғотишига кўра ўзига хосдир.

¹ Шунингдан олдиндаги учинчи мақола. Биринчи мақола Низомий номидаги ТДПУнинг “Педагогик таълим” журналида (2004, №6), иккинчи мақола ЎзМУнинг илмий мақолалар тўпламида (2006) нашр қилинган.

Бинобарин, асосий ҳолат – агенс ҳолати “доимий”, “мутлак” бўлса, “тобе” ҳолат унга нисбатан вақтинча, ситуативдир.

Демак, феъл маъносида берилган агенс ҳолати ҳолат акаганги орқали муайянлашса, ўз навбатида кейинги ҳолат ҳам ҳолат феъли маъносидаги ҳолат (агенс ҳолати) орқали аниқлашади, “тиниклашади”. Бу ҳолда “тобе” ҳолатнинг қандай ёки қайси асосий, етакчи ҳолатга тегишли, қандай ҳолатнинг белги-хусусияти эканлиги маълум бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг ҳолат валентлигининг реализатори кўпинча равиш, равишдош², сифат, от, баъзан, тақлидий сўзларда кузатилади. Ҳолат валентлигининг сифатда реаллашиши. Сўзнинг ҳақиқий “ҳаёти” нутқ фаолиятида бўлиб, у айна жараёнда моддий, реал факторга айланади, муайян хабар ташийди, инсон руҳиятига таъсир қилади. Сўз нутқий фаоллигининг асосий сабабларидан бири ҳар қандай сўзнинг даставвал нутқда юзага келиши ва муайян семантик -синтактик вазифани бажаришига кўрадир. Шу жиҳатдан сўзни семантик, морфологик ва синтактик – функционал конкрет аниқлаш бевосита нутқ жараёни билан боғлиқ бўлади. Демак, бунда сўз бирикмаси ва гап каби синтактик бирликлар ўлчов вазифасини бажаради.

Айтилганларга кўра ҳолат феълларининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сўз вазифасида сифатнинг келиши, феълнинг маъно имкониятига кўра очик позициясини тўлдириши, валентлик иштирокчиси бўлиши, сифат маъноси денотатининг ҳолат феълининг ҳолат актанти бўлиб кузатилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки сифатларнинг белги билдириш вазифаси отга, унда узуал ифода этувчи предметларга кўрадир. Шу сабабли сифатларнинг асосий хусусияти предмет белгисини билдиришидир. Демак, сифатларнинг предмет белгисини англантиши уларнинг асосий, бош семантик вазифаси ҳисобланади. Чунки предметнинг моддийлиги унинг муайян белгисига кўра тасдиқланади. Бу белги эса лисоний жиҳатдан сифат маъносининг ташқи (экстралингвистик) асосини ташкил қилади.

Диалектик фалсафа нуктаи назаридан объектив борлиқ предмет ва нарса - ҳодисалари ўзаро боғлиқ, бири иккинчисига ўтиб туришда, ўзгаришда бўлганидек, унинг лисоний белгилари – сўзлар ҳам ўзаро алоқада, бир туркумдан иккинчисига ўтиб туришда, яъни семантик-грамматик ўзгаришда кузатилади. Сўзларнинг бундай ўзгариши нутқда, гап конструкциясида юз беради. Бу эса ўз навбатида сўзларнинг синтактик семантикаси, ўрни ва вазифаси билан ўлчанади.

Сифатнинг типик семантик-синтактик вазифасидан “чекиниши” ва гапда нотипик семантик-грамматик вазифада келиши унинг иккиламчи

² Ҳолат феъллари ҳолат валентлигининг равиш, равишдош, от ва тақлидий сўзларда реаллашиши юқорида қайд этилган ишларда ёритилган.

нуткий фаолияти бўлиб, бу унинг ҳолат феъли билан семантик бирикишидан препозицияда мутлақ тобе компонент позициясида кўлланишидан – феълли релятив бирикмани шакллантиришдан, шунга кўра феъл маъносидаги ҳолатни аниқлаш, унга хос муайян белгини англатишдан юзага келади. Шунингдек, сифатнинг ўзгача вазифада қайд этилиши унинг потенциал имконияти бўлиб, демак, бу имконият нутқда, синтактик қуршовда, қуршов аъзоларининг семантик-синтактик таъсир килиши, сифат билан ўзаро бирика олиш қобилиятига кўра юз беради. Бошқача айтганда, нук жараёнининг тил имкониятининг воқеланиши эклидиги, тил бирликларининг нутқда ўзаро бирикиши, функционал шиклидиги, муайян хабарни ташиши, қуршов бирликлари таъсирида маъно жиҳатдан категориал ўзгаришга учраши, уларнинг (тил бирликларининг) кўпинча типик, баъзан нотипик вазифада келишига кўра содир бўлади. Демак, сифатнинг гапда ўзгача нотипик вазифада бўлиши мантикий асосга эгадир.

Бизнингча, ҳар бир морфологик категория бирликлари ўзининг асосий семантик-синтактик вазифасидан ташқари иккиламчи нотипик функцияда ҳам қўллана олиш имкони билан характерланадики, бу имкониятнинг воқеланиши, тасдиғи нутқда юз беради. Маълумки, фикрлашишда ҳар бир сўз семантик-синтактик монофункционал бўлади. Чунки муайян гап конструкцияси ҳар қандай полифункционалликни бутунлай рад этади, яъни сўзлар нотипик семантик-синтактик вазифада белгиланганда ҳам, фақат монофункционал бўлади. Чунки мулоқот жараёни “тугма” равишда фикрий аниқлик ва изчилликни талаб қилади. Бу эса бевосита нутқ учун хомашё вазифасини ўтовчи тил бирликлари, сўзларнинг семантик-синтактик бирикишидан, валентлик имконига эгадигидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, контекст, гап сўзларни бошқа матнлардан “тозалайди”, муайян бир семантик-синтактик вазифада бўлишига “мажбур қилади”. Демак, ҳолат валентлигининг реализатори вазифасида сифатнинг келиши ва унинг равиш ҳоли вазифасини ўташи, ҳолат белгисини ифода этиши синтактик конструкцияга кўра содир бўлади, синтактик қонуният саналади. Ҳолат феълларининг ҳолат аъзанини ифода этувчи сифатлар ҳолатнинг (фақат ҳаракатнинг) эмас шундай ҳолда кечишини англатишига, ҳолат белгисини билдиришига кўра равиш ва равишдошларнинг семантик-синтактик вазифасида намоён бўлади.

Сифатларнинг феъл маъносида ифода топган ҳолатни (ҳаракатни) характерлаш, аниқлаш, унинг муайян ҳолат белгисини ифода этиш имконига кўра проф. Н.К.Дмитриев “...сифат феълнинг аниқловчиси сифатида қўлланилиши, яъни у равишнинг синтактик вазифасини бажариши мумкин. Бу ҳолда туркий ... сифат ҳол вазифасида келиб, рус

тилидаги равишга мувофик бўлади”³ – дейди. Аммо туркий тилларда сифатларнинг феъл билан бирикиши кам учрайди. Аниқроғи, ҳамма сифатлар ҳам феъл билан ўзаро бирикиш, валентлик муносабатига киришиш қобилиятига эга эмас. Чунки улар семемаларининг муайян семаси билан бирикуви, ҳар икки лексема семемалари учун умумий бўлган классема типдаги сема йўқдир. Шу туфайли ҳамма сифатлар ҳам феълнинг аниқловчиси бўла олмайди, феъл билан семантик-синтактик муносабатга киришмайди, бирикма конструкциясини тузмайди.

Проф. М.Б.Балакаев “улар (сифатлар – Р.Р) ҳаракат ва ҳолатнинг сифат белгисини аниқлаш учун феъллар билан бирикиши мумкин. Бу ҳолда доимо инсон ёки ҳайвонда юз берувчи ички ҳолат, идрок ва ҳаракатни ифодаловчи феълларгина бирикиш имкониятига эга бўлади”⁴, дейди. Аммо ҳолат феълларининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сифатлар, юқорида таъкидланганидек, фақат киши ички (рухий) ҳолатини ифода этувчи психик ҳолат феъллари билангина эмас, шунингдек, образли ва физиологик интеграл семали ҳолат феъллари билан ҳам бирикади. Улар шу ЛСГ ҳолат феълларининг ҳолат валентлигини қайд этади, феъл маъносидagi агенс ҳолатининг бажарилиш тарзини ифодалайди. Буни куйида кўриб чиқамиз;

Қолмок давомли интеграл семали ҳолат феълнинг ҳолат валентлиги кўпинча ёлғиз лексемасида реаллашади. Шуниси характерлики, бу сифат равишлашганлиги билан ажралиб туради. Қолмок феълнинг ҳолат актантини ифода этувчи ушбу сифат равиш характерида бўлишига кўра аниқловчи – ҳолли маъно муносабатини англатади. Аниғи, релятив бирикманинг тобе компоненти бўлган сифат “танҳо” (якка) ифодасини бериб, агенс ҳолатининг якка, бир ўзи иштирокида кечишини билдиради. Феълли бирикма компонентлари учун “танҳо” семаси классема вазифасини ўтайди. Бу тоғларда ёлғиз қолдим (Лайли ва Мажнун). Биз ... ёлғиз қолдим (Ф.Мусаҷонов).

Қолмок феълнинг ҳолат реализатори баъзан “ажратилган ҳолда” маъноли бўлади. Сўз бирикмасида агенс ҳолатининг назарда тутилган ҳолда юз бериши ифодаланadi. “Ажратилган ҳолда” семаси феъл ва сифат семемаларини бириктирувчи классема ҳисобланади: Олти яшарлигимдан отадан етим қолдим. (Фан ва турмуш).

Ётмок давомли ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сўз “беҳуш” ва “бетоб” маъносини беради. У сўз бирикмасида: а) агенс ҳолатининг хушини йўқотган ҳолда юз беришини ифода этади: Яраланган. Хушси ётибди (У.Назаров); б) агенс ҳолатининг касалликка чалинган ҳолда кечишини билдиради: ... ахир онам касал ётарди (Н.Нормуродов). Релятив бирикма “беҳуш” ва “бетоб” классемаларига кўра тузилади.

³ Н.К.Дмитриев. Грамматика башкирского языка. М. 1948. С. 81.

⁴ М.Б.Балакаев. Основные типы словосочетаний в казахском языке. Алма – Ата. 1967. С. 6.

Образли интеграл семали милтирамоқ ҳолат феълнинг ҳолат актанти “кучсиз”, жилоланмоқ ҳолат феълнинг ҳолат актанти “нафис”, мудрамоқ ҳолат феълнинг ҳолат актанти “ҳолсиз” каби ифодаларни беради. Бирикма конструкцияларида: а) агенс ҳолатининг равшан еритилмаган ҳолда юз бериши англашилади: ...юлдузлар хира милтрап (Ойбек); б) агенс ҳолатининг ёқимли таъсир қилган ҳолда кечиши ифодаланади: ...Гўри Амир минораларининг тилла ранг бўёқлари нозик жилоланади (О.Ёқубов), в) агенс ҳолатининг бўшашган, ҳолини йўқотган ҳолда бажарилиши қайд этилади: Саратон ўзи ҳам мудрайди беҳол (А Орипов) Феълли бирикма компонентлари учун “кучсиз”, “нафис” ва “ҳолсиз” семалари классема саналади.

Чарчамоқ, оғримок физиологик ва таъсирланмоқ, босинқирамоқ психик интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат реализатори “ортиқ даражада”, “ниҳоятда” маъносини англатади. Ҳолат феълли сўз бирикмалари агенс ҳолатининг ҳаддан ортиқ, кучли даражада юз беришини билдиради. “Ортиқ даражада” семаси бирикма компонентлари семемаси учун классема вазифасини ўтайди: Бугун кuni билан тоғ қазиб, каттик чарчаган эдим (М.Исмоилий). Боши каттик оғрир (У.Назаров). Наной Гулининг сўзларидан каттик таъсирланди (И.Султон). Арслон уйқусида каттик босинқиради (Мирмуҳсин). Қаттик лексема семемасида боши даражаси ортиқ бўлиб, у асосан сўзлашув нутқига хосдир.

Илжаймоқ ва ишшаймоқ физиологик интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат ифодаловчиси “хунук” (ёқимсиз) классемасига кўра юз беради.

Физиологик ухламоқ ҳолат феълнинг ҳолат реализатори “дуруст”, оваймоқ ҳолат феълнинг ҳолат реализатори “бошқача”, қулимсирамоқ ҳолат феълнинг ҳолат реализатори “маъюс” каби маъноларда келади. Бирикма конструкцияларида ҳолат валентлигининг реализатори: а) агенс ҳолатининг тузук, дуруст ҳолда кечишини англади: Ўша кеча Бобур ақши ухлади (П.Қодиров); б) агенс ҳолатининг ўзгача, одатдагидан фарқли ҳолда юз беришини ифодалайди: Кўзлари ғалати олайди (М.Исмоилий); в) агенс ҳолатининг хафа ҳолда содир бўлишини қайд этади: Ғаффор ака галмиш қулимсиради (Н.Норматов). Сўз бирикмаси “дуруст”, “бошқача” ва “маъюс” классемаларига кўра тузилади.

Хуллас, ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ҳолат валентлиги реализаторининг сифатда қайд этилиши нотипик бўлиб, кам учрайди.

Бундай ҳолларда сифат (феъл валентлиги реализатори) агенс ҳолатининг қандай ҳолда юз беришини, қай тарзда кечишини англади.

«Чигатой гурунги» ва ўзбек тили имлоси

Маълумки, араб алифбоси ўзбек ва бошқа туркий халқларга деярли минг йиллар хизмат қилиб келган бўлса-да, унинг имло қоидалари расмийлашмаган, балки эски ўзбек ёзувида сўз ва аффикслар анъанати мувофиқ ёзиб келинар эди, лекин кўп ўринларда сўз ва кўшимчалар котибнинг билим савияси, ўз тамойилига (ўзига хуш келган) асосан ёзилар эди. Шу туфайли ҳам қўнғил сўзи тўрт ва беш кўринишларда, қора сўзи эса уч хил ёзиб келинган. Бу жиҳат эски ўзбек ёзуви имло қоидаларига амал қилмайдиган ёзув деган қарашларга олиб келган. Аслида, бу ёзувнинг ҳам ўз қоидалари бўлган, лекин расмий эътироф қилинмаган. XX аср бошида Абдурауф Фитрат, Боту, Элбек, Миён Бузрук ва бошқа зиёлилар бундай ишларни яратиш лозимлигини англаб етдилар ва вақтли матбуот саҳифаларида, айниқса «Шарқ ҳақиқати» газетаси ва «Маориф ва ўқитғувчи» журнали саҳифаларида кизгин мунозаралар юритдилар. Бундай олимларнинг бир гуруҳи ижтимоий асосдаги ташкилотларга бирлашиб имло олиб бордилар. Улардан бири – «Чигатой гурунги» уюшмасидир. Бу уюшманинг ўз даврида олиб борган ижобий ишлари, ютуқлари, камчиликлари, унга қўйилган сиёсий айблар ҳозирги матбуотимизда кенг ёритилмоқда¹.

Олим Усмонов «Иштирокиюн» «Инқилоб» газеталарининг материалларига асосланиб, Фитратнинг ёзув ва имло ҳақидаги қарашларини баён қилишга ҳаракат қилган ва кўпроқ унга сиёсий жиҳатдан ёндошган ҳамда умумий тарзда бўлса ҳам: «Чигатой гурунги»чилар ушбу ислоҳ қилинган алифбо асосида имло қоидаларини ҳам қайтадан ишлаб чиқиб, янада такомиллаштирадилар²» деган маълумотни беради. Афтидан, О.Усмонов «Чигатой гурунги» томонидан имло қоидаларига багишланган «Битим йўллари» (1919(1337)) рисоласининг эълон қилганлиги хабари бўлмаган, шу туфайли бўлса керак «янада такомиллашган» имло қоидалари ҳақидаги фикр билан чегараланган.

Мазкур рисоланинг эълон қилинишига Маориф комиссарлиги руҳини этган бўлиб, у «Бир-икки сўз», «Ҳарфлар», «Чўзилар», «Ёт ҳарфлар», «Туташ-узук ҳарфлар», «Сўз», «Сўз бўлагини», «Сўз бўлақларининг ясалувини», «Сўзларнинг ўзгаришлари», «Қалин ва ингичкалик», «Сўз турлари», «Атф сўғаларининг ёзилуви», «Бирлик, кўблик белгисини»

¹ Қаранг: Болтабоев Х. Профессор Фитратнинг назарий қўлланмаси// Фитрат. Адабиёт қоидалари. Тошкент. 1995. 5-бет.

² Усмонов О. Фитрат ва «Чигатой гурунги»// Ўзбек тил ва адабиёти. 1995. 4-сон. 56-64-бетлар.

«Одотларнинг қўшилиб ёзилмоғи», «Одотларнинг қўшиб ёзилуви», «Айрим ёзилмаслиги тевиш бўлган сўзлар» ва «Арабча отлар» деган тармақчалар билан ажратилган. Бунда бош мақсад ислох қилинган араб сўзининг имло қоидаларини умумлаштириш бўлса ҳам, ўзбек тили грамматикасининг назарий асосларини беришга уриниш кўзга ташланади.

Куйида «Битим йўллари» рисоласида илгари сурилган масалаларни қисқичга ўтамыз.

Товуш ва ҳарфни фарқлашга ҳаракат қилинган. Маълумки, шундан бери бўлган даврдаги савод ўргатиш китобларида товуш ва ҳарф муносабатига эътибор қаратилмас, яъни товушларнинг физиологик (артикуляция) хусусиятлари ҳақида фикр юритилмас, балки ҳарфларнинг ёзилиши ҳақида гап борар эди. Бу ишда содда тарзда бўлса ҳам, товушлар артикуляцияси ҳақида маълумот берилади: **б** товушини талаффуз қилишда «дуодқларимизни ёпиштирамиз», **р** товушида «тил учини ўйнатиб», **л** товушида «тилимизнинг учини уст тишимизнинг тубига ёпиштирамиз» каби тавсифлар берилади. «Уларнинг сурат (расм)ининг номи ҳарфдур», - деган таъриф берилади ва ҳар бир ҳарф бир товушни ифодалагани учун **товуш ҳарфи** деган термин билан юритилади. Албатта, ўзбек тили тилида араб тилшунослиги терминлари устун қўлланаётган даврда ҳарф ва товуш терминларининг фарқланишини ижобий баҳолаш зарурдир, чунки шундан бери **ҳарф** термини араб тилшунослигида ҳам товуш, ҳам унинг ёзилиши ифодасига нисбатан қўлланиб келмоқда.

Унлилар. «Чигатой гурунги»чилар ўзбек тилда бта унлини белгилаганлар. Унли товушлар **чўзғи** термини билан юритилган. Унли товушларни орқа қатор ва олд қатор оппозицияда тушунтиришга ҳаракат қилинган. Бунда унлининг ҳарфий хусусиятлари жиҳатидан ёндашилади ва **и** унлиси тўла устун, **а** унлиси ингичка устун; **ў** унлиси тўла утру, **у** унлиси ингичка утру; **э** (е) унлиси тўла остун, **и** унлиси ингичка остун деб белгиланади. Кўринадики, бунда о-а, ў-у, э(е)-и контраст унлилари ҳақида гап боради.

Ҳидошлар. Улар суратли ҳарф саналиб, асосан товуш **ҳарфи**, қисқача ҳарф деган терминлар билан юритилган. Араб ва форс тилидан ўзлашган товуш товушларни ифода қилувчи ҳарфлар **ёт ҳарфлар** деб юритилган ва уларга «тилимизга кириб қолган ёт сўзларда ёзмоқ тевишдир» деган таъриф берилади ва уларга **се, ҳойи хутти, айн, зол, зо, сод, зод, то, же** ҳарфлари ва улар иштирок этган сўзларга мисоллар келтирилади.

Мутгасил ва мунфасил ҳарфлар тутош-узук ҳарфлар деб юритилади, бу арабча ўрнида ўзбекча термин яратишга ҳаракат қилинганлиги кўришиб турибди.

Бўгин ва унинг тузилиши. Бўгин сўз бўлаги, қавс ичида ҳижо деб юритилган, лекин бўгиннинг илмий изоҳи берилмайди, балки «бор сўзида бўгинимиз бўлинмасдан бутун бир бўлак бўлиб чиқади, келд(и)м деганда

товушимиз иккига бўлинадир» каби амалий таҳлилгина берилади. Бўғин тушунчаси, афтидан, имло (ёзув) тарзи билан боғлиқ ҳолда тушунилган. Бундай дейишимизга сабаб, бўғин турлари кўрсатилганда, ҳарф эътибори олинганини кўрамиз ва бўғиннинг: 1) унли қатнашмаган бир ҳарф (чўзғисиз); 2) бир унлили, 3) икки ундош ва бир унлили, 4) икки ундошли, 5) уч ундошли турлари кўрсатилган.

Сўз ва қўшимчалар имлоси. Бу масала сўзларнинг ўзгаришлари сирасида ёритилган. Бу ўринда гап эғалик қўшимчалари қўшилганда, *уеу, ўрун, кўнгул, бутун, бўйун* сўзларидаги иккинчи бўғиндаги у унлисининг тушиб қолиши (элизияси) ҳақида гап боради ва у қоидалаштирилади, (бу тоифага *бўйур (бўйрук), совур (соврил), айир (айрил)* сўзлари ҳам киритилади, айти замонда бу қоиданинг истиснолари борлиги ҳам таъкидланади, яъни **уруш+им, суқуш+им** каби мисоллар юқоридан қоидадан «чикиб қолган» деб кўрсатади.

к, қ ундошлари билан тугаган сўзларга **-и** эғалик қўшимчасининг қўшилиши билан боғлиқ фонетик ўзгаришлар ҳам эътибордан четла қолмаган, яъни «к»нинг «ғ»га (*сабоқ-сабоғи, оёқ-оёғи, ёзмоқ-ёзмоғи*) «к»нинг «г»га (*бўлак-бўлағи, элак-элағи, кўйлак-кўйлағи*) ўтининг шунингдек, *оқ-оқи, кўк-кўки* каби сўзларда бу фонетик ўзгариш ю бермаслиги ҳам эътиборга олинган.

Ушбу рисола муаллифлари мазкур фонетик ҳодисани тўғри белгилаган, лекин уларнинг изоҳлари илмий жиҳатдан анча жўн ёки ҳақиқатдан биров йироқдир. Қуйидаги жумлаларга диққатни жал қиламиз: «Сўзнинг бир неча бўлагидан кейин келган турғун к ҳарфи бир ёқга оз-кўп чўзилганда, «ғ» ҳарфига айланадир» (21-б.); «Турғун к, қ ҳарфи сўзнинг биринчи бўлагидан келган бўлса, чўзилганда ҳам эскиси қабо қоладир» (21-б.). Бу жумлалардаги **чўзилганда** сўзини **қўшилиш** маъносида тушунганимизда ҳам «бир ёқга оз-кўп чўзилганда» иборасининг илмга алоқаси йўқ эканлигини таъкидлаган бўлар эдик.

Сингармонизм ва имло. Бу мавзу «Қалин ва ингичкалик» сарлавҳаси остида ёритилган. Афтидан, араб тилшунослиги таъсирида юзага келган ўша давр тилшунослиги анъанасига кўра тил олди (олд қатор) ва тил орди (орқа қатор) деган терминлар қўлланмаган бўлса ҳам, бу тушунчалар унлилар уйғунлиги тушунчалари билан юритилганлиги маълум.

«Битим йўллари» муаллифлари туркий сўзларда сингармонизмнинг сақланишини «Туркча сўзлар ё қалин бўлур. ё ингичка бўлур» -деди изоҳлайдилар ҳамда «қалин сўз» ва «ингичка сўз» деган терминларни мурожаат қиладилар. Бу тушунчаларни тавсиф қилишда анча жўн изоҳлардан фойдаланилади, яъни «товушларимиз қалин бўлиб чикса, қалин сўз; товушларимиз ингичка бўлиб чикса, ингичка сўз» деган таърип даражасига яқин бўлган изоҳ берилади ва шу тариқа қалин (тил орқа

шунингча (тил олди)ликнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаш шунингча қиёсийликни бидирганлар.

Орқа қатор унлилар уйғунлигининг 2 муҳим белгиси кўрсатилади: а) унлининг дастлабки бўғинида тил орқа унли (асарла «тўла устун») қатнашса: **олдим, сотдим, топдим**; б) сўзда қ, ғ, х ундошларидан бири қатнашса: **оқдим, йиғладим, ухладим**; тил олди унлилар уйғунлигининг эса уч унлининг белгиси кўрсатилади: а) дастлабки бўғинида тил олди унлиси (асарда «тўла устун») қатнашса: **айтдим, ман**; (?); б) дастлабки бўғинида тил олди унлиси (э) унлиси қатнашганда (бу унли «тўла остун» деб юритилади): **тақдим, берди**; в) сўзда г, к ундошлари қатнашганда: **кулди, югурди, йиғирди**.

«Битгим йўллари»даги бошқа ходисалар тавсифи кейинги бобларимизда ёритилади.

О.Бозоров
Қўқон ДПИ
О.О.Бозоров
АДУ

Тил ўрганишда фалсафий қонунлар методологияси

Ҳаётий билиш ва хусусий фанларнинг тадқиқ натижалари асосида ҳар қандай (турли) нарса ёки ходисанинг тузилиши, ташкил этувчилари, ички ва ташқи муносабатлари, табиати, моҳияти, ўзгариш ва тараққиёти ҳақида тасвирлаш (фалсафий) маълумотлар [5 – 127] пайдо бўлади. Хусусан, билиш асосида вужудга келган фалсафа ҳар бир нарса, ходисада қарама-қарши томонларнинг бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўта бориши, инкорни инкор қилиниши каби қонун қоидадаги ходисалар мавжуд деб кўрсатади. Худди ана шу уч умумий, билиш оламнинг барча турлари ва уларнинг ташкил этувчиларида амалда бўлган умумий қонунлар барча хусусий фанларнинг тадқиқотчилари учун методологик (асос) бўлиб [1 – 72, 2 – 11] хизмат қилади. Масалан, физик ва шу уч қонуннинг, дейлик, қаттиқ жисملарда, биолог жонли организмларда, тарихчи турли ижтимоий-иқтисодий формацияларда қай бўлишларда намоён бўлишини тадқиқ этиб, ўз ўрганиш предметининг моҳиятини аниқлашга ҳаракат қилади. Тилшунос эса ўз навбатида, билишнинг бирликлари, сатҳлари, лисоний ва нутқий системалари, муносабатларини ўрганишга киришар экан, аввало, ҳар бир тил бирлигида, сатҳида, микро- ва макросистемаларда қарама-қарши жиҳатларнинг бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкорнинг қай тарзда амалга ошаётганлигини ўз текширишининг асосий мақсади [3 – 21] қилиб қўяди.

Энди қонуларнинг тил бирликларини ўрганиш жараёнида методологик вазифаларини кўриб чиқайлик.

I. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонунининг методологияси. Бу фалсафий қонунни яхши биладиган тилшунос у ўрганиш предметида, аввало, шу предметнинг элементар ёки энг кичик ташкил этувчилари (бирликлари, белгилари, муносабатлари) нималар эканлиги, сўнгра шу ташкил этувчиларнинг бирлиги ва қарама-қаршилиги қандайлигини, булар асосидагина текшириш предметининг моҳиятини, яъни шу предметни, шу предмет қиладиган муҳим жиҳатларини (белгиларни) ва бу жиҳатларнинг зарурий боғлинишини аниқлашни у олдига мақсад қилиб қўяди. Албатта, бу фалсафий кўрсатма (методология) ўрганишнинг умумий мундарижаси бўлиб, бу мундарижа объектнинг содда ёки мураккаблиги, ҳажми, хусусий фаннинг тараққиёт ҳолати, тадқиқотчининг назарий савияси каби омиллар асосида турлича кўламлارда ва назарий босқичларда ўрганилиши мумкин. Масалан, и товуши ўрганилмоқчи. Шу муносабат билан қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонуни методологияси ўрганишнинг қуйидаги умумий йўналишларини тавсия этади:

1. Воқелик (нутқ) ҳолатидаги и товушининг белгилари нималар? Бу талабга жавобан и нинг унли, тор, лабланмаган, тил орқа, қисқа, чўзиқ, қаттиқ, юмшоқ, ширали, ингичка, чийиллоқ, бўғиқ, қалтироқ, “э”симон, ёқимли, ёқимсиз каби эмпирик (ҳиссий) хусусиятлари аниқланади.

2. И товушида қарама-қаршиликлар бирлиги қандай? Шу муносабат билан и ни ташкил этувчи, унга хос бўлган барча хусусиятлар бир-бирига қарама-қарши қўйилиб, ўрганиб чиқилади: а) торлик нима, торликнинг лабланмаганлик, тил орқалик, чўзиқлик каби белгилардан фарқи, ўзига хослиги нимада; б) и товуши белгиларининг қандай муносабатлар бирлиги, яъни бутун – қисм (унли – тор), акустик зидлиги (чўзиқ – қисқа, қаттиқ – юмшоқ), ўрин зидлиги (тил олди – тил орқа), микдор зидлиги (чўзиқ – қисқа), сифат зидлиги (соф и – “э”симон и) каби боғланишлар бирлиги эканлиги ва ҳ.к.

3. И товушидаги қарама-қаршиликлар қураши, яъни уни ташкил этган белгилар, қисмларнинг бир-бирига таъсири, ўзгариши, айланиши ўрганилади. Бунда и товуши талаффузида торликнинг (торлик даражасининг) лабланмаганликка (лабланмаганлик даражасига) таъсири, тил олдиликдан тил орқаликка ўтиши (ёndoш ундoshлар таъсирида), юмшоқликнинг қаттиқликка ёки, аксинча, ўтиши, қисқаликнинг чўзиқликка, ёки, аксинча, айланиши, маълум нутқий шароитларда и товушидаги белгиларнинг ички ўзаро таъсирлари, ўзгаришлари, “қурашишлари” натижасида и нинг бошқа товуш ҳодисасига (э га) ўтиши.

4. И товушига оид барча хусусий белгилар (ташкил этувчилар), уларнинг турлари, яъни улар орасидаги ўхшашлик, фарқлилик, бирлик

(айнан белгиларга эгалик), зидлик, муҳимлик, номуҳимлик, қисмлик, бутунлик кабилар, шунингдек, ўзаро таъсир, ўзгариш, қурашларда асосий ёки ёрдамчи мавқеларга эгалик-эга эмаслик сингари жиҳатлар аналитик (инвариант, қисмларга ажратиш) йўл билан ўрганилгач, энди и товушини и товуши қиладиган сифат, моҳият белгиларга жиддий эътибор берилади. Шу йўл билан и товуш типининг муҳим, зарурий белгилардан ташкил топган структураси (скелети, модели) синтез йўли билан аниқланади. Бу “энг тор + лабланмаган” қурилмадир. Демак, и товушининг модели “и = энг тор + лабланмаган” қурилмага тенг. Айнан шу модель бизнинг тил котирамитда сақаланади ва нутқда и товуши зарур бўлиб қолса, биз котирамитдаги “энг тор”, “лабланмаган” белгилар ва уларнинг қўшилиши (қамкорлиги)ни оғизда жонлантирамит, моддийлаштирамит. Бошқача айтганда, оғзимизни энг тор даражада очиб, лабларимизни энг тор даражадаги лабланмасликка келтирамит. Бу худди физикадаги нур = (+) + (-) қолипга ўхшайди. Плюс зарядни минус зарядга қўшганда нур ҳосил бўлганидек, нутқ аппаратида (оғизда) “энг тор” артикуляциян белгига шунга мос “лабланмаган” белгини қўшсак, и товуши ҳосил бўлаверади. Хуллас, шу йўл билан и товушининг моҳиятини, унинг ҳосил бўлиш қонуни (муҳим белгиларининг зарурий боғлинишини ва бунинг тасвирланувчанлиги)ни кашф этдик. Энди ушбу қонун асосида туриб ҳам и нинг ташкил этувчилари (интеграл, дифференциал, факультатив белгилари, қўлланиш хусусиятлари, нутқий вариантлари)га тавсиф берсак бўлаверади. Бу энди билишнинг фалсафий (методологик) йўл асосида нутқда келган иккиламчи йўлларидир.

II. Микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларга ўтиш қонунининг методологияси. Бу қонуннинг билиш учун кўрсатмаси шундаки, унда ҳар бир нарса, ҳодисага узлуксиз микдорий ўзгаришларнинг хослиги, бу ўзгаришлар меъёрдан ўтиб, янги сифат ҳосил қилиши, ўз навбатида, бу сифат ичидаги микдор ҳам яна узлуксиз ўзгаришда навбатдаги сифат (нарса, ҳодиса турига)га олиб боришини уқтиради. Демак, ҳар қандай фан ўз ўрганиш предметида шу нуктаи назардан ҳам ёндашмоғи лозим. Ушбу методологик нуктаи назардан тилни ўрганиш ўз хусусиятларига эга. Бунда ич жиҳатни фарқлаш керак: а) реал нарса, ҳодисалардаги объектив ўзгаришлар; б) ушбу ўзгаришларнинг тилдаги инъикоси; в) тил ва нутқдаги ўзгаришлар.

Биздан ташқарида мавжуд бўлган реал, яъни табиий ва ижтимоий (жамият) нарса, ҳодисалар узлуксиз ўзгаришдадир. Ушбу ўзгариш биз сезмайдиган ва сезадиган даражаларда бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришларнинг хусусиятлари фанний асбоб-ускуналар (микроскоп каби) ёрдамида турли даражалардаги аниқликлар билан ўрганилади.

Тил нарса ёки ҳодисага хос бўлган узлуксиз ва ниҳоясиз ўзгаришларни, булар билан боғлиқ бўлган тадрижий ҳолатларни қандай

бўлса, шундайлигича ўзининг атов бирликларида акс эттира олмайди. Сув харорат таъсирида 1 градусдан 100 градусга қадар узлуксиз ўзгариб боради ва бунга мос равишда ҳолат ўзгаришлари ҳам амалга оша боради. Лекин ҳар бир микроҳолат (1 градусдаги, 2 градусдаги, 3 градусдаги каби) инсон сезгилари томонидан, имкониятлари ўта чегараланганлиги учун, қатъий фарқланмайди. Шу боис энг кичик ўзгариш билан боғлиқ ҳолат ато объекти бўла олмайди. Иккинчи томондан, одам борликни унга мутлақ мос равишда акс эттириш учун сезгиларни беҳад ривожлантириб, энг кичик миқдор ўзгаришлари ҳолатлар учун сўзлар олаверганда луғат хаддан зиёд кўпайиб кетиб, хотира учун беҳад қийинчиликлар туғилган бўлар эди. Учинчи томондан, инсон объектив тадрижий миқдор ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолатларни умуман сезмасдан, англамасдан иложи ҳам йўқ. Акс ҳолда, одам ва олам орасида ҳақиқат (чинлик) муносабати ўрнатилмай сароб вужудга келар, инсон дунёни аслига кўра (объектив) била олмас эди. Ана шу зиддиятларни бартараф этиш учун инсон томонидан билиш йўли босқичма-босқич, яъни бутундан бўлакка, соддадан мураккабга, мавҳумдан аниқликка йўналишида ташкил этилган. Хусусан, юқоридаги мисолимизда сувнинг 0 градусдан 100 градусга қадар бўлган узлуксиз ўзгаришлари тўрт нисбий бўлакка бўлинади ва бўлақлар “муътадил”, “илиқ”, “иссиқ”, “қайноқ” сифатлари асосида қайд этиб ўрганилади. Аслида бу ҳолатлар (нисбий сифатлар) орасида мутлақ чегара йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Тафаккур эса имкониятлари беҳад тор бўлган сезгилар (фаҳм) ёрдамида юз градусли узлуксиз ўзгаришли ҳолатлар оқимини (континуум) фарқлаш-ўхшатиш, давомийлик (бирин-кетинлик) асосида дастлаб тўрт бўлакка ажратади ва ҳар бир бўлакка нисбий умумлаштириш асосида ном (луғавий бирлик) беради. Шундай қилиб, дастлаб бир бутун (юз градус масштабдаги узлуксиз ўзгаришли ҳолатлар қаторини) тўртга бўлиниб, шу тўрт бўлакнинг умумий, мавҳум белгилари (муътадил → илиқ → иссиқ → қайноқ) аниқланади. Бунинг умумий, мавҳум, нотўлиқ, чегараланган билим (маълумот) дейилишига сабаб шуки, биз ҳали $0 \rightarrow \rightarrow \rightarrow \rightarrow 100^\circ$ сув структурасининг барча ташкил этувчилари белгилари, системалари, ички ва ташқи алоқалари ҳақида тўлиқ билимга эга эмасмиз. Булар томон биринчи қадамни қўйдик, холос. Бундан кейинги билиш босқичларида биринчи босқичда ўрганилган ҳар бир бўлакнинг (масалан, “илиқ” бўлагини) фанний инструментлар, лабораториялар воситасида яна бўлақларга бўлиш, ундан сўнг иккинчи босқичда бўлинган бўлақларнинг ҳар бирини яна бўлақларга бўлиш ва х.к. давом эттираверамиз. Шу йўл билан биз нарса ёки ҳодисанинг моҳияти томон босқичма-босқич чексиз кириб бораверамиз. Билиш шу йўсинда тараққий этаверади, фан тўхтаб қолмай ривожланаверади. Ушбу босқичма-босқич билиш натижалари сўз, сўз бирикмаси, гап, матн, ифодаларида қайд этилиб борилаверади.

Умуман, тил табиат, жамиятдаги миқдор ўзгаришларини аслида, яъни бор бўйича жисман қандай бўлса, шундай (микроскопик, фотосурат) ҳолатда акс эттира олмайди. Лекин тил ва миқдор ўзгаришлари орасида моҳиятан чин муносабат бор. Зеро миқдор ўзгаришлари тилда нотўлиқ чегараланган ҳолатларда бўлса-да, босқичма-босқич аслига мос равишда акс этади. Худди ана шу миқдор ўзгаришлари ва миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ҳақидаги диалектик таълимот биз учун методологик асосдир. Бу асос бизга илмий тадқиқотнинг икки йўналишини кўрсатади: а) тилда объектив оламдаги миқдор ўзгаришлари ва уларнинг сифат ўзгаришларига айланиши қандай ифодаланади? б) ҳар қандай нарса, ҳодисага ўзгариш хос бўлса, соф тилнинг ўзида юз берадиган ўзгаришларнинг ўзига хослиги нимада?

Биринчи йўналиш, яъни миқдор ўзгаришлари ва уларнинг сифат ўзгаришларига айланишининг тилда акс этиши муаммоси устида олиб борилган тадқиқотлар пировард натижада тилдаги даражаланиш ёки градуонимия қонунининг очилишига олиб келди. Муайян белгининг турли тадрижий босқичларида ҳар хил фонема ва лексема (семема)ларнинг пужудга келганлиги, турли грамматик воситаларнинг муайян морфологик ёки синтактик белгининг турли даражаларини ифодалаш учун хизмат қилиши тилдаги даражаланиш қонунининг мазмунини ташкил этади. Масалан, и → э → а (оғизнинг ясси очилиб бориш босқичларида и дан э нинг, э дан а нинг ҳосил бўлиши); у → ў → о (оғизнинг думалоқланиб очилиб бориш даражаларида у нинг ў га, ў нинг о га ўтиши); елвизак → шабада → шамол → бўрон → тўфон (ҳаво оқими тезлигининг тадрижий ошиб бориш босқичлари асосида беш лексеманинг, яъни “елвизак”дан “шабада”, “шабада”дан “шамол”, “шамол”дан “бўрон”нинг ҳосил бўлиши); ва, билан, ҳам, -у/-ю, -да ёрдамчиларининг турли даражалардаги синтактик (тенг боғланиш) учун хизмат қилиши; соф миқдорий, яъни сифат ўзгаришларига ўтмайдиган ўзгаришларнинг ҳам тилда (нутқда) акс этиши. Масалан, белгига хос кучсизлик-кучлилиқ, давомийлик, ортиклик-камлик, (қорамтир – қоп-қора, кулимсирамоқ – кулмоқ, қувмоқ – қувламоқ, уй – уйча) кабилар.

Албатта, ҳар қандай нарса, ҳодиса сингари тил ҳам ўзгаришга учрайди. Демак, диалектик методологиянинг миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳақидаги таълимоти тилни ўзгариш нуктаи назаридан ўрганиш лозимлигини кўрсатади. Ҳақиқатан, тилшунослиқ тилнинг ифода (номема) ва маъно (семема) жиҳатлари ўзгаришларини ҳар хил йўллар билан ўрганиб келмоқда. Агар бу ўрганишларга диалектик қонун ва категориялар кўрсатмалари асосида ёндашилса, нутқ ва тилнинг моҳияти янада чуқурроқ очилиб бораверади.

III. Инкорни инкор қилиш методологияси. Бу қонуннинг асосий мазмуни бир сифатдан (нарсадан, белгидан, муносабатдан) иккинчи

сифатга тадрижийлик билан ўтилишини, биринчисининг иккинчисига айланишини англатади. Ана шу асосда (нуктаи назардан) ҳар бир фан, хусусан тилшунослик ҳам, ўз ўрганиш объектига ёндашиб, илмий изланишлар олиб бормоғи лозимлиги уқтирилади. Демак, тилшуносликнинг бош муаммоларидан бири тил бирликлари, белгилари, муносабатларининг шаклланиш йўллари тадқиқ этишдир. Албатта, бу методология асосида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, бобо тилдан тил оилаларининг, улардан мустақил тилларнинг шаклланиши, моносемиядан (бир маъноликдан) полисемияга (қариндош кўп маъноликка), ундан омонимияга (ҳар хил мустақил маъноликка), тилдаги жинс → тур → микрожинс муносабати каби йўналишларда ҳамда, умуман, тил бирликлари бўйича олиб борилаётган этимологик тадқиқотлар нутқ ва тилдаги инкорни инкор қонуни амалининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий изланишлардир. Бу йўналишда айниқса бутун олам миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишининг тилдаги инъикоси бўлган лисоний градуонимия (даражаланиш) қонунининг, яъни айнанликдан фарқликка, фарқликдан зиддиятга борилишининг барча тил сатҳларида намоён бўлиш хусусиятлари тадқиқига катта эътибор берилиши керак.

Адабиётлар:

1. Раҳимов И., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари (Фан фалсафаси). Ўқув қўлланма. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. 2005.
2. Саифназаров И., Қосимов Б., Мухторов А., Никитченко Г. Фаннинг фалсафий масалалари. "Fan va texnologiya". 2007.
3. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2007.
4. Шептулин А.П. Категории диалектики // Высшая школа. Москва. 1971.
5. Шермухаммедова Н. Гносеология. Изд-во национального общества философов Узбекистана. Ташкент. 2007.

Б.Йўлдошев
СамДУ

Ўзбек шеваларининг лингвогеографик хариталарини тузиш муаммолари

Маълумки, ареал лингвистика соҳаси тил ҳодисаларининг тарқалиш ҳудудларини, бу ҳодисаларнинг ўзаро муносабати ва адабий тилга таъсирини лингвистик география методлари асосида ўрганиш билан шуғулланади. Лингвистик география соҳасининг асосий вазифаси у ёки бу тил ҳодисаларининг ҳудудларо тарқалишини хариталаштириш, тадқиқ этиш ҳамда шундан келиб чиқадиган ижтимоий, лингвистик муаммоларни ҳал қилишдан иборатдир. Жонли тилдаги ҳар бир лингвистик ҳодиса

ўзининг тарқалиш чегараси, ҳудудига эга. Масалан, *шоти* – *нарвон* – *анили*, *ойи* – *ая* – *она* – *эна*, *ина*, *ота* – *ада* – *дада*, *бобо* – *бува* – *катта она*, *буви* – *момо* – *катта она*, *ката буви* сингари диалектал сўзларнинг тарқалиш чегараси мамлакатимизнинг маълум ҳудудлари билан белгиланади. Ареал лингвистика муайян ҳудудларда тарқалган ана шундай тил хусусиятларини умумлаштириб, ареал умумийлик – тиллар иттифоқи, шевалар изоглоссаларини аниқлаш ва уларни хариталаштириш ишларини амалга оширади. XX аср лингвистик географиясида бу соҳада салмоқли тадқиқотларга эришилди. Жумладан, ареал лингвистик тадқиқотлар хинд-европа тиллари (Э.А.Макаев), славян (Р.И.Аванесов, Н.И.Толстой, Г.А.Цыхун), герман (В.М.Жирмунский), роман (М.А.Бородина), фин-угор тиллари (Б.А.Серебренников), туркий тиллар (Н.З.Гаджиева), болкон тиллари (А.В.Десницкая) материаллари асосида давом эттирилди ҳамда салмоқли ишлар амалга оширилди [1].

Ареал лингвистиканинг йирик тадқиқотчиси М.А.Бородина таъкидлаганидек, бу соҳа диалектология, лингвистик география ва ареалологиянинг ўзаро муносабати ва мантикий давоми сифатида юзага чиқди ҳамда ҳозирги даврга келиб фанлар тизими орасида мустаҳкам ўринга эга бўлмоқда. Ҳозирги замон диалектологияси фанини тил ҳодисаларини хариталаштирмай, изоглоссаларни аниқлаштирмай тасаввур этиш қийин. Умуман, ареалларни ва изоглоссаларни аниқлаш, уларнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этиш ареалологиянинг икки асосий тушунчасини ташкил этади. В.В.Решетов, Ф.Абдуллаев, А.Шерматов каби йирик олимлар ўзбек тилшунослигида диалектларни тадқиқ этишда хариталарнинг муҳим аҳамиятини инobatга олиб, дастлабки лингвистик хариталар тузган эдилар. Бундай муаммолар тилшунос олим А.Жўраевнинг монографиясида анча кенг ва асосли ёритиб берилган. Энг муҳими, бу иш охирида лингвоареал тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган “изоглосса”, “диалектал зоналар”, “лингвоареал таксонлар иерархияси”, “ареалогенез”, “лингвистик атлас”, “лингвистик ландшафт”, “микрон лингвистикаси” сингари кўплаб терминларга изоҳ берилган [2].

Ареал лингвистиканинг тахлилий усулларидан бири, лисоний-географик усул бўлиб, бу усул билан ўзбек шеваларини тадқиқ этиш бўйича Қ.Мухаммаджонов, А.Жўраев, Й.Иброҳимов, Н.Муродова сингари олимлар муҳим ишларни амалга оширдилар. Жумладан, Қ.Мухаммаджонов Жанубий Қозогистондаги ўзбек халқ шеваларини ареал, лингвогеографик нуктаи назардан тадқиқ этиб, ўттиздан ортик хариталарни ишнинг охирида илова тарзида келтирган эди [3]. Й.Иброҳимов Жанубий Орол бўйи (ЖОБ) ўзбек шеваларини лингвогеографик нуктаи назардан тахлил этиб, ишга 30 та харита киритган. Шундан ҳудуддаги шеваларнинг фонетик хусусиятлари бўйича 5 та, морфологияси бўйича 7 та, лексикаси га оид 17 та, Жанубий Орол

бўйининг маъмурий бўлинишлари харитаси, аҳоли пунктлари харитаси ҳамда ЖОБ ўзбек шеваларининг худудий таснифи харитасини ўз ичига олади [4]. Н.Муродова эса яқинда Навоий вилояти ўзбек шевалари бўйича тўпланган материалларга таянган ҳолда 40 та харита тузиб, уларни таҳлил қилди [5].

Умуман олганда, лингвогеографик харита материаллари ўзбек шеваларининг мавжуд таснифларини тўлдириш, мукамаллаштириш ва уларга аниқликлар киритиш учун хизмат қилади. Хариталар асосида би-ўзбек шеваларининг пайдо бўлишида қатнашган туркий ва туркий бўлмаган этник гуруҳларнинг ўзаро алоқалари натижасида ўтмишда рўй берган жуда мураккаб этнолингвистик тараккиёт жараёнини ҳам аниқ тасаввур эта оламиз. Шунга кўра келгусида барча худудларда тарқалган ўзбек шеваларини лингвогеографик нуктаи назаридан ўрганиш ҳамда ўзбек халқ шеваларининг тўла лингвистик атласини яратиш ўзбек тилшунослари олдида турган долзарб муаммолардан бири саналади. Бунинг учун тилшуносликнинг география, картография, ландшафтшунослик сингари фанлар билан ўзаро алоқасини янада мустаҳкамлаш, турли соҳа олимларининг илмий ҳамкорлигини кучайтириш лозим бўлади.

Адабиётлар

1. Қаранг: Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики. Среднеазиатский ареал. М. Наука. 1975. С. 24-42; Десницкая А.В. К вопросу о предмете и методах ареальной лингвистики // Ареальные исследования в языкознании и этнографии. Л. Наука. 1977. С. 22-29.
2. Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. Ташкент. Фан. 1991. С. 186-201.
3. Мухаммеджанов К. Ареальное исследование узбекских говоров Южного Казахстана. Автореф. дис... доктора филол. наук. Ташкент. 1988.
4. Ибрагимов Ю.М. Жанубий Орол бўйи ўзбек шевалари тадқиқи. Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент. 2000.
5. Муродова Н.К. Ўзбек тили Навоий вилояти шеваларининг лингво-ареал талқини (лексика материаллари асосида). Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент. 2006.

Б.Йулдошев
СамДУ

Ўзбек тилшунослигида матннинг ўрганилиши ҳақида

Матн нутқнинг йирик кўриниши бўлиб, вазифаси жиҳатдан тугатилган нутқий бутунлик саналади. Матннинг мураккаблиги ва ҳажми коммуникатив вазифаси, муайян жанр талабларига мослиги ва матн

инишларининг характери сингари масалалар кейинги 20-30 йилдан буён ўзбек тилшуносларининг ҳам диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Ўз вақтида академик А.Н.Кононов мураккаб фикрни ифодалашда яқка гапнинг ўзи кифоя қилмайди, уни бошқа гаплар куршовида текшириш зарур, деган фикрни олға сурган эди. Кейинчалик ўзбек тили синтаксисига бағишланган тадқиқотларда ҳам гапда йирик бирликларни ифодаловчи "мураккаб синтактик бутунлик", "дискурс", "микроматн", "макроматн" сингари терминлар қўланиладиган бўлди. III Бутуниттифик туркийшунослар анжуманида (Тошкент, 1980) академик Ғ.Абдурахмонов "Матн назарияси" мавзуида маъруза қилган эди.

Маълумки, матнни муайян белги-хусусиятларга эга бўлган статик (тургун) объект сифатида тадқиқ этиш уни бошқа аспектларда ўрганишга ҳало монелик қилмайди. Матннинг лисоний табиати, тузилиши, асосий категориялари матн тилшунослиги фани учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, матн генерацияси, матннинг яратилиши жараёни каби масалалар ҳам бу фан учун шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг бу фикримиз биринчи навбатида бадий матнларга тегишлидир. Нутқ генерацияси нуқтаи назаридан матн статик ҳодиса эмас, балки динамик ҳодиса ҳисобланади. Матннинг қўлёзма варианты устида ишлаш ёки январи қайта нашрга тайёрлаш жараёнида ёзувчи (матн ижодкори) томонидан бутун матнга ёки унинг муайян қисмига маълум ўзгаришлар киритилади. Бундай ўзгаришлар натижасида матннинг ёки унинг бирор қисмининг ўзига хос қўшимча нусхалари, вариантлари юзага келади. Матннинг қўшимча нусхаси ёки варианты дейилганда, мазкур матнда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг бошқа воқеа-ҳодисалар билан алмашуви эмас, балки ўша воқеа-ҳодисаларни тасвирловчи ифода воситаларининг бошқа ифода воситалари билан алмашуви кўзда тутилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, И.Қўчқортоев ва Х.Низомхоновларнинг "Бадий асарнинг текстуал вариантлари – синхронистилистик тадқиқот объектларидан бири" номли илмий мақоласи ҳам ўзбек матншунослигида алоҳида ўрин тутди [1]. Кейинчалик Р.Қўчқортоева, Х.Низомхонов, М.Аминов каби олимлар Абдулла Қаҳҳор, Ўйбек, Ҳамза сингари ижодкорларнинг қўлёзма матнлар устида ишлаш маҳоратини махсус тадқиқ этдилар. Бундай муаммо ўз вақтида А.Шомақсудов (1971), Қ.Самадов (1967, 1981), И.Қўчқортоев, (1976) каби олимларнинг ишларида ҳам ўрганилган эди. Адабиётшунос олим С.Мелиев шеърий матнларда сўзнинг бадий функциясини махсус тадқиқ қилди. [2]. Жумладан, олим контекстда сўз динамикасини очиб бериш учун шоир Хусниддин Шариповнинг "*Балиқ, фалсафаси*" номли шеърида "*Душнингги ликиллатасан, олға кетасан*" мисрасининг такрори яхлит, тўтаи шеърий матнни вужудга келтирганини уч ярусда ўрганди [2, 54].

М.Тўхсанов “Микроматн ва ўзбек бадий нутқида унинг когерентлигини ифодаловчи воситалар (сўз алмаштириш ва такрор)” мавзуида номзодлик ишини химоя қилди [3]. Профессор А.Мамажонов 1989 йилда “Текс лингвистикаси” номли ўқув қўлланмасини нашр эттирди.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўзбек олимлари матн тилшунослигининг назарий муаммолари билан ҳам қисман шуғуллана бошладилар. Жумладан, Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Ж.Лапасовларнинг “Бадий текстнинг лингвистик таҳлили” номли ўқув қўлланмаси алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарнинг “Кириш” қисми “Текс – лингвистик таҳлил объекти” деб номланади (4, 6-40). Бунда матн типлари, уларнинг умумий ва ўзига хос белгилари, матнни лисоний таҳлил қилишнинг методологик тамойиллари, матн яратиш муаммолари, ифода воситаларининг танланиши ва уларнинг матн тузилишдаги роли сингари долзарб масалалар ўзбек тили фактлари мисолида ёритилган. Шундан кейин асарда Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин каби шоир, ёзувчи ва драматургларнинг шеърӣ, насрий ва драматик асарларидан матнлар келтирилиб, уларнинг лисоний, жиҳатдан таҳлил қилиш намуналари берилган [4]. Қўлланмада тўғри таъкидланишича, “умумий тилшуносликдаги назарий фикрлар асосида текст (матн)нинг моҳияти, тузилиши, мазмуни, фикрни юзага чиқаришдаги роли каби қатор масалаларни ёритиш хозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир” [4,8].

1994 йилда М.Ҳакимов “Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари” мавзуида номзодлик диссертациясини химоя қилди. Бу ишда ўзбек тилининг илмий услуби матн категорияси аспектида ўрганилган, гуманитар фанларга оид илмий матн намуналари ушбу изланиш учун фактик материал манбаи бўлиб хизмат қилган [5].

“Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси” (1997) мавзуидаги номзодлик ишида тадқиқотчи Н.Улуқов диний матнлар тилшуносликда ўзига хос алоҳида матн тури сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ, деган фикрни экзотик лексика материаллари мисолида асослашга интилди. [6].

Маълумки, прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғи сифатида инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида мужассамлаштирган нутқий жараён, нутқий вазият таъсири билан намоён қилувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор масалаларни ўрганади. “Прагматика тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бири бўлиб, унинг назарий манбаи Ч.Прис, У.Джемс, Д.Дьюн, Ч.Моррис каби таникли файласуф олимларнинг илмий-назарий қарашлари билан боғлиқ. Уларнинг тадқиқотларида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида белгилар системаси ва лингвистик белги

функционаллиги хусусидаги ғоялар ўртага ташланиб, семиотика ҳақидаги илмий тушунчалар аниқланади, синтаксис, семантика ва прагматика ўртасидаги ўзаро фарқлар кўрсатиб берилади” [7, 471]. Лингвистик прагматиканинг ўзбек тилшунослигида шаклланишида М.Ҳақимовнинг тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади (8).

Рус тилшуноси О.Л.Каменская: “Матн вербал шаклда ифодаланган, сўзланган ахборотдир”, – деган эди [9]. Ана шу фикрга асосланган Н.Чиникулов *Озиқ-овқат, Гуллар, Китоблар, Нон, Уздунробита, Юнител, Гашт* (дўқони) шаклидаги пешлавҳаларни ўзига хос матн кўриниши деб таъкиф қилади [10]. И.Шодиев эса матннинг ахборот ташиш имконияти, шунингдек, ахборот берувчи ва ахборот олувчилар ўртасидаги интенцияни аниқлашга олган ҳолда матнларни ирреал матнлар, афсонавий матнлар, абстракт матнлар, бадий-поэтик матнлар сингари бир қанча коммуникатив турларга ажратиб тасниф қилади [11]. Ш.Алпонова матннинг қабул қилиниши билан боғлиқ реципиент (ўқувчи ёки тинловчи) ва продуциент (ёзувчи ёки сўзловчи) ўртасидаги муаносиблик муаммоларини таҳлил қилишга киришди [12].

Шундай қилиб матн муаммоларини тадқиқ этиш соҳасида ўзбек тилшунослигида салмоқли ютуқларга эришилди. “Лингвистик поэтика”, “Матннинг филологик таҳлили”, “Бадий матннинг лингвистик таҳлили” сингари янги, истиқболи порлоқ соҳалар вужудга келди [13]. Келгусида ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш, матн муаммоларига доир фонографик тадқиқотлар яратиш, матннинг турлари, унинг прагматик имкониятлари каби масалаларни кенг миқёсда тадқиқ этиш лозим бўлади.

Адабиётлар

1. Кўчқортоев И., Низомхонов Х. Бадий асарнинг текстурал вариантлари – лингвостилистик тадқиқот объектларидан бири // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. 6–сон. 15–19-бетлар.
2. Мелиев С. Контекстда сўз динамикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. 4-сон. 50-54-бетлар; Милиев С. Художественная функция слова в стихотворном контексте (на материале узбекской советской поэзии), Автореф. дис. канд. филол. наук. Ташкент. 1985.
3. Гухсанов М. Микротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи (замена и повтор), Автореф. дис. канд. филол. наук, Ташкент. 1987.
4. Ўринбоев Б., Кўнгуоров Р., Лапасов Ж. Бадий текстнинг лингвистик таҳлили. Тошкент. Ўқитувчи. 1990.
5. Ҳақимов М.Х. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Номзодлик дисс. автореф. Тошкент. 1993.
6. Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси. Номзодлик дисс. автореф. Тошкент. 1997.

7. Петров В.В. Философия, семантика, прагматика, // Новое и зарубежной лингвистике. Выпуск ХУ1. М. Прогресс. 1985.
8. Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Докторлик дисс. автореф. Тошкент. 2001.
9. Каменская О.Л. Текст и коммуникация. М. 1990. С. 8.
10. Чиниқулов Н. Пешлава коммуникатив бирлик сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. 2-сон. 90-93-бетлар.
11. Шодиев И. Матннинг коммуникатив турлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. 2-сон. 86-88-бетлар.
12. Алпонова Ш. Матннинг қабул қилинишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. 2-сон. 73-76-бетлар.
13. Мирзаев И. Лингвистик поэтика ва унинг филологик таҳлилдаги ўрни // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) Тошкент. "Университет". 2002. 20-23-бетлар.

М.Курбонова
ЎЗМУ

Структурализм ва ўзбек формал-функционал тилшунослиги

«Ёш грамматикачилар» нинг атомистик тахлилига қарши илгари сурилган тилнинг ички структурасини, онтологиясини имманент ўрганишни ёқлаб чиққан тилшунослар структуралистлар деб, уларнинг таҳлил усули эса структурализм деб тарихга кирди. Ҳар қандай назария ёки йўналиш каби бу йўналиш ҳам муайян тарихий шароитда, муайян ижтимоий-сиёсий, илмий омиллар асосида вужудга келди. XIX асрда Европа илм-фанидаги кашфиётлар дунёнинг барқарор ва устивор система эканлиги, фаннинг асосий вазифаси мана шу системавийликни очиш, алоҳида-алоҳида бўлиб туюлган ҳар қандай ходисалар ўртасида қандайдир ўхшашлик, умумийлик борлиги ҳақидаги хулосалар тилшуносликда янги даврни бошлаб берди. «Ёш грамматикачилар» томонидан алоҳида-алоҳида олиб ўрганилган тил бирликлари, тил ходисаларига янги нуқтаи назардан ёндашилса, улар ўртасида қандайдир муносабат (ўхшашлик айна пайтда фарқлилик) мавжуд эканлигини сезиш қийин эмас. Шу сабабдан «Ёш грамматикачилар» мактабидан етишиб чиққан Фердинанд де Соссюрнинг лингвистик концепцияси тилни ана шундай «айнанлик ва фарқлилик»дан иборат тизим эканлигини очиб берганлиги учун фанда инкилобни бурилиш ясади. У билан бир вақтда Бодуэн де Куртенэ ҳам фонология соҳасида шунга ўхшаш қарашларни илгари сурган, лекин унинг қарашлари тилнинг бутун тизимига нисбатан татбиқ қилинмади. Ф.де Соссюр эса тил структураси, тил тизими ҳақида янги, нисбатан мукамал таълимотни ишлаб чиқди. (Ф. де Соссюрнинг лингвистик концепцияси ҳам ички зиддиятлардан холи эмас. Бу ҳақда фанда айрим мулоҳазалар айтилган).

Ф. де Соссюр ғоялари шўролар мафкураси остидаги рус ва ўзбек тилшунослигига Европа ва Америка тилшунослигига нисбатан қийинроқ ва кечроқ таъсир қилди. Чунки шўролар даврида собик Иттифокда ягона мафкура, ягона ғоя (марксизм-ленинизм)дан ўзгача ғояларнинг кириб чилишига йўл қўйилмас эди. Бу мафкурага шубха билан қаровчи олимлар мамлакатни тарк этишга мажбур бўлишди, улардан бир гуруҳи Прага тилшунослик тўғарагини ташкил этиб, у ерда ўз ғояларини илгари сўришди¹. Бу тўғарак Прага структурализмига асос солди. Ушбу мактабда «система ва функция» тушунчалари узвийликда олиб қаралганлиги ва структурализмнинг бошқа йўналишларига нисбатан функция тушунчасига алоҳида урғу берганлиги учун «функционал лингвистика» номини олди. Биз докторлик тадқиқотимизда ва кейинроқ эълон қилган ўқув кўланмамизда² таъкидлаганимиздек, ўзбек формал-функционал тилшунослигининг ғоя ва таҳлил усули илдизлари Прага структурализмига бориб такалади. Айни пайтда мазкур йўналиш вакиллари Прага структуралистларидан фарқли ўлароқ, ҳар бир тил ҳодисаси татбиқида диалектиканинг қонун ва категорияларига асосланди, бошқача айтганда, функционал таҳлил усулини диалектик категориялар билан бойитди. Айниқса, грамматик категориялар талқинида С.Н.Иванов, Ҳ.Ғ.Неъматовлар Прага структуралистлари ғояларига таяниб, улардан анча илгарилаб кетишди. Ўзбек тилшунослигида кейинги чорак асрда юқорида тилга олинган устозларнинг шогирдлари бошқа соҳаларда, хусусан, синтаксис соҳасида, синтактик бирликларнинг субстанциал талқинида функционал лингвистиканинг «форма ва функция», «система ва функция» тушунчаларига таяниб, бу таҳлил усулини ривожлантирдилар. Чунинчиси, синтактик сатҳда асосий тадқиқ бирлиги сифатида – ЛСК(лисоний синтактик қолип) нинг ажратилиши, ЛСК асосида сўз бирикмаси, содда сўз, кўшма гап ва улар ўртасидаги оралик ҳодисаларнинг субстанциал талқинининг яратилиши фикримизнинг исботидир. Лисоний сатҳ тадқиқ бирлиги бўлмиш ЛСКларнинг нуткий синтактик ҳосилалар билан муносабати Ф.де Соссюр асослаган тил ва нутқ дихотомиясининг синтаксисдаги воқеланишидир. Синтаксисда тил ва нутқ зиддиятини аниқлашда ўзбек формал-функционал йўналиши вакиллари умумийлик-хусусийлик, мохият-ҳодиса, имконият-воқелик, сабаб-оқибат каби диалектик категорияларга асосландилар.

Тилшунослик тарихидан маълумки, ҳар қандай мустақил таълимот муайян мақсад –вазифаларига, ўз таҳлил усули ва тамойилларига, шу билан бирга ўзига хос терминологик тизимга эга бўлади. Ўзбек формал-

¹ Пражский лингвистический кружок. М. Прогресс, 1967

² Қурбонова М.М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг воқелики. Филол.фанлари д-ри. дис Тошкент. 2001,13-156; Қурбонова М.М. Ҳозирги замон ўзбек тили. содда гап синтаксиси учун материаллар. Тошкент. ЎзМУ нашриёти.2002.

функционал тилшунослиги ҳам алоҳида мустақил таълимот сифатида юқоридаги белгиларнинг барчасига эга. Бу йўналишнинг мақсад вазибалари, таҳлил йўсини ўзбек тилшунослида илк бор «Формал-функционал тадқиқот тезислари»³ да ҳамда жамоа томонидан эълон қилинган дастурий мақолада⁴ илгари сурилган бўлса, таҳлил тамойиллари бизнинг юқорида эслатилган тадқиқотимизда махсус кўриб ўтилган. Улар куйидагилар:

1. Лисоний бирликнинг зотий(субстанционал) табиати;
2. Лисоний бирликнинг камида икки парадигмага мансублиги;
3. Лисоний тизимнинг барча босқичларида оралик учинчининг мутлақлиги;
4. Лисоний тизимнинг иерархик(поғонавий) тузилиши; бу иерархияда ҳар бир бўғиннинг нисбий мустақиллиги ва ҳар бир бўғин узларининг гипо-гиперонимик муносабатлар билан очиқ микросистема сифатида боғланиши;
5. Ҳар бир лисоний бирликнинг ўз хусусий синонимик ва градуонимик қаторига эга бўлиши; бу қаторларнинг умумий лисоний микросистема табиати ва қурилишига эга бўлиши.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу тамойилларнинг айримлари структурализмнинг бошқа мактабларида учраши мумкин. Масалан, А. Нурмонов структурализмга бағишланган ўқув қўлланмасида 1- ва 4-тамойил глоссематиканинг асосчиларидан бири Л.Ельмслевнинг дедуктив тамойили асосида шаклланган деган фикрни айтади.⁵ Биз ҳам ўз тадқиқотимизда 4-тамойилни шарҳлашдан олдин формал-функционал ёндашувнинг поғонавийлик тамойили тилшуносликда қабул қилинган умумий иерархик муносабатлардан фарқ қилмаслигини, муҳими, бу тадқиқотларда функционал лингвистиканинг лисоний макро ва микросистема орасидаги иерархик муносабат омили бундай поғонавий занжирнинг ҳар бир бўғини гипо-гиперонимик муносабатлар билан боғланишини очиш ва тасвирлаш билан бойитилганлигини таъкидлаганмиз.⁶ Бу хулосаларимиз илмий жамоатчиликка ҳавола этилгач, на ушбу йўналиш вакиллари томонидан, на бошқа тилшунослар томонидан жиддий эътироз билдирилди. Фақатгина А.Нурмонов ўз ўқув қўлланмасининг «Ўзбек тилшунослигига структурализм таъсири» деган бўлимида бу беш тамойилнинг мантқан ғоят изчиллигини таъкидлаган ҳолда «оралиқ учинчининг мутлақлиги» тамойилида сохталик, ортиқчи

³ Нигматов Х. Г. и др Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков(Тезисы формально-функционального исследования)//Советская тюркология. 1984. №5. С. 3-10.

⁴ 3-10;Нигматов и др. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса. Советская тюркология. 1988. №4. С. 3-10.

⁵ Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. Андижон давлат университети. 2006. 159-160-бетлар.

⁶ Қурбонова М. М. Ўша манба, 13-15-бетлар.

ўрткириш кўзга ташланишини, политомик зидланишни мутлақлаштириш ҳам дихотомик зидланиш тамойилини тарғиб этган тилшунослар қатосини тафсилотларни айтади.⁷ Устоз тилшунос ўз фикрини асослаш учун жарангсиз ва жарангли ундошлар зидланишини мисол қилиб келтиради ва ҳар орасида оралик ҳолатга йўл қўйилмаслигини уқтиради. Тўғри, бу ҳолатда бинар зиддият мавжуд, лекин ушбу қатор кенгрок олинса, сонорлар ҳам бу қатордан ўрин олади ва у куйидаги кўринишга эга бўлади:

Жарангсизлар – жаранглилар – сонорлар.

Биз докторлик тадқиқотимизда ҳамда унинг авторефератида айнан шу мисолни келтирганмиз.⁸ А. Нурмонов ҳам шу мисолни келтириб, агар қаролинишда овознинг ёки шовкиннинг ортиб бориш даражаси эътиборга олинмаган бўлса, у ҳолда юқоридаги зидланишдан *сонорлар* ҳам ўрин олганини ва бу ҳолатда жаранглилар оралик ҳолатни эгаллашини таъкидлайди ва бу билан бизнинг хулосамиз тўғри эканлигини исботлайди.⁹

Тилнинг фонологик тизими яхлит бутунлик сифатида олинганда ҳам сонор – сонор – ундош сирасида сонорлар оралик учинчи мавқеида бўлади. Бу ўринда яна шуни эслатиб ўтиш керакки, фонологик тизимда оралик учинчилар ва градуал муносабатлар жуда кенг тарқалган. Бунинг ёрқин намунаси фонологик оппозициялар силсиласида градуал оппозицияларнинг кўрилатилиши ва тилшуносликда кенг оммалашishiдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, оралик учинчилар алоҳида узиб олинган дихотомик зиддиятларда(тил – нутқ зидланиши, гапларнинг тасдиқ ёки инкор белгисига кўра, феълларнинг бўлишли-бўлишсизлик, ўтимли-ўтимсизлик каби бинар зидланишларида) эмас, балки камида учта аъзодан иборат даражалли(градуонимик) зиддиятларда мавжуд. Лисоний тизим эса шушундай даражаланиш қаторларидан ташкил топган. Лисоний тизимда лисоний бирликлар *ана шундай* узлуксиз жойлашади, узлуксизликни ташкиллаган қисми(туташган жойи) иккита алоҳида бирлик ўртасидаги оралик учинчилардир.

Шуни унутмаслик керакки, *тилда ҳар икки зиддият мавжуд*, таъкидидимиз таъбири билан айтганда, лингвистик бирликлар зидланишида ҳар икки тамойилнинг амал қилишининг гувоҳи бўламиз¹⁰. Бизнинг шу кунгача бинар, дихотомик зидланишлар силсиласидан иборат деб қараб келинган лисоний тизимга оралик учинчи киритилгач, лисоний тизим(лисоний бирлик эмас!)¹¹ дихотомик эмас, балки политомик

⁷ Нурмонов А. Ўша асар, 160-бет.

⁸ Нурмонов М. М. Ўзбек тилшунослигига формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг таъқини. Филол.фанлари докторлигига диссертация. Ташкент, 2001. 13-15-бетлар.

⁹ Нурмонов А. Қуратирилган асар, 161-бет.

¹⁰ Нурмонов А. Қуратирилган. Ўша бет.

¹¹ Бу тамойилни ўз қўлланмаларида бизнинг 3- тамойилимиздаги «лисоний тизим» бирликсизлиги «лисоний бирлик» деб уқтартирган. Бу лисоний *тил*нинг барча босқичларида эмас, «лисоний бирликнинг барча босқичларида» деган мантиқсиз ибора бўлади. Биз босқичлар даража сатҳларини назарда тутганимиз ва фонологиядан бошлаб синтаксисгача бўлган босқичларнинг оралик учинчилар мавжудлигини мисоллар билан исботлаганмиз. Лисоний бирлик термини формал-функционал тилшуносликда бирлик(нутқ бирлигига оппозицияда турувчи) нисбатан қўлланилади. Бунда *босқичлар* деган тилшуносликда бирликка нисбатан бериб бўлмайди.

зидланишлар силсиласи сифатида, бу тизим узвларининг қарама-қарши қўйилиши «тасдиқ-инкор» каби сифатий зидланиш табиатига эмас, балки микдорий ўзгаришлар ва уларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш занжири табиатига эга эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Муҳтарам устоз А.Нурмонов тилда, умуман, борликда мутлақ нарса йўқ, ниманидир мутлақлаштириш бир ёқламаликка олиб келади, деган қарашдан келиб чиққан кўринади. Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳар қандай система каби тил ҳам **ўзгарувчан** ва **барқарор** белгилардан ташкил топган. Барқарорлик системанинг, асосий омили, система ана ўша барқарор белгилар ҳисобига мавжуд, бу белгилар ўзгарса, система йўқолади. Системалогия назарийтчиларидан бири В.Н. Солнцев системада 3 хил белгиларни фарклаган эди:

1. Система ҳосил қилувчи хусусият;
2. Системада ҳосил қилинган хусусият;
3. Система учун нейтрал хусусият¹²

Система ҳосил қилувчи белги-хусусият ана шу система учун барқарор белги ҳисобланади. «Оралик учинчи»лар лисоний тизим учун барқарор белгидир, шунинг учун улар м у т л а қ д и р.

Юқорида санаб ўтилган тамойиллар формал-функционал тадқиқотларда тил ҳодисалари тадқиқида узвийликда изчиллик ва онглилик билан қўлланилади. Бу тамойилларнинг яхлитлиги, узвийлиги формал-функционал таҳлилни ташкил этади. Бу беш тамойил градуонимик муносабатларда бирлашади ва унда XX аср тилшунослиги учун тамал тоши бўлган синонимик ва антонимик муносабатлар диалектиканинг микдорий ўзгаришларининг(синонимиянинг) сифат ўзгаришларига (антонимияга) ўтиши қонуниятига асосида бир турдаги, айна бир моҳиятли муносабатлар силсиласида туташади. Ўзбек формал-функционал тилшунослигида ишлаб чиқилган градуонимик муносабатлар назарияси Европа тиллари қурилиши тадқиқи ва талқинида ҳам татбиқ этилмоқда.¹³

Бу йўналишнинг *формал-функционал* деб номланишининг муайян сабаблари бор. Маълумки, Ф. де Соссюр: «Тил субстанция эмас, балки формадир», - деган эди. У форма деганда ўзаро муносабатлардан узилган оддий, механик шаклни эмас, балки сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи моддий воситалар ва бу моддий воситалар замирида ётган муносабатларни тушунади, тил шаклдир деганда тилнинг муносабатлар системаси эканлигига урғу беради. Кўринадики, «форма» тушунчаси ҳам моҳият сифатида, ҳам унинг воқеланишига ишора сифатида тушунилиши мумкин. «Функция» тушунчаси эса тилшуносликда ҳам вазифа, ҳам мазмун

¹² Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Москва:Наука,1977, -С. 49-52.

¹³ Vokhidova N. «Lexikalisch-semantische graduonomie in Deutschen» In: Informatik Berichte – 336 – 3/2007/GLDV-2007 Workshop Lexical semantic and Ontological Resources.Kunze, C., Lemnitzer, L.,Rainer O.(eds) Fern Universitet in Hagen, 2007.S.119-129

маъноларида қўлланилади. Бу иккита тушунчанинг икки хил талқини ўзаро мос келади. «Форма»ни муносабат сифатида қабул қилсак, « функция»ни вазифа маъносида, «форма»ни шакл деб қарасак, «функция»ни мазмун тарзида қабул қилиш мумкин. Англашиладики, бу тушунчаларнинг турлича талқини ҳеч қандай ноқулайлик ёки чалқашликни келтириб чиқармайди. Бу терминларнинг қўшалок қўлланилишига сабаб бу йўналишда лисон ва нутқ изчил фаркланади, асосий эътибор лисоний умумийликларни очишга қаратилади, нутқий воқеланишлар тасодифийлик сифатида тадқиқдан четлаштирилади. Нутқий товланишлардан халос этилган моҳият – лисоний бирлик шакл (форма) ва вазифа (функция) мажмуаси сифатида қаралади. Шаклнинг моҳияти вазифалар мажмуи бўлса, вазифа шакл сифатида воқеланади. Вазифасидан, парадигмасидан (Соссюр таъбири билан айтганда муносабатлардан) узилган, ажратилган шакл бу йўналишда ўрганилмайди. Шакл ҳар вақт ўзига ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган шакллар билан муносабатларда олиб қаралади. Систем тилшунослик, структурал таҳлил, аниқроғи формал-функционал йўналишнинг бошқа лингвистик мактаб ва методлардан фарқи ҳам мана шунда. Бу ерда нима бирламчи, формами, функциями деган савол қўйилиши мумкин эмас. Чунки улар бир хил қийматга эга. Терминни функционал-формал сифатида ўзгартирсак ҳам моҳият ўзгармайди. Чунки, ўзбек тилида гапнинг энг кичик қурилиш қолипи «Кесимлик категорияси кўрсаткичлари билан шаклланган атов бирлиги» ўзбек тилидаги вазифасини бажариш учун ихтисослашган шаклдир. Бошқача айтганда, ўзбек тилида гапни шаклантириш вазифаси кесимлик кўрсаткичлари билан келган атов бирлигида мужассамлашган.

Формал-функционал йўналишга бошқа структурал мактабларнинг таъсири масаласига келсак, ҳар қандай таълимот каби бу йўналиш ҳам ўз-ўзинча пайдо бўлмаган. Ўзбек формал-функционал тилшунослигининг шаклланишида турли хил лингвистик структурал-ноструктурал мактабларнинг таъсири борлиги шубҳасиз. Бу йўналиш систем тилшуносликнинг функционал йўналиши, тасвирий тилшуносликнинг формал таҳлил усули ҳамда тасаввуф ва диалектикада тадқиқ манбаига субстанционал ёндашув методологияси негизида шаклланган. Бу тилшунослик жаҳон фалсафий фикри ва тилшунослиги ютуқлари асосида ривожланаётган ўзбек тилшунослигининг алоҳида мустақил бир йўналишидир. У жаҳонда мавжуд бўлган тилшунослик оқим ва мактабларининг ҳеч қайсини бевосита такрорламайди ва уларнинг ҳеч бири билан айнан эмас.

Великий шелковый путь и его влияние на культурные и религиозные взаимоотношения восточных народов

Великий шелковый путь, связавший в древнем и раннем средневековье евроазиатские просторы, дал толчок не только развитию экономических отношений между странами данного региона, но и оказал большое влияние на установление культурных отношений, в том числе на взаимосвязь восточных языков и литератур. Огромное значение имел Великий шелковый путь для формирования общих религиозно-философских взглядов. Другими словами, он открыл широкие перспективы для взаимообмена между восточными народами и дал возможность приобщиться к новым аспектам человеческой цивилизации.

Благодаря шелковому пути получили широкое распространение такие религии как буддизм и манихейство. Следует отметить, в распространении буддизма среди азиатских народов роль Великого шелкового пути огромна. Проникновение буддизма в Среднюю Азию определило пути ее дальнейшего развития. Важно то, что данный исторический процесс дал возможность буддизму выйти на широкую арену торгово-экономического и культурного сотрудничества, обусловленного Великим шелковым путем. При этом буддизм стал одной из уникальных и распространенных религий Востока. Стимулом для его развития стали торговые и культурные связи народов, живших на шелковом пути.

Распространяясь по шелковому пути из Средней Азии через Восточный Туркестан, буддизм проник в Китай. Путь буддизма через Среднюю Азию способствовал его дальнейшему развитию. Видимо, этим объясняется близость среднеазиатского буддизма к древне китайскому, корейскому и японскому.

В истории буддизма важным является то, как распространялось это учение. Известно, что оно распространялось не через завоевания, а благодаря миссионерской деятельности, торговым отношениям, развитию общественно-культурных связей. При заимствовании буддизма в новое общество переносились и некоторые культурные, этнические традиции и философские взгляды.

Как известно, махаянский буддизм был основан в древней Индии, применен на практике, отчасти реформирован в Средней Азии, где были определены перспективы его развития. На этой земле разработана форма махаянского буддизма, идентичная местной культуре и образу жизни. Данная форма в дальнейшем была заимствована другими азиатскими народами, которые создали на ее основе свои религиозные представления.

Таким образом, буддизм стал связующим звеном, объединяющим народы, расселенные по шелковому пути. Он способствовал укреплению культурных традиций восточных народов, единству их религиозно-философских взглядов.

Великий шелковый путь оказал большое влияние и на историю письменной культуры народов Востока. В качестве примера можно привести историю древних письменностей, в частности арамейскую систему письменностей, их формирование и развитие.

История формирования и развития данных алфавитов тесно связана с историей шелкового пути, в результате чего происходили изменения в общественно-политической и культурной жизни народов данного региона. Как известно, арамейская письменность широко распространилась в результате общественно-политических, торгово-экономических и культурных отношений народов Центральной Азии. В раннем средневековье местные народы создали свои алфавиты на основе арамейского письма [1]. Это авестийский, древне хорезмийский, согдийский, манихейские алфавиты, которые являются продуктом указанных культурных отношений. В дальнейшем данная система письменностей обогатилась еще одним алфавитом. В V-VI веках нашей эры (возможно, и раньше) формировалась древнетюркская, так называемая «уйгурская письменность» [2]. Ученые, полагают, что этот алфавит формировался на основе согдийского письма. Было ли это так, или же уйгурская письменность восходит прямо к арамейскому, остаётся пока непонятным. По нашему мнению, этот вопрос может быть объектом дальнейших исследований. По всей вероятности, древние тюрки прибегали к согдийским традициям письмотворчества.

Историю формирования уйгурского письма нельзя привязывать к какому-либо определенному времени и письменному памятнику. Оно создавалось на основе арамейского и сформировалась не сразу. В его формировании большую роль сыграли культурные, торгово-экономические отношения народов, расселенных по шелковому пути. Это привело к большим изменениям в истории письменной культуры. Следует отметить, что формирование уйгурского алфавита представляет собой приспособление арамейского письма к фонетическим системам древнетюркских языков. Вместе с тем, следует подчеркнуть, что это не простое приспособление, а результат долгого графического развития.

Характерно то, что уйгурская письменность после своего формирования, на протяжении столетий применялась параллельно с другими алфавитами арамейской системы письма, в частности с согдийским. В данное время и согдийская и уйгурская письменности, развиваясь параллельно и взаимодействуя, достигли совершенства. В

результате уйгурская письменность стала основным алфавитом для древних тюрков.

Важно то, что история и развитие арамейской письменной системы не ограничивается становлением уйгурского письма. В свою очередь, уйгурское письмо оказало влияние на становления других письменностей в Центрально-Азиатском регионе. В период существования монгольской империи, по повелению Чингизхана, монгольские ученые создали свой алфавит на основе уйгурского. Этот алфавит принято называть «монгольским». В дальнейшем на основе монгольского сформировалась так называемая «маньчжурская письменность». На основе маньчжурского, как полагают ученые, сформировалась корейская письменность [3]. Таким образом, генезис корейского алфавита восходит к арамейским системам через древнетюркский (уйгурский) и согдийский алфавиты. Во всем этом огромна роль Великого шелкового пути.

Великий шелковый путь оказал большое влияние и на языковые и литературные связи, а также на развитие философской мысли. Во время первого и второго тюркского каганатов, а также в уйгурском каганате, наряду с родным языком, предпочтение отдавалось согдийским и китайским языкам.

В раннем средневековье на всем протяжении Великого шелкового пути, начиная с Каспийского моря до Дальнего Востока, языками международного общения были два языка: согдийский и древнетюркский. Это объясняется общественно-политическими, историческими обстоятельствами. Как известно, в распространении буддизма среди Центрально-Азиатских народов большая заслуга принадлежит согдийцам. Как показывают источники, согдийцы активно участвовали в торговых отношениях, в результате чего их язык выходит за рамки самого государства Согда и начинает укореняться на новых территориях, осваиваемых согдийцами. Это повлияло на языковую ситуацию данного региона. Так, например, в некоторых регионах, куда переселились согдийцы, отмечен тюрко-согдийский билингвизм.

Тюрко-согдийское двуязычие продолжалось вплоть до XI в. Об этом свидетельствуют факты, приведенные Махмудом Кашгари в его книге «Диван лугат-ат-тюрк». Он пишет: «Баласагунцы [имеется в виду жители древнего города, расположенного на территории современной Киргизии К.С.] говорят по-согдийски и по-тюркски. Жители Тираза и Мадинаулбайзы (тоже) говорят по-согдийски и по-тюркски» [4]. При пояснении этнонима «sogdaq» (согдийцы) он пишет: «Sogdaq – народ, населявший Баласагун. Они – выходцы из самаркандской и бухарской территорий Согды, но после переселения (в Баласагун) они ассимилировались» [5].

Во времена первого и второго тюркского, а также древнеуйгурского каганатов, и в период правления караханидов согдийский язык широко использовался в монументальных надписях. Все эти обстоятельства дали возможность согдийскому языку стать языком международного общения.

Большое внимание в древнетюркских государствах уделялось и китайскому языку, о чем свидетельствуют двуязычные и трехязычные письменные памятники, созданные в этот период. Однако сомнительно, чтобы китайский язык, наряду с древнетюркским и согдийским, приобрел бы международный статус.

Что касается древнетюркского языка, то следует отметить, что древние тюрки жили и господствовали на просторах Центральной Азии, поэтому официальным языком здесь был древнетюркский. На нем были написаны официальные и дипломатические документы, государственные указы, исторические и даже религиозно-философские произведения. Всем соседним странам на Великом шелковом пути пришлось примириться с этим неоспоримым фактом. К тому же дипломатические отношения тюркских правителей осуществлялись на древнетюркском языке, что придавало ему статус языка международного общения.

Таким образом, Великий шелковый путь стал мощным объединяющим фактором в истории многочисленных народов Востока. Этот фактор необходимо учитывать и в исследованиях, посвященных истории взаимодействия восточных народов с народами Центральной Азии.

Литература

[1] См.: Исхаков М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье. Ташкент. 2008.

[2] Исхаков М. Еще раз к вопросу о создании корейского буквенно-фонетического алфавита. – Сб. В мире корееведения. Ташкент. 2008. С. 180-194.

[3] Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи ва шиклари). Тошкент. 1997.

[4] Махмуд Кошгарий. Девону луғотит турк. 1 том. Тошкент. 1960. С. 66.

[5] Указанная литература. С. 437.

А.Пўлатов
ЎзМу

Ўзбек компьютер лингвистикаси муаммолари ва уларни ечиш йўллари

Биз ахборот асрида яшаймиз. Дунёда бўлаётган барча яратиларни ахборотни тўплаш, узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш тизими ёрдами тушунтириш мумкин. Асримизни бежиз “Ахборот асри” деб аташмайди. Жадал ривожланаётган фан, техника даврида катта

ҳажмдаги ахборот устида тезлик билан ишлашга тўғри келади. Бу жараёни бошқаришда инсоннинг имкониятлари (хотира, тезлик) чегараланган. Самарадорликни оширишнинг ягона йўли компьютердан фойдаланишдир. Бу ўз навбатида ҳамма соҳаларнинг компьютерда ишлашга мослаштирилган кўринишларини яратишни тақозо қилади. Компьютер медицинаси, компьютер иқтисодиёти, компьютер ҳуқуқшунослиги каторида тилшуносликка ҳам компьютер лингвистикаси йўналишининг пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Ўзбек компьютер лингвистикасини яратиш оқимизда турган долзарб масаладир. Бу ўзбек тилини компьютерга олиб кириш, яъни ўзбек тили билан боғлиқ масалалар – ўзбек тилида ўқитиш, билимларни баҳолаш (тест), матнларни ўзбекча овозлаштириш, ахборотни овоз орқали компьютерга киритиш, матнларни таҳрирлаш, таржима қилишни компьютерда бажариш имконини яратади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўзбек компьютер лингвистикасини яратишда етарли даражада ишлаб чиқилган инглиз компьютер лингвистикасидан тўғридан – тўғри фойдаланиб бўлмайди. Инглиз компьютер лингвистикасининг асосий гоёларига таяниш мумкин, холос. Ўзбек компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг инглиз тилидан фарқ қиладиган хусусиятлари асосида шакллантирилади. Бу эса ўзбек компьютер лингвистикасини яратишдан олдин ўзбек тилини юқори ва тўлиқ (масалан, инглиз тили) даражада системлаштириш, формаллаштириш вазифаларини ҳал қилишни талаб қилади. Демак, ўзбек тили каби бой, кенг ва чуқур ривожланган тиллар масалаларини компьютер орқали ҳал қилиш даражасига олиб чиқиш йирик қўламдаги ишларни бажариш вазифасини қўяди.

Ўзбек компьютер лингвистикаси олдинга қуйидаги талаблар қўйилади:

1) Ўзбек тилини глобаллашув, стандартлашув, оптималлашув талаблари асосида ҳозирги замон дунёвий тиллари (инглиз, рус) даражасига олиб чиқиш;

2) ахборот асри талаблари доирасида ўзбек тилини компьютерга олиб кириш;

3) амалий тилшуносликка бўлган эътиборни кучайтириш, тилшуносликни бозор иқтисодиёти билан боғлаш (реклама, лингвистик компьютер дастурлари бизнеси).

Бу талабларга жавоб бериш учун Ўзбек компьютер лингвистикаси қуйидаги муаммоларни ечиши керак:

1. Ҳозирги замон талабларига мос келадиган (изохли, таржима) лугатларнинг етишмаслиги. Мавжуд лугатлар ҳозирги компьютер талабларига ҳар доим ҳам жавоб бермайди (Масалан, лугатларда *мард*

сўзини изохлаш учун унинг синоними *ботир* сўзидан фойдаланилган). Бу масалаларни ечишда халқаро Lingvo дастуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тили грамматикаси тўла яратилмаган, яъни тизимга солинмаган, формаллаштирилмаган. Масалан, феъл, от ва бошқа туркумларга оид сўз шакллари, гап конструкциялари тўлиқ шакллари келтирилмаган (Масалан, биргина *шламоқ* феълнинг Ўзбек тилида тахминан 100 минг шакли бўлса, инглиз тилида унинг тахминан 150 та шакли мавжуд)¹. Булар ҳақидаги маълумотлар А.Пўлатов, Т. Мўминова, И. Пўлатоваларнинг “Дунёвий Ўзбек тили. Ўзбек тилида феъл шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилидаги кўринишлари” китобида келтирилган.

Китобда Ўзбек тили феъл шакллари ўрганилди, саналди, тасниф қилинди ва рус, инглиз тилидаги муқобиллари берилди. Инглиз ва рус тиллари эса муайян мезонлар асосида формаллаштирилган ва системалаштирилган.

2. Тилнинг лексик қатлами, синоним, пароним, омоним, мақоллар, фраземалар ҳақидаги маълумотлар янгиланишга муҳтож. Бугунги кунда фан ва техниканинг янгиланиб бориши лексикологиянинг фақат терминологик қатламига эмас, балки барча қатламига таъсир этмоқда. Масалан, синонимлар лугатида синоним сўзлар қаторини беришда биринчидан, унинг бугунги кундаги қўлланиш даражаси кўрсатилиши керак бўлса, иккинчидан мана шу сўзларнинг рус ва инглиз тилларига мос келадиган вариантларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Техника, тиббиёт, ҳуқуқ ва бошқа аниқ фанларга доир матнларни Ўзбек тилида беришда баъзи муаммолар мавжуд.

4. Гап конструкцияларни тартиблаш фақат баъдий услуб доирасида олиб борилган. Дарсликлар ёки грамматик манбалардаги мисоллар аксарият баъдий асарлардан олинган гаплардан иборат бўлиб, бошқа услублардаги ҳолатларни акс эттирмаган. Бу эса шифокор, инженер, ҳуқуқшунос ёки тадбиркорга фикрларини ёзма равишда баён қилишда кийинчилик туғдиради.

5. Ўзбек тили грамматикасини баён этишда ягона, расмий тўхтамга келинмаган. Давлат тили муайян ягоналикка эга бўлиши керак. Мактаб, коллеж, лицей ёки олий ўқув юртлари учун мўлжалланган дарсликлар ўзбек тилига ҳар хил ёндашишлар асосида ёзилган бўлиб, бу ҳол ўқувчи ва талабаларнинг фан асосларини ўзлаштиришларига маълум даражада монелик қилмоқда.

Ўзбек тилини тўлиқ баён қилишга қаратилган асарлар сифатида қуйидаги китобларни келтириш мумкин.

¹ Пўлатов А., Мўминова Т., Пўлатова И. Дунёвий ўзбек тили. Ўзбек тилида феъл шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилидаги кўринишлари. Университет. 2003.

1. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент. Фан. 1-жилд. 1975; 2-жилд. 1976.
2. Ш.Рахматуллаев Hozirgi adabiy o'zbek tili. Тошкент. Университет.,2006.
3. Р.Сайфуллаева ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. Университет. 2-жилд. 2005; 3-жилд. 2006.

“Ўзбек тили грамматикаси” китоби ўзбек тилининг батафсил, тўлиқ, мисолларга бой тасвирланганлиги билан ажралиб туради. Бироқ китобнинг 30 йил аввал нашр қилинганлигини ҳисобга олсак, тилни тасвирлаш услуби эскирганлиги кўринади: мисоллар фақат бадий асарлардан олинган. Ўзбек тили фанда, дипломатия, медицина, техника, бизнес ва ҳоказоларда ҳам ишлатилишини унутмаслик керак. Маълумки, бадий адабиёт, айниқса, шеърятда грамматика қолипларидан ташқарига чиқиш ҳолатлари кузатилади. Акс мисолларнинг хаддан ташқари кўплиги грамматик қолипларни англаш жараёнини қийинлаштиради ёки уларни йўққа чиқаради.

Ш.Шоабдурахмонов ва б. томонидан яратилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китоби ҳам шундай нуқсонлардан холи эмас.

Ш.Рахматуллаев дарслигида ўзбек тили грамматикасини баён қилишда мавжуд манбаларга нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ ёндашиш рўй берган. Лотин алифбосига асосланган ўзбек тили фонетикаси илк бор етарли даражада ёритиб берилган. Асар, шубҳасиз, бир қатор ютуқларга эгаллиги билан муайян камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи унинг айрим бўлимлари қониқарли даражада ишланмаган дейиш мумкин. Сўз туркумларини ёритишдаги янги қарашлар – таърифлаш, системлаш, таҳлил қилиш, тушунтиришларнинг баъзилари ишончли даражада эмас. Масалан: “ – моқчи” аффиксининг ўрни, нисбатларни фақат икки гуруҳга ажратиши ҳақидаги фикрлар ижобий. Лекин олмошларни (ўзлик, кўрсатиш) таснифлаш муаммоси охиргача ҳал қилинган кўринади.

Р.Сайфуллаева ва бошқалар томонидан яратилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китоби илмий монографияларга (дарсликларга эмас) хос бўлган ортиқча назарийлаштирилганлиги ва мавҳумлаштирилганлиги, янги терминлар эҳтиёж бўлмаган ўринларда ҳам ишлатилганлиги, аббревиатураларнинг кўп қўлланганлиги, ўқувчида сунъий қийинчиликлар туғдирадиган даражада формаллаштирилганлиги билан характерланади. Бу ҳолат XX асрнинг 70-йилларида мактаб математика дарсликларининг янгиланишидаги ҳолатни эслатади. Мазкур асар бошқа тиллар грамматикалари билан солиштиришда қийинчиликлар туғдириши, ўзбек тилини амалиётда қўлланишини қийинлаштириши, ҳозирги замон талаблари – стандартлашув, глобаллашув жараёнларига тўла мос келмаслиги билан бошқа манбалардан ажралиб туради. Бу китоб янги даврда (2005-2006) ёзилганлигига қарамадан, унда грамматик қоидаларни

тушунтириш мақсадида берилган мисоллар фақат бадий адабиёт доирасида қолиб кетган. Булардан ташқари китобда ўзбек тили грамматикаси етарли даражада қамраб олинмаган. Ш.Раҳматуллаев китоби билан қиёсланганда бу жиҳат яққол кўзга ташланади.

Юқорида айтилган фикрлар билан бир қаторда шунини таъкидлаш лозимки, мазкур асар илмий монография сифатида қаралганда у сўзсиз илми қарашлари, изланишлари билан илмий қийматга эга манба ҳисобланади.

6. Илмий-техникавий терминларни стандартлаштириш лозим.

7. Матн кўринишидаги ахборотларни нафақат грамматик, балки маъновий ва услубий жиҳатдан таҳлил қилувчи компьютер дастурлари (сунъий интеллект) яратилиши муҳим ишлардан бири саналади.

8. Кўзи ожизларни компьютерда тўла ишлай олиш даражасига олиб чиқиш, уларга мўлжалланган дастурлар яратиш кечиктириб бўлмас масалалар сирасидан ўрин олмоғи лозим.

9. Компьютер орқали оғзаки ва ёзма таржимани амалга ошириш.

Ўзбек компьютер лингвистикаси олдида турган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек тилининг инглиз тили билан таққосланган тўлиқ маълумотлар базасини яратиш;

2. Ўзбек тили *компьютер-ахборот услубини* ишлаб чиқиш;

3. Ўзбек тилининг лексик ва грамматик изоҳли луғатини қайта ишлаб чиқиш;

4. Ўзбек тилининг формал моделини яратиш;

5. матнларни ўзбекча ўқийдиган компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

6. Ўзбек тилидаги маълумотларни компьютерга овоз орқали киритиш (клавиатура ўрнига);

7. Ўзбек тилига ўқитадиган ва билимларни баҳолайдиган компьютер дастурларини яратиш;

8. Ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча компьютер луғатларини яратиш (Parvo даражасига олиб чиқиш);

9. ўзбекча “Windows” операцион системасини яратиш (6000га яқин терминларга ишлов бериш ва 20000 варақли ёрдамчи матнларни таржима қилиш);

10. ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча таржимон дастурларини яратиш (инглиз ва рус тилларида бир неча тилли таржима дастурлари мавжуд);

11. ўзбекча матнларни таҳрирловчи компьютер дастурларини яратиш (инглиз ва рус тилларида шундай таҳрирлаш дастурлари мавжуд);

12. Инглиз тилида ўзбек тили дарслигини яратиш (бу чет эллик тил ўргатувчилари учун муҳим ҳисобланади).

Компьютер лингвистикаси соҳасини ривожлантириш йўналишида билим соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак:

- 1) ўзбек компьютер лингвистикасини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш;
- 2) ўзбек компьютер лингвистикасини яратишни маблағ (грантлар, буютмачилар, ҳомийлар) билан таъминлаш;
- 3) компьютер лингвистикаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ишларини кенг йўлга қўйиш.

Компьютер лингвистикаси соҳасида ЎЗМУда эришилган натижалар ва қилинаётган ишлар:

- Тарғибот ишлари: оммавий ахборот воситаларида йигирмадан ортиқ чиқишлар қилинди. Мактаб, лицей, университетларда талабалар ва ўқитувчилар билан ўндан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Илмий конференцияларда ўн бешта доклад қилинди;

- 2001 йилдан Компьютер лингвистикаси лабораторияси фаолият кўрсата бошлади;

- 2002 йилда Ўзбек филологияси факультетида Компьютер лингвистикаси кафедраси ташкил этилди;

- 2005 йили у Умумий тилшунослик кафедраси билан бирлаштирилди;

- 2001 йилдан бошлаб Ўзбек филологияси ва Хорижий филология факультетларида Компьютер лингвистикаси фани ўқитила бошланди. Компьютер лингвистикаси фанининг дастури, саволлари, тестлари ишлаб чиқилди. Қуйдаги китоблар нашр қилинди:

1. А. Пўлатов, С. Муҳамедова “Компьютер лингвистикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Фан ва технология маркази” босмахонаси. 2007.

2. А. Пўлатов “Компьютер лингвистикаси”. Дарслик. 2008 (электрон версия).

- Кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Бу йўналишда ўндан ортиқ магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

- 2007-2008 ўқув йили давомида 10 нафар кўзи ожиз талаба компьютерда мустақил ишлашга ўргатилди. Кўзи ожизларни компьютерда ишлашга ўргатувчи методик қўлланма ишлаб чиқилди. Матнларни ўзбекча овозлаштирадиган компьютер дастур учун фонетик таъмин яратилди. Компьютерда терилаётган матнларни ҳарфма – ҳарф, сўзма – сўз ўқитирадиган компьютер дастурига асос солинди. Университетда “Кўзи ожизлар компьютер ўқув – илмий маркази” фаолият бошлади.

- Ўзбек тили ахборот услубини яратиш йўналишида илмий-тадқиқий ишлар олиб борилган.

- Ўзбек тилида от шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилидаги кўринишлари мавзусидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Компьютер дастурлари яратишнинг бутун Республика миқёсида жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Компьютер лингвистикасидаги ютуқлар

нифақат тилшунослик, балки бошқа соҳаларда ҳам самара бериши муқаррар.

Адабиётлар

1. Ўзбек тили грамматикаси. I, II том. Тошкент. Фан. 1975.
2. Болшаков И., Гелбук А. Computational linguistics. Mexico. 2004.
3. Журафский Д., Мартин Ж. Computational linguistics. 2006.
4. Пулатов А. Английский язык. Учебное пособие и справочник. Ташкент. Шарк. 1998
5. Пулатов А., Мўминова Т., Пулатова И. Дунёвий ўзбек тили. Ўзбек тилида феъл шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилида кўринишлари. Университет. 2003.
6. Раҳматуллаев Ш. Hozirgi adabiy o`zbek tili. Тошкент, Университет, 2006.
7. Сайфуллаева Р., ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек тили. Тошкент. Университет. 2007.

С.Мухамедова
ТДПУ

Ўзбек тилида сифат валентлиги масаласи

Ф. де Соссюр ҳамда Козон лингвистик мактаби вакиллари, хусусан, И.В.Крушевский томонидан кўриб чиқилган парадигматика ва синтагматика масалалари замонавий тилшуносликда ҳам ўзининг доғзарб ва истиқболли йўналиш эканлигини намоён этмоқда. Зеро, атоқли олимлар бунда концептуал-семантик аспектга урғу бериб, етакчи илмий-ишарий муаммо сифатида семантик валентлик ва сўзларнинг ўзаро бирикувини назарда тутган эдилар. Тил бирликларининг семантик жиҳатдан ўзаро боғланиши ғояси А.В.Шчерба, В.В.Виноградов, Ю.Д.Апресян, Н.Д.Арутюнова, В.Г.Гак, С.Д.Кацнельсон, Н.З.Котелова, В.В.Морковкин, М.Д.Степанова, Д.Н.Шмелев, Е.В.Рахилина каби рус, И.Кўчқортоев, М.Мирзожиев, А.Нурмонов, Р.Расулов, М.Содиқова каби ўзбек олимларининг ишларида ўз ривожини топди. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида сўзларнинг бирикуви лингвистик, шунингдек, экстралингвистик омиллар билан шартланганлиги кўрсатишган. Бирикувни кўриб чиқиш аспекти ўрганиш дистрибуция, валентлик ва бирикувнинг турли кўринишлари тушунчаларини ишлаб чиқиш имкониятини яратди. Бунинг натижасида бирикувга шундай таъриф берилди: “Бирикув бу тил бирликларининг юқори сатҳ бирликларини ҳосил қилиш учун бирлашуви; бу тил бирликларининг ўзаро синтагматик муносабатларини акс эттирувчи фундаментал хусусиятларидан биридир”¹. Валентликка эса ЛЭСда

¹ Лингвистический энциклопедический словарь. М. 1990 С.283.

куйидагича таъриф берилган: “Валентлик бу сўзнинг бошқа элементлар билан синтактик алоқага киришиш имкониятидир”².

Шу тариқа сўзлар бирикуви ва валентлик назариясининг кўплаб жиҳатлари ХХ асрнинг йирик тилшунослари томонидан ишлаб чиқилди. Айниқса, феъл валентлиги ҳар томонлама ўрганилди, чунки валентликнинг илк тадқиқотчиси Л.Тенъер уни фақат феълга хос хусусият сифатида талкин қилди, шунга кўра 1, 2, 3 валентли феълларни ажратди³. Валентликни бундай талкин қилиш предикатлар мантиғига бориб тақалади ва гапнинг вербоцентрик гипотезасига асосланади. Немис тилшуноси Г.Хельбиг феъл ва от валентлигини қиёслаб чиққан ҳолда шундай хулосага келади: “...феъл гапнинг бош, структур бўлаги сифатида фаол валентликка эга, шунинг учун у фақат валентлик ташувчиси ролида қатнашади. От ва сифат эса ҳам фаол, ҳам нофаол валентликка эга, шунга кўра улар бир томондан валентлик ташувчиси, иккинчи томондан партнерлар ролида бўлиши мумкин”⁴. От, сифат, феъл валентликларини қиёслаш мантикий-семантик валентликларда ўхшашлик, синтактик валентликларда эса фарқлилиқ мавжудлигини исботлади⁵. Шу тариқа Европа тилшунослигида феълдан бошқа сўз туркумлари валентлиги масаласига ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Хусусан, рус тилшунослигида от валентлиги тадқиқ қилинган бир нечта илмий ишлар юзага келди⁶. Шуниси диққатга сазоворки, муайян отларнинг муайян феъллар билан бириқиш имкониятига ўз вақтида И.В.Крушевский ҳам эътибор қаратган эди: “...шундай от ва феъллар борки, улар ҳар қандай вазиятда бирга келишади, доимий бирикувда бўлишади: *ит ва воулламоқ, от ва кишнамоқ, қурбақа ва вақилламоқ* ва б⁷.

Сифат валентлиги масаласи ҳам Европанинг айрим тилшунослари томонидан ўрганилган⁸. Ушбу ишларда рус, немис, француз тилларидаги сифат валентлигининг баъзи жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида феъл валентлиги кўплаб олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Аммо от ва сифат валентлиги тадқиқ

қилинмаган. Ушбу мақола ўзбек тилида сифат валентлиги ҳақида дастлабки фикрларни баён қилмоқчимиз.

Тилшунослик назариясидан яхши маълумки, сўз валентлиги билан унинг семантикаси ҳамда синтактик вазифаси орасида диалектик муносабат мавжуд⁹. Шунга кўра сифат валентлигини унинг муайян нутқий вазиятларда бажарадиган синтактик вазифасига боғлаб тадқиқ қилиш таъқибсиз мувофиқдир. Зеро, ҳар қандай луғавий маънога эга сўз каби сифат ҳам гапда ўз синтактик вазифасига кўра муайян валентликларга эга бўлади. Шунга кўра сифат валентлигини куйидаги тартибда кўриб чиқиш мумкин:

1. Сифатловчи аниқловчи вазифасидаги сифат валентлиги.
2. Ҳол вазифасидаги сифат валентлиги.
3. Кесим вазифасидаги сифат валентлиги.

Сифат предмет (шахс)нинг белгисини билдирувчи сўз туркуми ҳисобланади. У отнинг “доимий ҳамроҳи” сифатида одатда битта валентликка эга сўз деб ҳисобланиб келади. Аммо бадиий адабиёт, сулашув, матбуотдан олинган материаллар таҳлили, сифат турли синтактик вазифаларда гапда реаллашар экан, турлича валентликка эга бўлиши мумкинлигини кўрсатадики.

Сифат сифатловчи аниқловчи вазифасида келганида асосан иккита валентликка эга бўлади:

А. Белгининг эгаси шахс - субъект валентлиги, яъни бунда сифат муайян бир шахсга хос бўлган хосса, хусусиятларни аниқлаштирган ҳолда эгага боғланиб келади: *Баджаҳл, серзарда Санобар бу гапни шунчаки ҳазм қилиб юбориши мумкин эмас* (Ф.Усмонова). *Хушхулқли, муноғим, фаршитамонанд онам бизга отамиз йўқлигини билдирмасликка ҳарқат қиларди...* (Х.Тўхтабоев). *Бегона одамлар кирганини сезган отлар тинқиришди* (Т.Малик). Кўринадики, бу кўпроқ характер-хусусият, хосса, ҳолат, шакл-кўриниш билдирувчи сифатларнинг семантик туркумига мансубларида кузатилади.

Б. Белгининг эгаси предмет бўлиб, сифат объект валентлигига эга бўлиши, яъни бунда у фақат тўлдирувчига боғланади: *Сизда жамики шонлиқ гўзал фазилавларни кўрдим* (Ҳ.Қўчқорова). *Кибр бу оний дунёдан голиб келиб, уни яна манманлик шоҳсупасига кўтарди* (Т.Малик). *Зоҳид муаммоларнинг чигал ишларига ўралиб, кундан кунга кучиб бораётган эди* (Т.Малик). Юқоридаги гапларда сифат воситали ва воситасиз тўлдирувчиларга боғланган ҳолда фақат объектга хос бўлган белгиларни билдириб келмоқда. Таъкидлаш зарур, А вазиятда субъект вазиятлиги, Б вазиятда объект валентлиги зарурий ҳисобланади. Ушбу вазиятларда субъект ва объект валентлиги бир-бири учун факультативдир.

² Липинский И. Валентность и сочетаемость глаголов // Вопросы языкознания. 1987. №6. С.52-65.

³ Тенъер Л. Основы структурного синтаксиса. М. Прогресс. 1988. С.101.

⁴ Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. М. Высшая школа. 1978. С. 170.

⁵ Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. М. Высшая школа. 1978. С. 200.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Арутюнова Н.Д. Несвободная сочетаемость имен, принадлежащих к эмоциональной сфере человека, на основе различных образных представлений метафоры. М. 1986; Дмитриева В.С. Лексико-семантическая сочетаемость имен, называющих атмосферные явления в русском языке. Казань, 1985; Чува Э.В. Лексико-семантическая сочетаемость имен, называющих стихийные природные явления. Казань, 1997; Клепальченко И.А. Сопоставительный анализ лексико-семантической группы «востинцы» (элементы лексичных конструкций). Автореф. дис... канд. филол. наук. М. 1999. С. 19.

⁷ Арутюнова Н.Д. Несвободная сочетаемость имен, принадлежащих к эмоциональной сфере человека, на основе различных образных представлений метафоры. М. 1986. С.26.

⁸ Восвудская О.М. Лексико-грамматическое поле в лексиконе языка (на материале поля свет-тьма в русском и английском языках). Автореф. дис. канд. филол. наук. Воронеж. 1999. 23 С. Губенко Е.В. Лексико-семантическое поле цвета и света в лирике Б.Л. Пастернака: Автореф. дис. канд. филол. наук. М. 1999. С.22. Гоголина Т.В. Функционально-семантическое поле сомнительности в современном русском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. Екатеринбург. 2000. 19 С. Руденя Г.Л. Лексико-семантическое поле цветообозначений во французском языке (диакронический и когнитивный аспекты): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Санкт-Петербург. 2001. 18 С. Кустова Г.И. Валентности и конструкции прилагательных // galina_litu.net.ru. Пярив-В Валентно-связанный характер определений в немецком языке // http:// valentnost. ru.

Сифат ҳол вазифасида келганида учта валентликка эга бўлади субъект, объект ва предикат валентлиги. Куйидаги мисолларда ҳолловчи сифатнинг субъект, объект, предикат билан семантик ва синтактик жиҳатдан боғликлиги аниқ кўринади: *Учоқ булутлар ҳамласидан юлқини чиқиб оҳиста суза бошлагач, учоқ бекаси патнисдаги биллур қадаҳларди ичимлик тутди* (Т.Малик). *Саидга ўртоғининг кўриниши жуда ночор, афтадаҳол, мискин кўринди* (“Даракчи”). *Онасининг гапи ўглини қаттиқ даҳшатга солди* (С.Аҳмад). *Вой, синглингиз балиқни яхши тозаламабдилар-ку!* (Сўзлашув).

Сифат от-кесим вазифасида келганида сифат асосан субъект валентлигига эга бўлади. Бунда сифат кесимликни шакллантирувчи воситалардан олдин келади ва баъзи ўринларда тусловчи қўшимчаларга ҳам эга бўлади: *Улар ажсал тунидай хунук ва шум, тундан қора ва зулмкор эдилар. Улар орасида мулоиймлари ҳам, безбетлари ҳам, ширинсўзлари ҳам, тўнкамижозлари ҳам бўларди* (Т.Малик). *Сиз эса кўнглингизди заифадурсиз, бироқ жисмингизда жасурсиз, мардсиз* (Х.Кўчқорова). Айрим вазиятларда кесим вазифасидаги сифат жонсиз нарса-предметларнинг ҳаракат-ҳолатини англатиши мумкин, аммо бу ҳам кеш маънода субъект валентлиги сифатида қаралади, объект эмас. Масалан: *Қишлоқ кўчалари ўйдим-чуқур, чанг, жимжит, кимсасиз эди* (С.Аҳмад). *Машиқдаги булутларнинг четлари қонталаш, аммо бағри қора эди* (Т.Малик). *Ҳа, масала кундай равшан бўлди* (газетадан).

Маълумки, сифат отлашганда сифатловчининг от сифатланмиши эллипсисланади ва натижада сифатланмишга қўшиладиган морфема сифатловчига қўшилади¹⁰. Шунга кўра сифат отлашганида отга хос бўлган келишик ва эгалик қўшимчаларини қабул қила олади. Отлашган сифатлар асосан субъект ва предикат валентликларига эга бўлади.

Хуллас, ўзбек тилида сифат валентлиги биринчи навбатда унинг семантикасига ва гапда бажараётган синтактик вазифасига боғлиқ бўлиб, муайян нутқий вазиятларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, айрим нутқий вазиятларда сифатнинг гапда қатнашиши анъанавий тарзда таъкидлаб келинганидек факультатив эмас, балки зарурий аҳамият касб этади.

Ўзбек тили машина фондининг яратилишига доир

Ҳозирги фан ва техниканинг барча соҳаларида глобаллашув даври шароитида илғор педагогик ахборот технологиялари авж олаётган шароитда замонавий компьютер техникасидан кенг ва самарали фойдаланилмоқда. Барча аниқ фанлар қаторида ижтимоий гуманитар фанларида ҳам (хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам), айниқса, унинг структурал, амалий ва математик лингвистика соҳасидаги назарий ва амалий муаммоларни зудлик билан оқилона ва одилона тез ҳал этишда компьютерлар асқотмоқда. Бу эса ҳам иш кучи жиҳатидан, ҳам вақт жиҳатидан улкан имкониятлар яратмоқда.

Роман-герман тиллари ва бошқа туркий тиллар қаторида ўзбек тилшунослигида ҳам афавит-частотали луғатлар, частотали луғатлар ва тере (чанпа) луғатлар тузилмоқда. Мумтоз адабиёт намоёндалари, буюк шоирлар, ёзувчи ва шоирлар тили лексикасининг комплекс тадқиқ этиш усуллари ривожланмоқда. Айниқса, харфий статистика, фонетик-фонологик статистика, бўғин статистикаси, асосий ва ёрдамчи морфемалар статистикаси, гап ва унинг таркибий қисмларининг лингвостатистик таълиқ этилиши ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта имкониятлар яратади. Келгусида бир тилдан иккинчи бошқа тилга автоматик машина таржимасининг шаклланиши ва ривожланишига катта имкониятлар очилади.

Ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларидаги лингвостатистик тадқиқотлар келгусида бир тилдан бошқа тилга автоматик таржима қилинишига кенг имкониятлар яратади. Бу соҳадаги бажарилган ва бажарилаётган барча тадқиқот натижалари таълим жараёнининг такоминлашувига каттадан-катта ёрдам беради.

Юқоридаги каби лингвостатистик тадқиқотларни (одам + машин+машина+одам жараёнида) такоминлаштириш ишларини янада такоминлаштириш, яъни одам+матн+машина+одам жараёнини мумкин қадар янада жадаллаштириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан улкан муаммоларнинг ҳал этилишига имконият яратади.

Одам+матн+машина+одам жараёнининг янада такоминлаштирилиши ўзбек тилшунослиги фани олдидаги кўпгина назарий ва амалий муаммоларнинг ҳал этилишига имконият яратади. Ўзбек тили машина фондининг яратилишида лингвостатистик объект сифатида ўзбек тилининг грамматик йирик намоёндалари - Ўзбекистон Қаҳрамонларидан Салт Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, шунигиндек, буюк адиб, шайхоналик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла

¹⁰ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. Toshkent. Universitet. 2006. 227-b.

Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Ҳулом, Мирзақалон Исмоилий, Ҳамид Олимжон, Ҳўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик, Муҳаммад Юсуф каби Ҳнлий ёзувчилар ва шоирларимизнинг тили лексикасининг комплекс лингвостатистик тадқиқ этилиши кўпгина илмий- назарий ва амалий жиҳатдан ишончли хулосалар чиқарилишига замин яратади. Эришилган лингвостатистик натижалар таълим-тарбия жараёнида долзарб омиларди хисобланади. Чунончи, юқоридаги буюқ адибларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз тили сўзликлари (луғат бирликлари) негизида эришилган лингвостатистик хулосалар назарий ва амалий тилшунослик учун замин ҳозирлайди. Қуйида намуна сифатида бадиий сўз устаси Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повести тили лексикасини лингвостатистик тадқиқ натижаларидан айримларини келтирамыз.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тил ва нутқ бирликлари (ҳодисалари)ни тадқиқ этишда замонавий техника воситалари (компьютерлар)дан фойдаланиш ҳам иш кучи, ҳам вақт жиҳатдан катта имкониятлар яратади. Айниқса, лексик (луғавий) бирликлари юзасидан олиб борилган лексик статистик тадқиқот натижалари изохли луғат, имло луғати ва кўп тилли луғатларнинг яратилишида, луғат минимумларининг тузилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, худди рус филологиясидан “Лермонтов қомуси” (Лермонтовская энциклопедия) дек фундаментал тадқиқотларни ўзбек ёзувчи ва шоирлари асарлари тили лексикасининг статистик структурасини яратиш катта назарий ва амалий аҳамият касб этади. Биз қуйида ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повести тили лексикасининг лингвостатистик тадқиқот натижаларини келтирамыз.

Бадиий сўз устаси Абдулла Қаҳҳор асарларида, хусусан, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повести бўйича фразеологизмлар ва уларнинг стилистик хусусиятлари устида (1965) ф.ф.д., профессор И.Қўчқортоев, А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” повестида содда ва қўшма ган конструкциялари, боғловчисиз қўшма гаплар, эргаш гапли қўшма гапларнинг қўлланиши (1974) бўйича академик Ғ.Абдурахмонов, ҳозирги ўзбек адабий тилида периодлар (1975) юзасидан ф.ф.д., профессор А.Мамажонов ва бошқалар лингвистик тадқиқот олиб борганлар.

Бу типдаги тадқиқотлар ўзбек ёзувчи ва шоирларимизнинг бадиий маҳоратини янада чуқурроқ ўрганишда, ҳозирги ўзбек тилида сўзларнинг семантик, фонетик ва морфологик структурасини лингвостатистик тадқиқ этишда назарий ва амалий жиҳатдан катта ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан ўзбек ёзувчи ва шоирлари асарлари тили частотали луғатларини яратиш муҳим вазибаларимиздан бири хисобланади.

Абдулла Қаҳҳорнинг кўп томлик танланган асарлари тили луғати, яъни “Абдулла Қаҳҳор асарлари тили луғати”ни яратишнинг бошланмаси сифатида дастлаб унинг “Синчалак” (Тошкент, 1958, 1959, 1967, 1975) повести тили сўзшаклларининг частотали луғатини яратдик. Ёзувчи

Абдулла Қаҳҳорнинг сўз бойлигини ўрганиш ҳозирги ўзбек тили луғат таркибини янги – янги сўз ва иборалар билан янада бойитади, албатта.

Лингвостатистик кузатиш объекти этиб, “Синчалак” повестининг сўнгги нашри (1975) дан фойдаланилди. Чунки “Синчалак” повестининг сўнгги нашри дастлабки нашрларидан фарқли ўлароқ қайта ишланиб кўрилган ва тўлдирилган.

Лингвостатистик кузатиш асосида аниқланган 10590 луғат бирлиги ўзиниқ бутун матнда 37482 марта қўлланган.

Луғатда айрим ўринларида луғат сўзлигидан сўнг ўша сўзнинг қайси қўшма хослиги, яъни китобий стилми ёки сўзлашув нуткига хосми ёки қайси фан соҳасига хослиги кабилар ҳам турли шартли беллилар билан кўрсатилди.

Лингвостатистик кузатиш учун матнда сўз деб, математик ёки структурал лингвистикада қабул қилинган икки бўшлиқ орасидаги бир бутунлик – “харфий занжир” тушунилади (рус тилидаги “словоупотребление” маъносида). Айрим ўринларда сўз билан сўзшакл, шунингдек, сўзшакл билан сўзқўллаш ўзаро формал жиҳатдан тенг келиши ҳам мукин (яъни слово = словоформа = словоупотребление тарзида) Масалан, ...Қиз бир даста газета – журнал, битта қизил папкани олиб, ... “Синчалак”, 3-бет) да қиз, бир, даста, газета- журнал, қизил каби.

Икки бўшлиқ орасидаги бир бутунлик (“харфий занжир”) – бир сўз (сўзшакл) деб қаралганда, дефис билан ёзиладиган жуфт сўзлар ҳамда кўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар, албатта, битта бутунлик деб қаралади. Агартиб ёзиладиган қўшма сўзларнинг ҳамда ибораларнинг ҳар бир сўзи шартли равишда алоҳида-алоҳида бир бутунлик, деб ҳисобланади. Худди шундай зарурий ўринларда луғат бирлигидан сўнг ўша сўз иштирокидаги бирикма ёки ибора контекстдан келтирилади. Бунда бош сўз (сўзшакл), унинг қайси сўз туркумига мансублиги; каве ичида ўша сўзшакл иштирокидаги бирикма ёки ибора қўлланган саҳифа, ундан сўнг бош сўзшакл – луғат бирлигининг матнда неча марта қўлланиши – кўрсатилганиш частотаси келтирилди. Масалан, кулоқ – от (кулоқ солмай -5 – бет); амрига кулоқ солиб – 16, 40 – бетлар; шалпанг кулоқ – 18 – бет; кулоқ берар эди – 18 – бет; кулоқ берар экан – 34 – бет; танқидга кулоқ осмай – 69 – бет; кулоқ солмайди – 70 – бет; кулоқ солар – 79 – бет; кулоқ солди – 96, 103 – бетлар.; кулоқ солаётган 100 – бет) – 27, яъни “кулоқ сўзи умумий матн ҳажмида 27 марта қўлланган, деб тушунилади ва ҳоказо”.

Йирик прозаик ва драматург Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повестида энг кўп ва фаол қўлланган сўз ёки сўзшакллардан кўшидагиларни келтиришимиз мумкин (42 ва ундан ортиқ марта қўлланган сўз ёки сўзшакллар кўпиде озига қараб камайиш тартибиде келтирилади): бир (сон) – 562, ҳам 1 (кўмакчи) – 514, Саида (от) – 487, билан (кўмакчи) – 457, бу (олмош) – 429, Каландаров (от) – 383, ва (боғловчи) – 362, эди

(тўликсиз феъл) – 354, унинг (олмош) – 254, деди (феъл) – 230, бўлиб (феълнинг равишдош формаси) – 207, шу (олмош) – 197, кейин (кўмакчи формасида) – 194, учун (кўмакчи) – 190, нима (олмош) – 183, деди (боғловчи ва феълнинг равишдош формаси) – 172, килиб (феълнинг равишдош формаси) – 150, бЎлди (феъл) – 148, яна (равиш) – 127, келди (феъл) – 126, лекин (боғловчи) – 125, экан (тўликсиз феъл) – 121, жулда (равиш) – 120, колди (феъл) – 119, деган (феълнинг сифатдош формаси) – 117, эмас (феълнинг тўликсиз формаси) – 117, олиб (феълнинг равишдош формаси) – 116, мен (олмош) – 115, ҳеч (олмош) – 113, керак (модал сўз) – 112, ҳар (олмош) – 110, йўқ (модал сўз) – 100, гап (от) – 98, Козимбек (от) – 96, уни (олмош) – 94, килди (феъл) – 88, ўзи (олмош) – 86, бошқа (кўмакчи) – 85, эшон (от) – 84, чиқиб (феълнинг равишдош формаси) – 82, яхши (сифат) – 80, берди (феъл) – 79, Қаландаровнинг (от) – 79, икки (сон) – 78, у 1 (кишилик олмоши) – 76, одам (от) – 76, ҳозир (равиш) – 71, кўрсатар (феълнинг сифатдаш формаси) – 70, ўзини (олмош) – 70, шундай (равиш) – 68, келди (феъл) – 67, Ҳз (олмош) – 67, кўриб (феълнинг равишдош формаси) – 65, ўша (олмош) – 65, сўз (от) – 63, Арслонбек (от) – 62, маша (олмош) – 62, ҳамма (олмош) – 61, катта (сифат) – 59, кўп (равиш) – 59, турган (феълнинг сифатдош формаси) – 58, тўғрисида (кўмакчи от) – 58, унга (олмош) – 55, ким (олмош) – 54, Хуринисо (от) – 54, раис (от) – 53, эди (равиш) – 53, хотин (от) – 52, қараб (кўмакчи ва феълнинг равишдош формаси) – 52, кЎйди (феъл) – 52, киши (от) – 50, Носиров (от) – 50, эканми (тўликсиз феъл) – 50, оз (равиш) – 43, Умида (от) – 42, ҳақида (кўмакчи от) – 42 ва ҳоказо.

“Синчалак”да қўлланган барча сўз (“словоупотребление”маъносида) 37482 та бўлиб, бунда янги сўз (ёки сўзшакли), яъни луғат бирлиги 10590 тадир. Буларнинг умумий матн ҳажмида неча мартадан қўлланганлиги куйидагича: бир мартадан учраган сўзларнинг сони – 661 та бўлиб, булар умумий матн ҳажмининг 62,59 %ини ташкил этади; икки мартадан қўлланган сўзлар – 1625 (15,34%); уч-тўрт мартадан қўлланган сўзлар – 1161 (10,96%); беш – тўккиз мартадан қўлланган сўзлар 611(5,77%) ўн ва ундан ортиқ марта қўлланган сўзларнинг сони – 561 (5,34%) тадир. Булардан кўринадики, А.Қаҳхорнинг “Синчалак” повести лексикаси бўйича ҳам бир мартадан қўлланган сўзлар миқдор жиҳатдан кўплиги билан характерланади. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай частоташи луғатда (текшириляётган матн ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда) бир мартадан учраган сўзлар (сўзшакллар) кўп учраганлиги билан характерланади.

Ўзбек адабиётининг устозларидан бири Абдулла Қаҳхорнинг “Синчалак” повести тили частотали луғатининг яратилиши келгусида кўп томлик асарлари асосида “Абдулла Қаҳхор асарлари тилининг луғатли тузилишининг бошланмаса ҳисобланади. Шуларни эътиборга олган ҳолда

профессор С. Каримов, А.Қаршиев ва Г.Исроиловаларнинг ёзувчи Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида 2007 йилда “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган “Абдулла Қаҳҳор асарлари тили луғати” (Алфавит-частотали, частотали ва терс) эътиборга лойик. Умуман, машхур ёзувчи ва шоирлар асарлари тили частотали луғатларнинг тузилишида, уларнинг сўз бойликларини аниқлашда, тил услубини ўрганишда, келажакда кўп томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг яратилишида ҳамда ҳисоблаш лингвистикаси, компьютер лингвистикаси масалаларини ҳал этишда, таълим тизимининг барча бўғинлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилишида қимматли материал - манба бўлиб хизмат қилади.

Ш.Усмонова
ЎЗМУ

Туркий тилларда “ротацизм - зетацизм” дилеммаси

Туркийшуносликда “ротацизм - зетацизм” дилеммаси энг кўп мунозараларга сабаб бўлган масалалардан биридир. Г.Рамстедт томонидан илгари сурилган “ротацизм-зетацизм” назарияга кўра прото-туркий тилда *r* ундоши мавжуд бўлиб, у чуваш тилида *r*, қадимги туркий тилда ва ҳозирги замон туркий тилларида *z* товушини ифодалайди¹. Бироқ қатор тадқиқотчилар Г.Рамстедтнинг мазкур реконструкциясига шубҳа билан қарадилар. Жумладан, туркий тиллардаги “зетацизм” ва “сигматизм”нинг аниқ ашаддий муҳолифларидан бири бўлган А.М.Шчербакнинг фикрича, прото-туркий тилда дастлабки чўзиқ унлилардан кейин келадиган **s* ва **ʃ* алаффонлари мавжуд бўлган; бундай ҳолатда ҳар ерда **s* жаранглилашган бўлса, чуваш тилида **s* ва **ʃ* > *r* ва *l* юмшоқ ундошларига айланган². А.М.Шчербакнинг ушбу иddaоси аниқ тил фактларига асосланмагани учун ҳам кўпчилик олтойшунослар томонидан танқидга учради. Г.Рамстедтнинг “ротацизм”, “зетацизм”, “сигматизм” ва “ламбадизм” реконструкцияси эса рад этиб бўлмайдиган кучли аргумент сифатида олтойшуносликка оид қатор тадқиқотларда ўз исботини топди³.

¹ Ramstedt G.J. Zur Frage nach der Stellung des Tschuwassischen // Journal de la Société Finno-Ougrienne. - Helsinki, 1922-1923. - № 38. - P. 26-32.

² Шчербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л. Наука. 1970. С.83-88.

³ Қаранг: Иллич-Свитыч В.М. Материалы к сравнительному словарю ностратических языков. - Этимология 1965. М. Наука. 1967. - 361 с.; Tekin T. Zetacism and Sigmatism in Proto Turkic // Talat Tekin. Makaleler I, Altayistik. Grafiker Yayincılık:11, Araştırma İnceleme Dizisi:5. Ankara: 2003. S. 1-37; Ахметьянов Р.Г. К вопросу о природе звуковых переходов в тюркских языках // Вопросы языкознания. - М. 1961. № 6. С 128-129; Хелимский Е.А. Происхождение древнетюркского чередования R-Z и дилемма “ротацизма-зетацизма” // Советская тюркология. Баку, 1986. №2. С. 40-51; Хелимский Е.А. О двух фонетических законах в алтайских языках // Историко-культурные контакты народов алтайской общности: Тез. докл. XXIX сессии постоянной международной алтаистической конференции (ИАС), Ташкент, сентябрь 1986. П. Лингвистика. - М., 1986. С.121-124; Мудрак О.А. Развитие пратюркской системы фонем // <http://altaica.narod.ru/papers.htm>.

Туркий тиллар маиший лексикасини бошқа олтой тилларига қиёслаш жараёнида туркий тиллардаги *z* ундошининг прото-туркий тилдаги < *ʃ*, прото-олтой тилидаги **ʃ* ундошидан ривожланганини тасдиқловчи қатор лексемаларга дуч келинди. Тубанда улардан айримлари хусусида фикр юритамиз.

1. Қозон сўзи ‘овқат пишириш ёки сув иситиш учун мўлжалланган махсус кўйма чўян ёки мисдан ясалган катта, чуқур ва қулоқли идиш’ маъносида мавжуд. Туркий тилларнинг ёзма ёдгорликларида *qazan* *qazı:an* ‘овқат пиширадиган мис идиш’ (XIII асрда), *qazan* ‘катта овқат пиширадиган мис идиш’ (XIV асрда EDT 682), кейинги даврга оид тарихий лугатларда *qazıyan* ‘қозон’ (Буд. II, 54), *kazıyan* ‘ёғочдан ишланган гардишчи қозон қўйиладиган мослама’ (P.I.384) деб қайд қилинган. Ҳозирги туркий тилларда, хусусан, турк тилида *kazan*, турк тилининг шеваларида *qazan* (DAO, 260), *gazan*, *kızan*, қоз., ққал., уйғ. *qazan*, уйғ. шев. *qaza(n)*, қирғ. тат., бошқ., нўғ. *qazan*, туркм. *gazan*, ўзб. *qāzān*, ўзб. шев. *qazān*, *qāzān* олт., шор. *qazan*, хак. *xazan*, хал. *qazı:an* (ЭСТЯ 5, 186-187), чув. *xızan* (Eren TDES, 223) шаклларида тарқалган.

Қозон лексемасининг этимологиясини қуйидагича белгилаш мумкин *qazan* < *kazan* < **kaʃan* < **kaʃa* ‘халқ, оломон’ + *-n* кўпчилик кўрсаткичи. Туркий тиллардаги *kara* ‘халқ, оломон’ (ДТС 423) ўзаги япон тилидаги *kara* ‘уруғ, оила’ (JLTT 438) билан гомоген қаторни вужудга келтирди. Демак, прото-олтой тилида ‘халқ’, ‘оила, уруғ’ маъносида **kaʃa* сўзи мавжуд бўлган. Бинобарин, мўғул тилидаги *qarım* ‘қозон’ (KW 169), эски корейс тилидаги *kari* ‘балиқ солинадиган идиш’, қадимги япон тилида *kara* ‘идиш’ (Whitman 1985, 160) отларининг ҳам айнан мана шу **kaʃa* ўзагидан ривожланганига шубҳа йўқ.

Мазкур даъвомизни қуйидаги далиллар билан кучайтириш мумкин. Биринчидан, қозон сўзида ва у билан ясалган айрим сўз бирикмаларининг ‘халқ, кўпчилик’ семаси мавжуд. Чунончи, қозоқ тилида *орта* (*орта*) қазан ‘кўпчилик бирлашиб, бирга овқатланадиган ер, жой’ (КТТС V 50), қирғиз тилида *эл деген – қазан* ‘халқ кўпчилик, улуг’ (Юдахин 316), турк тилида *kazan kaldırmak* ибораси ‘раҳбарнинг бирор қарорига қарши кўпчилик исён қилмоқ’ маъносини англатади. Мазкур фразема яничариларнинг маросимидан келиб чиққан (Aksoy II, 916). Яничарилар кўшинида овқат пишириладиган қозон қатор маросим ҳамда дуолар билан ўрнатилар ва йиғилар эди. Қозоннинг жойидан кўзғатилиши исён маъносини ифодалар эди⁴. Иккинчидан, тунгус-манжур тилларида ‘қозон’ маъносида қўлланиладиган *kalan* (ССТМЯ I, 364) отида ҳам *kala-* ‘уруғ, оила’, ‘йиғилмоқ (кийиклар)’, ‘бирга’ (ССТМЯ I, 365, 459-460) ўзини кузатилади.

Умуман, қадимий даврларда ‘қозон’ тушунчаси оила, уруғ, қабила, болқ йиғиладиган жой сифатида истеъмолда бўлган. Қозон сўзининг ‘овқат пиширадиган идиш’ маъноси тил тараққиётининг кейинги даврларида вужудга келган семантик контаминация деб изоҳлаш мумкин.

2. Туркий тилларда узук лексемаси ‘безак учун бармоққа қўйиладиган ҳалқасимон буюм’ маъносида қўлланилади. Қорахонийлар туркийсида *jüzük*, эски туркий тилда *jüzük*, *üzük*, тур. *jüzük*, озарб. *üzük*, гаг. *jüzük*, *üzük*, туркм. *jüzük*, тат. *jözek*, қирғ. *üzük*, қоз. *üzük*, нўғ. *jüzük*, болқ. *jüzük*, *üzük*, қум. *jüzük*, ққал. *üzük*, ўзб. *uzuk*, уйғ. *üzük*, бошқ. *jödök*, хак. *jüzük*, олт. *jüstük*, *düstük*, шор. *čüstük*, чув. *šerë* ‘узук’, ёк. *sühüök* ‘бармоқ бўғими’, долг. *hühüök* ‘бармоқ бўғими’ (EDT 986, VEWT 214, TMN 2, 146, 147-148, ЭСТЯ 4, 260, 261-262, Егоров 212) шаклларида истеъмол қилинади.

М. Хабишев *üzük* сўзининг этимологиясини *dez* ‘жез’ деб талқин қилган⁵. М.Рясянен *jüzük* отини < *jüz* ‘бўғим’ + *-ük* кичрайтиш сўшимчасидан ташкил топганлигини қайд қилган⁶. Жумладан, тува, хакас ва қарағас тилларида *čüs* ‘бўғим’ маъносида сакланиб қолган. Шунингдек, оттой ва телеут тилларидаги ‘узук’ маъносини англатган *jüstük* шакли ҳам бу ўзагидан ва *-lük* аффиксидан ясалган.⁷

Биз *jüzük* отининг ўзаги *jüz* ‘бўғим’ деган фикрга қўшиламиз. Зеро, семантик атамаларнинг кийим-кечак ва безак номларига кўчиши олтой тилларида кенг тарқалган ҳодиса саналади.

EDALда (<http://starling.rinet.ru>) туркий тиллардаги *jüzük* лексемасининг прото-шакли **jür-* деб кўрсатилган. Мазкур шакл ёзма мўғул ёдгорликлари тилидаги *dörü*, *dörüge* (L 269), эски мўғул тилидаги *döre* (HY 18), *dorebei* (SH) *durä:*, халх. *dör*, *dörö:*, бур. *düre*, *dürö:*, қалм. *dör*, *döre*, орд. *dörö*, *dörö:*, шар.йоғ. *durē*, мўғ. *durö* (SM 67), *duröm*, даг. *durög* ‘буканинг бурнидаги халқа’, ‘узанги’ (Тод. Даг. 138 KW 99, MGCD 110) < **dörü*; тунгус-манжур тилларидан эвенки тилида *durēki* ‘узанги’, нон. *durdi* ‘билагузукнинг бир тури’, орок. *dürēke* ‘эгар’ (ССТМЯ I, 217, 218) < **dur-* билан қиёсланиб, ғарбий изоглосса сифатида қайд қилинган ва оларнинг умумолтойча прото-шакли **dürü* ‘халқа’ деб тикланган.

Айтилганлар билан бирга, “Бобурнома”да ‘қамчин дастасига ўрнатилган халқа’ маъносида қайд қилинган *bildürgä* (Исҳоқов 30) ва корейс тилида ‘буканинг бурнидаги халқа’ маъносидаги *swekho-t.ure*, *kup-ture* (PKD I, 733) сўз бирикларининг таркибида ҳам *dürgä*, *t.ure* ‘халқа’ маъноси кузатилади.

⁴ Хабишев М. Карачаево-балкарское именное словообразование. Черкасск, 1971. С.75.

⁵ Ryäsänen M. Versuch eines etymologischen Wörterbuchs der Türkisprachen. - Helsinki: Suomalais - ugrilainen Seura, 1969. - 214 p.

⁶ Харан С.Сепортян Э.В., Левитская Л.С. Этимологический словарь тюркских языков: Общотюркские и карачаевско-балкарские основы на буквы "Ж", "Ж", "Й". М. Наука, 1989. С.262.; Eren H. Türk Dilinin Etimolojik Kelimeleri. Ankara: Bizim Büro, 1999. 463 s.

⁴ Temel Türkçe Sözlük. 1-2. İstanbul: Karakuşak Basın ve Yayın Limited Şirketi, 1985. 677 s.

Хуллас, туркий тиллардаги “ротацизм-зетацизм” дилеммаси олтойшуносликда ўз исботини топган фонетик ҳодиса бўлиб, у туркий тиллар фонетик системасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар

1. Древнетюркский словарь. Л. Наука. 1969.
2. Левитская Л.С., Дыбо А.В., Рассадин В.И. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на буквы "К", "Қ". М. Языки русской культуры. 1997.
3. Севортян Э.В., Левитская Л.С. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на буквы "Ж", "Ж", "Й". М. Наука. 1989.
4. Сравнительный словарь тунгусо-маньчжурских языков. I, II. Л. Наука. 1975.
5. Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. London: Oxford Press. 1972.
6. Eren H. Türk Dilinin Etimolojik Sözlüğü. Ankara: Bizim Büro, 1999.
7. Lessing F.D. Mongolian-English dictionary. Berkeley-Los Angeles 1960.

Н.Бекмухамедови

ЎЗМУ

Ўзбек танишув эълонлари матнининг хажми хусусида

Сўнги йилларда ўзбекча ёки русча газеталарда танишув эълонларини кўзимиз тушади. Ушбу микроматнлар орғида инсон тақдири ётади. Ўзбек ёхуд рус тилларидаги бу эълонлар мазмун жиҳатдан бирдек бўлса ҳам, аммо хажман бир биридан фаркланади. М.Городникова¹ танишув эълонлари матнини хажмига кўра 4 гуруҳга бўлади: қисқа, стандарт, ёйиқ, батафсил. Ўзбек тили танишув эълонларини ҳам шу йўсинда тахлил қилиш мумкин. Ашёвий далилларга мурожаат этамиз.

1. Қисқа шаклга мансуб танишув эълонлари матни асосан 20-50 та сўздан ташкил топади: *“Ёшим 52 да. Миллатим ўзбек, чекмайман, зарарли шлатлардан ҳолиман. Олий маълумотли педагогман. Уй-жойим бор. Иқтисодий камчилигим йўқ. Оқила аёл билан танишмоқчиман. Шокир Бухоро вилояти”* («Оила ва жамият» 2003.13-сон). Ушбу танишув эълони 21 та сўздан иборатдир. Бу ерда эълон берувчи ўзи ҳақида кўпроқ маълумот беради. Бундай эълонлар узбек тилидаги эълон матнларининг аксариятини ташкил қилади.

¹ Городникова М.Д. Гендерный фактор и распределение социальных ролей в современном обществе (На материале брачных объявлений) // Сб. научных трудов. М. 1999. стр. 41-42

2. Танишув эълонларининг иккинчи тури , яъни стандарт матнлар 50-100 та сўздан иборат бўлади: *"Мен 1973 йил Нукус шахрида туғилганман. Минималим қорақалпоқ. Маълумотим олий. Коллежда дарс бераман. Ўжрашганман. Бир фарзандим бор.Мен ҳам ўз тенгим чиқиб, оила кўришни ҳоҳлайман.Чиройлиман, лекин бахтим очилмапти.Эримнинг касаллиги туфайли ажрашдик.Бир оилани кам-кўстсиз, гулдек қилиб кўришни истайман. Ота-онам билан яшайман. Оғир, босиқ, виждони пок,ўқимшили, ёши 30-43 ёшгача бўлган, мард, тўғрисўз, ажрашган,ёки хотини вафот этган, йигит бўлса майли, 1-2 та фарзанди бўлса ҳам бўлади.Уни бир умр бахтли қилмоқчиман.Менга қайси вилоят ва шаҳар бўлса ҳам пенсиямдан кўраман.Нукус С.Г."* ("«Оила ва жамият» 2003. 23-сон). Эълон 85 та сўздан ташкил топган.Бу эълон матни биринчи эълон матнидан анча кенг. Биринчи матнда эълон берувчи бўлажак умр кўришга қўйиладиган талабда "окила аёл"бирикмаси билан кифояланиб келса, иккинчи матндаги эълон берувчи "оғир","босиқ","виждонли","пок", "ўқимшили" ,"тўғрисўз" каби сўзлардан фойдаланган.Бундай эълонлар ўзбек тилидаги танишув матнларининг 50%ни ташкил қилади.

3. Танишув эълонларининг навбатдаги учинчи матн турида ўртача 100-200 та сўзча бўлади: *"Ёшликда ҳамма яхши орзу-ният билан яшаркан. Лекин ҳаёт ҳамма вақт ҳам биз ўйлаганча бўлавермас экан. Менинг ҳам меннинг орзу-ниятларим бор эди. Ота-онам бахтсиз ҳодиса туфайли дундан эрта кетишди. Ука-ларимни ўзим боқдим, уйли-жойли қилиб, оғим уйлантирдим. Барчасига суяنجиқ бўлдим. Ҳозирда уларнинг камолини кўриб, хурсанд бўламан. Умр ўтиб кетяпти. Ёлғизлигим энди билиняпти. Бир суяنجиқ дўстга зорман. Яхши бир инсон билан ҳаётимни боғласам, меҳр кўриб,меҳр кўрсатиб яшасам, дейман. Ширин сўзнинг гадосиман. Китоб ўқишни, яхши инсонлар билан мулоқатда бўлишни ёқтираман. Ўқувчилик, пазандаликнинг укувини яхши олганман. Тақдир тақозоси билан ҳозир Тошкентда уй олиб шу ерда яшаяпман.37-42 ёшлар атрофидаги иймонли, меҳнаткаш, ҳаётда қийинчилик кўрган, яхши бир инсон билан танишар эдим. Севинч. Тошкент шахри"* ("«Оила ва жамият» 2003.32-сон). Ушбу эълон 107 та сўздан иборат бўлиб, бунда эълон берувчининг ўзи ҳақидаги маълумоти, талабгорга кўядиган талабларини аниқлаган сўзлар миқдори тенгдир. Бундай эълонли матнлар ўзбек тилидаги эълонларнинг унча кўп бўлмаган қисмини ташкил қилади.

4. Батафсил танишув эълонларни кичик бир хикояга қиёслаш мумкин. Бу эълонларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сарлавха билан шомланиб, ҳажман 200-400 сўздан ташкил топади. Масалан,

Қалби гўзал аёлни хурмат қиламан

1967 йил ўқитувчи оиласида туғилганман. Маълумотим олий. Лекин нутахассислигим бўйича ишламаяпман. Бўш вақтларимда деҳқончилик, томирчилик ва тадбиркорлик билан шуғулланаман. Санъатни қадрлайман.

Севиб, севилганман, лекин вақтида бу туйғунинг қадрига етмаганим тинч
ҳаётимда жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирдим. Отам биз
пайтда дунёдан ўтган. Онам ўқитувчи, учта келиннинг ҳурмати
баҳраманд. Синглим ва укаларим бор. Ҳаммаси маълумотли ҳунарли. Ам
ким ўз айбини айтгиси келмайди. Фақат бировни айбдор қилади. Мен
ундай эмасман. Кеч уйландим. Хотиним ҳаддан ташқари гўзал эди. У
аввал кўп йигитлар яхши кўрганини билардим. Мен билан яшаб юрган
ҳам, кўнлар унга бефарқ қарамай ўтмасди. Уни қаттиқ раиш қиларди.
Шунинг орқасидан жанжал келиб чиқди. Оқибатда ажралишига мажбур
бўлдим. Ўша кундан бошлаб, аёл зотидан қурқадиган, гапларига, кўзларига
ишонмайдиган бўлдим. Оллоҳ берган табиий гўзаллиги билан юр
маънавий, ақлий, ахлоқий гўзаллиги сўзида, кўзида бўлса, сочини қирқман
бўяниб, ортиқча тақинчоқ тақмаса, дейман. Маданий гўзаллиги, ифти
ибоси, ақлу-фаросати, маданияти дунёқараши кенг, айбни тан олади
ўз эрини раиш қиладиган ва ўзгалардан қизғонадиган аёлларни
юрагимдан ҳурмат қиламан. Энди эса, шундай аёлларни борлиги
ишонгим келмаяпти. Болаларни яхши кўраман. Айниқса, қиз фарзанди
Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятларида яшайдиган, ёши 27
ларда (қизчаси бўлса ҳам майли), ҳалол, ақилли аёл бўлса танишмоқчим.
Мен ёмон кўрадиган одатлар - баҳслашиш, ваъда бериш, ваъдаси
турмаслик, алдаш, чақимчилик, ўғрилик, судхўрлик ва ичкилик. Кўнгида
аёлни топанман деган умид билан яшайман Беҳзод. Хоразм. («Оила
жамият» 2003,27-сон). Бу танишув эълонида 219 та сўз бор. Шун
ўхшаш эълонлар ўзбек танишув эълонлари ичида кам.

Биз юкоридаги М. Городникованинг таснифга кўшилган ҳолда, бу
таснифга яна бир банд кўшмоқчимиз. Кузатишларимиз натижаси шун
кўрсатдики, ўзбек тилли танишув матнлари таркибида шеърый услуб
ёзилган танишув эълонлари ҳам мавжуд экан. Масалан:

” Асли термизликман. Уиланмаганман... Ўзимга муносиб ёр излаяман
Кечинмаларимни шеър орқали билдирмоқчиман.

Айтсам адо бўлмас, дардларим бордир.

Эгасиз муҳаббатим, дилда уволдир.

Йигирма тўққиз баҳорни, кўрибман ҳануз,

Аммо топмадим тенгимни, афсус.

Бири дейди ундоқ, бириси бундоқ,

Не қилайин айтинг, ҳаётдир қандоқ ?!

Тақдир мени бунча синайди ҳайхот!

Юрагимда ўксик қолдирган бир доғ.

Кўзларимдан доим ёшим оққанда,

Дўстларим ачиниб гамгин боққанда.

Қалбим зир титрайди, чидолмайман,

Бахтли бўлардим, бирор қиз кўнглим олганда...

Минзиллим тахририятда. Фарҳод”(«Оила ва жамият» 2004. 6-сон)

Ушбу шеърда авторнинг индивидуал шеърӣ интонациясини кўриб турибмиз. Шеърӣ услубдан фойдаланган ҳолда, оддий маълумотни ҳам, эълон берувчининг ички кечинмаларини ҳам чиройли, таъсирли қилиб ташабборга етказиш мумкин экан. Шеърга мурожаат - инсонларнинг динчалик нозик табиатли эканлигидан далолат беради. Эълон берувчи танишув эълонларининг қисқа, стандарт, ёйиқ, батафсил ёки шеърӣ турини танламасин, танлаган матн шакли орқали ўз олдига қўйган максадига етишишга ҳаракат қилади. Бунда эса, танишув эълонларининг хижми ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Хуллас, газетадаги танишув эълонининг шеърӣ матн шаклида ҳам мавжудлиги ўзбек тилидаги танишув эълонларининг ўзига хослигидан гувоҳлик беради.

Адабиётлар

- 1.Базилев В.Н. Брачное объявление: опыт интроспективного анализа. М. 2000
- 2.Маркова Я.П. К проблеме коммуникативной эффективности объявлений о знакомстве. М. 1998
- 3.Ольшанский И.Г.Тексты брачных объявлений как источник гендерной самоидентификации. М. 2001.

Г.Искандарова
ЎЗМУ

Тил, маданият ва шахснинг ижтимоийлашуви

Шахснинг ижтимоийлашуви – бу муайян биологик одамнинг жамият ижтимоий ҳаёти учун зарур бўлган фазилатларни эгаллашидир. (Ольшанский 1970) Инсоннинг жамиятдаги фаолияти унинг ўз эҳтиёжларини маълум социум томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрларга асосан қондириш имкониятидан келиб чиқади. Шу билан боғлиқ ҳолда боланинг она тилини эгаллаши ва бу ходисанинг шахс ижтимоийлашувидаги аҳамияти жараёнини кўриб чиқамиз.

Туғилиши биланок чақалоқ маълум бир маданий муҳитга тушади. Шундай экан, ижтимоий (маданий) меъёрлар энг аввало мана шу маданий белгилар орқали гўдакка ўзлашади. У ривожланиш жараёнидагина социумнинг аъзосига айланади. Бу жараён эса камида 2 муносабатлар тизими - гўдакнинг одамлар билан мулоқотга киришиши ҳамда уни ўраб турган моддий нарса-буюмларни ўргана бориши орқали шаклланади. Бу муносабатлар тизимини эгаллаш бир вақтнинг ўзида бир-биридан ажралмаган ҳолда амалга ошади. Иккала муносабатлар тизимини гўдакка

узатувчи асосан ахборот “канал”ларидан бири - бу тил. Бинобарин ижтимоий-маданий билим олишнинг турли усуллари мавжуд, тил булар орасида асосийси ҳисобланади. Тилнинг бундай ўзига хос мавқеи ва аҳамияти шундаки, унда ўтган авлодлар ва бутун инсоният маданий мероси ва ижтимоий тажрибалари жамланган шаклда сақланади. Тил билан бола шу тажрибани ҳам ўзлаштиради, ўз шахсининг ажралмас бир қисмига айлантиради. (Леонтьев 1972, Holliday 1975) Бироқ тилни, тил тизими элементларини (тил белгиларини) ўрганган бола автоматик тарзда зарурий маданий белгиларни ҳам эгаллайди дейиш нотўғри.

Тил орқали социум маданиятини эгаллашнинг ўзига хослиги шундаки, у буни мулоқот воситасида амалга оширади. Бола ривожланаётган маданий муҳит, энг аввало, коммуникатив хусусиятлари билан характерланади. Бола ўзи билмаган ҳолда мулоқот фаолияти хоссалари мажмуини эгаллаб, социум аъзосига айлана боради.

Мулоқот бу инсонларнинг ўзаро муносабатга киришиш усулларидан бири бўлиб, у биргаликдаги фаолиятни амалга оширишнинг соф инсоний намунаси. (Леонтьев 1974) Ижтимоий мавжудот бўлган гўдак ўз эҳтиёжларини фақат мулоқот, шу билан бирга, нутқий мулоқот натижасидагина қондириш мумкин бўлган шароитга тушади. (Запорожец 1974) Тил ҳамда нутқий фаолиятни ўзлаштиришнинг кудрати мана шундан намойён бўлади.

Бироқ А.А.Леонтьевнинг (1969) қайд этишича, нутқий фаолият камдан кам ҳолларда мустақил характерга эга бўлади. У кўпинча эксплицит ёки имплицит шаклдаги кўшма характер “чатишма”сида амал этади. Инсон ҳаётида касбий, моддий-амалий фаолият катта ўрин тутади. Бу фаолият орқали одам турли меҳнат куруллари, воситалари билан муомалала бўлади, ўз навбатида бундай воситаларда ҳам тилдаги сингарини ўтган аждодлар маданий тажрибаси ҳақида ахборот жамланган бўлади.

Боланинг моддий-амалий фаолиятга киришуви (нарса-буюмлар билан муомаласи), уни ўраб турган муҳитдаги буюмларга функционал ёндашуви юқорида қайд этилган муносабатлар тизимининг иккинчисини ташкил қилади. Бу икки тизимга бир диалектик бирлик сифатида қараш мумкин: улар маълум маънода ўзаро фарқланади, аммо ижтимоий амалиётда бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди.

Ижтимоий ва маданий меъёрлар, энг аввало, инсоний фаолиятда ва инсонлараро мулоқотда амалга ошади. Инсон болалик чоғда амалий мулоқот фаолиятини эгаллаши ижтимоийлашувнинг асосий ва муҳим омилни ташкил қилади. Энди ижтимоийлашув жараёнининг баъзи механизмларини кўриб чиқсак.

Боланинг нарсалар моҳиятига кизиқишини амалий фаолият, лисоний муҳитни эгаллашини белгили фаолият дейиш мумкин. Л.С. Виготскийнинг қайд этишича, бу икки фаолият мажмуаси бола хулқ-атворидаги айнан

инсонларга хослигини белгилаб беради. Ривожланишнинг илк даврида бола нарса-буюмларнинг моддий, соф ташки хусусиятларини ўрганади. Кейинчалик ўйин вазиятида нарса-буюмларга нисбатан болада янгича қараш юзага келади: реал буюмлар ўрнига бу буюмларнинг лисоний белгилари муносабати намойён бўлади. Бу ҳолда амалий ва нутқий (белгили) фаолиятнинг диалектик бирлиги шаклланади. Бола нарсаларнинг моҳиятини англаб борар экан, унинг мулоқотга киришиш ижтимоли ҳам кенгайди, бу бола нутқий фаолиятини рисоладагидек ўрнига ёрдам беради.

Бола лисоний хулқда тил белги воситаларининг ўзига хослиги шундаки, улар боланинг атроф-муҳит билан ижтимоий хатти-ҳаракатларини бошқариш имконини беради. Нутқий фаолият ва унинг воситаларини эгаллаган бола турли вазиятларда янги муносабатлар муҳитини бошидан кечиради. Бундай муҳитда у мулоқот орқалигина муайян ечимга кела олиши унинг ижтимоийлашув жараёнига киришишини тасдиқлайди.

Адабиётлар

1. Ольшанский В.Б. Социализация. Философская энциклопедия. Т.5. М. 1970.
2. Мещеряков А.И. Слепозрячие дети. Автореф. доктр. диссертации. М., 1970.
3. Леонтьев А.А. Психология общения. Тарту. 1974.
4. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. М. 1972.
5. Запорожец А.В. Развитие общения у дошкольников. М. 1974.
6. Шахнарович А.М. Язык, культура и социализация личности. М. 1975.

Қадимги туркий тилга мансуб синкретизм асосида юзага келган омолексемалар ҳақида

Авалло шуни таъкидлаш лозимки, "Ўзбек тили омонимларнинг изоҳли луғати" тузилган вақтда¹ омонимликнинг бошқа турлари масалан, оморфемаларга эътибор етарли бўлмаган, шу сабаб луғатнинг сарлавҳасида ва ички изоҳларда кенг тушунчали омоним термини унинг таркибига кирадиган тор тушунчали омолексемалар термини ўрнига ишлатилган.

Ушбу луғатда омонифода остига бирлашувчиларнинг бошқа-бошқа туркумга мансублиги омонимликни белгилашда ишонли ўлчовлардан бири эканлиги тўғри таъкидланган². Бу ўлчов асли бир-биридан ўсиб чиққан омолексемалар учун катъий. Бир-биридан ўсиб чиққан деб қараладиган омолексемаларнинг маълум қисмига нисбатан ўзгача фикр юритиб омолексемаларнинг луғатлиги йирик тюрколог, филология фанлари доктори, профессор Э.В.Севортян бошчилигида тузилган "Этимологический словарь тюркских языков" луғатининг I жилдига киритилган "Некоторые теоретические и методические вопросы этимологических исследований в тюркских языках" номли ўта чуқур илмий мақола чоп этилганидан кейин аён бўлди³. Наҳайти тугилаётган ҳодисани Э.В.Севортян "глагольно-именные основы" номлаб, унинг табиати ҳақида айтилган фикрларни кенг шарҳлаган нуктаи назарини ҳам билдирган⁴. Унинг фикрича, туркий тилининг бошланғич тараққиёт босқичларида бир бўғинли лексик асос айни сўз луғавий маънога эга бўла туриб исм сифатида ҳам, феъл сифатида ҳам ишлатилган ва бундай ҳодиса ўша давр луғатига ялпи хос бўлган агглютинация юзага келганидан кейин сўна бошлаган, ҳозирги туркий тилларда деярли йўқолган.

Э.В.Севортян ўз баёнида "глагольно-именная омонимия", "глагольно-именные оморфемы" терминларидан кенг фойдаланган, лекин бу ҳодисани "лексико-морфологический синкретизм" деб қараш тўғрироқ бўлишини таъкидлаган. Сарлавҳада ва матн ичида бу ҳодиса "глагольно-именные основы" дейилгани воқеликни тўғрироқ номлаш бўлган. Демак,

¹ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи. 1984.

² Юкоридаги луғат. 9-бет.

³ Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общeturкские и межтюркские основы на гласные). М. Наука. 1974.

⁴ Юкоридаги манба. 26 – 45 -бетлар.

ҳодисани сўзшаклдан (своформадан) эмас, балки асосдан, ҳозирги замон ишшонослиги термини билан номласак, лексемадан келиб чиқиб талқин қилиш, шу билан бирга "асос"ларни эмас, яққа "асос"ни назарда тутиш лозим. Туркий тилнинг бошланғич тараққиёт босқичларида айни бир лексема эҳтиёжга қараб феъл сифатида ёки исм сифатида ишлатилган, айни бир идеографик (луғавий) семалар таркибига эга бирликка "туркум" семаси муқим биркирилмаган, "исм" ёки "феъл" семаси эҳтиёжга қараб нуқтада ойдинлашган. Бу ердаги ҳодиса – одатдаги омолексемалар (омоформа омолексемалар) эмас, балки ўзгача табиатга эга ҳодиса.

Э.В.Севортян бундай ҳодисани конверсия деб қарашга қўшилмайди, чунки бундай ҳодиса ҳукмрон бўлган даврда агглютинация (грамматик парадигмалар) бўлмаган дейди. Э.В.Севортян: "Правильнее будет рассматривать ее не как конверсию, а как выражение лексико-морфологического синкретизма", - деб ёзди⁵. Бу жумлада "морфологик" терминининг ишлатилгани ноаниқлик келтириб чиқаради. Бу термин грамматик (морфологик) парадигмаларни ҳам қамраб олади. Ваҳоланки, "глагольно-именные основы" ҳукмрон бўлган даврда ҳали агглютинация бўлмаган дейилади. Бизнингча, "туркум" синкретизми тушунчасидан фойдаланиш тўғрироқ. "Туркум" синкретизми ҳозирги ўзбек тилида турли даражада сақланган бўлиб, бундай синкретик бирлик аъзолари икки туркум лексемаси деб қаралади.

Синкретик бирликларнинг "глагольно-именные" деб номланишидан бундай ҳодиса феъл билан исм орасида мавжуд бўлгани англашилади. Бундай бирликларда феъллик ҳолати биринчи ўринга қўйилади. "Исм" логанда фақат от эмас, сифат ҳам кўзда тутилгани тасвирланган сўз (частый, густой) – сўқ (сжимать) каби мисоллардан аён бўлиб турибди⁶.

"Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий қатлам)"га киритилган (Тошкент. Университет. 2000) лексемалардан қуйидаги синкретик бирликлар ҳозирги ўзбек тилига икки мустақил лексема сифатида етиб келган:

1) Айрим лексемалар таркибида жиддий товуш ўзгариши юз бермаган:

а) *той-* (*туй-* – 'қониб еб-ичмок') *той* (*туй* – 'ўйин-қулги билан ўтказиладиган зиёфат'). Бу мисол ЭСТЯнинг "Қириш" қисмида (I, 34) синкретик бирлик сифатида келтирилган, лекин луғатнинг ўзида *той-* феъли изоҳланиб, *той* оти изоҳ мақоласи ичида айтиб ўтилган. ДТСда *той-* феъли ва *той* оти икки лексема сифатида мустақил изоҳланган (572). "Девон"да *той-* феъли изоҳланган-у (III, 262), 'зиёфат' маъносини англатадиган *той* оти нимагадир келтирилмаган (Индекс, 273).

б) ЭСТЯда *йўқ-* феъли ('қолдик сифатида ёпишмок') ва *йўқ* оти ('ёпишиб қолган қолдик') синкретик бирлик сифатида таъкидланган (IV,

⁵ Юкоридаги манба. 40-бет. Синкретизм юнонча бўлиб, 'бир бутун, ажралмаган' маъносини англатади.

⁶ Юкоридаги манба. 36-бет.

211), "Девон"да (III, 70, 9) ва ДТСда (281) алоҳида лексемалар сифатиди изоҳланган.

2) Синкретик бирлик ҳозирги ўзбек тилига товуш ўзгариши билан етиб келган:

а) Овоз товушига хос қаттиқлик белгиси йўқолган:

тын- (> *тин-* – 'нафасни ростламоқ') – *тын* (> *тин* – 'нафас'). Бу мисол ЭСТЯнинг "Кириш" қисмида (I, 34) синкретик бирлик сифатиди келтирилган, луғатга ҳам шундай тарзда киритилган (III, 341). *Тын-* феъли ва *тын* оти ПДПда (436), "Девон"да (II, 36; I, 326), ДТСда (567) алоҳида лексемалар сифатида изоҳланган.

Шыш- (> *шши* – 'бўртиб чиқмоқ') – *шыш* (> *шши* – 'танада бўртиб чиққан қисм'). Бу мисол ЭСТЯнинг "Кириш" қисмида (I, 34) синкретик бирлик сифатида келтирилган, ДТСда эса (524) *шыш-* феъли ва *шыш* оти алоҳида лексемалар сифатида изоҳланган.

б) Овоз товушига хос юмшоқлик белгиси йўқолган:

кӧч- (> *кӱч-* 'бир жойдан бошқа бир жойга жўнамоқ') – *кӧч* (> *кӱч* – 'бир жойдан бошқа бир жойга олиб бориладиган буюмлар'). Бу мисол ЭСТЯнинг "Кириш" қисмида (I, 34) синкретик бирлик сифатида келтирилган, луғатга ҳам шундай тарзда киритилган (III, 88-90), "Девон"да (I, 312) ва ДТСда (311) *кӧч* 'кўчиш' маъносини англлатувчи от сифатида келтирилган.

"Девон"да (I, 29) ва ДТСда (154) *чӧк-* ('чўкка тушмоқ') феъли берилган-у, лекин *чӧк* ('чўкка') оти келтирилмаган. Ҳозирги ўзбек тилиди *чўкка тушмоқ* иборасининг *чўк тушмоқ* кўриниши ҳам мавжудлиги асли *чӧк-* феълининг *чӧк* исм эши ҳам бўлганидан дарак беради. Ана шунга суяниб *чўк-*, *чўк* лексемаларининг синкретик ҳолати мавжуд бўлган дейиш мумкин.

в) *а:* товушига хос чўзиқлик белгиси йўқолиб, бу овоз товуш ҳозирги ўзбек тилида *а* товушига айланган: *та:т-* феъли ('мазасини билмоқ') ва *та:т* оти ('маза') ЭСТЯда (III, 162) синкретик бирлик ҳолатида келтирилган; *тат-* феъли ПДПда (427), ДТСда (541) келтирилган, лекин *тат* оти қайд қилинмаган. Ҳозирги ўзбек тилида *тот-* феълининг ишлатилиш доираси чегараланмаган, лекин *тот* оти мақол таркибида сақланиб келган (*Мақтанчоқнинг моти чиқар, жом қозоннинг т о т и чиқар*).

Синкретик бирликнинг ҳозирги ўзбек тилига етиб келган вакиллари икки мустақил лексема – омоформа омолексемалар деб қаралади; булар синкретик ҳолат йўқолиб, туркумланишнинг пайдо бўлиши оқибатида юзага келган.

Юқорида тасвирланган ҳодиса "Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати"да, ўз-ўзидан, омонимликнинг лексик маъно тараққиёти натижасида юзага келиши деб баҳоланган: *туй:* *туй* I феъл.. – *туй* II [

тўй I] от.. каби. Маъно тараққиёти йўли билан воқе бўлган омонсксемаларнинг ўзаро муносабатини < белгиси билан кўрсатиш ўринли бўлмаган, чунки бу белги "ўтади" маъносини билдиради; асли ← белгиси билан кўрсатиш тўғрироқ. Сикретизм асосида юзага келганликни ҳар икки лексемада ↔ белгиси билан кўрсатиш тўғрироқ: *тўй* : *тўй* I [↔] феъл .. – *тўй* II [↔] от.. каби.

"Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами" асарига (Т., "Университет", 1991) киритилган етти мисолдан омонимлар луғатида *кўч*, *тин*, *тўй*, *шиш*, *оқ* акс этган; *чўк*, *тот* киритилмай қолган.

"Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами" асарида қадимги туркий тилга мансуб "туркум" синкретизмининг ҳозирги Ўзбек тилига бир аъзоси етиб келган, ҳар икки аъзоси етиб келмаган ҳолатлари ҳам шарҳланган.

"Туркум" синкретизми ҳодисаси ва унинг ҳозирги Ўзбек тилига қандай ҳолатда етиб келгани махсус ўрганилиши лозим.

З.Дўсимов
УрДУ

Хоразм шевалари лексикасида субстрат қатлам ҳақида

Ҳозирги даврда Хоразм воҳаси ҳудудида Ўзбек тилининг Ўғуз ва шичоқ лаҳжаларига мансуб бўлган шева вакиллари истиқомат қилади. Гирчи аҳоли бир-бирига жуда яқин территорияда яшаса ҳам, шунингдек улар орасида узлуксиз иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлса ҳам ҳозиргача Ўзига хос тил хусусиятларини сақлаб келмоқда. Бу лаҳжаларни ўрганган тилшунос олимлар уларнинг лексикасидаги муҳим бир фактни айтишга - қайта қайд қилган эдилар. Бу шевалар лексикасида араб ва форс тилларига алоқадор бўлган шундай лексик унсурлар борки, улар марказий Ўзбек шеваларидаги араб-форс лексик қатламидан фарқ қилади. Бундан ташқари, Хоразм шевалари лексикаси ҳозирча бизга унча аниқ бўлмаган лексик қатламга эгадирки, бундай сўзлар қадимги хоразмликлар тилидан қолган деб тахмин қилинади (Ф.Абдуллаев, А.Ишаев, О.Мадраҳимов ва б.).

Ҳақиқатан ҳам Хоразм шевалари лексикасини, хусусан унинг ономастик тизимини кузатиш ушбу унсурлар ҳақида янгича қарашларни илгари суриш учун асос бўлишга лойиқ фактларни намоён этди.

Айниқса мустақилликка эришганимиздан кейин маданият ва мивнавиятнинг узоқ - яқин ноёб манбаларига эътибор берилмоқда. Жумладан «Авесто» китоби ҳам шулардан биридир. Ушбу манбани тадқиқ қилиш унинг қадимий Хоразмда яратилганлиги ва унда хоразмий тилига хос лисоний бирликларнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритишга имкон берди. Бир вақтлар профессор Ф.Абдуллаев Хоразм шеваларидаги *патик*,

рош, учак, жувоз, лабир, габир каби сўзларнинг ҳозирги форс тили замирида изоҳланмаслигини ёзган эди. Дарҳақиқат ушбу сўзлар ҳозир ҳам Хоразм шевларида мавжуд бўлиб, уларнинг жуда қадимийлиги ва ушбу тил илдизи билан ҳинд-европа тилларининг узоқ ўтмиши билан боғланиши ойдинлашмоқда. Уларнинг айримлари ҳақида тўхталамиз.

Патик – Хоразм шеваларида «Шифт» (рус.потолок) маъносини англатади. Сўз таркибидаги *пат* «юксак, баланд» маъносига эга. Қисс қилинг: санскритда «пат» - учмоқ демақдир. Шунингдек эроний тилларда *пат* «тахт» деган маънони берганки, бунда юксаклик, улуғлик ва тахт тушунчалари ўртасидаги мантиқий занжирни англаш мумкин. Хусусан Ғиёсиддин Муҳаммад Рампурий *подшоҳ* сўзи «под» ва «шоҳ» қисмлардан таркиб топган бўлиб, *под* (асли «пот») тахт деган маънони беради деб қайд қилган эди. Демакки *патик* сўзининг пат+ик (ак) шаклда ҳосил бўлгани ҳақида фикр билдиришга асос бор.

Рош. Хоразм шеваларида сув иншоотларининг қирғоғи, канори маъносини англатади. Ҳозирги форс тилида *рош* сўзи «омбор, ғалла сақлаш жойи» ҳамда ботаник термин «бук» (*Fagus*) маъноларини ифодалайди. Унинг келиб чиқиши «режа» (реш)-ўзак, негиз маъноси билан боғлиқ.

Габир. Шевада *иўр, тузи кўп, аччиқ* каби маъноларда қўлланади. Ҳозирги форс тилидаги *кавир* (кевир) сўзига шаклан ва маъно жиҳатдан яқин. «Бурҳони қотеъ»да Эрондаги Дашти Кавир номи «сувсиз, шўрхак жой, сароб» маъноларида изоҳланади. «Шоҳнома»да ҳам *кавир* сўзи «шўрли, шўрхак» маъносида қўлланган. Хоразм шеваларида учрайдиган *гарава* (габир+об+а), гакра (бот. ўсимлик, шўр, аччиқ ўт) сўзлари ҳам ушбу ўзак билан боғлиқ.

Хараз. Хоразмда ун чиқарувчи тегирмон маъносига эга. Айрим тадқиқотчилар сўзни хар+ос (эшак ёки ҳайвон ёрдамида ишловчи тегирмон маъносида) шаклида изоҳлайдилар. Аслида *хар* «эшак» эмас «катта» маъносига эга. Қиёс қилинг: дари тилида *хартут* (тутнинг бир нави), *харсанг* (катта тош), Харгуш (куён) ва б. Хаар «Авесто»да *харс* шаклида (катта) учрайди.

Жувоз. Хоразм шевасида кунжутдан ёғ олиш учун қўлланадиган қурилма. Жувоз икки қисмдан иборат: жав+ос. Жав эроний тилларда жав ёки уав; ҳиндчада уава; *курдча* уо, жау каби шаклда «арпа» маъносини билдиради. Бу сўз бир вақтлар умуман дон экин, ғалла маъносида қўлланган. «Авесто»да уава «бугдой» демақдир.

Умуман, Хоразм шевалари лексикасини синчиклаб, қиёсий ўрганиш асосида бу хилдаги юзлаб мисолларни учратиш мумкин. Яна қиёс қилинг: «Авесто» китобидаги *исванит* (муқаддас майса), *созоқ* (саксоқ), *така* (болиш), *учак* (учаха «баланд»), *вара* (пара «қўрғон») ва х.к.

Шундай учун қадимги манбаларни текширган тадқиқотчилар уларнинг тилини фақатгина эроний тиллар замирида очиш, тавсифлаш мумкин эмаслигини, балки бунда ҳозир ўлик тил ҳисобланувчи бир қатор тиллар (хоразмий, шумер, санскрит, сўғд ва б.), шунингдек, ҳинд-европа, фин-угор, кавказ тиллари материалларини ҳам тадқиқотчи қўлимизни қайд этишган.

Демаки, мавжуд материалларни ҳозирги шева вакиллари тили билан ифода қилишда ўрганиш субстрат қатлам ҳақида фикр юритиш учун асос бўлади, уларнинг хусусиятларини аниқлаш тилимизнинг шаклланиш жараёнини шикрроқ тушуниш ва тасаввур этиш учун ёрдам беради.

Адабиётлар.

1. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. I. Тошкент. 1961.
2. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент. 1977.
3. Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. Тошкент. 1974.
4. Тиллаева М. Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқи («Авесто» ономастикасига қиёслаш асосида). Номзод. дис. Тошкент. 2007.

И.Йўлдошев
ТДПУ

Китобатчилик терминларига доир айрим мулоҳазалар

Хар бир миллат тили терминологияси ўз таркибига ижтимоий ҳаётнинг барча касбий фаолият соҳаларига оид махсус лексикани жам қилиб ташкил топади. Бу ҳолат ўзбек тили терминологиясида ҳам тўлиқ кузатилади. Терминологиянинг шаклланиши ўзига хос қонуниятлар асосида рўй беради. Бунда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, тараққиёти муҳим таъсир кўрсатади. Чунки хар бир миллатнинг турмуш тарзи, ўтмиши, хусусан, дини, маданияти, маорифи бир хилда бўлмаганидек, унга уйғун тарзда, тил тараққиёти ҳам фарқланади. Бир сўз билан айтганда, терминология бу миллатнинг ўтмиши ва бугунини кўрсатувчи омиллардан биридир. Тадқиқотларимиз натижаси ўзбек китобатчилик терминологиясининг айди терминлар йиғиндисидан муайян бир система даражасигача бўлган бўлини босиб ўтганлигини, шаклланиш ибтидоида, биринчи галда, ўз тили билан бўлса-да, лекин унинг терминологик система бўлиб тараққий қилишида араб тилининг, хусусан, араб китобатчилик терминологиясининг таъсири таъсири бўлганини кўрсатади.

Олиб борган тадқиқотимиз жараёнида *китобатчилик* сўзини термин шаклида қўллаш борасида анча мулоҳаза юритдик. Ҳозирги ўзбек адабий тили луғат бойлигининг каттагина қисмини ўзида мужассам этган «Ўзбек

тилининг изоҳли лугати»дан бу сўз ўрин олмаган. Шунингдек, *китобат* ёки *китобатчилик* сўзларининг «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли лугати»да берилмаслиги ҳам тушунарлидир. Демак, *китобат* сўзи архаик сўз сифатида истеъмолдан чиққан. Албатта, айтилган бу сўзлар «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»нинг янги нашрига қадар бўлган даврларга оиддир. Лугатнинг янги нашрига унинг эски нашрида бўлмаган *китобат*, *китобдор* сўзлари киритилган ва улар изоҳланган. Бу, албатта, бизни қувонтиради.

Илмий адабиётларда китоб яратиш ишини ва у билан боғлиқ жараёнларни ўзида мужассамлаштирган аниқ ва катъий бир сўз мавжуд эмас. Борлари ҳам рус тилидаги сўзлардан андаза олинган ҳолда қўлланмоқда. Масалан, рус тилидаги «книгоиздательство» - *китоб нашриёти*, *китоб нашр этиши иши*; «книгопечатание» - *китоб босиши (чоп қилиши)*, *китоб чиқариши*; *китоб нашр қилиши*; «книгопечатное дело» - *китоб нашр қилиши ишлари*; «книжное дело» - *китоб иши*; *китобчилик*, *китоб тузиши иши*; *китобатчилик*; «книгоиздательское дело» - *китоб нашриётчилик иши* каби кўринишларда ифодаланган. Кўп ҳолатларда бу жараёнларга безътиборлик билан қараганмиз ҳам. Агар чуқурроқ ўйлаб қарасак, китоб яратиш иши билан боғлиқ жараён бизда, яъни бугунги Ўзбекистон ҳудудида жуда қадимдан шаклланган. Ҳатто, яқин кўшни давлатларда қоғоз ҳақидаги тасаввурлар бўлмаган даврларда ҳам ўзбек замини дунёни қоғоз номи билан аталувчи буюк неъмат билан таъминлаш имконига эга бўлган. Демак, китоб яратиш иши бизда анча илгаридан шуҳрат топган. Шу боис, китобнинг аҳамиятини яхши англаган аждодларимиз китоб яратиш ишига алоҳида эътибор билан қарашган. XV, XVI асрларда Ўрта Осиёда китобатчилик хунармандчиликнинг бир соҳаси сифатида такомил топди, бу соҳа нафис санъатнинг юксак даражаси сифатида танилди.

Юқорида таъкидланганидек, бу ўлка заминида китоб яратиш ишининг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Айни замонда, жамиятдаги ҳар бир ҳодиса учун унинг моҳиятига мос ҳолда муайян сўзнинг мавжуд бўлиши ва унинг амалда қўлланиши ижтимоий талаб эканлиги ойдек равшан. Демак, ўтмишда китоб яратиш иши мавжуд бўлган экан, уни ҳамда у билан боғлиқ жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи сўз ҳам қўлланган. Бу *китобат* сўзидир. Лекин бу сўзга нисбатан доимо тарихий сўз сифатида ёндашилади ва у ҳақда фикр юритилганда, асосан, қўлёзма китоб яратиш иши тушунилади.

Тўғри, қадимда *китоб* сўзи билан ўзакдош бўлган *китоба* (کتابه) ҳамда *китобат* (کتابت) сўзлари маъноларига кўра бир-биридан фарқланган. Хусусан, *китоба* сўзи «*ёзув, ёзилган, битилган; қабр тошига ўйиб ёзилган битик; бино пештоқига зийнатли қилиб битилган ёзув*» маъноларини англатган: «Султон Абу Саид Мирзо Оксаройни ясаганда иморатнинг

китобаси учун шуарога шеър буюрдилар»¹; «ўқуған элни ҳалок айлағай китобасида, Ичимдагини аён қилса қабрим узра тошим».

Қадимда *китобат* истилоҳининг ишлатилиш доираси анча кенг бўлиб, у турли маъноларни ифодалаб келган. Хусусан, XV–XVI асрларга оид қўлёзма манбаларда *китобат* термини қуйидаги маъноларда қўлланган:

а) *кўчириб ёзиши, асар ёзиши, китоб ҳолига келтириши*: «Китобатки шуғледурур бас нафис, Биров истаса ўзни мусхафнавис. Китобатқа сый то то жони бор, Қаламзан бўлурнинг не имкони бор?»²; «Мирзо учун, Алшербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттуз байт мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди»³; «Китобат бошладим илжома етгай, Муҳаббатнома Мисру Шома етгай»⁴; «Китобат қылмадим беҳуда сөвләр, Сөзүмни билмәгән беҳуда сөвләр»⁵

б) *нома, мактуб*: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғанда, Алшербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим»⁶;

в) *турли ёзувлар, ёзишмалар*: «Одина кунни ойининг ўн тўртида хат ва китобатлар тайёр бўлуб, Баёншайхқа . . . рухсат берилди»⁷.

г) *ёзув, хат*: «...бир хиндустоний: «Султон Иброҳимнинг инчисидурмен», деб келди. Агарчи, хат ва китобати йўқ эди, биздин бир ишни элчиликка истидьо қилибдур»⁸.

Шунингдек, «*китоб ёзиши, саҳифаларни ёзиб, китоб ҳолига келтириши, кўчириши малакаси*» маъносида *китобат фани* (کتابت فنى) ҳам муомалада бўлган: «Мавлоно Юсуф Шоҳ - «Котиб» таҳаллус қилур эрди, китобат фанида мутгааййирин киши эрди»⁹. Шу ўринда айтилиши керак бўлган ҳолат мавжуд, яъни ўрта асрларда арабча *фан* (فن) сўзининг маъно англантиш доираси бугунгига

нисбатан анча кенг бўлган. У «*билим, илм, фан*» каби маънолар билан бирга «*хунар, санъат; ҳийла*» каби маъноларни ҳам

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. Тошкент. Фан 1997. 50-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 11-жилд. Сади Искандари. Тошкент. Фан 1993. 202-бет.

³ Инҳиридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. Шарқ, 2002. 139-бет.

⁴ Хоразмий. Муҳаббатнома // Муборак мактублар. Тошкент. Адаб. ва санъат нашриёти. 1987. 13-бет.

⁵ Ходжаиди. Латофат-наме. Книга о красоте. Ташкент. Фан. 1976. С. 59.

⁶ Бобурнома, 81-бет.

⁷ Бобурнома, 243-бет.

⁸ Кўрастилган асар, 190-бет.

⁹ Алишер Навоий. Асарлар. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. Тошкент. Фан. 1997. 45-бет.

ифодалаган. Шу боис бу сўз иштирокида ясалган лексемалар турмаъноларни ифодалаб келган: *якфан* – *ихтисосли*, (*ўз ҳунарили*) *тўн* эгаллаган, *моҳир*; *аҳли фан*, *фан аҳли* – *билимдон*, *олим*, *ҳунар эл*; *пурфан* – *ҳийлакор*, *найрангбоз* ва ҳ.к. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *фан* сўзининг лексик маъно англатиш кўлами аввалгига нисбатан анча торайиб ва у, асосан, «оламнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизими ҳамда шунинг билимлар тизимининг алоҳида тармоғи» маъноларида қўлланади. Шунинг кўра, *китобат фани* сўз бирикмаси китобатчиликка оид термин сифатида истеъмолдан чиқиб кетган.

Демак, китоб яратиш иши қўлда бажарилган даврларда бу жараёнларнинг мажмуаси *китобат* ёки *китобат фани* деб аталган Кейинчалик, тўғрироғи, XVII-XVIII асрлардан эътиборан китоб яратиш иши тошга ўйиб туширилган босма қолиплар ёрдамида, яъни тошбосма ёки литография усулида амалга оширила бошланди. Бу жараённинг йиғиндисига нисбатан *матбаачилик* терминининг қўллангани маълум. Фан ва техника ютуқларининг китоб яратиш ишида кенг қўлланиши натижасида бу йўналишда ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди. Унинг махсули ўлароқ полиграфия саноати вужудга келди ва бу соҳага нисбатан *нашириётчилик*, айрим ҳолларда *матбаачилик* терминлари қўлланила бошланди.

Кўриб ўтилганидек, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар натижасида китоб яратиш жараёни доимий равишда такомиллашиб борди ва бу ҳолда айни шу жараёнларни ифодаловчи терминларда ҳам намоён бўлди. Шунинг жиҳатларни назардан қочирмаган ҳолда, китоб яратиш ишини диахрон ҳамда синхрон аспектда бир ном билан аташ хусусида анча фикр-мулоҳазалар юритиб, ҳар икки аспект нуқтаи назаридан ушбу соҳани ўзида мужассам эта олувчи ном сифатида *китобат* сўзига янгидан жон бахш этиб, унинг *китобатчилик* тарзидаги янги термин сифатида муомаллага киритилиши маъқул кўрдик.

3.Ҳамидов
ЎЗМ

“Таашшукнома” асари ва унинг туркий қатлами

Туркий, жумладан ўзбек назмиётидаги нома, мунозира жанрларининг илдизлари узоқ тарихга эга. Унинг намуналари дастлаб Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”асарида келтирилади. XV асрнинг иккинчи ярмида яратилган Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома” асари ҳам бу давр адабиёти ва тилининг ривожига муносиб ҳисса қўшган нома жанри ёзма ёдгорликларидан биридир. Саййид Аҳмад Амӣ

Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг фарзанди, Саййид адабий тахаллусидир. Саййид Аҳмад ўзбек ва форс тилларида асарлар яратган зуллисонайн шоирдир. Саййид Аҳмад ижоди тўғрисида улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида алоҳида фикр юритади, унинг девони борлигидан хабар беради. Аммо шоирнинг девони hozirгача топилмаган. Унинг ёлғиз “Таашшукнома” асари бизгача етиб келган, холос¹. Саййид Аҳмад тўғрисида Навоий куйидагиларни ёзган эди: “Саййид Аҳмад Мирзо салим таъ ва пок зехн киши эрди, хели машхур назмлари бор, ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида бор ва маснавий таврида “Таашшукнома” онингдур”². “Таашшукнома”даги ҳар бир ғазал маълум бир мақом билан боғлиқ³. “Таашшукнома”асарининг қўлёзма нусхаси Лондондаги Британия музейида сақланади. Унинг тўлиқ матни эса мазкур қўлёзманинг фотонусхаси асосида биринчи бор “Муборак мактублар” китобида жорий ёзувида нашр этилган⁴. “Таашшукнома” ҳижрий 839(милодий 1435-1436) йилда ёзилган, ҳажми 319 байтдан иборат.

“Таашшукнома”нинг транскрипция матни, туркий тилни ўрганиш нуктаи назаридан унинг грамматик тахлили, изоҳлари ва луғати⁵ шунингдек, айрим парчалари 1927 йилда машхур турколог А.Н.Самайлович томонидан нашр қилинган. Асарнинг айрим парчалари “Ўзбек адабиёти тарихи”да ҳам чоп этилган⁶. “Таашшукнома”нинг луғавий таркиби, тили умуман ўрганилмаган. Ваҳоланки, асар қадимги туркий сўзлар ва сўз шаклларининг қўплиги билан кейинги даврларда яратилган адабий манбалардан ажралиб туради. Бу давр ёзма ёдгорликларида туркий сўзлар билан бирга арабча-форсча сўзлар ҳам маълум миқдорда қўлланилганидек, “Таашшукнома” асари тилида ҳам икки ёки уч тил манбаи асосида ҳосил бўлган сўзлар бор.

“Таашшукнома”нинг “Муборак мактублар”га киритилган матни кузатилганда, бир қатор нашрий хатоликларга йўл қўйилганлиги кўзга ташланади. Уларнинг нотўғри талқин этилиши, аниқроғи эски (араб) ўзбек ёзуvidан кирилл ёзувига ўгирилиши жараёнида баъзи қисқа унлилар, яъни уларни ифодаловчи диакритик белгилар нотўғри ўқилганлиги сабабли содир этилган. Масалан, асарнинг сўз хулосаси қисмида мураввак(130-8)сўзи матн тузилишига, унинг умумий маъносига мос келмайди. Шунингдек, асарнинг олтинчи номасин айтур қисмидаги ушбу байтда туба(у) сўзи ҳам шаклан ва мазмунан ноаниқдир. Қаранг:

Сочингдур лайлатул кадру юзинг ой,

¹ Муборак мактублар. Тошкент. 1987. 122-бет.

² Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. Тошкент. 1977. 240-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи... 240-бет.

⁴ Кўрсатилган асар. 122-144 -бетлар.

⁵ Ўзбек А.М. «Таашшукнома»// Письменные памятники Востока. М. 1960.

⁶ Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. Тошкент. 1959

Бўйинг тўбау хуснинг жаннаторой (133-12)

“Таашшукнома” ўзининг содда ва равон тили, мафтункор бадини кучи ҳамда тасвирлаш воситаларининг ўз ўрнида ишлатилиши билан характер-ланади. Асарнинг мундарижаси, ички тизими, китоб сабоби(123-124), аввалги номасин айтур(124-125), ғазал(125), сўзнинг хулосаси(125-126), иккинчи номасин айтур(126-127), ғазал(127), сўзнинг хулосаси(127-128),учинчи-ўнинчи (128-142) каби 10та номалар киритилган, ҳар бир номадан сўнг ғазал, сўзнинг хулосаси каби қисмлар илова қилинган “Таашшукнома” асари сўнггида “китоб ҳажмин айтур” ва “илтимосин айтур” каби хотима қисмларнинг ҳар қайсиси олти, саккиз байтдан иборат назмда тугалланган. Саййид Аҳмад асарининг “Илтимосин айтур” номли сўнгги қисмини қуйидаги байт билан тугаллайди:

“Таашшукнома”ни химмат бўлиб ёр,

Тугатгим етти кунда бемададкор

Саккиз юз ўттизу тўққизда эрди,

Ки сўз поёни элтлмак *дачт* берди

Сўзимни ким ўқуб, килса дуойи,

Илоҳи кўрмасун ҳаргиз балойи (143-11).

“Таашшукнома” лексикаси тарихий аспектда кузатилар экан, ниҳоятда содда, жонли сўзлашув тили асосида яратилганлиги билан ажралиб туради. Қўлланилган лексик библикнинг аксарияти она тилимизда қадимдан фаол истеъмолда бўлиб келаётган сўзларни ташкил этади. Масалан, мен, сен, кид, бўл, йўл, бир, неча, эт, кўр, хеч, сари, кўз, учун, ичра, жон, сўз, кун, қўл ва бошқалар. Шунингдек, асарда арабча, форсча сўзларнинг мураккаб шакллари билан ташқари эски ўзбек тили ва ундан кейинги даврларда фаол истеъмолда бўлган шакллари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Форсча хамроҳ, сахаргоҳ, мубтало, жафо, хаминча, шахоншоҳ, хома, ғалой, подшо, жон, бода, мудом ва бошқалар.

Фаол истеъмолда бўлган арабча сўзлар сирасидан камина, мулк, гамза, карам, мушк, ҳазрат, меҳр, хусн, лағиф, субҳ, ҳижрон, рашк, кавсар, латофат, малоҳат, завол, раҳм, андиша, зарофат, мунфайл, маҳрам кабилар ўрин олган. Масалан:

Шахоншоҳи жаҳон Доройи аъзам,

Фаридунсийрату Жамшиду маҳрам (123-8).

Асарда қўлланган классик форс тилига хос сўзлардан дарпўш, фитна, ҳасабпўш кабиларни келтириш мумкин:

Эшигингда оё моҳи ҳасабпўш,

Бўлиб хуршиди тобон халқа дарпўш (124-13).

Асарда қадимги туркий тилга хос сўзлар алоҳида ўрин эгаллайди, улар байт мисраларига мос равишда ишлатилган. Табук, тегру (128-12), инон (127-5), айтқил (127-8), бикин (123-11), камук (124-1), дудак (125-9),

он (126-11), дағи (127-2), табуғ (131-6), усру (132-1), улус (133-11), илик (134-7) каби сўзлар асар сўз бойлигидан ўрин олган.

Ижодкор ушбу қадимги туркий тилга хос сўзларни айнан қўллаб XV аср эски ўзбек тили лексик таркибини бойитиш, аниқроғи, арабча, форсча сўзларни кенг қўламда қўллаш анъанага айланган бир пайтда Саййид Аҳмад ўз номасида қадимги туркий сўзларни имкон даражада фаол ишлатишга ҳаракат қилган. Ўша даврда пассивлашган қадимги туркий тилга хос сўзларни эски ўзбек адабий тилига мувофиқлаштириб, давр адабий тилига қайта сингдиришга муваффақ бўлган:

Қамук оламда сендек жон йўк, эй жон,

Сенингдек дунёда жонон йўк, эй жон (132-3).

Умид улдур ки раҳминг келгай охир,

Қамук оламда чун сенсен мукаррам (133-2).

Байт мисраларида қадимги туркий тилга хос камук сўзи биринчи байтда “барча, ҳамма” каби маъноларда қўлланилган бўлса, иккинчи байтда ушбу, ўшал, шу каби кўрсатиш олмоши ўрнида ишлатилган .

Дудоғинг, олдида, эй сўзи ширин,

Наботу канду шақкардур мукаррам (125-9).

Айтқил, эй юзи руҳи мусаввар,

Айтқил, эй дудоғи мушқу анбар (128-8)

Келтирилган ҳар икки байт мисраларида дудак “лаб” сўзи қўлланган бўлиб, биринчи байтда дудак-лаб, ундан талаффуз қилинган ширин сўзига ишора қилган бўлса, яъни ушбу ёқимли, мазмунли ширин сўз олдида лаб тенг келолмайди, деган фикр баён этилган бўлса, иккинчи байт мисраларида эса ушбу ёқимли сўзлар фақат сен орқали, яъни дудак-лабинг ёқимли ва мушқу анбар таралган ҳид туфайли айтилди, демоқчи. Қадимги туркий тилга хос сўзлар кейинги даврлар тилига киёсланганда, улар фонетик жиҳатдан ўзгаришга учраганлиги сезилади. Аммо “Таашшукнома”да кўҳна сўзларнинг айнан сақланган ҳолатларни кўриш мумкин. Масалан: қувлағай (136-6), улог (131-13), ўлтүргүсидур (134-4), айтқил (127-8), янғоқинг (125-10), битилган, ёзилган кабилар.

Табугингда чу йўқтур эътиборин,

Рақибинг қувлағай ночор бизин (131-6).

Ушбу байтда сўзлашув тилига хос қувлағай сўзи ўз даврига хос шаклни оқлаган ҳолда ишлатилган.

Асарда қўлланган қадимги туркий тилга хос сўзларнинг айримлари кейинги даврлар тилида унутилган:

Ғарибларни баса хайрон қилибсен,

Нечага тегру саргардон қилибсен (128-12).

Ушбу байтда тегру сўзи “гача, қадар” маъноларида қўлланган, аслидай ишлатилган.

Хуллас, Саййид Ахмаднинг “Таашшукнома” асари тили лексика-генетик жиҳатдан, асосан туркий, шунингдек, арабча, форсча-тожикчи ва коришқ сўзлардан иборат бўлиб, асар ўз даври эски ўзбек адабий тили ҳолатининг асосий қисмини акс эттирувчи адабий манбалар қаторини қиради. “Таашшукнома” тилига хос хусусиятларнинг энг характерли жиҳатларидан бири ундаги сўзларнинг катта қисми ҳозирги замон ўзбек адабий тилида фаол қўлланаётганлиги, шунингдек, асар тилидаги ўзлашган қағламга оид сўзлар таркибида фонетик ўзгаришлар, лексик-семантик, грамматик хусусиятлар эски ўзбек адабий тилининг қонуниятларига мос келиши, айти чогда ундаги баъзи сўзлар ҳозирги замон ўзбек адабий тилида шаклан ва маъновий ўзгаришлар учраганлиги билан ажралиб туради.

Қ.Омонов
ТДШ

Қадимги туркий ҳужжатларнинг аталиши тўғрисида

Туркий тилдаги расмий ёзмалар услубининг юзага келиши, матн тузилиши, терминлар тизими ҳужжатшуносликда ҳали тугал бир шаклда ўрганилганича йўқ. Шунингдек, бугунга қадар туркийшуносликда яратилган ҳужжатлар тадқиқига бағишланган ишларда расмий матннинг ўтмишда қандай аталгани ва тури тил ҳодисаси сифатида ўрганилмаган. Ўз йўналишдаги илмий ишларга эҳтиёж бор. Бунинг учун, аввало, илк ва ўрта асрлардан (VII-XV) етиб келган туркий тилдаги расмий матнларнинг хилларини аниқлаш, уларнинг қай тури қайси даврда амалда бўлгани хронологик чегарасини белгилаш керак бўлади.

Ушбу мақоламизда расмий битиглардан айримларининг ўз замонасида қандай аталганлиги тўғрисида сўз юритамиз.

Ўтмишда қўлланилган муайян ҳужжатнинг оти унинг вазифаси, шунинг сингари бошқа ҳужжатлардан ажралиб турувчи муҳим белгиси сифатида юзага келади. Ҳужжатнинг отига қараб унинг иш юритишдаги вазифаси моҳияти, ишлатилиш ва қўлланиш қуршови тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Термин расмий матн ортидаги юкни ва мақсадни белгилан беради. Синчковлик билан танланган от ҳужжат таркиби ва тизимини айти айти расмий матн орқали эса бутун элнинг ҳўжалик, сиёсий, маданият ҳаётини тартибга солади.

Ўйлаб қўйилган ном иш юритиш маданиятининг ютуғидир. Ҳужжат тузишнинг қонун-қоидалари ва унинг лисоний расмийлаштириш жараёнида ўзига яраша йўлбошчи вазифасини ўтайди.

Аёнки, ҳужжатдаги маълумот қисқа, лўнда, аниқ, эса колари бўлмоғи керак. Ҳужжат отини танлашда айти шу шартлар янада кўри

талаб қилинади. Хужжатда ортиқча маълумотларга йўл қўйилмас экан, ном тилаганда бу жиҳатга икки карра кўпроқ эъгибор қаратилади. Иш ёманинг оти ҳар бир сўзи билан хужжат мақсадини, матнда акс этаётган расмий муносабатнинг кўзгуси бўлиши шарт. Расмий мулоқатда тўғри қўйилган ва мустаҳкам ўрнашган хужжат номи матнда баён этиладиган мақсаднинг қисқа ва аниқ мазмунини акс эттиради.

Кўпинча, хужжат оти матндаги таянч тушунча ва сўзга (одатда феълларга) таянади, у билан узвий семантик алоқага киришади. Расмий матндаги ўзак мақсадни ифодалаган феъл хужжат номида от туркумига ўтади. Таянч сўз теварагида матн синтаксиси, доимий курилма ва тузилмалар юзага келади. Хужжат отидаги айна таянч сўз муайян даврда ишбилармонлик ҳаётининг юксалган тармоғи ва тушунчаларини кўрсатиб беради.

Хужжат оти матннинг қайси расмий ёзма турида эканини кўрсатувчи асосий унсур саналади. Расмий матн номидан унинг тури аниқ кўринади. Терминда расмий услуб турининг аҳамиятли ва муҳим белгилари акс этган бўлади.

Расмий ёзма тури - тарихан шаклланган ва девон-маҳкама ишида мустаҳкам ўрнашган матн. Ном хужжат турини кўрсатувчи муайян белги, у расмий ёзманинг бирор бир турида юзага чиқади ва реаллашади. Расмий ёзма тури тушунчаси хужжат оти тушунчасидан кенгрок. Хужжат отида жамиятнинг мафқураси, дунёқарashi, жамиятдаги тил вазияти акс этади, тур эса бу жиҳатлардан холи. Маълум давр ўтиши билан муайян хужжат оти ўзгариши мумкин, лекин бирор бир расмий ёзма мустақил тур сифатида жамиятнинг иш юритиш ва маъмурий институтларида ўз фаолиятини давом эттираверади.

Давр ва жамият ўз кўзқарашларини ўзгартиб боради. Бу ҳодиса расмий матнларнинг мазмуни ҳамда тузилишига ҳам таъсир эта боради. Хужжат турлари даврнинг услуби ва талабига жавоб берадиган терминлар билан алмаштирилади.

Жамият ривожининг маълум бир босқичида амалда бўлган хужжат турлари ўша кезде яратилган айна хужжатлар ёрдамида аниқланиши билан бирга, айримлари ўша чоғларда битилган ёзма манбалар маълумоти ёрдамида аниқланди. Хужжат отининг ёзма манбаларда қайд этилиши унинг расмий матннинг мустақил тури сифатида тикланиб улгурганидан ларак беради.

Иш ёзмалари ичида биринчилардан бўлиб шаклланиб улгурган хужжат тури битимдир. Бу хужжат турининг илк намунаси VII юзйилликда суғд ҳокими Деваштичга тегишли суғдча хужжатлар орасидан чиққан. Уларнинг ичида сақланган ягона туркий хужжат матннинг ўзида bitim деб аталган [1]. Аввало архивдан туркий хужжатнинг топилгани ва унинг ўша кезде қандай аталгани эътиборга лойик. Ушбу термин “ёзма

битишув, ёзма кўринишдаги ярашув” англамидаги *biti-* феълига от ясовчи *m* кўшимчаси кўшиш орқали (*biti-m*) ясалган. Хуқуқий ёзмаларда “Ўзма келишув, битишув” (дипломатик мурсо) маъносини ташиган. Айни маъно ва кўринишда ота-боболаримизнинг расмий матнчилик услубида қўлланган бу термин асрлардан бери туркий давлатларнинг девончилик амалиётида қўлланилиб келаётир. Бу сўз билан аталган хужжат орқали қанчадан-қанча бир-бирига қарши эллар ва “битмаган ишлар” битиб келган. Билагон халқимизнинг ана шуни кўзда тутиб, ўз нуткида келиши олмаган кишиларга қарата “бир битимга келиб олинглар”, дейиши беким эмас. Бу нутқ бирлиги айни расмий услуб меъёри (канцеляризм)нинг хат тилидаги кўринишими ёки аксимикин?

Дипломатик ёзишмалар турига кирувчи бурунги хужжатлардан эли бири билдиргуликдир. У тахтга келган хоқоннинг куч ва салтанатини кўшни элларни огоҳ этиш мақсадида йўлланган. *Bildürgülük* термини “билмоқ” маъносидаги *bil-* феълига *-dürgü* сифатдош кўшимчаси ва от ясовчи *-lük* кўшилиши орқали ясалган. Ушбу лексема қадимги турк энони “Ўғузхоқон” достонининг уйғур ёзувли вариантда қайд этилган [2]. Уша кўра, Ўғузхоқон тахтни эгаллагандан сўнг билдиргулик битиб, тўрт ёғдан элларга элчиларини йўллайди. Достонда ана шу билдиргуликнинг матни ҳам келтирилган. Мана ўша билдиргулик: *Bildürgülük bitidi, elçilariga berib yebardı. Oşbu bildürgülükta bitilmiş erdi-kim, men uyğurniñ qağani bola-man kim yerniñ tört bulujiniñ qağani bolsam keräk turur. Senlärdän baş çalunğuluñ tilab men turur. Oşal kim meniñ aғzumğa baqar turur bolsa, taratғu tartib davl tutar-män, deb dedi, oşbu kim aғzumğa baqmas turur bolsa çamat çaqib çerñ çekib duşman turur-män. Tağuraq basib asturib yoq bolsunğil deb qilur-män* (Билдиргулик битиб, элчилардан бериб юборди. Ушбу билдиргуликни шундай деб ёзилган эди: “Мен уйғурнинг хоқони бўламан, ер юзи тўрт тарафининг хоқони бўлсам керак. Сизлардан менга итоат этишингини сўрайман. Ким менинг оғзимга боқадиган бўлса [яъни менга итоат этса], тортиқ бериб, дўст тутаман. Мабодо ким оғзимга боқмайдиган бўлса [яъни итоат этмаса], даргазаб бўлиб, кўшин тортиб, уни душман тутаман. Кўкқисдан босиб, дорга остириб йўқ қиламан”). [2].

Ҳозирги ўзбек тилининг иш юритиш амалиётида қўллаётганими билдирги, билдирув сўзлари тарихий анъанани қайта тикланган кўринишидир.

Хужжатчилик тарихида кенг қўлланган хужжат турларидан яна бири ёрликдир. *Yarlıg* - хоқоннинг хати, буйруғи кўринишидаги хужжатларнинг умумий оти [3]. Хунлар девонхонасида ҳам бу термин “хоқоннинг буйруғи” маъносида ишлатилган. Туркий халқларнинг иш юритиш тарихида ёрлик хужжат тури сифатида ўзига хос алоҳида мавқега эга. Туркий девон-маҳкама ишларида бу терминнинг ишлатилиш теграси асрдан-асрга, салтанатдан-салтанатга кенгайиб борган. Ўрта асрларни

қилиб бу термин оркали хукмдорга тегишли барча расмий матнлар тушуниланган. Ҳаттиш хужжатларини текширган тадқиқотчилар ўрта аср ёзиқларининг қуйидаги турларини кўрсатиб ўтади [4]:

1. Фармойишлар (давлат қонунлари, буйруқлар ва маъмурий қўрсатмалар).

2. Имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар (тархонлик – суд ва ёзиқлардан озод қилинганлик тўғрисидаги хужжатлар; суюрғал – давлат қўлидаги хизматлари эвазига бериладиган тортиқ ёрлиқлари; шахснинг бирор лавозимга тайинлангани хусусидаги хужжатлар; элчилар ва сандогарларнинг хавфсизлигини таъмин этувчи хужжатлар; давлатга тегишли муассасаларнинг ижарага берилиши тўғрисидаги хужжатлар).

3. Ёрлиқ-мактублар (қарам давлатларга йўлланган ёрлиқлар).

4. Битимлар (ўзаро тенг томонлар ўртасида тузилган битимлар).

Ҳозир *yarliġ*, асосан, дипломатик ёзишмалар турига кирувчи бир юрт иччисининг бошқа бир юрт бошлиғига келтирган *išanĉ yarliġi* бирикмаси таркибида сақланиб қолган.

XI–XIII асрларга келиб хужжат терминларини ясашда, асосан, ўша кенга қадар ишлатилган айрим сўзларнинг маъносини кенгайтириш нўвонидан борилган. Бунга кўра, кундалик турмушда ишлатиладиган лексик бирлик хужжатлар матнига кирганда терминлик хусусиятини ташиган. Мисалан, битиг сўзи мулоқотда китоб, ёзилган нарса (*biti-g*) маъносида ишлатилган. У расмий матн услубида “хужжат, васиқа, акт” маъноларини ташиган. Айни шу ердан сўзнинг янги ҳаёти бошланган ва битиг лексимаси ёрдамида ўнга яқин хужжатларнинг оти ясалган. Чунончи, XI–XIV юзйилликлар туркий салтанатларнинг девон-махкамачилик ишида фаол қўлланилган *baş bitig*, *ĉin bitig*, *ĉin baş bitig*, *idiş bitig*, *oġ bitig*, *vuĉuġ bitig*, *yamut bitig*, *ata bitigi*, *bodun bitig*, *oġuġ bitig*, *bicġas bitig* сингари хужжат турларининг оти ана шулар сирасида туради.

Бугунги хужжатчилик ишида қўлланилаётган баённома, тавсиянома, таърифнома, маълумотнома, ишончнома, гувоҳнома, йўриқнома, шартнома, қайднома, далолатнома сингари атамалар таркибидаги нома компоненти ўрнини илк ва ўрта юзйилликларда битиг лексимаси тўлақонли эгаллаган эди. Қадим девон-махкамачилик ишида битиг атамаси ҳозирги хужжатчилигимиздаги нома лексимаси бажараётган шифани адо этган. Ҳозир ҳар икки хужжатдан бирининг отига нома сўзини қўшиб айтиш русум бўлган. Гўё бунинг билан терминшуносликда тўғри йўл тутилаётганига ўхшаб кўринади. Аслида эса бир сўзни қайта-қайта қўллаш услубни суслаштиради, тилни қашшоқлаштиради. Янада ёмони, ушбу атама хужжатнинг хилма-хиллигини, унинг моҳиятини тўлиғича бера олмайди. Бизнингча, бундай вазиятдан қутилиш учун тилнинг бой ва кенг имкониятларидан фойдаланилгани маъқул. Ўрни

билан, тарихий терминларни ҳам (масалан, битиг сингари) амалиётга қайта киритиш фойдадан ҳоли эмас.

Ёзма манбаларнинг таҳлили ота-боболаримиз хужжатчиликка тегишли истилохларни танлашда тўғри йўл тутганларини кўрсатмоқда. Уларнинг ушбу тажрибаларидан ҳозирги терминшунослигимизда ҳам фойдаланишнинг вақти келди.

Адабиётлар

- [1] Бернштам А.Н. Древнетюркский документ из Согда// Эпиграфика Востока V. М.- Л., 1951. С. 65 – 75.
- [2] Махмудов Қ. Содиқов Қ. XI – XV асрнинг туркий ёзувидаги ёдгорликлар. Тошкент. 1994. 98 – 99- бетлар.
- [3] Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III. Тошкент. 1963. 49 -бет.
- [4] Усманов М. Термин «ярлык» и вопросы классификации официальных актов ханства Джучева Улуса // Актовое источниковедение. М. 1979. С. 243 – 244.

З.Холманова ЎЗМУ

“Бобурнома”даги окказионализмлар ҳақида

“Бобурнома” - эски ўзбек тилида яратилган нодир манба. Ушбу мемуар асар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид маълумотлар жамланган қомусий манба сифатида ўзига хос қийматга эга. Жумладан, асарнинг тилшунослик соҳасидаги аҳамияти куйидагилар билан белгиланади. Биринчидан, “Бобурнома”да XV – XVI аср ўзбек адабий тилининг қомусий характердаги луғат фонди мужассамланган. Асар XV – XVI аср ижтимоий– сиёсий муҳити, халқ турмуш тарзи, дунёкараши, маънавиятига доир антропоним, топоним, этноним, зооним, фитоним, ҳарбий терминлар, ижтимоий–сиёсий, маиший тушунчаларни акс эттирувчи турли семантик доирадаги лексемалар тизимини ўз ичига олган. Иккинчидан, XV – XVI аср луғат бойлиги билан бир қаторда, Бобур фаолияти билан боғлиқ афғонча, ҳиндча лексемалар қўлланган. Учинчидан, муаллиф маҳорати билан белгиланувчи сўз қўллаш ва окказионал ясалмалар кузатилади. Тўртинчидан, асарда муаллифнинг тилшуносликка оид қарашлари акс этган (сўзларнинг этимологик таҳлили келтирилган; айрим лексемаларнинг қиёсий–этимологик пландаги тадқиқига доир мулоҳазалар баён этилган; сўзларнинг семантик таҳлилига оид таснифлар берилган). Бешинчидан, эски ўзбек адабий тилининг функционал–стилистик, семантик–поэтик имкониятлари мужассамланган. Олтинчидан, туркий лексемалар кенг семантик имкониятлари орқали

иниёён бўлган. Еттинчидан, эски ўзбек тили лексикасининг лексик, фонетик, структур–морфологик, семантик хусусиятлари акс этган.

“Бобурнома” лексикаси мазмун жиҳатдан бой, услубий бетакрор хусусиятларга эга. Бунда муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати ва окказионализми¹ муҳим ўрин тутади. Ушбу мақолада муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати ва окказионализми борасида фикр юритилди.

“Бобурнома”даги окказионал қўллаш иккчи хил. 1.Мавжуд лексемаларга янгича маъно юкланган. 2.Окказионал ясалмалар юзага келтирилган. 3.Янги лексик бириклар қўлланган.

1. *Мавжуд лексемаларга янгича маъно юклаш*. Бобур эски ўзбек адабий тилида мавжуд лексемаларни ўзига хос маъноларда қўллаган. Масалан, *кир-* лексемасининг денотатив маъноси «ташқи томондан ичкари томон ҳаракатланмоқ» семемасини ифодалайди (ЎТЭЛ,210). Сўз асарда «қўшилмоқ», «кимнингдир томонида бўлмоқ» семаларида ҳам қўлланган: *...икки-уч қатла манга кириб, Танбалга ёғиқти экин (130)²*. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексеманинг бу семалари сақланиб қолмаган. *Умақлан-* “майдаланмоқ” маъносидagi сўз ҳам шахсга нисбатан қўлланган: *Ушмунча била Самарқанд кишиси умақланиб, Султон Али Мирзонинг ўтрусиға черик тортиб чиқтилар (98)*. Мазкур жумлада лексеманинг «бўлинмоқ» семаси ифодаланган. Бу лексема ҳозирги ўзбек адабий тилида шахсга нисбатан қўлланмайди. *Ушут-* “майдаламоқ”, “бузмоқ” маъноларида кишилар тўдасига нисбатан ҳам қўлланган: *афгонларнинг сингирини ушуттиб*. (206). Ҳозирда «бўлақларга ажратмоқ», «синдирмоқ» маъносидa нарса–буюмларга нисбатангина қўлланади. *Қиска* «сунлиги меъёрдан оз», «қалта», «қалта қилмоқ» маъносидagi *қис-* феълидан (ДТС,447) –*қа* (ДТС,448) қўшимчаси орқали ясалган (ЎТЭЛ, 554). Одатда, нарсага (*қисқа йўл*), воқеа–ҳодисага (*қисқа вақт*) нисбатан ишлатилган. «Бобурнома»да шахснинг феъл–атвориға нисбатан қўлланиб, “беакл”, “бефаросат” тушунчасини англаган: *Ичи тор ва камҳавсала ва фитна қисқароқ киши эди (71)*. Ҳозирда нарса–буюм, ҳодиса ҳажмига нисбатан ишлатилади, шахс феъл–атвориға нисбатан қўлланмайди (ЎТИЛ,II,587). *Кичик:* асосан аниқ отларнинг сифатловчиси бўлиб келадиган бу сўз асарда мавҳум отларга қўшилиб, кўчма маънога асосланувчи фраземани шакллантиришга хизмат қилган: *кичик қўнгуллик*. (70). Жумлада «камтаринлик» тушунчасини англаган. Ҳозирда мавҳум отларга нисбатан қўлланмайди, ҳажм, ўлчам жиҳатидан катта бўлмаган нарса–буюм, ҳодисани сифатлаб келади (ЎТИЛ,II,389). *Оғри-*

¹ Окказионализм махсуддор бўлмаган модель асосида ясалган ва фақат шу нутқий матннинг ўзидa қўлланган сўз, индивидуал–услубий неологизм (ТТИЛ,74) бўлиб, мақолада муаллифнинг мавжуд лексемани ўзига хос маънода қўллаши – *окказионал қўллаш*, янги лексема яратиши – *окказионал ясалма* терминлари билан юритилди.

² Мисоллар “Бобурнома”нинг 1960 йилдаги нашри асосида келтирилди.

“норози бўлмоқ“: *...раият ва вилоят эллари булардин бисёр оғриб эди* (129). Ҳозирда бу маъно *оғримоқ* сўзининг ўзлик нисбат шакли билан ифодаланади: *оғринмоқ* (ЎТИЛ, I, 564). *Озирған*-“кам кўрмоқ“ маъноси билан ифодаланган: *Балхни озирғанса, арзадошт қилинг...*(420); *Орқалан*-“орқа қилмоқ“: *Не учунким, Танбални орқаланиб манга ва мени давлатхоҳларимга жафо ва азоблар қилур эди* (135). *Орқаланмоқ* ҳозирда ўзбек адабий тилида кузатилмайди; «бировга орқа қилмоқ, суянма-таянмоқ» маъноларида айрим шеваларда ишлатилади (ЎТИЛ, I, 544). *Оғизла*-: “таом емоқ“: *яна баъзиларни оғизлагани чорлар*... (136). *Чебур/чевур*- “ўрамоқ, қамамоқ“ *бир тиргаз отими чевуруб борди керак* (296). Навоий асарларида “ўрамоқ” маъносида *чирма*- ишлатилган (НАЛ, 680).

Уфунат “чириш орқасида ёмон хид пайдо қилиш, сассимон бадбўйлик“ (НАЛ, 627; БАЛ, 151); “ёқимсиз хид, бадбўйлик” (БНЛ, 181). “Бобурнома”да “ёқимсиз” тушунчасини англаган (хид навири тутилмаган): *Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур* (60).

Ҳозирда истеъмолдан чиққан *орқаланмоқ, озирғанмоқ, оғизламоқ* лексемалари ифодаланган тушунчалар *орқа қилмоқ, оз ҳисобламоқ, ташламоқ, қилмоқ* лексик бирликлари орқали акс эттирилади. Аммо *орқаланмоқ, озирғанмоқ, оғизламоқ* лексемаларидаги туркий тиллар табиатига қарай услубий- семантик хусусиятлар кейинги сўзшаклларда тўлиқ акс этмади.

Чўм- сўзини “нафассиз туриш имконияти кўтаргунча сув остидан бўлиш” маъносида ишлатилган: *Ўн олти қатла сувга чўмдум* (154). *Муносиб* сўзини “маъқул” тушунчасини англаган: *Ясолни бузмай ёруқай ўқ этиб борсак муносибдур* (166). *Беҳисобдан* “бемўлжал, нотўғри” деген тушунчани ифодалашда фойдаланган: *Анинг ўғлини мундоқ мадаман рухсат бермоқ беҳисоб экандур* (378). *Ўзга* лексемаси “сўнг” тушунчасини ифодаланган: *...панжшанба кuni ойнинг йигирма тўққузиди андаке афсус бўлди, ўзга бу оризидин халос бўлдим* (418).

“Бобурнома” лексикасида эски ўзбек адабий тилига хос шундай лексемалар қўлланганки, улар фақат шу асар тилига хос тарзда намоён бўлган. *Рубъи маскун* “ер юзининг яшаш мумкин бўлган қисми, шарининг инсон ўрнашган тўртдан бир куруқлик қисми, дунё” (БАЛ, 170; НАЛ, 531); *Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур* (100) мавсум “аталмоқ”, “исм кўймоқ” (БНЛ, 87): *...бир чаҳорбоғ солдим. Юмроқ Вафога мавсум...* (190).

2. Окказионал ясалмаларни юзага келтириш. “Бобурнома”да окказионал ясалмалар икки усулда: а) аффиксация усули орқали; б) семантик йўл билан юзага келган:

а) аффиксация усули билан юзага келган окказионал бирликнинг сифатида куйидагиларни келтириш мумкин: *-лик/-лик* аффикси орқали окказионал лексемалар ясалган: *қалтоғойлик, кўтаримлик, жўзуллуқ, ортуқсиллик*...

лексемалар мавҳум тушунчаларни ифодалаган: **қалтағойлик** “қайсарлик”: *Ишига етгунча эҳтимоми яхши эди. Ишига етилган маҳалда қалтағойлиги бор эди (72)*; **қўтаримлик** “мадад”: *Улуқлар қўтаримлик керак (421)*. **Жўғуллуқ** лексемаси **бузқўчилик**қа синоним тарзда қўлланган: *...сўзни мунча қўйдукким, мунча жўғуллуқ ва бузқўчилик қилган...бу жсамоъат идишар (122)*. **Ортқусилиқ** “устунлик”(БнЛ,129): *Ҳеч тарафдин ортқусилиқ бўлмади (144)*.

–**лик** аффиксидан ясалган **ерлик** лексемаси “оддий аскар” маъносида келган: *...ерлик-ерига бориб, аробалар била ясолларни мазбут ва мураттаб қилгайлар (387)*.

–**лиқ**//–**луқ** аффиксларидан ясалган **оталиқ**, **ўғуллуқ** лексемалари ота ва ўғилнинг хиёнаткорона ҳаракатларини ифодалаш учун қўлланган: *Ғабалга муқарраб бўлуб, ғалаба ёғиллиқлар ва ёмонлиқлар бу оталиқ ва ўғуллуқтин зуҳурга келди (135)*.

–**лиқ**//–**лик** аффикси сифат лексемалар яшашда ҳам иштирок этган: **сабзалиқ** “яшил ранг” тушунчасини билдирган: *Ўланлар сабзалиқ маҳалида...(186)*.

–**ла** аффикси орқали феъл лексемалар ҳосил қилинган: **тушла**–...*Нирх кўталидин тушлаб ўтиб...(204)*; **тусла**– “тахминламоқ”: *...Илон Ўттини туслаб тебрадук (151)*; **шишла**– “кабоб қилмоқ”: *...от ўлтуруб, этини шишлаб... (151)*,

Ҳозирда отлардаги кичрайтириш-эркалаш шакллари ҳисобланган **-ча**, **-гуна** аффикслари янги лексема яшашга хизмат қилган: **қасабача**, **ашооятча**, **шоирча**, **бекча**. Бундай лексемалар таркибидаги аффикслар ясовчилик вазифасини бажарган. Масалан, **сулҳ** “ярашиш”, “битим” тушунчаларини ифодаласа, **сулҳгуна** “ярашиш тарзи”, “ярашгандек”, “сулҳнамо” (БнЛ,157) маъноларини англатган: *Агар бир тарафдин умидворлиғ бўлса эди, ё заҳира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солур эрди. Нирурраттин сулҳгуна қилиб, Пашогардин мурожаат қилилди (118)*.

Беккина сўзида ҳам –гина (-кина) ясовчилик функциясида келган: *Беккина Вайс Логарий била..Баёншайх отлиқ Ҳумоюннинг бир навқари Ҳумоюннинг қошидин келдилар. Беккина Ҳумоюннинг ўглининг севинчисига келибтур (418)*. –**ча** орқали шакланган **қасабача** “кичик шаҳар” тушунчасини ифодалаган: *Агарчи қасаба эмас, яхшигина қасабачадур (62)*.

Бир катор окказионал ясалмалар мураккаб аффикслардан шаклланган:

–**дор** ва **-лиқ** аффиксларининг мураккаб шаклидан ҳосил бўлган **қабалдорлиқ** “қамал жараёни” тушунчасини англатган: *Ўн ой қабалдорлиқ шорттилар (221)*;

–**чилик** ёрдамида ясалган **тушчилик** сифати равишга, кейинчалик нумеративга кўчган: **тушчилик йўл...**

-лан мураккаб аффикси билан ясалган *тушлан-* феъл лексемаларни “туш пайтида тўхтаб, дам олмоқ, овқатланмоқ” маъносида қўлланган (БАЛ,148;БнЛ,176): ... *Кавори суйидин ўтуб тушиландук* (416).

б) айрим лексемалар семантик усул орқали шаклланган. Масалан мўғулдук сўзи семантик кўчиш натижасида “ёмонлик, ёвузлик” тушунчасини ифодалаган: *Сунги қабоҳатлари ҳам мўғулликнинг натижасидин эди* (122). Қадимги манбаларда «аклсиз, аҳмоқ» маъносидаги *MUNQUL* сўзи учрайди (ДТС,351). Муайян (Уша) даврда мўғул кавмига мансуб шахсларнинг нобакорона фаолияти уларнинг бошқалар тасаввурида салбий таассурот қолдиришига сабаб бўлган. *Ҳамиша ёмонлик ва бузқўчилик мўғул улусидин бўла келгандур* (122). Бобурнинг мўғул кавмига муносабатини мўғул аскарлари ҳаракати ва ахлокига берган баҳосида ҳам кўриш мумкин: *Мўғул черикиким, кўмакни келиб эди, урушурга худ тоқатлари йўқ эди. Урушмоқни қўлоб, бизнинг элли-ўқ талаб, олтин тушура қиршидилар. Бир бу эмас, ҳаммиша бадбахти мўғулнинг одати ушмундоқтур.*¹

Лексемаларни ўзига хос тарзда жуфт шаклда қўллаб, янги тушунчаларни ифода этган: *азм-жазм қил-* “азмуқарор қилмоқ”: *черик отланмоққа азм-жазм қилиб, ўзумиздин илгаррак...Биёнага ширин йиборилди* (378); *эшиқлик-тувурлук* “бир оз”: *Танбал яна бир киши бичи ясолидин эшиқлик-тувурлук илгарррак туруб эди...*(300); *оз-оғлоқ* “озгина”(БнЛ,127): *Тонг отганда қўрган гирдида оз-оғлоқ уруш бўлди* (166); *бош-аёқлар* жуфтлиги метонимия асосида “қийимлар” тушунчасини аниқлаётган: *Бош-аёқлар инъом қилиб* (302).

3. Янги лексик бирликларни қўллаш². “Бобурнома”да муаллиф окказионализмга хос куйидаги лексик бирликлар қўлланган:

қотқон “қатқалоқ”: *Қотқон бўлуб эди, йўлдин чиққон киши ташвини била юрур эди* (261); *юмн* “яхшилиқ, баракат» (БАЛ,173): ...ғолибон таржимани назм қилмоғининг юмн ва баракатидин эди экин (431); *ёрмош-* “чиқмоқ”: ...суннат вақтида Корбуғ пуштасига ёрмоштук (151);

отик- “от –ном чиқармоқ”: *Хандақдин чиқмагонлар қўрқоқликни отиқиб, бедиллик била афсона бўлдилар* (93); *шугун* “яхши ният, яхши фол”(БАЛ,171): *Ҳинднинг тасхири замонида бу хабар келгани учун шугун тутуб Ҳиндол от қўйдум* (166);

ятул “доимий эгаллаш учун бағишланган ер” (БАЛ,175) бўлиб, Бобур бу сўзни “подшоҳнинг яқинларига доимий фойдаланиш учун бериладиган ер-сув” маъносидаги *суюрғол* (НАЛ,577) термини ўрнида қўллаган: ...*бекларга ва йигитларга баъзисига ятулдек берилди* (204). *Суюрғол* Темур тарихига оид асарларда “ер-сув инъоми” тушунчасини

¹ Қаранг: Кудратуллаев Ҳ. Бобур армони.-Тошкент: Шарқ, 2005.-Б.82-83.

² Ҳар бир даврдаги окказионал ясалмалар, маълум маънода, янгилик бўёғига эга бўлади. Шу боис булар сўзлар шартли равишда *янги лексемалар* сифатида кайд этилди.

аниқлаётган. *Суюрғол* Навоий асарларида қўлланган. «Бобурнома»да қўллангилмайди. Бу ҳолат мазкур сўзнинг XVI асрга келиб истеъмолдан чиқаётганини кўрсатади.

Асарда Бобур услубига хос фразеологик бирликлар қўлланган: *сахл инкорлиқ қил-* фраземаси “оғир олмоқ” тушунчасини ифодалаган: ...*ганим туяубтур деб сахл инкорлиқ қилибтур...*(166); *файсал топ-* фраземаси “қарор қилмоқ”, “амалга ошмоқ” тушунчаларини билдирган: ...*вале жамиъ кўрсонотта Хожя атонинг бемашварати ҳеч муҳим файсал топмас эди* (119); *кўнглини тиндир-* фраземаси “умидсизланмоқ” маъносини аниқлаётган: ...*бу навъ ботил андешадин, бу йусунлук полойиқ пешадин кўнглини тиндуруб...*(323); *сўзига ўз* “ахдида қатъий” маъносида қўлланган: *сайидий Қаро агарчи сўзига ўз эди, қиличига забунроқ эди* (144), *бир асл қил-*: “аниқламоқ” тушунчасини ифодалаш учун ишлатилган: *Кўнглининг фикрини бар асл қилмоқ керак* (378); *даст-поча бўл-* “бирлашмоқ”, “аҳил бўлмоқ”: *Қўрган эли даст-поча бўлиб, қўрганни сахлай қамқидилар*(269); *чехра бўл-*: “юзма-юз бўлмоқ” маъноларида қўлланган: *Қўрган ёзи кўп бўлса ҳам қовғунчи била чехра бўлолмас* (171). *Иш қопуга келган маҳалда* фраземаси “иш сўнгида” тушунчасини аниқлаётган: *Иш қопуга келган маҳалда жид ва эҳтимомни тақсир қилмамоқ керак* (166).

Бобур ўзбек тили имкониятларидан эътибор билан фойдаланган. Тил имкониятларидан фойдаланиш баробарида тушунчани, моҳиятни тўлиқ ифодалаш, фикрни аниқ ва таъсирчан ифода этиш мақсадида мавжуд лексемаларга янги маъно маъно юклаган; окказионал ясалмаларни юзага келтирган; янги лексик бирликларни қўллаган. Асар лексикасида окказионал лексик бирликлар мақсадга мувофиқ қўлланган.

Жиддий эътибор, ижодкорона маҳорат билан яратилган матнгина тил имкониятларини юзага чиқаради. Шу жиҳатдан «Бобурнома» бадий-тарихий мукаммал матн сифатида эътиборлидир. Ундаги лексемаларнинг, окказионал ясалмаларнинг қўлланиш ўринлари, семантик мундарижаси таҳлил қилинганда ўзбек адабий тилининг муайян даврдаги тарихий стилистик табиати намоён бўлади. Асар лексикасидаги окказионал ясалмаларнинг услубий хусусиятларини таҳлил қилиш сўз семантикасидаги ўзгариш жараёнини, лексеманинг функционал-семантик жиҳатларини ёритиш имконини беради.

Шартли қисқартмалар:

БАЛ- Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг изоҳли луғати. Тошкент. 1972.

БнЛ – “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. Андижон. 2008.

ДТС- Древнетюркский словарь. Л., 1969.

ДЛТ- Девону луғотит турк. I- III. Тошкент. 1960-1963 .

ДЛТ инд. Девону луғотит турк. Индекс. Тошкент. Фан. 1967.

НАЛ- Навоий асарлари луғати. Порсо Шамсиев таҳрири остида
Тошкент. 1972.

ТГИЛ – Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати
Тошкент. 2002.

ЎТЭЛ- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Тошкент
2000.

ЎТИЛ-Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-П. М. 1981.

Ш.Эгамов
ТВДШ

Аноча

Навоий асарлари тилидаги айрим туркий сўзларнинг фонетик шакллари

Қайд этиш жоизки, ҳар бир адабий тилнинг сўз бойлиги шу тилнинг шаклланиш ва тараккий этиш босқичларида турли-туман лингвистик ёки экстралингвистик жараёнлар таъсирига бардош беришга муваффақ бўлган қўлланиш даражасини сусайтирмаган, тил лексик фондининг асосини ташкил қилувчи лексик бирликлардан иборат бўлади. Навоий тилида истеъмомда бўлган қадимги туркий тил лексикасининг салмоқли қисми айнан мана шундай сўзлар эканлиги билан диққатни жалб этади. Бу туб қатлам нафақат эски ўзбек адабий тили, шунингдек кейинги давр ўзбек адабий тили, жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тили лексик таркибидан фаол лексемалар саналади.

Айни пайтда қадимги туркий тилда фаол ишлатилган муайян туб туркий сўзлар Навоий даврига келиб маълум даражада архаиклашган, уларнинг ўрнини маънодошлари ёхуд чет тиллардан ўзлашган лексемалар эгаллай бошлаган. М.: “Қария, чол” маъносидаги *абушқа* лексемаси қадимги туркий тилда *абучқа, авынчга, авычга, авучга* (ДТС, 69) каби фонетик шаклларга эга бўлган ва фаол қўлланган. Навоий тилида лексеманинг қўлланиш частотаси анча сусайган ва ўз ўрнини қадимги туркий тилда ўта фаол бўлган маънодоши *қары* лексемасига бўшатиб бера бошлаган.

Ўрхун-Энасой битиклари ҳамда XI-XIY асрга оид эски туркий тил ёзма обидалари тилида “*Аллоҳ, Худо*” маъноси *Уган, Таңри, Иди/Ит* терминлари билан ифодаланган. “*Эга, Хўжайин*” ҳамда “*Яратган, Тангри*” семаларига эга бўлган *иди/изи* кейинчалик *эга* фонетик шаклида “*хўжайин, эга*” семасини сақлаб қолади. Навоий асарларида бу туб сўз асосан “*эга, соҳиб*” ҳамда “*подшоҳ, ҳукмдор*” маънолари касб этади: ... *гойаки мулк эгасиз қалдыким, ул залим=у надан киши эрди* (ТМА, XIV, 217). “*Қудратли, Худо*” маъносигагина эга бўлган *Уган* моносемантик сўзи Навоий тилида фақат бир марта қайд этилади:

*Букун йуз шукрим қылды Уганым,
Сэни миц анчаким болгай гуманым (ФШ, 65).*

Ушбу сўзнинг эски ўзбек тилида истеъмолдан чиқа бошлашининг маънодоши *Танри* ҳамда *Аллаҳ*, *Худá*, *Парвардиғар* каби арабча, форсча-тожикча ўзлашмаларнинг фаоллашуви оқибатида рўй берганлигига шубҳа йўқ. “*Аямоқ, қизганмоқ, ачинмоқ*” маъносини ифодаловчи *эсиркá* = феъли шаклидаги туркий тил ва эски туркий тилда фаол қўлланувчи лексемалар каторидан ўрин олган бўлиб, дастлаб “Олтун ёруқ” да қайд этилади: *...миц бу этүзүмин эсиркáгүм эди кэлмáz.* “Вужудимни аямайман” (ДТС, 183). Эски туркий тилнинг XI-XII асрга доир манбаларида у тез-тез кўзга ташланади. (ДЛТ, I, 298). Лексеманинг XIV аср Хоразм обидаларида *эсиркá* = (СУЯ, I, 154), Ат-тухфа”да *эсиркá* = (13-а, М) шаклларида шебаган тез-тез қўллангани кузатилади. Навоий тилида мазкур лексеманинг онда-сонда ишлатилиши:

Ажаб сафҳадур áразыңким, эсиркáb,

Аны хат билá қылмады тийра кáтиб (ХМ, III, 6-36) унинг қадимги туркий тилдаги маънодошлари бўлган *айа* = *ачын* = *қыйин* = лексик бирликлари томонидан секин-аста истеъмолдан сикиб чиқарилишига маҳкум бўлганлигини далиллайди.

“*Кўшинни нотаниш жойлардан бошлаб борувчи, унга йўл кўрсатувчи*”¹ семемасини англатувчи *қулавуз* харбий термини XI асрдан кенг қўлланган:

Бу көкдаки йулдуз бир анча бэзák

Бир анча қулавуз бир анча йэзák (ҚБ, 12a).

Лексеманинг “Гул ва Наврўз” матнида мавжуд бўлганлигини кўрсатамиз:

Қулавуз-Булбул, Наврўз-найрав,

Қылыб аййарлық бирлá так=у дав(378-1).

Навоий асарларида унинг ёрдамида ясалган *қулавузсыз йулбошчисиз*” (Муншаот, XIII-98) ва *қулавузлуғ йўлбошчилик*” (СИ, X-197) содда ясама сўзларнинг мавжудлиги таҳлил этилаётган терминнинг XIV-XV асрларда ҳам анча кенг ишлатилганини кўрсатса-да, лекин шаклчилик “Бобурнома”, “Шажараи турк” ёки Огаҳий қаламига мансуб тарихий асарларда ишлатилмаганлиги унинг Соҳибқирон Амир Темур тарихига бағишланган форс-тожик тилидаги манбаларда фаол қўлланган муғулча *қачарчы // гажарчы ўзлашмаси*² томонидан истеъмолдан сикиб чиқарилганлигини исботлайди.

¹ Баринг: Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент: Фан 1990. С.21.

² Баринг: Дадабаев Х. Амир Темурнинг харбий маҳорати. Тошкент: Ёзувчи. 1996.

³ 9-бет.

Келтирилган лексемалар тақдирида юз берган ҳодисага ўхшаш вазиятни яна бир қанча сўзлар мисолида давом эттириш мумкин. Лексия юқорида баён қилинган мулоҳазалар эски ўзбек адабий тили аламбарлари Навоий даврига келиб ўз ишлатилиш фаолиятини жиддий тарзда “сусайтирган” ёки бутунлай умрини “яшаб” бўлган баъзи қадимги туркий лексик бирликлар борасида умумий планда таассуротга эга бўлиш учун етарли бўлса керак. Зеро, проф. Х.Дониёров таъкидлаганидек: “Ҳаётдаги доимий ўзгариш ва янгиланиш билан боғлиқ равишда ҳамма нарса ўз вақти билан ўзгаради, эскиради, ҳатто ўз ҳаётини тугатиб, аста-секинлик билан истеъмолдан чиқа боради. Тилда ва шеваларда ҳам шундай ҳолнинг узлуксиз равишда юз бериб туради”³.

Маълумки, ҳар қандай луғат таркибининг ҳаракати асосан икки жараён - лексиканинг бойиб бориши ҳамда муайян сўз гуруҳларининг эскириши ёки аста-секин истеъмолдан чиқиб кетиши билан ўлчанади. Лексемаларнинг архаиклашуви ёки луғат таркибидан бутунлай тушиб қолиши сўз бойлигидаги керагидан ортикликка барҳам бериш анъанаси билан бевосита алоқадордир. Эски ўзбек адабий тили даврида ушбу анъана кенг қўламли тус олган бўлиб, бу жиҳат сўз қўллашдаги маълум меъёрларнинг шаклланиши ва қарор топишини кўрсатади.

Сўзларнинг қўлланишдан тушиб қолишининг иккинчи сабабинин Навоий даври учун улар ифодалаган тушунчанинг эскирганлиги, ўзига ҳос бўлмаганлиги орқали изоҳлаш мумкин бўлади.

Атоқли адиб асарларидаги соф туркий лексик қатламни қадимги туркий тил сўз бойлиги билан қиёслаш юқорида қайд этилган жиҳатлар қатори VII-XII асрларга оид баъзи сўзларнинг Навоий лексик хазинасидан ўрин олмаганлигини кўрсатади. Масалан, қадимги туркий рун битикларида инсон рамзи бўлган диний маросим тошлари *балбал*: ...*қырғыз қағанни балбал тикдим ... Қирғиз хоқони учун балбал ўрнатдим* (КТ=25) лексемаси билан ифодаланган. Турк хоқонлиги сиёсат саҳнасидан кетгач, *балбал* лексемаси қорахонийлар даври эски туркий тил манбаларида қайд этилмайди. Лексеманинг эски ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари тилида ишлатилиши ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас.

Қарлуқ этноними Маҳмуд Кошғарий луғатининг ҳар уч жилдиди жами тўққиз бор тилга олинган ва у “...*туркларнинг бир тури бўлиб, вабарлилар (кўчманчилар) ва ўғузлардан бошқадир. Улар аслиди туркманлардандир*” тарзида изоҳланган (ДЛТ, I, 370). Профессор С.Муталибов қарлуқлар хусусида мулоҳаза юритиб: “Тил жиҳатдан қарлуқларнинг бир қисми ўғузларга, бир қисми яғмо, чигилларга қўшилиши мумкин. Тарихий асарларда қарлуқлар номи бошқа қабилаларнинг номига нисбатан машхурроқ эканлигини назарга олсак, уларнинг илгарилари машхур бўлгани ва девон ёзилган даврда иккинчи

³ Дониёров Х. Қипчоқ диалектининг лексикаси. Тошкент. 75-бет.

бирражали қабилаларга бирикиб кетгани англашилади”⁴, - деганда ҳақли эди. Биро, “иккинчи” даражали қабилаларга бирикиб кетгани” оқибатида қарлуқ этноними англаган қабилла-уруғ ассимиляцияга юз тутган. Натижада этноним истеъмолдан чикиб кета бошлаган. Гарчанд қарлуқ этноними Бобурнинг “Бобурнома” ва Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарларида мавжуд бўлса-да⁵, у Навоий асарларида учрамайди. Лексеманинг Навоий тилида ишлатилмаганлигини қисман шу жихат, шунингдек у ифодалаган қабилла – уруғнинг Хуросондаги туркий қабилалари ичида юкори мавқега эга бўлмаганлиги билан тушунтириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Навоий асарлари тилида ишлатилишда давом этган туб туркий сўз бойлигининг асосини замон синовидан ўтган, турли жараёнлар таъсирида бўлишига қарамай, луғат таркибидан муҳим ўрин олган лексемалар ташкил қилган.

Шу билан бирга тил қонуниятлари негизда маълум маънода эскириб, архаиклаша бошлаган, ўз ўрнини янги ёки четдан кириб келган сўзларга бўшатиб беришга мажбур бўлган лексик бирликлар ҳам адиб асарлари таркибидан жой олган.

Шартли қисқартмалар

1. ДЛТ - Девону луғотит турк. Том. I-III. Нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. Тошкент. 1960-1963.
2. ДТС - Древнетюркский словарь. Л. 1969.
3. КТ - Памятник в честь Кюль-Тегина // Малов С.К. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. М. -Л., 1951.
4. Муншаот - Алишер Навоий. Муншаот. Ўн учинчи том. Тошкент. 1966.
5. СИ - Алишер Навоий. Хамса. Садди Искандарий. Ўнинчи том. Тошкент. 1965.
6. С’УЯ - Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Том. I. II. Ташкент. 1966, 1971.
7. ТМА - Алишер Навоий. Тарихи мулуки аҷам. Ўн тўртинчи том. Тошкент. 1967.
8. ХМ - Алишер Навоий. Хамсатул-мутаҳаййирин. Ўн тўртинчи том. Тошкент. 1967.

⁴ Махмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. Тошкент. ЎзССР ФА нашриёти. 1960. 498-бет.

⁵ Абулғозий Шажараи турк. Тошкент. Чулпон. 1992. 22-бет; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. Юлдузча. 1989. 166-бет.

Кўлам сифат маъноларининг реаллашуви

Архисема — «бўй», дифференциал сема архисемада ифодаланган меъёрнинг ортиқ ёки камлиги бўлади. Ортиқ ёки камлик ўз даражасида қиёсига эга ҳолда юзага чиқади. Бундай интеграл семали сифат маънолар кўпроқ ўхшатиш воситалари орқали намоён қилинади. У ҳолда унинг дифференциал семаси ҳам англашилари бўлиб қолади. Масалан ' баланд' лексемасининг ' бўй' кўлами меъёридан ортиқ семемаси учун мисол келтириб, уни намоён этамиз: *Биз сувдан бир терак бўйи баланд суриш жой қилдик* (Тўлқин). Бу гапта «сури» тўлдирувчисининг аниқловчи вазифасига кўлам билдирувчи *баланд* лексемаси танланган. Мисолда унинг интеграл семасини «бўй» сўзининг ўзи намоён этган ва у «*бир терак бўйи*» бирикмаси таркибида келган. Биламизки, терак баланд бўлади. Шунинг кўра, дифференциал сема ниҳоятда ортиқликни ифода этган. Бу ортиқлик хатто сўздаги потенциал семани ҳам намоён этган. Потенциал сема қиёсдан очилган. Демак, бу семема учун намоён этувчи бошқа мисоллар келтирилишига ҳожат йўқ. Ўхшатиш қурилмалари мазкур семемани очувчи энг яхши восита ҳисобланади. Кўлам билдирувчи сифат эгани аниқлов келар экан, у аниқловчи эмас, кесим вазифасида бўлиши ҳам кузатилади. Масалан: *Бирининг заранг Қиштли пойдевори одам бўйи баланд* (У.Назаров). Бу мисолда кўлам билдирувчи «баланд» лексемаси семемасида «бўй» интеграл семаси бор. Мисолга *бўй* сўзи киритилиши мазкур сема янада таъкидланган. Таъкид зарурияти бўлмаганда, бу сўз киритмасдан мавжуд ўхшатиш қурилмаси воситасида уни намоён этиш мумкин эди. Мисол: *У шоҳ билан навқар орасида тоғдек баланд дераф борлигини биларди* (П.Қодиров). Мисолдаги «тоғдек баланд» бирикмасининг ўхшатиш шакли эталон интеграл семани очган. Интеграл семани намоён этувчи эталон фақат ўхшатиш шакли билан берилиши шарт эмас. У кўмакчи вазифасидаги сўзлар билан шаклланиб, ўз вазифасини ўтайверади: *...елка баравар баландликдаги ойнаванд даҳлизнинг зинаси олдида келганларида... эшикни кўрсатди* (У.Назаров).

Кўлам билдирувчи сифатларнинг «бўй» архисемали майдончасида «новча», «дароз», «узун», «найнов» сўзлари ҳам бўлиб, уларнинг дифференциал семаси асосан ортиқ ифодасини беради. Бирок, уларнинг ортиқлик қандай эканлигига кўра яна дифференциация қилинади. Бу қиёс сифат лексемалар семасининг интеграл ва дифференциал семалари қандай эканлигини кўрсатувчи мисоллар ҳам ўзига хос бўлади. «Бўй» интеграл семали маъносига эга сўзлардан бири «новча» бўлиб унинг семемасидаги дифференциал сема «баланд» лексемасидаги дифференциал семага ўхшайди.

булгани холда маълум жихати билан фаркланади, деб кўрсатилади. Бу фаркланишни Г.Содиқова «энига нисбатан ортиқ» тушунчаси билан белгилаган¹. Шундай экан, “баланд” сўзи изоҳига семемадаги «бўй» интеграл семаси ва «ортиқ кетган» дифференциал семасини намоён этувчи восита ҳисобланади. Бу восита кўпроқ қиёс орқали юзага чиқади. Масалан: *убек йигит суд мажлисини очди ва одамлар ичидан кўринган новча шилтга сўз берди* (Ҳ.Ғулом). Мисолда *одамлар ичидан кўринган* бирикмаси «новча» семемасининг дифференциал семасини намоён этган. Чунки одамлар деярли меъёрий бўйда бўлади. Улар ичидан кўринган бўй меъёрийликдан ортанликни ифодалайди. «Узун» сўзи ҳам аниқловчи сифатида келиши сифатнинг дифференциал семасини очишга ёрдам берган. Бунда бўйнинг янада ортиқлиги англашилади. Шунинг учун ҳам шунинг маънони кучайтириш мақсадида бирикма кетидан *новча йўловчи* бирикмасини келтирган. Натижада *новча* сўзининг ифодалаган кўлами ганди аниқ маъносини топган.

Баланд, новча сўзларига *бўйчан* сўзи ҳам синонимдир. Аммо *бўйчан* сўзидаги семема ифодаси *баланд, новча* сўзлари семемасидаги камлик, ижобийлик дифференциал семаси билан фарқ қилади. Унинг дифференциал семасини очиш учун шу томонига эътибор бериш керак. Масалан: *Ойсулув нозиккина, озгингина бўлса ҳам бўйи новдадек тик, бичангина қиз эди* (О.Ёкубов). Бу гапдаги *бўйчан* сўзининг ижобий томонини *нозиккина, озгингина* сўзлари ҳам очиб берган. Яна *бўйи новдадек тик* ўхшатиш бирикмаси унинг меъёрга нисбатан сал ортиқлигини намоён этган.

Найнов сўзи *новча* сўзига ўз семема ифодасига кўра ниҳоятда яқин туради. Лекин дифференциал семасининг қатъий салбий ифодага, бўйга нисбатан эннинг мутлақо номутаносиб бўлишини билдиришига кўра фаркланади. Масалан: *Сизлар сўраган фельетончи, ҳу ана у бораётган қотма найнов киши эди* (Саид Равшан). Бу гапда *қотма* сўзи бўйга нисбатан эн ниҳоятда камлигини кўрсатган. *Найнов* сўзининг семемасини намоён этиш учун худди *новча* сўзидаги каби ўхшатишдан, қиёсдан ҳам фойдаланиш зарур. Масалан: *Ҳаммадан найнов, теракдай найнов* бирикмаларини мисолда келтириш орқали. «Дароз» сўзи *найнов* сифатига синоним бўла олади. Бу сўз семемасининг интеграл семаси бўй ифодасига ҳам бўлса ҳам дифференциал семасида энга нисбат бериш ифодаси йўқ. Бўйнинг меъёрдан ортиқлигини билдириш билан баробар унда эннинг ҳам назарда тутилганлиги англашилади. Шунинг учун бу сўз семемасини шунинг маънони мисолда ҳам бўйнинг меъёрдан ортиқлиги, ҳам гавданинг қалобатини кўрсатувчи маънога эга сўз бўлиши керак. Масалан: *Мисраларнинг ярмисини чайнаб, димоғ билан жўровозига оҳанг қўшган*

¹ Содиқова Г. Қўлам меъёрини билдирувчи сифат семемаларини изоҳлаш // Тилшунослик масалалари — Тошкент: Фан. 1978. 192-бет.

йигит дароз, ҳар яғринига киши ўтируви мумкин бўлган, чорпагил, кўнрақ очик йигитнинг қийиқ беқасам тўнининг энгидан тортди (Ў.Ўулом). Ҳар яғринига киши ўтируви мумкин бўлган қурилмаси, дароз гавданни забардаст эканини ҳам, катталигини ҳам ифода этган. Ҳувидаги мисол ҳам шундай вазифани ўтайди: ...дароз гавдаси оптоқ адирлар ортида ўнма ўтмай гойиб бўлди (Ў.Султонов). Бу гапда дароз фақат бўйга нисбатан эмас, энга нисбатан ҳам ортиқликни кўрсатган. Бунда аниқланмиш кўнрақ аҳамиятга эга бўлган. Унда дароз бўй эмас, дароз гавда тасвирланган. Тасвир фақат бўйга нисбатан бўлганда аниқланмиш ҳам бўй сўзи билан берилган бўларди. Бу ўринда аниқланмиш учун гавда сўзи танланганининг унинг семемаси энни ҳам назарда тутлади.

Меъёр архисемали семемаларнинг бўй интеграл семага эга семемалар қаторига узун сўзининг бир семасини ҳам қўшиш мумкин. Бу сўзнинг семемасидаги интеграл сема ўз меъёрига нисбатан камликни билдириши аниқланмиши нисбат берилган нарсанинг бўйига нисбатан «камлик» билдиради. Бундай семемаларни мисолларда англашиларили килиш учун унга аввало шу семемага оид бўлган сўзнинг аниқланмиши ифодаланган нарсанинг қиёсланган нарсасини билдирувчи сўз киритилиши керак. Шунингдек, шу семеманинг ўзи ҳам қандайдир белги билан қиёсланмиши керак. Мисол: *Худди ҳайит намозига отлангандек, ерга судралгудек узун мовут чакмон кийиб, қордай ярқироқ янги салла ўраган махдум бирикма билан йўталиб, меҳмонхонага кирди* (Ҳ.Ғулом). Гапдаги узун сўзининг аниқланмиши чакмон сўзидир. Чакмон энгил уст кийими ҳисобланади. Уст кийимнинг бўй меъёри одамга нисбатан олинади. Одам-махдум сўзи ифодаланган. «Унинг энгидаги чакмон ерга судралгудек узун қурилмасида ифодаланган даражада бўйга эга. Демак, ўхшаш асоси бўлган «узун» сўзи «ерга судралгудек» эталонда ифодаланган даражада «Бўй»нинг меъёрдан «ортиқ»лиги шу даражададир. Узун сўзининг бўй меъёрини аниқлаштирувчи восита одатда жўналиш келишикли бошқарувли бирикмаларда берилади. Бу бирикмалар узун сўзи билан ўхшатиш қурилмасини таркиб топтириш ёки таркиб топтирмаслиги ҳам мумкин. Таркиб топтирмаса, унинг ҳоким бўлаги сифатдошдан иборат бўлиб, «узун» сўзининг аниқланмишига иккинчи аниқловчи киши берилади. Шу билан бирга узунлик даражасини ҳам кўрсатиб турлади. Бунга қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин: *Тақимига тушадиган узун, лекин ингичка улама сочини солди* (А.Қаҳҳор). Одатда узун сўз белдан сал ортиб туради. Тақимига тушиш ундан ҳам ортиқликни кўрсатади. Гапдаги жўналиш келишикли бошқарув боқланмиши «тақимига тушадиган» бирикмаси узун сўзининг меъёрдан ниҳоятда ортиқлик даражасини юзага чиқариб келган. Шунинг ҳам айтиш керакки, бўй кўламнинг меъёри «ортиқ» семемасига эга. «Баланд», «новча», «найтон» «дароз» сўзлари ўзаро синоним бўлиб, «узун» сўзи уларга синоним эмас.

Чунки улардаги дифференциал сема «бўй» меъёрига нисбатан турлича ортикликни ифодалаган. Бунда дифференциал семалар ҳам деярли бир хил, фақат оттенкага кўра фарқ қилади. «Узун» сўзи семемасининг дифференциал семаси эса «бўй» меъёри шу семема билан ифодаланган белгилари нарса билан муносабатдаги нарсанинг бўйига нисбатан меъёри ортиклигини билдирган. «Узун» сўзининг ушбу сема билан қўлланганига мисол танланар экан, унинг таркибида «бўй» сўзи қатнашиши шарт эмас, вагта қатнашмаслиги услубий жиҳатдан тўқрироқ бўлади. Чунки «узун» сўзида назарда тутилган «бўй» бошқа нарсанинг бўйига нисбатан олинган. Шунга кўра, «бўй» сўзи бошқа нарсаларнинг белгисини билдириб келиши услубан тўғри бўлади.

«Узун» сўзининг «бўй» интеграл семасига нисбатан «ортиклик» маъносини билдирувчи семемаси ҳам бор. Масалан: *Ҳасан сўфи узун, шайх гавдасини чўзиб ерга ётди* (М.Исмоилий). Гапдаги «узун» сўзи семаси «бўй» қўламини меъёридан ортиқ» семалари билан изоҳланади. Чекки шунга қарамай, узун сўзи баланд, новча, найнов, дароз сўзлари билан синоним бўла олмайди. Чунки, бундаги интеграл бўй семаси кўпроқ «узунлик» ифодасига эга бўлган сема билан яқин туради. Демак, бунда фақат баландликни эмас, ҳар қандай ҳолатдаги узунлик эътиборга олинган. Шу сабаб мисолда *узун гавдаси билан Ҳасан сўфи* ерда ётганлиги таъкирланган. Бу ўриндаги «узун» сўзи ўрнида *баланд, новча, найнов, дароз* сўзларини алмаштириб бўлмайди. Бу сўзлар фақат тик ҳолатга нисбатан олинади. «Узун» сўзида чегара йўқ.

Паст сўзининг семемасини очиш учун келтирилган мисолда «бўй» семасини ҳам, меъёридан камлик семасини ҳам очиб берувчи воситаларни беришга тўғри келади. Бунда қиёслаш, ўхшатиш ва қўшимча воситалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Уларни ўз ўрни билан қуйида таҳлил этиб кўрамиз. Масалан: *Паст бўйли студент бетоқат бўлиб, эшик қулфининг тешигидан, новча студент эса бўйинини чўзиб деворнинг раҳнасидан доғлига мўралай бошлади* (С.Анорбоев). Бу мисолда «бўй» сўзининг ўзи «паст» сўзига аниқланмиш бўлиб келиши, шунингдек у сифатлашган ҳолда *йигит* сўзига аниқловчи бўлиши, «паст» сўзи семемасидаги интеграл семани очиб берган, дифференциал семани эса «қулфнинг тешигидан қарамоқ» қурилмаси намоён қилган. Чунки эшик қулфи тешиги анча пастда бўлади. Унга баланд бўйли одам энгашиб қарамайди. Бунинг устига гапда интеграл семани очувчи иккинчи восита ҳам бор. Бу «баланд бўйли студентнинг раҳнадан бўй чўзиб қараш» бўлиб, шунга ишоратланганлигидир. «Қулф тешигидан қарамоқ» бирикмаси эса интеграл семасига равшанлик киритади. Чунки қулф тешиги эшик бўйининг маълум бандида жойлашган бўлади. Маълумки, бу гапда «паст» семасининг интеграл ва дифференциал семаларини очиш учун гап таркибига қўшимча воситалар киритилган. Қуйидаги мисолда «паст» сўзининг дифференциал

семасини аниқлаштириш учун шу сўзнинг синонимини келтириб, унинг денотатини қиёслашдан фойдаланилган: *Бирпасдан кейин паст буйи озгин, пачаққина бир йигит кирди* (С.Аҳмад). Мисолда «паст» сўзи денотати «пачаққина» сўзи билан қиёслаб берилган. Натижада «паст» сўзининг дифференциал семаси «*меъёридан кам*» эканлиги ойдинлашди. «Паст» сўзининг дифференциал семасини очиш учун ўхшатиш курилмасининг асоси сифатида келтириб, эталон маъносидан фойдаланиш ҳам мумкин: *Жуссаси кичкина, буйи ҳам ангишвонадек паст эмиш кўпчилик ўртасида бамисоли дадасининг орқасидан эргашиб борган ва боладек кўришяпти* (Х.Тўхтабоев). Гапда «паст» сўзи «*буйи ангишвонадек паст*» ўхшатиш курилмасининг асос компоненти бўлиб келиши Курилманинг эталони «*ангишвона*» сўзи бўлиб, унга *-дек* ўхшатиш шакли кўшилиши натижасида ўхшатиш асосининг аниқловчисига айланган. Унинг семемасидаги дифференциал семани реаллаштирган.

«Паст» кўлам сифатининг синонимларидан бири «пачақ» кўламини сифатидир. Бу сифат «найнов» сифати билан Г.Содиқова кўрсатишича антонимдир². Чунки маънолари қарма-қарши, салбий ифодага эга антонимларнинг прагматик семалари мутаносиб бўлиши керак³. Бундан мисол келтирилганда дифференциал сема ифодалаган меъёрий камликни ва салбий прагматикани очиш эътиборда тутилади. Масалан: *Ўзас қилиб келган "бургут"им ҳар куни кўриб юрган оддий кишилардай, жуссаси ўн юзи ҳам кичик, пачақ бир йигит бўлиб чиқди* (С.Аҳмад). Гапдаги *жуссаси ўн юзи ҳам кичик, пачақ бир йигит* бирикмаси «пачақ» сўзи семасидаги меъёрий етмаганлик дифференциал семасини очиб бериш учун хизмат қилган. Унинг «*кичик*» сўзидан кейин келганлиги маънони кучайтириш вазифасини ўтаган. Бу эса ундаги салбий прагматикани юзага келтирган.

«Пакана» сўзи ҳам «паст» сўзининг синонимидир. Шундай бўлган, у «пачақ» сўзига ҳам синоним бўлиб қолади. Улар семемасининг семалари таркиби деярли бир хил бўлиб, дифференциал семасида қисман фарқ бор. Унда ифодаланган меъёрий камлик, энга нисбатан тесқари пропорциядадир. Буй меъёри пакана бўлган одамнинг энига нисбатан мутаносиблиги бўлмайди. Мисол: *Ундан сакраб тушган пакана буйи хўппасемизлигидан коптокдай дум-думалоқ санэпидстанция боилишимиз парвоз чиқдим* (М.Пирриев). Бу мисолда «пакана» семемасини «*коптокдай дум-думалоқ*» ўхшатиш курилмаси реаллаштириш учун аҳамият қилиб этган. Чунки коптокда баланд буй бўлмайди. У буй, эн ва узунлиги тенг бўлган буюмдир. Ўхшатиш курилмаси «пакана» семемаси «буй» семаси камлиги билан баробар «эн»га нисбатан тесқари пропорцияда эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари «пакана» буйга нисбатан эни ортиқ бўлишини кўрсатувчи иккинчи бир сўз гап таркибига киритилган. Бу «*хўппасемиз*

² Содиқова Г, Кўрсатилган мақола, 192-бет.

³ Содиқова Г, Кўрсатилган мақола, 192-бет.

«пачақ». *Паст*, *пачақ* сўзларига синоним бўлган «*пакана*» сўзининг яна бундай хос томони унинг орттирма даража шаклида қўллана олишидир: *пакана*. Бундай шаклда қўлланган *пакана* сўзининг семемасини реаллаштиришда шунга хос мисол ҳам танланиши керак. Бунда мисол шрибдаги реаллаштирувчи восита маъносини кучайтирувчи семантикага эга бўлиши назарда тутилади. Бундай восита одатда ўхшатиш курилмасидан иборат бўлади. Масалан: *У ердан бичиб олгандек пакана... бир хотин эди* (А.Кодирий). Бу гапта «*пак-пакана*» сўзининг ўзи ўхшатиш курилмасига киритилган ва ўхшатиш асоси сифатида берилган. Ҳақиқатчи эталони эса «*ердан бичиб олгандек*» бирикмаси бўлиб, у бўйнинг шриб даражада *паст* эканини ошириб ифода этган. *Ердан бичиб олгандек* шриб «*ер баробар*» дейилгани бўлади. Лекин ҳеч ким ер билан баробар бўлмайди. Ёзувчи бу ўринда мажозийликни аллегорик даражасида бермоқчи бўлган. Шунинг орқали «*пак-пакана*» орттирма даражаси сифатнинг маъносини бўрттириб қиёслаб берган.

«*бўй*» меъёри қўламидаги кам семемали сўзлар каторига яна «*калта*» сўзини қўшиш мумкин. Бу сўз *паст*, *пачақ*, *пакана* сўзларига синоним бўлиши оқимайди. Чунки узаро синоним бўлган сўзларнинг умумий «*бўй*» меъёри камдир. «*Калта*» сўзида ифодаланган «*бўй*» меъёри у ифода этган нарса нисбат берилган нарсага нисбатан кам ҳисобланади. Шунинг учун «*паст*, *пачақ*, *пакана*» сўзлари семемаси билан *калта* сўзи семемасининг семалари таркиби миқдоран фарқ қилган. Булар синонимлигини йўққа чиқаради. Масалан: *Юк магазинасидан пиджакдай калта пўстинли бир одам тушиб, Адолатнинг қўлидаги автоматга ётишди* (И.Раҳим). Бу мисолдаги *калта* сўзи семемасидаги дифференциал сема умуман бўйга нисбатан камликни эмас, балки уни кийган одам бўйига нисбатан камликни ифода этган. Одатда пўстин кам деганда тиззагача тушади, пиджак узунлиги эса кўймичгача тушади. *Калта* сўзининг *пиджакдай* эталони билан қўлланиши унинг ифодасини қиёсан реаллаштирган.

Демак, меъёр архисемали ва «*бўй*» интеграл семасига эга семемаларни иллюстратив мисоллар билан реаллаштирилар экан, бунда архисема учун реаллаштирувчи мисол сифатида қаралмайди, аммо архисеманинг маъноси кам очилган бўлади. Интеграл сема иллюстратив мисолда реаллаштирилиши жуда шарт қилиб қўйилмайди. Агар мисол таркибига *бўй* сўзи киритилган бўлса, интеграл семанинг аниқлаштирилиши таъминланган бўлади. Акс ҳолда бунинг учун мисолга восита киритиш зарурдир. Дифференциал семани реаллаштирувчи воситалар унга қўшимча аниқловчи киритиш, аниқловчини мослаштириш, маъно очувчи иборалар қўллаш, ўхшатиш курилмаси бериб қиёслашдир.

Адабиётлар

1. Раҳматуллаев Ш., Абдурахмонов И. Ўзбек тилидаги қўлам сифатлари хақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. 3-сон. 75-бет.

2. Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат Тошкент. Фан. 1974. 53-бетлар.
3. Содикова Г. Қўлам меъёрини билдирувчи сифат семемаларнинг изоҳлаш// Тилшунослик масалалари . Тошкент. Фан. 1978. 187-194-бетлар.
4. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент. Фан. 1975.
5. Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х., Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. Ўқитувчи. 1980.
6. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили. Тошкент. Ўқитувчи. 1992.

Ў.Лафасов
ТошДШН

Қаршилантириш – лингвопоэтик унсур сифатида

Ёзувчидаги бадий маҳорат унинг ҳар хил унсурлардан ўзгача ҳолатда, китобхоннинг эътиборини жалб қиладиган ва унга таъсир ўткази оладиган тарзда тасвирлаш билан белгиланади. Асарни ёзиш жараёнида воқеликни янгича тасвирлаш учун муҳим бадий унсурлардан ўз ўрнида унумли фойдаланиш керак. Агар натижа юқори даражада бўлса китобхоннинг қалби забт этилади ва асар ҳар доим севиб ўқилади. Ўзбек адабиётида бадий унсурлардан мохирона фойдаланган ёзувчилардан бири ўзбек миллий романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ханузгача китобхонлар эъзозидадир. Адиб масъулиятни ўта даражада ҳис қилган ҳолда, ҳар бир бадий унсурдан ўз ўрнида мохирлик билан фойдалана олган. Натижада асарлари тилининг ифода қамрови ҳам, бадийлиги ҳам юқори даражада кўтарилган. Ёзувчи ишлатган лингвопоэтик бадий унсурлардан бири қаршилантириш бўлиб, унга асар давомида жуда кўп марта мурожаат қилинган ва ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиққан.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг муқаддимасида мозий (Ўтган замон) ва янги замон воқеликларини қиёслаб таҳлил қиладиганини таъкидлайди. Асарнинг бошланишидан қаршилантириш унсурига мурожаат қилган. Буни саройдаги ҳужралар тасвирида кўриш мумкин. Эътибор беринг: *Оддий ҳужрага кигиз, бекнинг ҳужрасига гилам тўшалган, оддий ҳужраларда бўз кўрпалар бўлса, бекнинг ҳужрасида инак ва адрас кўрпалар бор. Оддий ҳужрада қора чироқ ёнаётган бўлса, бекнинг ҳужрасида шамъ ёнади. Оддий ҳужра эгалари енгил табиғатлик кишилар бўлса, бек оғир табиғатлик инсондир*¹. Юқоридаги ифодалардан маълумки, адиб ўз услубида қаршилантириш лингвопоэтик унсуридан

¹ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. -бет.

мохирина фойдалана олган, чунки бу парчада сўзлар ўз ўрнида, бадий ифодасига мос ҳолда қўлланган.

Ёзувчи образлар тасвирида ҳам қаршилантириш унсурига асосланган. М.: Отабек тимсолида *"улуг гавдалиқ, кўркам ва оқ юзлик, ёшишган қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабза кўк бир йиғит"* гавдаланади. Ҳомид тимсолида *"узун бўйлик, қора четиш юзлик, чағир кўзлик, чувоқ соқол, ўттуз беш ёшларда бўлган суримсиз бир киши"*¹² намоён бўлади. Образларнинг кўринишига, суратига мос сўз ва бадий ифодалар китобхоннинг диққатини жалб қилмасдан қолмайди. Биргина *"қора"* сўзининг ўзи ҳам ижобий, ҳам салбий маънода ишлатилган.

Абдулла Қодирий уйланиш ҳақидаги баҳсда ҳам Отабек билан Ҳомиднинг фикрларини сийрати билан боғлиқ равишда карама-қарши бўлди ва образларнинг янада ҳаётий чиқишини таъминлайди.

Адиб ўша пайтдаги Қўқон хонлиги, яъни Туркистондаги давлат бошқарувини, Русиядаги давлат бошқаруви билан таққослайди ва муносабати китобхон ҳукмига ҳавола қилади. Давр ҳукмдорлари ҳақидаги фикрини баён қилар экан, золим мингбоши Мукулмонкул билан, одил сулбеги Ўтаббойни киёслайди. Халқ ичидаги қипчоқ ва қорачопон ишларини ёритар экан, миллат фожиасининг туб моҳиятини очиб беради.

Ёзувчи томонидан Отабекнинг илк муҳаббатини азобланган ҳолда шир тутуши, зукко Ҳасанали эса ўз топқирлиги боис сирни фож этиб уни икдор қилиши қаршилантириш унсури асосида ифода этилган. Бу ҳолатга шунинг Ҳасаналининг тилидан қуйидагича баён қилинади: *"— Айби йўқ, дедим, — деди, — муҳаббат жуда оз йиғитларга муяссар бўладурган юрак шивҳаридир. Шунинг билан бирга кўп вақтлар кишига зарарлик ҳам бўлиб чиқади. Шунинг учун куч сарф қилиб бўлса ҳам унутиши, кўб тилмаслик керакдир"*¹³. Тасвирдаги ҳар бир калом ва улардаги бадийлик фикрат Қодирийгагина хос нозик диддан дарак беради.

Адиб совчиликка бориш воқеасини тасвирлашда бекнинг касаллиги ва кутидордаги малҳам масалаларини таг маънога асосланган қаршилантиришнинг халқона усулида мохирлик билан тасвирлайди.

Абдулла Қодирий қиз мажлиси ва тўй давомида Кумушбибидаги кўёвга нисбатан душманлик кайфиятини ифодалаш учун ҳам қаршилантириш усулидан фойдаланган. Бу ҳолатга зид натижа Кумушбиби Отабекни кўргандан сўнггина аён бўлди. Мазкур воқеа ёзувчи томонидан машхур ишоравий далил диалогнинг кашф қилинишига сабаб бўлди: *— Сиз, ўшамми? — Мен ўша.*

Ёзувчи Отабекнинг элпарварлик кайфияти билан айтган фикрлари ва соф муҳаббатга эришгандан сўнгги бахтли онларини, хоин ва хотинбоз

¹² Ўша китоб. 8-бет.

¹³ Ўша китоб. 27-бет.

Ҳомиднинг қасосли тухмати ҳамда сотқин, нафси бузук Холмиднинг кушбегининг ҳаракатларига қарама-қарши қўйган ҳолда тасвирлайди.

Адиб Отабекнинг Тошкентда, ота-онаси олдида иккинчи бор уйланишга розилик бериши ва Марғилонга бориб ўз фикридан қайтишини Мирзакарим қутидор тилидан келтирилган далил орқали қарама-қарши қўяди. Бу ҳолат ҳам ҳаётий ҳақиқат билан уйғунлиги боис тасвир ишонарли чиққан.

Отабекнинг самимийлик билан ёзилган хатлари ва хоин Ҳомиднинг сохта хатлари асосида Кумушбиби ва Мирзакарим қутидор томонидан шошма-шошарлик билан чиқарилган хулосалар ҳам қаршилантириш унсури асосида тасвирланган.

Отабекнинг ўз ҳаётини дўсти уста Алимнинг ҳаёти билан қиёслагани ҳам қаршилантириш унсури орқали ёритилган: *"Кейинроқ бу "ушбу сўзини қўшқан билан ҳам уста Алим бўлиш қийинлигини онглай болишди, чунки Отабек Кумуш томонидан сўқилган ва ташланган эди. Ҳолбуки Саодат сўкмаган ва ташламаган, балки эрининг бир гуноҳи сабабидан ота умрини хазон қилган ва уста Алим қайнотаси томонидан ҳайвончи қувилмаган... ва қайнота томонидан куёв йўлига тузоқ қўйилиб, Саодатни чиқариб олиш фикрига тушилмаган, яъни орага шайтанот ораламаган..."*⁴. Уста ўз ёридан ўлим туфайли айрилган. Отабекдан на рафиқасини талоксиз тортиб олишмоқда.

Кумушбиби билан Комилбекнинг тўйи ва никоҳини бошқа-бошқа кун қилиш ҳақидаги қутидорнинг талабига кўчага чиққан совчилардан бири *"жувонга ҳам тўй бошқа, никоҳ бошқа бўлармиди?!"*⁵ деб пичини қилади. Бу гапда ҳам халқона киноявий қаршилантириш ўз аксини топган.

Ўғри қотилларнинг жазоланиш сабабидан вокиф бўлган уста Алим Отабекнинг хатларини олиб қутидорниқига боради. Танимаган кишининг ташрифидан норози бўлган қутидор у билан истамайгина учрашди. Отабекнинг хатини ўқиб сирдан вокиф бўлади ва ундан воқеа тафсилотини эшитгач, унга бошқача муносабатда мулозамат кўрсатади. Ёзувчи маъқул воқеалар тасвирида ҳам қаршилантириш унсуридан фойдаланган.

Адиб Марғилондаги келини ва кудаларини кўрмай, гаплашмай туриш улар ҳақида ногўғри фикр юритган Ўзбекиойимнинг Кумушбибининг на кудаларини кўргандан кейинги ҳолати ҳам қаршилантириш унсури асосида ишонарли тарзда тасвирлаган.

Абдулла Қодирий қорачопонлилар томонидан ўтказилган қипчоқ киргини масаласига ўрис босқини масаласини қарама-қарши кўяр экан миллат фожиасининг таг илдизини изохлайди. Бу фожианинг даҳшатли натижасини лингвопоэтик қаршилантириш асосида Юсуфбек хожани тилидан шундай баён қилади: *"- Мана буродарлар! Сиз ўз қипчоғининг*

⁴ Ўша китоб, 203-бет.

⁵ Ўша китоб, 220-бет.

мен қабр қазигап фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз қипчоққа қилич кутарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ишлизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа йили ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман!”⁶

Ёзувчи: Кумушбибига заҳар ичирган Зайнабнинг жинояти фош бўлиши натижасида Отабекнинг уни уч талоқ қилганини эшитиб, Ўлим билан олишаётган Кумушбиби шодланади. Мазкур ҳолат ҳам ирришлантириш унсури асосида ифодаланган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий ирришлантириш унсуридан унумли фойдаланган, бу эса асардаги тил котибадорлигини ва тасвир бойлигини янада оширган.

Ф. Абдужаббарова
ЎЗМУ

“Қутадғу билиг”да шахснинг табиий ҳолатини ифодаловчи сифат-лексемалар

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” пандномасида асар қахрамонлари ёки умуман шахснинг ташқи кўриниши, суратини ифодалашда “табиий ҳолат белгилари” семасини ўзида мужассам этган сифат-лексемалар парадигмасидан моҳирона фойдаланган. Маълумки, “табиий ҳолат белгилари” маъно жиҳатидан инсоннинг рухий, ҳаётий (физик) ва жисмоний ҳолатини англатувчи сифатлар қатори ҳолат билдирувчи сифатлар сирасидан ўрин олади¹. Эътироф этиш жоизки, сифат-лексемалардаги шахснинг табиий ҳолатини фақат кўриш органлари орқали билиш, идрок этиш, баҳолаш мумкин.

Маъноси гўзаллик, чиройга эгаликни ифодаловчи сифатлар ичида “чиройли, гўзал” маъносини ташувчи **көрклүг** (< көр= + к +лүг) мотивланган лексема асарда нисбатан фаол қўлланган:

Йўзи көрклүг эрди көрүб көз қамар

Сөзи йумшак эрди тили түз тamar (453).

Ушбу сифат-лексеманинг шунингдек, Маҳмуд Кошғарий лугатида (ДШТ, I, 336) ҳамда “Ҳибатул - ҳақойик”да қайд этилиши (ДТС, 318), унинг қўлланиш частотаси ҳақида ҳукм чиқаришга имкон беради. “Қисаси Рабғузий” тилида лексема **көрклүг**: Ҳавва ғайат көрклүг эрди (7 v 13),

⁶ Уша китоб. 276-бет.

¹ Киранг: Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифатлар. Тошкент. Фан. 1974. 49-55-бетлар; Нажмиддинов Ф. Адъектив лексемаларда семалар таснифи ва семалараро муносабатнинг турлари.

² Филол. фан. номзоди дисс. автореферати. Тошкент. 2000. 8-9-бетлар; Тожиматов Х. Сифат семемасининг реаллашувида контекст. Филол. фан. номзоди дисс. автореферати. Тошкент. 2007. 14-19-бетлар.

XIV аср Хоразм манбаларида лексик бирликнинг көркүлү// көркүл фонетик вариантлари билан бир қаторда истеъмолда бўлганлиги тўғрисида ташланади (СУЯ, I,627-628). Зикр этилган маъно қадимги туркий тилида хусусан, Турфон матнлари ва “Олтун ёрук”да көркүлэ нисбий сифати билан англашилган (ДТС,318). Көркүлүг адъективи “Қутадғу бини” матнида нафақат инсоннинг ташки қиёфаси, балки ички дунёда хусусиятини ифодалашга ҳам хизмат қилдирилган:

Кимиң болса көркүлүг йүзи таш өзи

Ташы- тэг йэмэ көркүлүг- ул ич йүзи (2179).

Мазкур сифат –лексема ташқи томондан яққол кўзга ташланмайди, аксарият хатти- ҳаракат, мулоқат эвазига реаллашадиган хулқ, фикр-атворни ифодалашга йўналтирилган:

Бу көркүлүг киши қылкы көркүлүг болур

Қылынч болса көркүлүг эл асғы толур (2178).

Таҳлил этилаётган сифат- лексеманинг “гўзал, чиройли” маъносида табиғий ҳодисасига нисбатан “зўр, ажойиб” семасини англатиши қуйидаги бинида воқеланади:

Нэ көркүлүг күн эрди йигитлик күни,

Қарылық йоқ эрсэ йурыса көни (1065).

Яъни Агар қарилик бўлмаса, инсон доим сарвдек юрса, Йигитлик даври қандай ажойиб давр бўлган бўлар эди, демоқчи асар муаллифи. Асарда бәдиз көрк бирикмаси “чиройли, гўзал, кўрк” маъноси билан көркүлүг шундай маънодошига айланган.

Достонда көркүлүг сифат- лексеманинг сөз “сўз, гап” субстантив билан синтагматик муносабатга киришган ўрни қайд этилмайди. Лексеманинг зидди бўлмиш көрксүз “хунук, бадбашара” адъективининг сифати билан синтактик алоқага кириб, көрксүз сөз “хунук сўз” (1065) бирикмасини юзага чиқаришини хисобга олиб, көркүлүг сифатининг эшитиш орқали ифодаланадиган, рационал сифат функциясини ҳам бажарган деган хулоса чиқариш мумкин. Асарнинг уйғур ёзувли Венус нусхасида кўриш ёрдамида англашилувчи “хунук, бадбашара” маъноси көрксүз мотивланган сифат- лексема орқали ифодаланган: Кэрэк эрди көркүлүг йа көрксүз кучар (ДТС,318).

Негатив маънони англатувчи бу сифат- лексема айни шу фонетик шаклда Рабғузий асари тилида ҳам акс этган: Аның бирлэ туғған қыз гайи көрксүз эрди (15v6). Лексеманинг сингармонизмга мувофиқ шакли XIV аср Хоразм ёдгорликлари тилида ҳам ўз аксини топган (СУЯ,II,628). Уйғур ёзувли будда афсоналари матнида ушбу сифат- лексеманинг грамматикализация ҳодисасига биноан отлашганининг шоҳиди бўламоқчи (ДТС,318). Инсон юзи, комати, қиёфасидаги меъёрга мос келмаслиги маъносини билдирувчи көрксүз лексемаси эски ўзбек адабий тилида нисбатан кам қўлланган.

“Кўзли, кўзи бор” маъносини Махмуд Кошғарий көзлүг нисбий сифати билан ифодалайди (ДЛТ, I, 475). Ушбу аде́ктив “Кутадғу билиг”да йитиг “Ўткир” сифати билан бириккан ва “Ўткир кўз, нигоҳ” маъносини аниқлатган:

Йитиг көзлүг-ул көр бақышы йырак
Қайу ишкә тэгсә бәкитүр азак (1822).

Көзлүг деривати шахс организми аъзосидан бирининг бенуқсонлигини ифодалаётган бўлса, унинг зидди, яъни көзсүз инсон тана аъзосидан бири-кўзининг нуқсонини аниқлатишга хизмат қилган:

Билигсиз қарағу түрүр бэлгүлүг
Э көзсүз қарағу билиг ал үлүг (268).

Бу байтда икки бор қўлланган қарағу (< қара = +ғу) сифат лексема “кўр, кўкир” семаси билан көзсүз аде́ктивига маънодошлик қилган. “Қисаси Рибғузий” тилида көзсүз юқоридаги маънода ишлатилган: Бир оғлы болды көзсүз (17 г15). XIV аср Хоразм обидаларида көзлүг ва көзсүз дериватлари антонимик қаторни ташкил этган (СУЯ, I, 616). “Таржумон”да ҳар икки лексема көзлү ҳамда көзсиз (28 а 1) фонетик шаклларида антонимлар тарзида акс этган.

Кўриш орқали ифодаланадиган сифат- лексемаларнинг муайян қисми инсоннинг юз тузилиши билан боғлиқ бўлиб, бетнинг ранги, шаклини ифодалашга хизмат қилади. Чунончи, йалың йүзлүг бирикмаси “тоза, шанғоч” (соқолсиз) юзлини билдирса:

Йалың йүзлүг эрдим бүтүрди сақал
Қара қузғун эрдим қуғу қылды чал (1084),

толун-тэг йүз “ой каби юз, ойга ўхшаш юз” маъносини ифодалаган:

Қийаматта көргит толун- тэг йүзин
Әлиг туттачы қыл илаҳа өзин (47).

“Юз, рухсор” маъносининг пандномада эн туб лексемаси билан ҳам аниқлашилгани бир неча ўринда намоён бўлади. Юзнинг рангини тасвирлаш орқали асар муаллифи қаҳрамон характери, ҳолатини очишга ҳаракат қилади. Хусусан, юзнинг қизиллигини қырғу эн:

Эшитгил некү тэр бөгү билгә бэг
Бу сөз ишкә тутғыл айа қырғу эн (327)

кызгү мэниз :

Нәкү тэр эшит эмди билги тэңиз
Сөзни бэркитүр эмди қызгү мэниз (469),

қырғу мэниз бирикмалари ифодалаган:

Оғул- қыз сақынчы бу түбсүз тэңиз
Оғул- қыз сарығ қылды қырғу мэниз (1150)

Келтирилган байтлар мазмунидан “қизил” маъносидаги қырғу, кызгү белги сифатининг ёш, соғлом, бақувват, бахтиёр шахсга, сарығ белги сифатининг эса катта ёшли, дардманд, ғам-ғусса туфайли касалга чалинган

инсонга нисбатан қўлланишини, шу жиҳатдан бу икки сифатнинг қарама қарши маъно ифодаланиши таъкидлаш керак бўлади.

Хуллас, илк эски туркий тилнинг ноёб манбаси “Қутадғу билим” тилида шахснинг табиий ҳолатини ифодаловчи сифат-лексемалар маъно мазмуни нуқтаи-назаридан инсоннинг ташқи кўринишига хос жиҳатларини ифодалаш билан бирга, унинг ички дунёси хусусиятини ҳам аниқроқ эътиришга хизмат қилган. Таҳлил этилган лексик-семантик гуруҳга оид маънодош сифат-лексемалар ҳамда бир-бирига зид маъноли сифат-лексемалар асар тилининг ранг-баранглиги, жозибадорлиги ва бадиийлигини оширишга, мазмуннинг сержило бўлишига хизмат қилган.

Шартли қисқартмалар

1. ДЛТ- Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I-III. Тошкент 1960,1963.
2. ДТС- Древнетюркский словарь. Л., 1969.
3. СУЯ- Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. 1-2. Ташкент, 1966,1971.
4. Таржумон- “Таржумон”-XIV аср обидаси. Тошкент. 1981.
5. ҚБ- Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим) Тошкент. Фан. 1971.
6. ҚР- Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1 китоб Тошкент. 1990.

З.Аликулов
СамДУ

Истиқлол даври ўзбек терминологияси тўғрисида

Истиқлолимиз пойдевори бўлмиш ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол, Ватанга, миллат қадриятларига садоқатли қилиб тарбиялашда она тилининг ўрни бекиёсдир.

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб юзага келган геосиёсий муҳит тил сиёсати ва тил таълимига ўз таъсирини ўткази бошлади.

Миллий ифтихор, ўз-ўзини англаш ҳисси кучая бошлади. Одамларнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабатлари тизими ўзгарди. Миллий анъаналарни, миллий маданиятни тиклаш, миллий тил обрў-эътиборини кучайтириш муаммолари кўтарилди бошлади.

Жамиятда содир бўладиган ўзгаришлар, табиийки, тилнинг луғат таркибида намоён бўлади, чунки рўй берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар туфайли янгидан-янги сўзлар келади, айрим сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади.

Тилда идиосинкразия вужудга келиб, янги пайдо бўлган сўзлар маълум даражада ғайри табиийдек туюлади. Масалан, кадастр, тендер, DVD-Н технологияси, «Nokia», менежер, менежмент, бизнес, аудит ва б.

Социал тузумнинг ўзгариши, айниқса, мустақилликка эришган ёш мамлакатларда турмуш тарзида юз берган ўзгаришлар луғат таркибининг бойишига бўлган эҳтиёжини юзага келтирди. Турли соҳалар бўйича пайдо бўлаётган янгидан-янги тушунчаларни ифода этиш зарурияти, даставвал, ним-фанга, ишлаб чиқаришга, маданий ҳаётга алоқадор бўлган терминологияни яратиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Истиклол шарофати туфайли кўпгина ҳолатларда амалда қўлланилиб келинаётган ва пайдо бўлган терминларнинг нутқий амалиётга етарли даражада сингиб кета олмаганлиги, бир қатор терминларнинг ўзи ифодалаётган тушунчани аниқ англата олмаётганлиги, шунингдек, терминологик тизимда ҳам дублетлик, вариантлик, синонимия ҳодисасининг кучлилиги, терминлар жамғармасида ўзлашма қатламларга бўлган муносабат субъектив, ғайри илмий ёндашувлар туфайли терминларнинг қисқа ва ихчам, шунингдек, талаффузга қулай бўлишига етарли эътибор берилмаганлиги туфайли бу соҳада турлича қарашлар пайдо бўлишига олиб келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбек тилида қўлланиб келаётган байналмилал сўзларга турлича муносабатлар билдириш авж олиб кетди.

Четдан атамалар қабул қилинишининг ҳар қандай кўриниши тилдаги мавжуд изчил қонуниятларнинг бузилишига, фойдаланиш имкониятларининг қийинлашувиغا олиб келади. Рус-интернационал атамалардан тортиб араб, форс-тожик атамалари ҳам ўзбек тилига кириб келиб, шу вазифани адо этмоқда. Ҳозирги ўзбекча атамалар софлиги учун кураш тилдаги мавжуд изчил қонуниятларни бузувчи ва фойдаланиш имкониятларини қийинлаштирувчи воситалардан қутилишдир. Буни дастлаб тилимиздаги рус-интернационал атамаларни ўзбекчаси билан алмаштиришдан бошлаяпмиз. Кейинроқ арабча, форс-тожикчаларига ҳам ғал келади. Атамалар соф ўзбекчага ағдарилар экан, уларнинг ўзак ва қўшимчаларини ҳозирги соф ўзбек адабий тилидан олинишига эришиш ихшироқ бўлади.

Жуда бўлмаса, унга шевалардан, эски ўзбек тилидан, энг иложсиз ҳолда, бошқа туркий тиллардан нусха излаш керак¹.

Давр такозосига кўра ўзбек тили луғат таркибининг ривожланишида араб, форс-тожик, рус тилининг баракали таъсир кўрсатганлиги барчага маълум. Кейинги қарийб юз йилдан ортиқ ўтган даврда рус тили ва рус тили орқали Европа тилларидан кириб келган сўзлар ўрнига алмаштирилган *учоқ, жарида, ойнома, деҳпара, мажалла, билимчоқ,*

¹ Миртожиев М. Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Тошкент. Ўзбекистон. 1992. 65-бет.

сарминбар каби сўзларнинг қўлланиши чалкашликларга олиб келилади. Сунгий равишда зўраки «ўзбекчалаштирилган» сўзлар давр тилига янада бера олмаганликлари сабабли тилимиздан чикиб ҳам улгурди.

Табиийки, тил ўз ички зиддиятларининг жараёнида ун турганидек, бошқа тиллар билан яқинлашуви натижасида ҳам маънавий ўзгаришга учрайди².

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мустақилликнинг дастлабки йилларида тил соҳасида турлича муносабатлар авжига чиқиб, турган нотўғри, ўринли ва ўринсиз хулосалар чиқаришга олиб келди.

Ўзбек тили терминологисига миллий рух бағишлаш, уни янада такомиллаштиришдек хайрли ишда, афсуски, бир қатор жиддий нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Бунинг сабаби адабий тил метёёрларининг шаклланиш ва яшаш қонуниятларига, жумладан, илмий терминологиянинг такомиллаштиришнинг илмий принципларига етарли амал қилмасдан йўл тутишда кўринди. Мана шу маънода бу соҳада йўл қўйилган нуқсонлар куйидагилардан иборат бўлди.

«Русча интернационал лексика» деб юритилувчи сўзларни бошқа муқобил билан алмаштириш ишига кўп ҳолда уларни ўзбек тилига тахайдаб чиқариш, тозалаш тарзида ёндашилди. Бунда заруриятнинг илмийликдан кўра хиссиёт устун турди, яъни лисоний-нутқий зарурият эҳтиёж эмас, балки нолисоний омиллар амал қилди. Натижада ўзбек тилидаги ҳар қандай русча-интернационал терминга муқобил топилган ҳаракат қилинади. Бу ҳаракат абитуриент ўрнига таҳсилталаб, академик ўрнига байтулҳикма, астрономия ўрнига фалакиётчи, ирригация ўрнига мироблик, кафедра ўрнига минбаргоҳ, телеграмма ўрнига шошиличчнома каби муқобиллар ўйлаб топилганида ёркин кўринди. Шу каби муқобиллар маълум вақт, асосан, матбуот саҳифаларида ишлатилиб турган бўлса-да, сингмади ва истеъмолдан чиқди. Бунинг сабаби ўйлаб топилган ва муқобилларга амалий-нутқий эҳтиёжнинг йўқлиги эди³.

Ижтимоий тузумнинг ўзгариши, бозор иқтисодиёти юзага келган шароитда, демократик жараёнлар содир бўлаётган бир пайтда жамиятда янгидан-янги социумлар гуруҳининг шаклланишига олиб келди. Айни пайтда бу соҳага оид сўз ва тушунчалар ҳам пайдо бўлди.

Табиийки, тилда янги сўз ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши жамиятда янгича ижтимоий муносабатлар натижасида юзага келган янги предмет ёки тушунчаларнинг номланишидаги зарурият билан боғланган бўлади. Янги мазмунни ифодалашдаги сўзлар коммуникация эҳтиёжи туфайли юзага келади. Ушбу эҳтиёжни қондириш тегишли сўзнинг йўқлигига дуч келади. Бу эса ўз навбатида тилда янги унсурнинг пайдо

² Мещанинов И.И. Новое учение о языке. М. 1936. С. 59.

³ Бектемиров Х., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. Тошкент. Фан. 2002. 25-26- бетлар.

булиши ва тил системасининг унсури сифатида қабул қилинишини тақозо этади.

Мустақиллик даврида ўзбек тили луғат сатҳида юқорида таъкидланганидек, юз берган ўзгаришларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Тилда пайдо бўлган янги сўз ва атамалар. Ўзбек тилининг ички ресурслари ва хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар эвазига вужудга келган сўз ва терминлар. Масалан, давлат тасарруфидан чиқариш, деҳқон хўжалиги, тадбиркор, хусусий корхона, ҳуқуқий фуқаролик жамияти, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, миллий ғоя, миллий дастур, аудит, кадастр, лизинг, компьютер, Coca-Cola, Fanta, Bonaqua, Sarbast, консалтинг, контракт, суперконтракт каби.

2. Тил тизимида мавжуд бўлиб қайта қўлланилаётган (тирилган) сўзлар манифестацияси. Масалан, муҳаррир, котиба, ҳуқуқ, мавзу, вазир, туман, вилоят ва б.

3. Тилшунос олимларимиздан Э.Бегматов, Ҳ. Бектемиров ўзбек тили терминологиясидаги лисоний жараёнларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Аввалги терминлар ўрнига алмашган бир қатор сўзлар адабий меъёр сифатида секинлик билан нутқий амалиётга сингиб бормоқда. Аммо буларни ҳали тўла равишда меъёрий даражага эришди дейиш қийин. Чунки бирор сўз адабий нормага айланиши учун у алоҳида жузъий қўлланишлардан оммавий қўлланишларга, яъни якка (индивидуал) нутқ меъёридан оммавий нутқ меъёрига ўтиш лозим бўлади.

2. Муқобил сифатида қабул қилинган сўз аввалги термин билан ёнма-ён (параллел) равишда ишлатилмоқда. Бу ҳол терминологик тизимдаги эски меъёр билан янги кириб келаётган лисоний бирлик орасидаги рақобат, курашни ифодалайди. Бунда улардан қайси бири ғолиб чиқишини вақт, тил ҳаёти, нутқий амалиёт кўрсатади. Бундай терминологик параллелларга мисол тарзида мувозанат-баланс, чипта-билет, муҳандис-инженер, сармоя-капитал, ҳисобчи бухгалтер, шифокор-врач, тизим-система, термин-атама, жамғарма-фонд ва шу кабиларни келтириш мумкин⁴.

Истиқлол даврига келиб ўзбек тили олдинги даврларга хос бўлмаган ўзгаришларга дуч келди. Халқаро майдонда ҳам у ўз нуфузига эга бўлмоқда. Глобаллашув жараёнида терминлар интеграцияси кучайиб бораётган бир пайтда тилимизда ишлатилаётган терминларни ўзгартириш, уларнинг ҳаммасига «ўзбекча муқобил вариантини топиш жуда бўлмаса, гал келгунга қадар улар ўрнига арабча, форсча ёки қўшни халқлар тилларидаги сўзлардан фойдаланиш» мақсадга мувофиқ эмаслигини даврнинг ўзи кўрсатди.

⁴ Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Кўрсатилган асар, 24-25-бетлар.

Ўзбек тили луғат таркибининг истиқлол давридаги тараққиётини куйидаги-ларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

1.Ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб пайдо бўлган сўзлар: *Олин кенгаш, Вазирлар Маҳкамаси, давлат маслаҳатчиси, миллий дастур, миллий гоя* ва б.

2.Қайта қўлланилган (тирилган) сўзлар. Уларнинг айримлари ижтимоий шароитда ўзгача мақомга эга бўлиб, бошқача маъно семаларга эга бўлиб қўлланилмоқда. Улардаги маъно кемтиклиги бартараф этилмоқда. Масалан, *мунажжим, муҳр, маве, меъмор, меъмор, наир, назм, ҳудуд* ва ҳ.к.

3.Рус ва хорижий тиллардан ўзлашган сўз ва терминларнинг ушбу тилидаги муқобил варианты билан алмаштирилган сўзлар: *билдиришнома, қайднома, мавзу, сугурта, бекат* ва б.

4.Параллел равишда қўлланилаётган сўзлар: *коалиция – битим, план-режа, разведка-қидирув* ва ҳ.к.

5.Асрлар давомида ўзбек тилига тўласинча сингиб кетган алмаштиришга ҳожат бўлмаган ва шу билан бир қаторда хорижий тиллардан ўзлашган байналмилал характердаги сўзлар. Мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий-сиёсий, маданий ва дипломатик алоқаларда фидо равишда иштирок этиши сабабли мустақиллик даврида жуда кўп сўзлар хорижий тиллардан кириб келаётганилиги алоҳида ўрин эгаллайди.

Бундай сўзларни ўзбек тилида бир сўз билан ифодалаш қийин. Шунинг учун уларни қайси манбада қандай шаклда қўлланса, тилимизда ушбу шаклда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётда пайдо бўладиган ҳар қандай предмет, яъни тушунчани тўғри ифодалаш учун ушбу ифода моҳиятига хос лисоний воситани топа билиш зарурдир. Э.Бегматов ва Х. Бектемировлар таъкидланганидек, ... терминларга муносабатда, тил терминология тизимини янгилаш, ўзлаштириш ва такомиллаштиришни тилнинг ривожланиш қонуниятларига, унинг луғавий тизимини меъёрлашнинг ўзига хос объектив талабларига, мезон, илмий ўлчов ҳамда принципларига амал қилган ҳолда иш тутиш гоёт муҳимдир. Тилни хоҳлаган сўзни киритавериш, унлан хоҳлаган сўзни хоҳлаган пайтда чиқариб юбориш мумкин деб ҳисоблаш хато фикрдир. Бундай ҳаракат аслида адабий тил меъёрларининг шаклланиш ва яшаш қонуниятларига зиддир. Чунки бу каби объектив эҳтиёжсиз уриниш адабий тил луғавий тизими ва унинг меъёрлари мўътадиллигига, турғунлигига, кўпчиликка маълум ва тушунарли бўлишига зарар келтиради.

Бевосита тил равнақи учун мутасадди шахслар ижтимоий ҳаётда пайдо бўладиган ҳар қандай предмет тушунчаларини тўғри ифодалаш учун ушбу ифода моҳиятга тегишли лисоний воситани қўллаш давр талабидир.

Ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва айрим семантик хусусиятларига доир

Маълумки, ҳар бир тил, асосан, луғат бойлиги ва грамматик қурилиши асосида ўз тараққиёт қонунлари бўйича ўсиб, такомиллашиб боради. Бундан ташқари, тил коллективларининг ўзаро алоқаси натижасида бир тил иккинчисини сўз ва иборалар билан бойитиб боради. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар натижасида бир тил қурилишига хос бирликлар (асосан сўз ва иборалар, қисман фонетик ва грамматик бирликлар) иккинчи бир тилга кириб боради. Шу нуқтаи назардан ёндашилганда ҳар бир тилнинг луғат бойлиги ўз ва ўзлашма қўламга ажратиб ўрганилиши юқорида таъкидланган эди. “Ўзбек тили лексикологияси” асарида таъкидланишича, “Ўзлаштириш – бир тилдан иккинчи тилга маълум тил элементларининг кўчиши, киришидир. Бундай элемент, сўз, баъзи ҳолларда товушлар, шунингдек ўзлаштирилган сўз таркибига кирган морфема бўлиши мумкин”¹. Қўринадик, лексикологияга оид ана шундай йирик тадқиқотда тиллар орасида сўз ўзлаштириш билан бирга ибора ўзлаштиришнинг ҳам мавжудлиги қайд этилмаган. Бу ишда сўзнинг ҳақиқий ўзлашма бўлиши учун зарур белгилар алоҳида таъкидлаб кўрсатилганки, уларни биз бемалол ўзлашган ибораларга нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин. Масалан, тилимизда тожик тилидан ўзлашган икки таркибли *дарди бедаво* ибораси бўлиб, полисемантик хусусиятга эга: 1) давоси йўқ, тузалмас дард. *Вафосиз ёр деб тушдим бу дарди бедаволарга // Ғлимнинг ваҳмидан ҳардам юрак тўлганга йиғлайман* (Ҳамза. Паранжи сирлари); 2) кўчма маъно, сўзлашув тилига хос: тузатиб, эпакага келтириб бўлмайдиган иш, нарса ёки одам (ЎТИЛ, 1, 94).

Тилда ўзлашма фразеологизмларнинг пайдо бўлиши фразеологик шаклланиш жараёни билан боғлиқдир. Фразеологик шаклланиш ҳайилганда тил воситалари ёрдамида фразеологизмлар ҳосил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари тушунилади. А.Маматовнинг таъкидлашича, “фразеологик шаклланиш баҳсида фразеологизмларнинг тузилиши, лисоний ва нолисоний омиллари, шаклланишнинг восита ва усуллари, қайси тил бирлиги асосида фразеологик бирлик юзага келди, қандай жараён бу тил бирлигининг шаклланишига сабаб бўлди ва ҳосил бўлган фразеологизмлар тилнинг бошқа бирликлари билан қандай муносабатда бўлади” каби масалалар таҳлил этилади². Биз ана шу фикрга

¹ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент. Фан. 1981. 84-бет.

² Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент. 2000. 14-бет.

таяниб, мазкур мақолада ўзбек тилидаги айрим ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Чунки иборанинг қайси тил воситаси негизчи шаклланганлигини тўғри аниқлаш, унинг матндаги семантик ва услубий хусусиятларини ёритишга кенг йўл очади. Масалан, араб ёзувида ушбу товушларни ифодалаш учун ундош ҳарфнинг ости ёки устига қўйилган диакритик белгиларни ифодаловчи *зеру забар жуфт сўзи ёрдамида "ару забар қилмоқ"* ўзлашма ибораси ҳосил қилинган (ЎТИЛ, 1, 304). Бу моносемантик ибора "*остин-устин қилмоқ, тор-мор қилмоқ, йўқ қилмоқ*" маъноларини билдиради: *Қайда бўлса топармиз, деб жуда шаҳид халқиниям зуру забар қилди* ("Баҳром ва Гуландом") каби. Лекин бу ўзлашма ибора Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик луғатидан ўрин олмаган.

Маълумки, араб алифбосининг биринчи ҳарфи ва унинг номи "алиф" бўлиб, бу арабча сўз тилимизда *алифни калтак деёлмайди // алифни тавқ деёлмайди, ичини ёрсанг алиф чиқмайди // қорнини ёрсанг алиф чиқмайди* сингари ўзаро вариантдош ўзлашма ибораларнинг шаклланиши учун хизмат қилган (ЎТФЛ, 20; 352-353):

Алифни калтак деёлмаслик – ғирт саводсиз бўлмоқ, ҳеч нарса билмаслик: *Йўқ-э, қанақа қилиб ўқирдим. Алифни калтак деёлмайман* (Ойдин. Садақанг бўлай, командир); *Мен-ку бундай масалада алифни тавқ деёлмайман, аммо инженерларга ишонаман* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар) каби.

"Алмисоқ" сўзи арабча бўлиб, "*аҳд, қасам, шартнома, битим*" маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 41). Бу сўз ёрдамида маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган *алмисоқдан бери // алмисоқдан буён* ва *алмисоқдан қолган* ўзлашма иборалари шаклланган. Бу иборалар "*қадим замонлардан бери, қадимги замондан*" каби маъноларни билдиришга хизмат қилади: *Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб ...қоронги хонада ўқиб келган авлод бирданига оппоқ, ёруғ, тоза хонада, ўриндиқлардан ўтириб ўқиса-я, бу ҳурматни ким кўрган, ким эшитган?* (М.Исмоилий Фарғона тонг отгунча); *Арава бўлса алмисоқдан қолган, яна синибди* (Ойбек. Кутлуғ қон) каби.

Маъно жиҳатдан *алмисоқдан қолган // алмисоқдан бери* ўзлашма ибораларига яқин бўлган *дақёнусдан қолган // даққионусдан қолган // дақёнусдан бери* иборалари ҳам генетик жиҳатдан ўзлашма иборалар саналади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур ибораларнинг шаклланишига асос бўлган *Дақёнус // Даққионус* сўзлари аслида лотинча атоқли олти бўлиб, қадимги Рим императори *Диоклетян* (милодий 284-305)нинг Шарқ халқлари орасидаги номини ифодалайди (ЎТИЛ, 1, 215). *Дақёнусдан қолган // даққионусдан қолган // дақёнусдан бери* ўзлашма иборалари подисемантик хусусиятга эга, яъни уларнинг ҳар бири икки маънолидир (ЎТФЛ, 72): 1) қадимдан, жуда эски, қадимий: *Мен болаларни Қудратилли*

қори сингари янги усулда ўқитишни билмаганим учун дақёнусдан қолган усул билан ўқитар эдим (М.Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари); Кўча тўмондан қараганда кўримсиз, даққиюнусдан қолган ўймакор эшик ириллаб очилди (Мирмухсин. Умид); 2) жуда ҳас эскириб кетган: Гулнор даққиюнусдан қолган ковушни кийиб, чирик паранжига ўралиб, Йўлчи билан жунади (Ойбек. Қутлуғ қон); Ҳар қандай истеъдодни ўзимизнинг даққиюнусдан қолган тор ва эски қолитимизда ўлчаб кўрамиз (Н.Қобул. Унутилган соҳиллар); Дақёнусдан бери шу туриши-туриши... (А.Мухтор. Оша-сингиллар) кабилар.

“Жувонмарг” кўшма сўзи форсча-тожикча бўлиб, “ёш, бевақт ўлган, авжи етилган пайтида ҳалок, нобуд бўлган” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 290). Бу сўз ёрдамида тилимизда жуда қадимдан қўлланилиб келаётган “жувонмарг бўлмоқ”, “жувонмарг қилмоқ” сингари ўлашма полисемантик иборалар шаклланган ҳамда улар қуйидаги маъноларни ифодалайди. **Жувонмарг бўлмоқ:** 1) ёш ўлмоқ, ёш ҳалок, нобуд бўлмоқ; Мени бу балодан халос қилинг. Ёшман, бемаҳал жувонмарг бўлиб кетмай (Саид Аҳмад. Уфқ); 2) барбод бўлмоқ, бекор кетмоқ, зое бўлмоқ: Ёшлик умрим жувонмарг бўлмади (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси) каби. **Жувонмарг қилмоқ:** 1) бадном қилмоқ: Лекин лафз деб бировни жувонмарг қилиш ҳам инсофдан эмас-да (Ш.Холмирзаев. Оғир тош кўчса); 2) барбод қилмоқ, йўқ қилмоқ: ўқишни жувонмарг қилсақ уволига қоламиз (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча) каби.

Арабча «лом» ва «мим» харфларининг номи (ЎТИЛ, 1, 435) ҳам тилимизда “лом-мим” демай, “лому мим” демай, “лом-мим” демаслик, “лом” демаслик, “лом” дея олмай қолмоқ сингари бир қанча ўлашма фразеологизмларнинг шаклланишига восита бўлган. Бу ибораларнинг барчаси “ҳеч нарса демаслик, индамаслик, эътироз қилмаслик” каби маъноларни ифодалайди (ЎТФЛ, 167-168): Ишнинг энгил кўчишига севинган она Отабекнинг бу шартига лом демасдан кўнди (А.Қодирий. Ўтган кунлар); Ҳасаналининг бу охириги жумласи Ҳомидни ерга қаратиб, лом дея олмай қолди (А.Қодирий. Ўтган кунлар); Ҳамма унинг айтганини “лом-мим” демай бажараётганини Раҳим кўриб турган эди (Х.Назир. Кўкорол чироклари); Қолган фуқароларнинг осойишталик билан кори-хайр ишида “лом” у “мим” демай ишламоқлари лозим эканини сўйлади (Ғ.Ғулом. Аркнинг емирилиши); Ўзи яхши йигит-у, онасига “лом-мим” деёлмайди-да (Сайид Аҳмад. Ҳасрат); Улар яйловга етгунча “лом-мим” деб озиз очмадилар (О.Ёқубов. Тоғ кизи) каби.

Китобий характердаги арабча “лафз” сўзи “талаффуз, сўз, ибора” маъноларини билдиради (ЎТИЛ, 1, 428). Бу сўз ёрдамида тилимизда лафзи ҳалол, лафздан қайтмоқ // лафзини ютмоқ, лафзи тез, лафзи йўқ сингари ўлашма фразеологизмлар шаклланган. **Лафзи тез** – оғзига келган сўзни қайтармайдиган, салга жажли чиқиб, гапириб юбораверадиган:

Кумушингизнинг феъли-атвори ўзимга маълум: эрка ўсган, лафзи (А.Қодирий. Ўтган кунлар); **Лафзи ҳалол** – чин сўзли, аҳдида туранин ваъдасининг устидан чиқадиган: Лафзи ҳалол, қуролдош дўстлар; Ўринлайди аҳду паймонни (Уйғун); У Гавҳарнинг лафзи ҳалолли шонлар эди (П.Қодиров. Уч илдиз); **Лафзини ютмоқ** // **лафзида қайтмоқ** – аҳдидан қайтмоқ, айтган гапи, берган ваъдасидан тинма; Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтдингизми? (Поштонор) (А.Қаҳҳор. Оғрик тишлар) каби.

Ш.Раҳматуллаев луғатида “лафзидан қайтмоқ” ўзлашма ибораси сўз(и)дан қайтмоқ, гап(и)дан қайтмоқ, фикр(и)дан қайтмоқ ибораларининг варианты сифатида қайд қилинган холда (ЎТФЛ, 243). Бу иборанинг “лафзини ютмоқ” варианты эса инobatга олинмаган.

Форсча “лашкар” сўзи эскирган ҳарбий атама бўлиб, “давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки унинг бир қисми; қўшин армия” маъноларига эга (ЎТИЛ, 1, 429). Ана шу сўз ёрдамида тилимизда архаик характердаги “лашкар тортмоқ” ўзлашма ибораси ҳосил қилинган. Бу фразеологизм “қўшин билан ҳужумга бормоқ” маъносини билдиради: У Аҳмаднинг устига лашкар тортиб боради (С.Кароматов. Олтин кум); Соҳибқирин Темури эл-юрт осойишталигини ўйлаб, Тўхтамышхон устига яна лашкар тортиб боришга мажбур бўлди (Муҳаммад Али. Улуғ салтанат) каби.

Арабча “мот” сўзи “ўлим, ўлим, ўлдирши; енгилши” каби маъноларга эга (ЎТИЛ, 1, 472). Бу сўз ёрдамида тилимизда “мот бўлмоқ”, “мот қилмоқ”, “мотга тутмоқ” сингари ўзлашма иборалар шаклланиган. Шулардан олдинги иккитаси полисемантик характердадир: **Мот бўлмоқ** – 1) мот ҳолатга тушмоқ, ютқизмоқ: Исфандиёр рақибидан мот бўлди шатранжчидек ўсал бўлиб ўтирди (С.Сийёев. Аваз); 2) мунозара, баҳс ва шу каби беллашувларда енгилмоқ, мулзам ҳолатга тушмоқ: Унинг таҳмин тасодифан тўғри чиқиб қолса, уни Маҳмуднинг ўзи мот бўлади (М.Осим. Карвон йўлларида) каби. **Мот қилмоқ** – 1) мот ҳолатга туширмоқ (шахмат ўйинида): Лаганбардор ходим янги шахматчи бошлиғини икки юришида мот қилди (ЎЗАС); 2) баҳс, мунозара қабилари рақибини енгмоқ: Лекин кўп вақт дўқондор оинасини бир гап билан мот қилиб кўйганини кўпиртириб мақтанади (Мирмуҳсин. Умид) каби. **Мотга тутмоқ** – гап-сўзидан илинтириб (тўхтатиб) устун келишга, “мот қилинган” ҳаракат қилмоқ: Пошманг, Муса ака, бу гапни аъзолар ўртасига ташиш олайлик, қани, умумий мажлис нима дейди, - Низомиддинов Мусани мотга тутмоқчи бўлди (Сайид Аҳмад. Хукм); Бу галвалардан хабар топаётган келиннинг отаси бўлса “Тез қизимни кўчириб кетаман” – деб мотга тутаяётганмиши (Ҳақим Назир. Кўкорол чироклари) каби.

Бу ўринда айрим ўзлашма фразеологизмларнинг имлоси ҳақида ҳам тўхталиш лозим кўринади, чунки лексикографик манбаларда бир ўзлашма ибора турли хил шаклда ёзилмоқда. Масалан, адабий тилимизда эскирган

амири маҳал” ўзлашма ибораси мавжуд. Бу ибора ЎТИЛда *амр(и) маҳал* шаклида ёзилган ҳамда “амалга оширилиши гумон, жуда қийин, мушкул иш” деб изоҳланган (ЎТИЛ, 1, 45). Ш.Раҳматуллаев луғатида бу ибора *амири маҳал* шаклида берилган ҳамда “қилиш қийин” деб жуда қисқа ва бироз ғализроқ изоҳланган кўринади (ЎТФЛ, 21). Янги ЎТИЛда бу ўзлашма ибора “*амирмаҳол*” шаклида қўшиб ёзилган ҳамда унинг полисемантик хусусияти кўрсатилган (ЎТИЛ-5, 1, 80): *Амирмаҳол* – 1) бижарилиши жуда қийин иш: *Тарки одат - амирмаҳол*; 2) асосан кесим нави фасида: қийин, мушкул: *Лекин бари бир мақсадга етмоқ амири маҳол бўлади* – менинг таҳсилим чала қолди (Ойбек. Нур қидириб); ...*Исломотига ўхшаганлардан ақалли беш сўм чиқиши ҳам амирмаҳол* (Н.Аминов. Қўлқоҳа); *Қуюқ туман тушганидан ўн қадам наридаги нарсани кўриш амирмаҳол* (ЎзАС) каби.

Шундай қилиб, ўзбек тили фразеологик тизимидаги ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва уларнинг семантикасидаги ўзгаришлар жараёни жуда мураккаб бўлиб, бу масала фразеология фанида махсус кузатишларни тақозо этади.

Шартли қисқартмалар

1. ЎзАС – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси.
2. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-П том. М. 1981.
3. ЎТФЛ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Тошкент. 1992.

Д.Йўлдошева
СамДУ

Алишер Навоий асарларида афсонавий қуш номлари услубий восита сифатида

Қушлар олами жуда қадим замонлардан буён кишиларни ўзига ром ўтиб келган. Шунинг учун бундай жонзотлар ҳақида азалдан турли хил ривоятлар, афсоналар, эртаклар тўқилган, уларга инсонлар ўзига хос шлохий куч эгаси деб қараганлар. *Хумо, Семурз, Анқо, Сумбулқуш, Қақнус, Самандар, Кўктубилгон* сингари афсонавий қушлар халқимиз хаёлот дунёсининг маҳсули сифатида бир неча минг йиллардан буён афсона ва ривоятларда яшаб келмоқда. Бундай қуш номлари оғзаки адабиётдан ёзма адабиётга ўтиб, шоирлар улар ёрдамида турли хил сўз ўйинлари, шеърый санъатлар яратишга интилганлар. Жумладан, кузатишлар шундан далолат берадики, Алишер Навоий асарларида тўқсондан ортиқ қуш номлари (орнитонимлар) тасвирий восита сифатида қўлланган. Бундай орнитонимларни икки катта гуруҳга ажратиб тасниф қилиш мумкин: а)

хаёлий мифологик ёки афсонавий куш номлари: *анқо, хумо, семур*; ва х.к.; б) ҳаётӣй куш номлари: *колоғ, ход, юртачи, каркас, тўти, шўнқор, қарчигай, бургут, куф, ўрдак, товуқ, худхуд, товус, булбул, қорқаллик, дурроғ, тазарв, кабутар* кабилар. Биз мазкур ишимизда А. Навоӣй асарларида қўлланган айрим афсонавий куш номлари ҳақида ёритмоқчимиз.

Алишер Навоӣй асарларида *қақнус, хумо, анқо, семур*; синг афсонавий мифологик кушларнинг рамзӣй образлари муҳим устувосита вазифасини бажарган. Масалан, “Сабаӣи сайёр” достонининг тўртинчи фаслида Дилоромнинг чанг чалишдаги маҳорати афсонавий *қақнус* ҳақидаги мифологик тасаввурлар асосида куйидаги ўхшатиш ёрдамида тасвирланган:

*Йўқки, қақнусдурур намудори,
Косасидин ажуба минқори.
Сўқба минқори ичра сар-тосар,
Ки, бўлуб анда торларга гузар.
Тор ила нағма беадад бўлубон,
Тор йўқ, нағмаларга мад бўлубон...
Чунки қақнуслиқ айлабон изҳор,
Ўт солиб олам ичра қақнусвор...
Буйла қақнусқа бу сифат товус,
Ҳамнаволиғ аро бўлуб маънус [1].*

Юкорида келтирилган парчада афсонавий куш – *қақнус* билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ўз аксини топган. “Навоӣй асарлари лугатида “*қақнус*” сўзига берилган куйидаги изоҳда ҳам қақнус билан алоқадор афсонавий воқеа “*гўё мусиқа овозининг жаранглаб туриши*” инобатида олинган: қақнус “*мавҳум бир куш бўлиб, афсонага кўра тумшугида жуз кўп тешиклар бўлган ва бу тешиклардан чиққан овоздан гўё мусиқа униси чиқарилган эмиш*” [2].

“*Қақнус*” ўзбек мумтоз шеъриятида кўпинча боқӣй ҳаётининг мифологик тимсоли сифатида тасвирланган бўлиб, “*Лисон ут-тайр*” асарида бу образнинг тўла ва кенг тасвири берилган. Шуниси муҳимки, Алишер Навоӣй “*Лисон ут-тайр*”да Фаридиддин Аттор сиймосини бадиий талкин қилишда афсонавий куш - қақнусдан поэтик детал сифатида фойдаланган. Достонда қақнус образи ёрдамида Ҳиндистонда яшовчи афсонавий куш тимсоли гавдаланади:

*Бор эмиш қақнус деган бир турфа тайр,
Ҳинд мулкида анга орому сайр.
Шакли матбуъу тавоно пайқари,
Ўзга нақшу ранг бирла ҳар пари... [ХП том, 279].*

“*Лисон ут-тайр*”да тасвирланган афсонага кўра, Ҳинд ўлкасида яшовчи бу кушнинг турлича жилолар билан товланадиган патларини

тўнган ҳар қандай кишининг акли лол қолади. Бу қушнинг тумшугида
тўндан-кўп тешикчалар мавжуд бўлиб, улардан шундай гўзал оҳанг
тираладики, бу куйни эшитган ҳар қандай одамнинг унга тасанно айтмай
шожи йўқ. Ўзи яқка яшайдиган бу қуш умри давомида ўтин тўплаш билан
ошора бўлган. Умри охирида ана шу ўзи тўплаган ўтинлар уюми устига
чиқиб сайраган қакнус ноласидан ўт чиқиб ўтин ёниб кетган, қакнуснинг
ўш хам куйиб кулга айланган:

*Чун навосига етишти интиҳо,
Сўнгра тортиб бир ажиб ўтлуқ наво,
Солур эрмиш ул улукхирмонга ўт,
Сокин ўлгон манзилу масканга ўт.
Ўт алам тортар эмиш афлокка,
Барқ тушгандек хасу хошокка,
Ул ўтун ёнгондек ул қуш ҳам ёниб,
Парлари яфроглардек ўртаниб,
Ҳам ўзи, ҳам ул ўтунлар кул бўлуб,
Юз туман жузв ул кўёрдин кул бўлуб [ХП том, 279].*

Лекин ҳаёт абадий бўлганидек, куйиб кулга айланган қакнус ҳам
ўздан из қолдиради, яъни кул остидан қакнуснинг боласи – қакнусбачча
чиқади, у ҳам ўз авлодларининг ўтин йиғиш, кейинчалик ўтин уюмига
чиқиб куйиб кул бўлиш анъанасини давом эттиради. Алишер Навоий ҳаёт
абадийлиги ҳақидаги ана шу буюк фалсафий ҳикматни асарда куйидагича
тасвирлаган:

*Чунки ул куллар угулди тоғча,
Махфий эрмиш кулда бир қакнус бачча.
Тебраниб кулдин чиқиб таскин ила,
Пар чиқориб зийнату ойин ила.
Чун ҳаво айлаб кўруб ул бешани,
Жазм этиб ўтун йиғар андешани.
Умрида ул дағи жамъ айлаб ўтун,
Ул иш асносида тортиб дилкаш ун.
Чун анга ҳам етса поёнига ёш,
Ул дағи айлаб ато қилгани фош [ХП, 280-281].*

Алишер Навоий “Сабъан сайёр” достонидаги иккинчи иклим
йўлидан келган мусофир ҳикояти тасвирида афсонавий қуш – хумо (хумой)
образидан фойдаланган эди. Асарда тўрт нафар товуснинг шоҳ бошига соя
солиши хумога қиёсланади:

*Тўрт товус ҳам очиб нару бол,
Шоҳ боши уза хумой мисол.
Топибон ҳар бири бийик поя,
Айлагайлар қанот ила соя.*

*Поя ўрнида секиз анга сутун,
Остида беркитиб секиз гардун [X, 182].*

Шунигдек, афсонавий қуш *ҳумо* (*ҳумой*) образи Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки аҷам” асарида ҳам муҳим поэтик образ тимсоли сифатида қўлланган:

*Чун тахт узра Дороби равшанзамир,
Ҳумой ўрнига бўлди оромгир.
Анинг дағи йиқти фалак поясин,
Бошидин айирди ҳумо соясин [XIV том, 200].*

Фольклоршунос олим В.Басиловнинг таъкидлашича, қилинган туркий мифологияда аёллар ҳомийси ва ҳосилдорлик, қут-барақа тимсоли сифатида тасаввур қилинган Умай образининг генетик илдизлари ҳам ҳумой қуши ҳақидаги қарашлар билан боғлиқдир [3].

Шунигдек, шоир асарларида ўт (олов)да пайдо бўладиган ва ўтга яшайдиган *самандар*, катта ва баҳайбат *симург*, Қоф тоғида манзил қуриши *анқо* қабилар қушлар тимсоллари ҳам муҳим услубий мақсадлар учун хизмат қилдирилган.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. X том. Тошкент. Фан. 1992. 99-100-бетлар. Мақолада Алишер Навоий асарларидан олинган мисоллар шу нашрдан келтирилди, қавс ичида асар жилди ва саҳифаси кўрсатилди.
2. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: С.Ибрагимов, П. Шамсиев. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972
3. Басилов В. Умай // Мифы народов мира. Т. 2. М. Наука. 1992. С. 547

Д.Абдуллин
Қорақалпоқ/15

Полисемия ходисаси ва унинг ўрганилиши ҳақида

Маълумки, полисемия ҳар қандай тилда ҳам салмоқли ўрн эгаллайди. У ёки бу тилнинг бойлиги фақат сўз ёки ибораларнинг сон, миқдори билан белгиланмайди, балки бу сўзлар ва ибораларнинг маънолари, уларнинг ўзаро муносабати билан ҳам ўлчанади.

Полисемия ходисаси дастлаб фалсафий жиҳатдан, кейинчалик услубий хусусиятлар негизида таҳлил қилинган. Француз семасиологи М.Бреал XX аср бошларида полисемияга соф лингвистик нуқтаи назардан ёндашишни бошлаб берган эди¹. Таникли рус тилшуноси А.А.Потебнянинг фикрича, “...қаерда икки маъно бўлса, ўша ерда икки мустақил сўз бор”². Бу фикрга кўра, полисемантик сўз структураси таркибида нечта маъно

¹ Breal M. Essai de sémantique. – 6 ed. Paris, 1913. – p. 243.

² Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Издание 2. Т. IУ. М. 1941. С. 198.

булса, уни шунча мустақил сўз, деб изоҳламоқ лозим. Олим бу фикри билан тилдаги полисемия ҳодисасини тан олмаслигини таъкидлайди. Академик Л.В.Щерба ҳам ўзининг машхур “Русча-французча лугат” (1959)ининг “Сўз боши”сида: “Барча сўзлар шунчалик кўп маъноли, шунчалик диалектал хусусиятга эгаки, уларнинг барча маъноларини бир лугатда тўла очиб бериш анча мушкул”³, - деган эди. О.Есперсеннинг фикрича, “тил полисемантик сўзлардан холи килинганда эди, “лингвистик лўзах”га айланган бўларди”⁴.

Умуман олганда, инсон дунёни бир бутун ҳолатда кўриб тушунади ҳамда моддий оламнинг ўзаро алоқадорлиги асосида уларни бир-бири билан қиёслаб, узлуксиз ҳаракатдалиги ва эскиси ўрнига янгиси келиб туриши ҳолатида англайди⁵. Бу жиҳатдан полисемия инсон билимининг характери билан боғлиқ бўлиб, турли халқлардаги билим характерининг турлича эканлиги билан ўша халқ тилидаги полисемияларда ўз ифодасини тонади. Агар аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай полисемантик ҳодиса албатта миллий характер касб этади. Масалан, *тутилмаган* луғавий маъносини рус тилида *чистый* сўзи орқали ифодалаш мумкин: чистая тетрадь. Ўзбек тилида эса худди шу луғавий маъно *тоза* сўзи орқали эмас, балки *янги* сўзининг бир семантик қирраси орқаси ифодаланади: *янги дафтар*. Бу бирикма таркибидаги *янги* сўзи рус тилига икки хил таржима қилинади: *новый тетрадь* *янги дафта* – *новый тетрадь*; *янги дафтар-чистая тетрадь* каби.

Қардош туркий тилларда ҳам сўзнинг полисемантик хусусияти бир-бирдан кескин фарқ қилиши мумкин. Масалан, *муҳаббат қўймоқ* луғавий маъноси ўзбек тилида *севмоқ*, татар тилида эса *ярату* сўзи орқали ифодаланади. Татар тилида *ёқтирмоқ* ва *муҳаббат қўймоқ* луғавий маъноларини ўз семантик структурасида бирлаштирган *ярату* сўзи бўлиб⁶, бу сўз ўзбек тилида умуман мавжуд эмас, яъни тилимиздаги “яратмоқ” феъли *бунёд этмоқ*, *вужудга келтирмоқ* маъноларини ифодалашга хизмат қилади (ЎТИЛ, II, 485).

Бундан кўринадики, полисемия ҳодисаси тилнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилиши зарур бўлган масалаларидан бири саналади. Бу ҳодисанинг назарий томони тилнинг семантик жиҳатдан тараққиётини, даврлар ўтиши билан тил бойлиги ошиб бораётганини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Полисемиянинг амалий томони эса сўз ва ибораларни луғатлар, дарслик ва қўлланмаларда изоҳлаш, турли хил луғатлар тузиш, таржима жараёнини такомиллаштиришда яққол кўзга ташланади.

³ Щерба Л.В. Русско-французский словарь. М. 1959. С.4.

⁴ Jespersen O. Mankind, Nation and Individual from a Linguistic Point of View. Oslo. 1925. p. 89.

⁵ Фансафа. Маърузалар матни. Тошкент. 2000.

⁶ Татарско-русский словарь. -М. 1966. С. 713.

Тилшуносликда луғавий, грамматик ва фразеологик полисемия масалаларига бағишланган қатор ишлар эълон қилинган. Масалан О.С.Ахмановнинг тадқиқотида омонимия ва полисемияга оид характерли белгилар рус тили материали асосида чуқур тадқиқ этилган⁷.

Ўзбек тилшунослигида полисемия ҳодисаси дастлаб луғавий семасиологик йўналишда ўрганилди. Масалан, Т.Алиқуловнинг «Ўзбек тилидаги от туркумига оид сўзларда полисемия» мавзусидаги номзодлик ишида полисемантик сўзларни вужудга келтирувчи лексик маъноларнинг ҳосил бўлиш усуллари тадқиқ этилади⁸. М.Содиқовнинг номзодлик ишида эса ўзбек тилидаги ранг-тус билдирувчи сўзларнинг семантик структураси таҳлил қилинган⁹. Д.Бозоровнинг номзодлик ишида туркий тиллардаги тана аъзолари номлари (соматизмлар)нинг семантик структураси, уларнинг кўча маъно ифодалаш хусусиятлари ўрганилган¹⁰. М.Миртожиевнинг «Ўзбек тилида полисемия» номли монографиясида ўзбек тилшунослигида муҳим аҳамият касб этади. Бу ишда полисемия ҳодисаси қуйидаги тўрт қисмга ажратиб таҳлил қилинган: а) полисемия ва унга ёндош ҳодисалар; б) полисемиянинг юзага келиш усуллари; в) полисемиянинг таснифи; г) полисемияда сўз структураси¹¹. Ошма полисемиянинг ўзига ёндош ҳодисалар билан муносабатини ўрганар экан, полисемантик сўз маъносини фразеологик бирлик (ФБ)нинг маъноси билан қориштириб юбориш ҳоллари мавжудлигини тўғри таъкидлашдан Бундай қориштириш полисемантик сўзнинг семантик структурасини тўғри белгилашга салбий таъсир кўрсатади. Шу ўринда М.Миртожиевнинг *«Кўш очилди, эсини йўқотмо»* ФБларининг семантик структураси таҳлилида чалқашликка йўл қўйган О.Азизов ва С.Усмоновларни танқид қилишнинг асосли, деб ҳисоблаймиз.

Полисемия ҳодисаси тилдаги шаклий-мазмуний номутаносиблик (асимметрия) билан узвий боғлиқдир. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида грамматикадаги шаклий-мазмуний номувофикликни ўрганишга доир қатор ишлар юзага кела бошлади. Жумладан, ўзбек тили морфемикасининг асосий масалалардан бири бўлган аффиксация билан боғлиқ шакл ва мазмун номутаносиблиги муаммоси ҳам А.Бердиалиев, М.Жўрабоева, Ё.Тожиев, Т.Мирзакулов сингари олимларнинг диққат марказида бўлди. 1999 йилда Г.Роziқова «Ўзбек тилида синтактик полисемия» мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилган эди. Бу ишнинг биринчи боби «Ҳап қурилишида шаклий-мазмуний

⁷ Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. М. МГУ. 1957. С. 104-165.

⁸ Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент. 1966.

⁹ Садикова М. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент. 1963.

¹⁰ Базарова Д.Х. Семантика наименований частей тела и производных от них в тюркских языках. Автореф. дис... канд. филол. наук. Ташкент. 1967.

¹¹ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент. Фан. 1975.

номутаносиблик ва синтактик полисемия” деб номланиб, унда гапнинг тил белгиларига муносабати, гап курилишига хос шаклий-мазмуний номуносивлик ҳамда синтактик полисемиянинг тил ва нутқ сатҳларига кўра фарқланиши ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Диссертациянинг сўнги - иккинчи бобида синтактик полисемияга тил ҳодисаси сифатида енадишилган ҳамда синтактик полисемия ва синтактик омонимия ҳодисаларининг ўхшаш ҳамда фарқли томонларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Тадқиқотчи таъкидлаганидек, “номутаносиблик тил тараққиётини белгилловчи ижобий ҳодисалардан биридир. У қайси сатҳда бўлишидан қатъий назар, тилнинг белгилик табиатига асосланади” (23-бет).

Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, номуносивликнинг икки томони мавжуд: парадигматик номуносивлик (синонимия, параллелизм қабилар) ва синтагматик номуносивлик (омонимия, полисемия, полифункционаллик ва бошқалар)¹². ФБларнинг асосий хусусиятларини шаклий-мазмуний номувофиклик нуқтаи назаридан аниқ фарқлаш уларни бошқа тил ҳодисалари орасида тутган ўрнини тўғри белгилашга ёрдам беради. В.Г.Гак ФБнинг асосий уч хусусиятини таъкидлаб кўрсатади: а) бирдан ортиқ компонентга эга бўлиш; б) маънонинг кўчма характерга эга эканлиги; в) қўлланишдаги турғунлик. Ана шу уч хусусиятдан бирининг мавжуд бўлмаслиги ўша тил бирлигини ФБдан бошқа бирликлар таркибига ўтишига асос бўлади.

Фразеологик полисемия ҳодисаси тилшуносликда нисбатан кам ўрганилган. Чунки бу ҳодиса билан дастлаб луғат тузувчи олимлар дуч келдилар. Таниқли рус фразеолог А.М.Бабкин “Рус тилининг фразеологик луғати” (1967)ни тузиш билан боғлиқ ҳолда фразеологик полисемияни изоҳлаш тамойиллари ҳақида жиддий изланишлар олиб борган эди¹³. Л.Э.Бинович рус ва немис тиллари фразеологик фондини ўрганиб, кўп маънолилик фақат сўзларгагина эмас, балки ибораларга ҳам хос эканлигини ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ алоҳида таъкидлаган эди¹⁴. Ю.Д.Апресян эса инглиз тилидаги фразеологик синонимияни ўрганиш жараёнида иборалардаги маънодошлик кўп маънолилик туфайли анча мураккаблашади, уни аниқлаш ва ўзаро фарқлаш ҳам ўз-ўзидан жиддий кузатишлар талаб қилади, деб таъкидлайди¹⁵. И.И.Чернишева эса Ю.Д.Апресяннинг фразеологик синонимия ва полисемия ҳақидаги назарий қарашларига таянган ҳолда немис тили фразеологик тизимидаги шундай

¹² Гак В.Г. Фразеологические единицы в свете асимметрии языкового знака // Труды СамГУ. Новая серия, выпуск № 277. Вопросы фразеологии. УП. – Самарканд, 1976. С.5-13.

¹³ Бабкин А.М. Лексикографическая разработка русской фразеологии. М.-Л. Наука. 1964. С. 172-180.

¹⁴ Бинович Л.Э. О многозначности идиом // Иностранные языки в школе. 1952. № 5. С. 29-36.

¹⁵ Апресян Ю.Д. Фразеологические синонимы в современном английском языке (тип «глагол + существительное») // Ученые записки Первого Московского гос пед института иностранных языков. Т.ХУ. М. 1957. С. 241-284.

ходисаларни тадқиқ этиш билан шуғулланган эди¹⁶. Фразеологик полисемия ҳодисасининг таҳлилида Н.А.Кирсанованинг мақоласи алоҳида ўринга эга бўлган эди¹⁷. Профессор Ш.Раҳматуллаевнинг докторлик диссертацияси ва шу асосда эълон қилинган “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли монографиясининг алоҳида боби фразеологик полисемия муаммолари таҳлилига бағишланган эди¹⁸. Бу ишда фразеологик полисемия ҳодисасига қуйидаги уч томондан ёндашилган: а) полисемиянинг миқдори; б) бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг миқдори; в) бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабати (7-бет). Олим “Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати” (1964)да талқин қилинган 998 та иборанинг 156 таси кўп маъноли эканлигини аниқлаган ва шу асосда ўз илмий кузатишларини амалга оширган. Биз эса ўзбек тилидаги кўп маъноли фраземаларнинг луғатларда изоҳланиш тамойилларини ўрганиш жараёнида тилимиздаги 263та ибора кўп маъноли эканлигини аниқладик.

Умуман олганда, полисемия ҳодисаси сўзлардагина эмас, ибораларда ҳам кенг тарқалган. Кўп маъноли ФБлар иккитадан еттигача фразеологик маъно ифодалашга хизмат қилади. Биз ўрганган кўп маъноли ФБларнинг 80 фойизга яқини асосан икки маънолидир. Луғатларда кўп маъноли ФБларни лексикографик кодификациялашнинг аниқ тамойиллари ҳозирча ишлаб чиқилмагани боис бундай ибораларни луғатларга киритиш, уларнинг маъно миқдорини белгилаш, компонент таркибини ва синтактик қуршовини аниқлаш соҳасида ўзбек фразеологияси ҳамда фразеографиясида бир хилликка эришилганича йўл. Бу масалаларни тадқиқ этиш алоҳида изланишларни талаб қилади.

Б.Абдушукуров
Республика Президенти ҳузуридаги
Давлат қурилиши академияси

«Қисаси Рабғузий» асаридаги феъл - лексемалар

Феъл бошқа барча сўз туркумларига нисбатан энг амалий, энг мураккаб ва айни вақтда семантик жиҳатдан ранг-баранг грамматик категориядир. Феъл синтактик конструкцияларда марказий ўринни эгаллайди, гап структурасини белгилайди, унинг қандай маъноли

¹⁶ Чернышева И.И. Явления синонимии и полисемии в фразеологии немецкого языка // Иностранные языки в школе. 1960. № 6. С. 106-110.

¹⁷ Кирсанова Н.А. О некоторых семантических признаках фразеологических единиц (к вопросу о многозначности и синонимике в сфере фразеологии) // Проблемы фразеологии. Исследования и материалы. М. Просвещение. 1964. С. 84-91.

¹⁸ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Тошкент. Фан. 1966. 5-46-бетлар.

Фўлардан таркиб топишини билдириш имконига ҳам эга бўлади¹. Демак, феъл морфологияда муҳим ўрин тутади. Сўз туркумлари ичида асосий ўринни отлар ва феъллар ташкил қилиши эътиборга олинса, унинг кенг соҳа эканлиги англашилади.

Туркология ва ўзбек тилшунослигида феъл сўз туркуми бўйича кўнгина тадқиқотлар амалга оширилган². «Қисаси Рабғузий»да 991 та феъл-лексемалар қўлланган бўлиб, шундан 976 тасини соф туркийча, 4 тасини арабча, 11 тасини эса форс-тожик тилига оид ўзлашмалардан ишланган феъл-лексемалар ташкил этади. Уларни семантик ва грамматик белгиларига кўра, қуйидаги мавзуй гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Нутқ феъллари. Мазкур феъллар ўз навбатида кичик гуруҳларга тақсимланади:

1) дэ=/тэ= – «демок», «айтмоқ» феъли;

2) сўзлов феъллари: сўзлә=«сўзламоқ»; тэдўр=«сўзлатмоқ», ирсық= - «алданмоқ», алда=«алдамоқ», йалға= - «ёлғон гапирмоқ», сана=«санамоқ»;

3) талаффуз феъллари: бақыр= - «бақирмоқ», йығ= - «йигламоқ», қычқыр=«қичқирмоқ», қығыр= - «бақирмоқ», чақир= - «чақирмоқ»;

4) хабар феъллари: айт= - «айтмоқ», билдўр= - «билдирмоқ», ийткўр= - «етказмоқ»;

5) симметрик нутқ феъллари: сўзләш= - «сўзлашмоқ», айтыш= - «баҳслашмоқ», тартыш= - «тортишмоқ», кэнәш= - «кенгашмоқ», тэйиш= - «сўзлашмоқ, гаплашмоқ»;

6) нутқий алоқа феъллари: сора= - «сўрамоқ», қол= - «илтимос қилмоқ, сўрамоқ», кўндўр= - «кўндирмоқ», тан= - «тонмоқ, инкор қилмоқ», уна= - «унамоқ, рози бўлмоқ»;

7) нутқий баҳо феъллари: ёғ= - мактамоқ; қарға= - «қарғамоқ», сўк= -«сўкмоқ», йэр=«айбламоқ», йаманла=«ёмонламоқ», йавузла=«ёмонламоқ»;

8) нутқий даъват феъллари: буйур= - «буюрмоқ», ётўн= - «ўтинмоқ», йалбар= - «ёлвормоқ», чарла= - «чорламоқ», ёгит= - «насихат қилмоқ», фарманла= - «буйрук бермоқ»³.

¹ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатив валентликлари. Тошкент. Фан. 1989. 3-бет.

² Тенишев Э. Глаголы движения в тюркских языках//Историческое развитие лексики тюркских языков. М. 1961.С. 232-293; Нигматов Х. Морфология тюркского глагола по материалам словаря Махмуда Кашгарского. Авторет. канд. дисс. Л. 1970; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл майлларининг таракқиёти. Тошкент. Фан. 1980; Щербак А. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол) .Л. 1981; Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. Тошкент. Фан. 1991; Солиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспекта). Филол. фан. д-ри... дис. Тошкент. 1991. 288-б.

³ Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке. Автореф. док. дисс.Ташкент.. 1978. С.40.

II. Ҳолат феъллари⁴. Ушбу мавзуй гуруҳлар ҳам айна пайтанда кичик кичик гуруҳларга бўлинади:

а) давомли ҳолат феъллари: йат= - «ётмоқ», йаша= - «яшamoқ», тур=«турмоқ», қал=«қолмоқ», тўна= - «тунамoқ», олтур= - «ўтирmoқ», орна= - «ўрнашмоқ»;

б) ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари: тын=«тинмоқ», тоқта=«тўқтамoқ», тол=«тўлмоқ», туташ=«туташмоқ», сан/сана=«совимоқ», эскир=«эскирмоқ», қон=«қўнмоқ», қан= - «қонмоқ», туймоқ=«ёпишмоқ», йару= - «ёришмоқ», йағу//йаву= - «яқинлашмоқ», қарар= - «қораймоқ»;

в) ижро ҳолати феъллари: асра=«асрамoқ», қоры= - «қўришмоқ», сақла=«сақламоқ», йашур=«яширмоқ», тўзат= - «тузатмоқ», қиш/қишмоқ=«яширмоқ», оңат= - «тузатмоқ»;

г) ҳаракатнинг ҳолати феъллари: аз=«адашмоқ», болан/боланмоқ=«кўпаймоқ», арыт= - «тозаламоқ», кўпал= - «кўпаймоқ», йиғи/йиғишмоқ=«енгиллашмоқ»;

д) малака ҳолати феъллари: ўгрән//ўргән= - «ўрганмоқ», ишн/ишонмоқ=«ишонмоқ», тапун= - «сиғинмоқ»;

е) образли ҳаёт феъллари: йална=«оловланмоқ, алангаланмоқ», йан= - «ёнмоқ», йашна= - «яшнамоқ, ялтирамoқ», балқы= - «порламоқ», сол= - «сўлмоқ», бэзә= - «безамoқ»;

ё) биологик ҳолат феъллари: қары=«қаримоқ», йықла/йықламоқ=«йиқилмоқ», ачық= - «қорни очмоқ», чэчәклән= - «очилмоқ, гулламоқ», чўри= - «чиримоқ», йазыл= - «очилмоқ», сувса= - «сувсамoқ», улғар/улғармоқ=«улғаймоқ», йашар=«яшармоқ», той= - «тўймоқ»;

ж) физиологик ҳолат феъллари: ар= - «чарчамoқ», ағры= - «касалоқ», бўлмоқ=«эгилмоқ», ол= - «вафот этмоқ», эмгән= - «қийналмоқ», машаққат тортмоқ», сэмўр= - «семирмоқ», тэрла= - «терламоқ», тўзал=«тузалмоқ», уйуқла= - «ухламоқ», иглән= - «хасталанмоқ», амрул/амрулмоқ=«тинчланмоқ»;

з) рухий ҳолат феъллари: увтан= - «уялмоқ», ачығлан/ачығланмоқ=«аччиғланмоқ», бушуқ= - «асабийлашмоқ», хошлан= - «хурсанд бўлмоқ», кўл= - «кулмоқ», қорқ= - «қўрқмоқ», б(в)кәлә= - «хафа бўлмоқ», бкўн/бкўнмоқ=«ўкунмоқ», қуван= - «қувонмоқ», сэв(в)ўн= - «севинмоқ», авун/авунмоқ=«овунмоқ», чыда= - «чидамoқ».

III. Ҳаракат феъллари. Қисса тилида истифода этилган ушбу лексемаларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин⁵:

⁴ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Тошкент. Фан. 1989. 141- бет.

⁵ Мухамедова С. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантик таснифи//Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. №1. 54-59-бетлар; Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол.фан.док.дисс.автореф. Тошкент. 2007. 48- 6.

1) йўналма ҳаракат феъллари: ызала= – «юбормоқ», йору= – «нормоқ», чап= – «чопмоқ», кир= – «кирмоқ», чык= – «чикмоқ», ақ= – «оқмоқ», қач= – «қочмоқ», кэл= – «келмоқ», бар= – «бормоқ», кбч= – «кўчмоқ», изла= – «изламоқ», кэч= – «кечмоқ», сус= – «сузмоқ»;

2) тик ҳаракат феъллари: тўш= – «тушмоқ», ин= – «тушмоқ», сал= – «солмоқ», йағ= – «ёғмоқ», қаз=, батур= – «ботирмоқ», там= – «томчиламоқ», ташла= – «ташламоқ», аш= – «ошмоқ», сакра= – «сакрамоқ»;

3) айланма ҳаракат феъллари: эгир= – «айлантирмоқ», эврўл= – «бурилмоқ, айланмоқ», ағна= – «ағнамоқ», кэз= – «кезмоқ», йумалан= – «юмаланмоқ»;

4) тебранма ҳаракат феъллари: ырга= – «иргамоқ», кумрул= – «қимилламоқ», силкин= – «силкинмоқ», тэбрән= – «тебранмоқ», йэлпи= – «елпимоқ»;

5) фаолият натижаси бўлган ҳаракат феъллари: багла= – «богламоқ», ула= – «уламоқ», ануқла= – «тайёрламоқ», анут= – «ҳозирламоқ», қундакла= – «йўргакламоқ», йап= – «ёпмоқ», артар= – «бузмоқ», қапа/қаб= – «ёпмоқ», қат= – «қўшмоқ, аралаштирмоқ»; занжирла= – «занжирламоқ»; таң= – «богламоқ»;

6) жисмоний таъсир ҳаракати феъллари: тэп= – «тепмоқ»; тэл= – «тешмоқ, қазмоқ»; эмла= – «даволамоқ»; санч= – «санчмоқ»; бас= – «босмоқ»; эз= – «эзмоқ»; ал= – «олмоқ»; йамур= – «йиқитмоқ», тайақла= – «таёқламоқ»; ур= – «урмоқ»; алыш= – «олишмоқ», тоқуш= – «урушмоқ»; тэпўн= – «хужум, ҳамла қилмоқ»;

7) оғиз бўшлиғида амалга оширилувчи ҳаракатларни ифодаловчи феъллар: туwкур= – «туфламоқ»; сор= – «сўрмоқ»; ўр= – «пуфламоқ»; тишлā= – тишламоқ; оқы= – «ўқимоқ»; чайна= – «чайнамоқ»; эм= – «эммоқ»; ич= – «ичмоқ»; йут= – «ютмоқ»; отла= – «ўтламоқ»; аша= – «овқатланмоқ»;

8) адрессив ҳаракат феъллари: бэр= – «бермоқ»; ат= – «отмоқ»; сат= – «сотмоқ»; узат= – «узатмоқ»; улаш= – «улашмоқ»; сач= – «сочмоқ»; бөл= – «бўлмоқ, қисмларга ажратмоқ», савур= – «совурмоқ, сочмоқ».

IV. Юмуш феъллари сирасига кирувчи лексик бирликлар⁶: тэр= – «термоқ»; тōк= – «тўкмоқ», тик=«тикмоқ», сағ= – «соғмоқ»; сува= – «сувамоқ»; сўпур= – «супурмоқ»; сўрт=«суртмоқ»; сой=«сўймоқ», тоқы=«тўқимоқ»; ишла= – «ишламоқ»; қақ=«қоқмоқ», қырк=«қиркмоқ», йўклā= – «юкламоқ», қур=«қурмоқ»; эк= – «экмоқ»;

V. Сизги феъллари гуруҳига тегишли феъллар⁷: ачит= – «ачитмоқ», бур=«ҳидланмоқ»; ыслан= – «исланмоқ, хидланмоқ»; ириглāн= –

⁶ Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш феълларининг маъно валентликлари /Филол. фан номзоди. дисс. автореф. Тошкент. 1996. 19-б.

⁷ Мусаев Т. Ўзбек тилида сезги феъллари. Филол. фан. номзоди. дисс. Тошкент. 1992. 116-б.

«бўртмоқ, пишмоқ»; канат= – «қонатмоқ»; саз= – «сезмоқ»; шини
«шишмоқ».

VI. Кўрув феъллари⁸: бақ= – «қарамок»; тэлмўр= – «телмур»;
қара= – «қарамок»; кўр= – «кўрмоқ»; кўрсат= – кўрсатмоқ; кўрун
«кўринмоқ»; тикил= – «тикилмоқ»; йўзлән= – «юзланмоқ, қарамок».

VII. Таклид асосида вужудга келган феъллар⁹: инграп
«инграмоқ», мўнла= – «сикилмоқ, кайғурмоқ», мўнлән= – «айт
ботмоқ», чирла= – «чирилламоқ», урла= – «улимоқ, бақирмоқ»; титра
«титрамоқ».

VIII. Эшитиш феъллари: эшит=//ишит= – «эшитмоқ»
эшитил=//ишитил= – «эшитилмоқ»; таңла= – «хайрон қолмоқ»; тинчи
«ажабланмоқ»; тиңла= – «тингламоқ».

Шундай қилиб, қисса сўз бойлигида қўлланилган феъл
лексемаларни тадқиқ этиш натижасида феъллар миқдор нисбати бўйича
сўз туркумига оид лексик birlikлардан кейинги, иккинчи ўринда
эгаллаши, сўзларни боғлашда муҳим восита вазифасини бақариш
синтактик имкониятларининг кенглиги маълум бўлди.

Р.Мавланова
ТВ/ШН

XV аср мунозаралар лексикасининг айрим хусусиятлари

XV асрда яратилган Юсуф Амирийнинг “Ҷоғир ва Банг”, Яқинийнинг
“Ўқ ва Ёй”, Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси” каби асарлар¹ матн
кузатиш жараёнида қўлланилган сўзларнинг ўша давр эски ўзбек адабий
тили нормасига биноан аксарият сўзлар ўз қатламга, яъни туркий, эски
ўзбек тилига мансублиги билан ажралиб туради. Асарда қўлланган ўз ва
ўзлашган қатламга оид сўзлар тарихий лексикология нуқтаи назаридан
кузатилганда, албатта, даставвал ижодкорлар ўз она тили лексика
бойликларидан моҳирона фойдаланиб, уларни ўз ва кўчма маъноларда,
шоирона ташбеҳлар асосида истеъфода этганлиги аён бўлади.

1. Кундалик турмушда фаол қўлланиладиган сўзлар.

XV аср мунозаралари тилида қўлланган туркий сўзларнинг аксарияти
бошқа кўринишдаги туркий сўзларга нисбатан сон жиҳатдан кўп, феъл
истеъмолда бўлиши билан фарқланади. Фаол истеъмолда бўлган
сўзларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланишда даним
этаётганлиги билан ажралиб туради. Масалан урди, ичра, эрди, бўллуб, уд

⁸ Сиддиков З. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари сementикаси. Филол.фан.номзоди. дисс.
Тошкент.:2000.

⁹ Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи. Филол.фан.номзоди
дисс.автореф. Тошкент. 2007. 26-б.

у, бир, уламок, ушбу, деди, оти, юрак, эски, куш, эр, киши, иш, кун, тун, ш, мен, сен, юз, бел, куч, аччик, қон, дарё, кўз ва бошқалар.

Мунозаралар тилидаги бу типдаги сўзлар турли соҳаларга мансуб сўзлар сифатида туркий тиллар ёзма ёдгорликларида қўлланилиб келинмоқда. У XV аср ёзма ёдгорликлари, жумладан, мунозаралар ва ундан кейинги даврларда ҳам узлуксиз қўлланишда давом этиб келаётган туркий (эски ўзбек тили) сўзлари тизими, ўзига хос тил занжирини юзага келтиради. Бу сўзлар турли даврларда, турли адабий асарларда доимий равишда қўлланиши нуқтаи назаридан тарихийдир. Бундай сўзлар илмий адабиётларда архисистема (умумсема) деб аталади. Эски ўзбек адабий тили тарихида, жумладан, мунозаралар лексикасида асосий луғат фонди, деб аталувчи лисоний тизимнинг моҳиятини, ўша сўзларнинг қўлланиш соҳасини, ҳажми ва чегарасини белгилаш тилшунослик, қолаверса, ўз тилида яратилган мунозаралар лексикасини ўрганиш учун ҳам муҳимдир. Шоир бундай сўзларни қўллашда унинг тарихий даврлар маҳсули эканлигига, тилда барқарор ва турғунлигига, кенг истеъмолда бўлишига, умумхалқ учун тушунарли, кундалик турмуш учун фаол лексик бирлик эканлигига, тилнинг асосий воситаси, янги сўзлар учун асос, база эканлигини бажариши каби жиҳатларга эътибор берган.

1. Қадимги туркий тилга хос сўзлар.

XV асрда яратилган мунозаралар тилида қадимги туркий тил мансурлари ҳисобланмиш кўхна сўзлар ўринли ишлатилганлиги билан ажралиб туради. Масалан, билиг “доно, билимдон”, кўт “саодат, бихтиёрлик”, тимсанмок “интиломқ”, бикин “энди”, тағи//дағи “яна, тагин”, курсоқ “корин”, изда – “изламоқ”, битик “ёзув”, катон “мато”, ингоч “ёғоч, дарахт”, аёк “идиш, коса”, тамуг “дўзах” ва бошқалар.

Мунозараларда баъзи байт мисраларида қадимги туркий тилларга хос сўзларни имконияти борича айнан ишлатишга, аслидай қўллашга ҳаракат қилинган. Масалан:

Ўтру келиб барча аёк туттилар,

Бош қўноб барча қулоқ туттилар (249-бет).

Ушбу байтда ўтру “тўғри, рўбарў”, аёк тут- “май узатмоқ, қадаҳ тутмоқ” сўзлари ўз ўрнида ишлатилган.

Ёки:

Баъзи шугуфта хотиру хушвақт гул бикин,... (249-бет).

“Банг ва Чоғир” дан келтирилган мазкур мисрада ҳам қадимги туркий тилга хос бикин сўзи қайд этилган.

Асарларда қўлланилган бир қатор туркий тилларга хос сўзлар кейинги даврларда фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда ишлатилиб келаётганлиги билан ажралиб туради. Масалан, кебак – кепак, б>п, мундин – бундин б>м, ўлум – ўлим у>и, издаса – изласа д>л, иничка ва бошқалар. Мунозараларда қадимги туркий тилларга хос сўзлар баъзида шоирнинг сўз

қўллаш махорати билан боғлиқ сўз шаклларининг ўзгарган шакллари ишлатилиш ҳоллари ҳам учрайди:

Кўйма бу сўзга чу билурсен билек,

Бас юракинг, корнингга қўйқин илик (265-бет).

Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси”дан “Танбура таъриз била айткани” мунозарасидан олинган ушбу байтда илик қўй- сўз биринчи қадимги туркий тилга хос бўлиб, ўзининг асли ҳолатини сақлаган шаклда ишлатилган. Қадимги туркий тилга хос сўзларнинг баъзида Талаффуз нуқтаи назаридан ўзгартирилиб қўлланиши ҳолати ҳам учрайди.

2. Қоришиқ типдаги ясама сўзлар.

Ҳар қандай бадиий асар тили, унинг луғат таркиби бойлиги ва оширишда ички манба имкониятлари муҳим омилдир, аммо баъзи тиллар каби ўзбек тили учун ҳам фақат ўз қатлам бойлиги ва имкониятларигина кифоя қилмайди. Ўзбек тили луғат таркиби ва бойлиги такомиллашувида ташқи манба ҳам муҳим роль ўйнайди. Туркий тилларнинг тарихий шароитидан келиб чиқиб, ўзаро муносабатда бўлиши табиий ҳолдир. Мунозаралар тилида ҳам ўзлашмаларга ўзбекча қўшимчалар қўшиш ёрдамида янги-янги сўз ва сўз шакллар ҳосил қилинган. Бундай қоришиқ ўзлашма сўзлар XV аср адабий манбаларидан жумладан, мунозараларда ҳам фаол истеъмолда бўлган.

3. Арабча-ўзбекча қоришиқ сўзлар.

Туркий, жумладан, эски ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган сўзлар аслида қадимдан аралаш ҳолда қўлланиб келаётганлиги кўпчиликка аён. Турли соҳаларга мансуб арабча сўзларнинг аксарияти оригинал тилдаги шаклини сақлаган ҳолда қўлланса, баъзилари ўзлаштирувчи тилга сезиларли ўзгаришларга учраган, унинг фонетик-орфографик қонуниятларига мослаштирилган. XV аср мунозаралари мисолида арабча сўзларнинг эски ўзбек тилига морфологик жиҳатдан мослашиши, ўзбек тилидаги грамматик шакл ясовчи қўшимчаларни қабул қила олиши ёрқин кўринади. Мунозараларда эски ўзбек тилидаги арабча негизлар, ўзбекча аффикслар ёрдамида янги-янги сўзлар ясашга имкон берган. Ушбу сўзлар ўзбек тили тарихий лексикологиясининг ўз ички манбалари ҳисобида бойиб боришига хизмат қилади.

Хуллас, кундалик турмушда фаол истеъмолда бўлган туркий сўзлар мунозаралар тилининг асосини ташкил этганлиги ўз исботини топди.

Мунозаралар лексикасида қўлланган қадимги туркий сўзларнинг маълум қисми XV аср адабий манбалари лексикасида ҳам ҳеч қандай ўзгаришсиз айнан ишлатилганлиги келганлиги аён бўлди. Айни патла мунозара лексикаси муайян таркибининг ёзилиши ва ўқилишида давр тили талаби асосида айрим ўзгаришларга учраш ҳоллар ҳам йўқ эмас.

XV асрга оид мунозаралар тилида қоришиқ типли сўзлар кўпчиликти ташкил этганлиги ҳам маълум бўлди.

Адабиётлар

1. Щербак А.М. Писменные памятники Востока. М. 1980 .С. 236: Рустамов Э. Узбекская поэзия и первое половение XV века. Восточная литература. М. 1963. С. 214-228// Советское востоковедение. М. 1957. №4. С. 90-100.
2. Муборак мактублар. Юсуф Амирий Чоғир ва Банг. Яқиний. Ўқ ва Ёй”, Аҳмадий. Созлар мунозараси. Тошкент. 247-272-бетлар.

А. Ҳасанов
ҚДПИ

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида оғзаки нутқ лексикаси

Бадий адабиёт тили бадий-образли тил бўлгани боис ифодали, таъсирчан, эмоционал-экспрессив воситаларга таянади¹. Халқ тилида мавжуд бўлган, фақат сўзлашув тили учун хосланган лексик бирликлар ҳам ёзувчи учун бадий-образли, таъсирчан фикр ифодаловчи манба бўлиши мумкин.

Асар бадиятини ташкил этувчи лексик бирликларнинг бадий-эстетик вазифасини ёзувчининг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ ҳолда ўрганишнинг аҳамияти катта. Зеро, ёзувчининг бадий маҳорати унинг сўз қўллаш манераси билан белгиланади. Умуман, сўз санъаткорлари оғзаки нутқ лексикасидан бадий матннинг бадий-образлилигини, эстетик-таъсирчанлигини оширишда, персонажлар нутқини, характер-хусусиятини, ўзига хос тарзда ифодалашда, жонли сўзлашув тилига миллий-маҳаллий колорит бағишлашда унумли фойдаланадилар.

Оғзаки нутқ лексикаси умумхалқ тили доирасидаги сўзлашув тилига хос луғавий бирликлар, ноадабий қатламга оид диалектизмлар, жаргон ва арголар, вульгаризм, варваризм каби луғавий қатламларни ўз ичига олади. Биз қуйида оғзаки нутқ лексикасининг бир тармоғи – умумхалқ тили доирасидаги жонли сўзлашув тилига хос луғавий бирликлар ва уларнинг бадий матндаги услубий имкониятлари ҳақида фикр юритамиз.

Бутун ижоди давомида халқ тилидан илҳомланган, ҳаётий соддаликни муқаддас деб билган Абдулла Қаҳҳор жонли халқ тилини бадий адабиёт тилига шундай пайванд қилганки, натижада асар бадиятида ҳаққонийлик, табиийлик, содалик ва самимийлик юзага чиқиб, сўзлашув тилига хос лексик бирликларнинг ўзига хос бадий-эстетик хусусиятларини намоён этган. Шу боис тилшунос олим Н.Маҳмудов Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига бағишланган илмий мақоласида адибнинг халқ тилидан фойдаланиш маҳоратига юксак баҳо бериб: «Абдулла Қаҳҳор сўзи – чинакамига халқ сўзи»² деб эътироф этади.

¹ Умурукулов Б. Бадий адабиётда сўз. Т. Фан. 1993. 105-бет.

² Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир// УТА. 1987. №4. 34 -бет

Абдулла Қаҳҳорнинг сўздан фойдаланиш маҳорати ўзига хос. Ёзувчи сўзнинг маъно кўламдорлигига, нозик услубий қирраларига синчковлик билан эътибор беради ва уларни жумла таркибига усталик билан сингдириб юбориб, асар бадииятини таъминловчи бадиий тасвир воситасига айлантиради. Жумладан, унинг сўзлашув тилига хос лексик бирликлардан фойдаланиш маҳоратида ҳам бу ҳолни яққол кушати мумкин. Масалан: *Сотиболдиннинг хотини оғриб қолди. Сотиболдин касални ўқитди – бўлмади, табибга кўрсатди* («Бемор»).

Берилган лексик қуршовда сўзлашув тилига хос лексик бирлик муаллиф нутқидан келтирилиб, персонажнинг физиологик ҳолатини таъсирчан ифодалашга хизмат қилган. Бир синонимик қаторга кирувчи *тоби қочмоқ, касал бўлмоқ, бетоб бўлмоқ, оғриб қолмоқ* бирликлари орасидан *оғриб қолмоқ* лексемасининг танлаб олиниши бежиз эмас, чунки беморнинг оғир дард чекишини, унинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий ағибак ётишини бошқа лексик бирликлар билан ифодалаш анча мушкул. Ёзувчи *оғриб қолмоқ* лексемасини танлар экан, «оғриқнинг – ҳам тан, ҳам касал оғригининг чуқурлиги ва бу оғриқ олдида Сотиболдиннинг чорасизлиги алоҳида урғу олади»³. Бу ҳол, албатта, ҳикоянинг кейинги жумла ва сўзлар фониди тиниқлашиб боради.

Ёзувчи ҳикояларида белгининг ортиклик даражасини ифодаланиши ҳам сўзлашув тилига хос лексик бирликлардан унумли фойдаланган. У *каттакон, кетмон нусха шапкасини стулга қўйиб, бир кучоқ материя билан минбарга чиқди...* («Мунофиқ»). *Анор дарахтларида анор ички чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди. ...Ўз қилмишига герданиб турган Туробжон унинг кўзида жиққа ёш кўриб: – Нима эканини билдингми? – деди. – Асаларининг уяси! Турган- битгани асал!* («Анор»). *Чунончи, мен у кунни ўзлингизни имтиҳон қилиб кўрдим. Мазаси йўқ! Хатти Салтиков билан Шчедрин, деган машхур ёзувчиларни бир-биридан фарқ қилолмайди, иккови бир одам дейди. Кула-кула ўлибман* («Ўжар»).

Берилган мисоллардаги *каттакон, шигил, турган-битгани, ўлмайди* каби сўзлар сўзлашув тилига хос лексик бирликлар ҳисобланади. Уларнинг барчасида белгининг ортиклик даражаси ўта таъсирчан ифодаланган. Чунончи, *каттакон* сўзида *катта* сўзига нисбатан белгининг ортиклик даражаси кузатилади ва шу ўринда ёзувчи персонажнинг ташқи кўринишини комик планда тасвирлайди. Кейинги мисолдаги *шигил* сўзи адабий тилдаги *гуж-гуж* сўзи билан бир синонимик қаторга мансуб, лекин *шигил* сўзида белгининг ортиклик даражаси кучли. Маълумки, инсон хаёлотини муболағавий тасвирга бой. Ёзувчи персонаж хаёлидан муболағавий тасвирни гавдалантиришда *шигил* сўздан таъсирчан восита сифатида унумли фойдаланган. Шунингдек, навбатдаги мисолдаги *турган*

³ Маҳмудов Н. Ўша мақола. 36-бет.

битгани сўзида белгининг ортиклик даражаси билан бирга таъкид, ишонч маъно бўёғи ҳам юзага чиққан. Турбожоннинг хурсандчилиги, хотинининг гушкун кайфиятига нисбатан норозилик оҳанги, шундай бўлса-да, тансиқ нарса келтирганлигидан мамнунлиги ва бунга хотинини ишонтиришга уриниши унинг путкида қўлланган сўзлашув тилига хос луғавий бирлик оркали ўта ҳаққоний, табиий ифодаланган. Ниҳоят, сўнги мисолдаги *ўймоқ* сўзи лексик куршовда ўзининг генетик семаси [“ҳаёти тугамок, янашдан тўхтамоқ” (ЎГИЛ, 504-бет)]ни четлаштириб, феълнинг равишдош шакли билан бириккан ҳамда матн доирасида *‘чарчамок’, ‘ҳолдан тоймоқ’* семалари билан феълнинг интенсив шаклини ҳосил қилиб, сўзлашув тилига хос услубий бўёққа эга бўлган. Ўз навбатида ёзувчи бу бирлик оркали персонаж нутқини индивидуаллаштириб, унинг устидан энгил кулги ҳосил қилган.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида *ўлсин, ўргилиб кетай, опанг ўргилсин, опанг ўргилсин, ўла қолсин, вой шўрим* каби жонли сўзлашув тилига хос сўз ва иборалар ҳам борки, улар аёллар нутқига хос миллий колорит ҳосил қилиб, ҳикояларнинг халқчиллигини таъминлашда ақтуал вазифа бажаради. Улар нутқ доирасида менсимаслик, эркалаш, норозилик, ачиниш каби маъно оттенкаларига эга. Масалан: [Унсин:] – *Ўлсин, нокас одам экан, битта кўйни деб... Кошки арзийдиган нарса бўлса!.. – деди* («Даҳшат»).

Келтирилган мисолда бир қарашда сўзлашув тилига хос *ўлсин* сўзи *‘менсимаслик’* маъно оттенкаси билан юзага чиққандай туюлади. Албатта, бунинкор қилиб бўлмайди. Лекин бу ўринда ёзувчининг позицияси ўзига хос: Унсин топталган эркини қайтариб олиш мавриди келганини пайқайди ва нутқидаги шу биринчи сўз оркали ўз рақиби – додхо юрагига ханжар қадайди. Ёзувчи ҳикояда очиқ тасвирланмаган мана шу ситуацияни Унсин нутқи оркали имплицит тарзда ўта моҳирлик билан қўллаб, ҳикоя бадииятида ўта таъсирчан, бадиий-эстетик ифода яратади.

Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонлар портретини яратишда ҳам сўзлашув тилига хос халқона оҳанглардан усталик билан фойдаланган. Масалан: *Унинг битта-иккита қора тук чап бериб қолган оппоқ чўққи соқоли... Ёпиримей, соқол ҳам одамга шунча ярашадими-я!..* («Тўйда аза»).

Берилган нарчада сўзлашув тилига хос *ёпиримей* сўзи кучли эмоция билан боғли бўлган мурожаатни билдиради. Айнан шу биргина сўз жумлага халқона оҳанг, бадиий-эстетик таъсирчилик бағишлаган. Ёзувчининг портрет яратиш манерасидаги индивид услуби мана шу жумла оркали ўзига хос оригиналликка эга. Маълумки, Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонлар портретини чизишда батафсилликка, узундан-узок жумлаларга берилмайди, балки уларни биргина сўз ёки жумла таркибига сингдириб, қисқа, лўнда, ифодавий, таъсирчан фикр ифодалайди.

Юкоридаги жумлада ҳам қаҳрамон портретини халқ назари билан баъзе бадиий-эстетик таъсирчанликка, ўзига хос индивидуалликка эришган.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор жонли сўзлашув тилига хос шайхонликнинг бирликлардан ҳикоялари тилининг бадиий-образлигини, эстетик таъсирчанлигини оширишда, персонажлар нутқини, характер хусусиятларини ўзига хос тарзда ифодалашда, жонли сўзлашув тилига хос миллий-махаллий колорит багишлашда, қолаверса, ўзининг индивидуал услубига хос кинояли тасвир яратишда, хусусий яширин маънога ишра қилишда, қаҳрамонлар портретини, интим-руҳий кечинмаларини интенсив усулда тасвирлашда ўта моҳирлик билан фойдаланиб, уларни асарининг умумий ғоясига хизмат қилувчи образли таъсирчан тасвирий воситага айлантира олган.

А.Убайдуллоев
ТВДШ

Ҳиндистонда яратилган туркий тилли лугатлар

Туркий тиллардада лугат тузиш анъанаси узоқ тарихга бориб тақалади.

Тарихий – илмий адабиётларда келтиришича, Ҳиндистонда Бобурийлар салтанати (XVI - XVIII) даврида туркий тил (эски ўзбек тили) ва адабиётнинг ўсиши, ривожланишига катта эътибор берилган. Ҳинд ва туркий халқлар ўртасидаги адабий алоқалар дастлаб иккала халқнинг оғзаки ижодида намоён бўлган бўлса, кейинчалик бу муносабатлар ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Ҳинд халқининг ўзига хос донишмандлиги асосида яратилган ёзма ёдгорликлари хисобланмиш «Махабхарата», «Панчатантра», «Тўтинома» каби асарлар эраминдан олдин Ўрта Осиё халқлари ўртасида машҳур бўлган. Бу жиҳат юқорида айтилган мулоҳазани яна бир бор далиллайди. Адабий – бадиий анъана айниқса, Темурийлар салтанати даврида янада ижобий тус ола бошлаган. Ҳиндистон тарихи, маданияти, тили, санъати ва адабиёти билан атрофда танишиш, ҳинд халқи ижодига қизиқиш, хусусан, Алишер Навоий қарашларида, «Тарихи мулки аҷам»да соф илмий – тарихий манбалар асосида мурожаат этган бўлса, ҳинд диёрининг кўркем тасвири, таъсирчан ва жозибадор лавҳа манзаралари, Ҳиндистоннинг географик шароити, табиати, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси шоирнинг «Садди Искандарий»дostonида Искандарнинг ҳинд диёрида дам олиши, Дехли атрофидаги Нигор ўрмони лавҳалари ўзига хос равишда тасвирланган. Шоир шу аснода бир қатор ҳиндча сўзларни, жумладан, нигор, абҳар, мукоргон, абнус, шабах, сандарус, сандаолуд, Синд (дарёси), Ҳинд каби сўз-арни ўринли ишлата олган. Ҳинд халқининг бой ва сермазмун оғзаки

ижоди, ҳинд кишилари образи, раққоса гўзал маъшуқаларнинг кўзу киприклари, ҳинд халқининг кўёш ва ўтга топиниши каби сахналар шоирнинг «Ҳайратул- аброр», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Лисонут -тайр» асарларида тасвирланган. Жўна, олийжаноб қалб сохиби Масъуд, Фаррух, Ахий образларида ўзига хос инсонийлик, ғам-хўрлик, дардга малҳам, ҳатто ўлимдан сақлаб қолиш каби фазилатлар, инсоний хусусиятларга эга бўлган ҳинд кишилари образини яратган. Бу анъана Бобур Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан кейин яна ҳам кенг тус олди. Илмий, тарихий, адабий ҳамкорликлар амалга ошганлигини, туркий тилнинг ўзига хос жозибаси ҳинд диёрида кенг мавқега эга бўлганлиги, бир қатор соф лингвистик икки тилли луғатларнинг тузилганлиги фикримизнинг далилидир. Мамлакатда туркий тил давлат тили даражасига кўтарилмаган бўлса-да, подшолик, аниқроғи, Бобурийлар ўзга юртда ўз она тилини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар¹. Туркий тилда яратилган бир қатор адабий асарларда туркона хис – туйғулар ўзига хос бадий ифодаларда реаллашди². Бадий асар, хусусан, мумтоз адабий манбаларнинг ўз даврига хос лисоний хусусиятларини, туркий тилни, ҳар бир сўзнинг ўз ва кўчма маъноларда ишлатилишини ўзга халқларга тушунтиришда бир қатор икки тилли туркийча – форс – тожикча луғатлар тузилди³. Эски ўзбек тилини ўрганиш борасида бир қатор қўлланма, дастур, туркий тилнинг фонетикаси, грамматикаси, лексикасини қиёсий ўрганишга бағишланган асарлар нафақат Ўрта Осиёда, балки Эрон, Туркия, Кавказорти, шунингдек Ҳиндистонда ҳам яратилди. Тузилган икки тилли луғатларнинг аксарияти бугунги кунгача сақланиб, туркий тил тарихини ўрганишда ноёб манба сифатида фойдаланиб келинмоқда. Ушбу луғатлар тузилиши, мақсади, тартиб берилиши, сўзларни изоҳлаш услуби билан бир – бирдан кескин фарқ қилади:

1. «Ғиёсул – луғот». Мухаммад Ғиёсиддиннинг «Ғиёсул – луғот» ижрий 1242(1827) йилда Ҳиндистонда яратилган. Луғат форс тилида тузилган, унда араб, форс, ҳинд ва юнон сўзлари билан бир қаторда 800га яқин туркий сўзлар форс тилига таржима қилинган. Асар Ҳиндистон, Тошкент ва Когонда нашр қилинган⁴. Луғат 32 боб, 646 фаслдан иборат бўлиб, сўзлар араб – форс алифбоси бўйича берилган. Луғатнинг ички

¹ Ибрагимова А. Исследование «Келурнаме» Мухаммаде Якуба Чинги, Автореф. дисс. канд. филол. наук. Тошкент. 1976. 4-бет; Умаров Э.А. Эски ўзбек луғатлари. Тошкент. 1992. 1^о-бет.

² Азимжонов С. Индийский диван Бабура. Ташкент. 1961.

³ Ҳиндистонда яратилган луғатлар: Вохидов А. Структурно-семантик қая характеристика лексики в «Ғиёсул-луғот» Автореф. дисс. канд. филол. Наук. Душанбе. 1975. С.3; Ҳаммадалиев Х.М. «Ғиёс – ул – луғот» ва ундаги туркий қатлам. Филол.фан.ном. дисс. автореф. Тошкент. 1998, 6-бет; Ибрагимова А. Исследование «Келурнаме» Мухаммаде Якуба Чинги. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1976; Умаров Э.А. Луғати туркий // Эски ўзбек луғатлари. Тошкент. 1992. 15-20 бетлар; Ҳамидов З. Туркий луғатнинг ноёб нусхаси // Луғатшунослик тарихи ва қўлёзма луғатлар. Тошкент. «Адолат». 2004. 18 – 21 бетлар.

⁴ Нуров А. Ғиёс-ул – луғот. Душанбе. «Адиб». Том I. 1987. С. 6.

тузилиши асосан сўзларга қисқа, тўлиқ, энциклопедик шарҳ бериш, баъзи ўринларда муқобилни танлаш орқали тартиб берилган. Шунингдек, луғатда омонимлар, синонимлар, антонимлар орқали ҳам шарҳ берилган. Ҳинд тилида сўзлашувчиларга айрим сўз ва ибораларнинг маъноларини аниқроқ ва яхшироқ тушунарли бўлиши учун муаллиф уларнинг ҳинд ва урду тилларидаги кўринишлари (вариантлари)ни бериб борган. Шунингдек, луғатда туркий сўзларнинг талаффузи, тўғри ёзилишини алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир сўз ёзилганда қисқа унлиларнинг ифодаловчи ҳаракат белгиларини ўз ўрнида қўйиб берилган. «Ғиёсул-луғот»нинг лексикаси ва ундаги туркий қатлам хусусида махсус тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар манбанинг ички структураси, луғатда берилган сўзлардаги унлилар ҳаракати, баъзи ҳарфий белгиларнинг дастхат усулини ёзилишини ҳисобга олган. Шу-нингдек, луғат тузувчиси туркий сўзларнинг орфоэписини аниқ ва тўла кўрсатиш учун уларни эштилиши жиҳатидан туркий сўзларга ўхшаш бўлган форсча сўзлар билан таққослайди. Масалан: «зўза лексемаси кўза» сўзи каби талаффуз қилинади⁵. Бундан ташқари «Ғиёсул-луғот»да сўзларни шарҳлашда сўзларнинг очиқ ва ёпик бўгин турлари, икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзлар таркиби, сўзларнинг лексик-семантик кўриниши, мавзу жиҳатдан ранг-баранглиги алоҳида боблар асосида кўрсатиб берилган.

2. “Келурнома”. Муҳаммад Яъқуб Чинги томонидан тузилган «Келурнома» луғати Бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили Абду Музаффар Муҳиддин Аврангзеб (1658 - 1707) замонида Ҳиндистонда тартиб берилган. Луғат сўз бошисида форс тилида ёзилишича, унда 16 байтли шеърнинг Аврангзебга бағишланганлиги таъкидланади. Луғат 15 бобдан иборат бўлиб, 332 қисм(фасл)ниташкил топган. 14 боб феъл категориясига бағишланади. Сўзлар араб алифбоси тартибида берилган, ammo сўзларнинг ички алифбо тартибига риоя қилинмаган. Феълларнинг 400 хил шакли, яъни инфинитив, замон, шахс – сон, майл каби кўринишлари туркий ва форсий тилда кўрсатиб ўтилади. Ҳар бир сўзнинг бош ҳарфи алифдан бошланиб алифбонинг сўнгги ҳарфигача батафсил кўрсатиб борилади. Сўнгги 15- боб 10 қисм (фасл)дан иборат бўлиб, унда сўзлар турли мавзуй гуруҳларда ажратилиб изоҳланади. Жами 1300 сўз, 6000 сўз шаклларида иборат. Луғатда шаклдош, маънодош сўзларнинг турли вариантлари қиёсий кўрсатиб берилган. Тузувчи луғатга тартиб бериш, сўзларни изоҳлаш жараёнида асосан Ҳиндистонда яшовчи туркий тилли халқларнинг оғзаки нутқиға эътибор берган, уларни изоҳлашда айни талаффуз нормалари сақланган кўринишларини мисол келтириб, форсий тилдаги маъносини очишга диққат қилган. Луғатда асосан эски ўзбек

⁵ Маҳаммадалиев Х.М. Кўрсатилган асар. 11 – бет.

илининг лексик қатлами ва грамматик шакллари келтирилган, маълум даражада XVII асрда Ҳиндистондаги туркий тилли халқларнинг оғзаки нутқидаги ўзига хос шева элементларига ҳам эътибор берилган. Бу эса Ҳиндистондаги туркий тилли аҳолининг аксарияти ўғуз ва қипчоқ диалектига мансублигини кўрсатади. «Келурнома» луғатининг ҳозиргача икки нусхада кўчирилганлиги маълум. Улардан бири ЎзФА Шарқшунослик институтида №5052рақами билан, иккинчи нусхаси эса Британия музейида сақланаётганлиги маълум. «Келурнома» XVII аср эски ўзбек тили ва форс – тожик тили луғатчилигининг муҳим ёзма ёдгорлиги сифатида бир қатор турколог олимларнинг эътиборини тортди, махсус тадқиқот объектига айланди⁶.

3. «Луғати туркий» ҳам луғатчилик тарихининг иккинчи даврида яратилган туркийча – форсийча луғатлардан бири ҳисобланади. Луғат қўлёзмасининг биринчи ва охириги саҳифасидаги муҳрида қайд этилишича, у ҳижрий 1193 (1779) йилда тузилган. Луғатга Ҳиндистоннинг Бонгола шаҳрида тартиб берилганлиги таъкидланган. Унда асосан ўзбек тилидаги феъл формаларининг форсча изоҳи келтирилади. Луғат қўлёзмаси 2^а -53^а саҳифадан иборат. Ўз даври учун ҳам ноёб ҳисобланган ушбу луғатнинг ягона нусхаси ҳозирда Британия музейида сақланмоқда⁷. «Луғати туркий» аслида форс тилида битилган бўлиб, форсийзабон кишилар учун туркий тилни фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан илмий-амалий тушунтиришда ягона қўлланма вазифасини ўтаган. Луғат аслида ижодкорлар, сўзшунослар, шунингдек, ҳар икки тилни қиёсий ўрганиш қонун қоидалари билан шуғулланувчиларга мўлжалланган. Хуллас, бу каби қўлёзма луғатларни махсус ўрганиш ўзбек лексикографиясининг шаклланиш ва тараққий этиш динамикасини очиш қўл келади.

⁶ Мухаммад Якуб Чинги. Келурнаме (Староузбекско – таджикско – персидский словарь XVII в.). Введение, транскрипция и перевод текста, глоссарий, лексикограмматический очерк, грамматический указатель. А.Ибрагимовой. Ташкент. Фан. 1982. С. 5; Қаранг: Борови А.К. Лексикографическая традиция в словарях чигатайского языка. – Лексикографический сбор: вып. IV. М. 1960. С.153; Зуфаров С. «Келурнома». // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961. №3. 5-: 55-бетлар; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М. –Л., 1962. С. 56; Азимджанова С.А. Индийский диван Бабура. Ташкент. 1966. С. 77-80; Каршиев Ш.О. Труде Мухаммеда Якуба Чинги «Келурнаме» // Общественные науки в Узбекистане. 1966. № 9. С. 58 Ибрагимова А. Исследование «Келурнаме» Мухаммеда Якуба Чинги (лексика, морфология, факсимиле и глоссарий). Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1976.

⁷ Южоридаги асар. 16 –бет.

Култегин битигтошидаги лексик бирликларнинг ясалиши

Қадимги туркий ёдгочликларнинг тили ва лексик бойликлари ўрганиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бўлиб келган. Туркий ва элатлар тарихи, дунёқараши ва яшаш тарзи билан боғлиқ бу изланишлар нафақат тилшуносликда, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўзига алоқадор ўринга эга. Биз битигтошлар тилини ўрганар эканмиз, бевосита туркий кавмларнинг ўша даврдаги дунё қараши-ю ижтимоий ҳаётига дуч келамиз. Уларнинг орзу-умиди ва турмуш тарзига кириб борамиз.

Ушбу мақоламизда туркий ёзма ёдгорликлардан бири Култегин битиктошидаги лексик бирликлар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Жумладан ушбу битиктошдаги шахс, нарса-буюм ва мавҳум тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликларнинг ясалиши тўғрисида алоҳида тўхталамиз.

Ёдгорлик лексикасининг асосий қисмини туб (асл) бирликлар ташкил қилади. Уларнинг асоси аффиксация ҳамда композиция усули билан ҳосил қилинган ясама сўзлардан иборат.

Битигтошдаги дериватив лексемаларни 3 семантик гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Шахс номини ифодаловчи лексемалар.
2. Аниқ ва мавҳум, шунингдек, нарса-предмет, асбоб-анжом ёки жонивор номларини ифодаловчи лексемалар.
3. Кичрайтириш ва эркалаш маъноли лексемалар.

Даставвал исмлардан ҳосил қилинган лексемаларга тўхталиб ўтамиз. Култегин битигтошида исмлардан шахс номини ясашда экинчи ҳолларда -чы// -чи аффиксидан фойдаланилган.

Йоғчы “азачи” – Уб-4 < йоғ “аза”

Йоғчы, сығытчы бәрә, кун тоғсықда Бөкли чөл(л)иг ин кәлипән сығтамыс йоғламыс.

Азачи, йиғичилар шарқдан – кун чиқардан Бүкли чўлилик ин ... келиб йиғлаган, аза тутган.

Бәдизчи “наққош” – Кб¹-11 < бәдиз “нақш”

Мән б(ану таш... табға)ч қағанта бәдизчи кәлүртим...

Мен мангу тош ... Табғач хоконидан наққош келтирдим...

От ўзакдан шахс ва ҳаракат номларини ҳосил қилиш учун -н, -ни// -ын, -ун аффикси ишлатилган. Масалан:

¹ Кичик битиг

Бодун “халк” – кб-1, 2³, 4, 5², 6³, 7, 8², 10⁵, 11², 12; Уб² – 2, 3, 4, 6, 9, 11, 13, 19, 20, 21, 22, 26, 28, 29, 30, 38, 39, 43, 44, 51, 52 < бод “уруғ, абила”

... түрүк бодун әлләдүк әмин ычғыну ыдымыс.

... турк халқи ушлаб турган давлатини кўлдан чиқариб юборган.³

А.Н.Кононов фикрича -н, -ын//-ин, -ун//-ун мўғул тилига хос аффикс бўлиб, кўплик маъносини ифодалайди “бод” – қабила, “бодун” – халк (қабилалар бирлашмаси).

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бодун بون (I, 170) ва фонетик ўзгаришга учраган бозун بون (I, 379) шаклда қайд этилган. “Қутадғу билиг”, “Тафсир”да ҳам бодун сўзи бозун шаклига эга⁴.

Йэр басрукы тағ,

Бозун басрукы бэг⁵

Ер мустахамлиги тоғлар, халк мустахамлиги беклардир.

Шахс сифатини ифодалаш учун кўлланилган -лық // -лик, -луқ // -лүк, -лығ // -лиг аффикси Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида, қадимги уйғур, чигатой адабий тили манбаларида ҳамда ҳозирги қардош туркий тилларда сермахсул аффикс ҳисоблансада, Кул тегин битигитоши тилида унинг иштирокида жуда кам лексемалар ҳосил қилинган. Бу ҳақда А.Н.Кононов ҳам ўз вақтида маълумот берган эди⁶.

Қарлук “туркий қабилалардан бири” Уб-41, 42 < қар “қор”

... қарлук бодун әрүр барур әрикли йағы болты. Уб – 41.

... қарлук халқи бегоналашиб кетгач душман бўлди.

Башлығ “боши бор” – Уб-2, 15, 18 < баш “бош”

... башлығы йүкүнтурмис, тизлиги сүкүрмис. Уб – 2.

... боши борни юкунтирган (бошини эгиб таъзим қилдирган)[лар], тиззаси борни чўккалатган [лар].

Модал сўзлар иштирокида лексемалар ҳосил қилишда -ым // -им кўшимчасидан фойдаланилган.

Барым “бор нарса” – Уб-41. < бар “бор, мавжуд”

... абин барымын (қалы)сыз коп кәлүрми.

... уйни бор нарсасини қолдирмасдан тўлик келтирди.

В.В.Радлов⁷ ва К.Аширалиев барым сўзини туб сўзларга⁸ кириштиради., Э. Севортян⁹ луғатида ва ДТС¹⁰ да барым сўз бор – “бор, мавжуд”

² Улуғ битиг

³ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников II-IX вв. Л. 1980. С. 146

⁴ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Ташкент. Ёзувчи. 1991. С.20-21.

⁵ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I жилд. Тошкент. 1960. 433-бет.

⁶ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников «VII-IX вв.». Л. 1980. С. 84.

⁷ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. IV том. II. часть. СПб. 1893. С.1481.

⁸ Аширалиев К. Орхон-Енисей жазма әстемектериндеги унгу создор. Фрунзе. 1963. 50-бет.

⁹ Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Наука. Москва. 1978. С. 62..

¹⁰ Древнетюркской словарь. Л. 1969. С. 84.

сўзидан ясалган деган фикр илгари сурилади. Ушбу фикрга қўшиш ҳолда барым лексемасини бор сўзидан ясалган лексемалар таркибига киритдик.

Жой номини ифодаловчи лексемалар сифатга -ғун // -гўн, -қын // кин, -қун // -кўн, -қан // -қан аффиксларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Қадырқан йиш “Қадырқан тоғ ёнбағри” – Уб-2, 21. < қадыр “қийин каттик”

Илгару Қадырқан йишыг аша, бодуныг анча контуртымыз ... Уб-21 Шарққа Қадырқан (ҳозирги Хинган) тоғ ёнбағрини ошиб, халқини шу хилда қўндирдик... .

Обидада феъл ўзакдан ясалган лексемалар сони анчагина
Белги эгасини ифодаловчи лексемалар феъл ўзакка -чы // -чи аффиксини қўшиш орқали ҳосил бўлади.

Сыгытчы “йиғичи” – Уб-4,51 < сыгыт= “йиғлатмоқ”

Йоғчы сыгытчы ёнра, кун тоғсықда Бёкли чёл(л)иг ал, кәлипан сыгтамыс йоғламыс. Уб-4.

Азачи, йиғичилар шарқдан – кун чикардан Бўкли чўлилик ... келиб йиғлаган, аза тутган.

Йорчы “йўлбошчи” – Уб-32 < йор= “юрмоқ, бормоқ”

Оң Тутук йорчын йараклыг алигин тутды...

Ўнг Тутук йўлбошчисини яроқли қўли билан тутди.

Ғ.Абдурахмонов ва А.Рустамовлар таъкидлашича¹¹ С.Г.Кляшторный йорчы сўзини Хитой саркардасининг номи деб тахмин қилган¹². Махмуд Кошғарий эса йорчын “мохир йўл бошловчи” деб изоҳлаган¹³. ДТСда эса “йўл бошловчи” деб келтирилган¹⁴.

Қуйидаги лексемаларни яшашда -аг // -ағ, -ығ// -иг, -уғ// -уг аффиксларидан унумли фойдаланилган.

І. Фаолият субъекти номи:

Тутук “вилоят ҳукумдори” – Уб-41 < тут= “тутмоқ”

Қушу тутук бирла сунушмиш...

Қушу тутук билан жанг қилди...

Йирик туркийшунос олим Н.А.Баскаков тутук сўзи туркий тилларни хитой тилидан (дуди to-tog) ўзлашган деган фикрни илгари суради¹⁵. Махмуд Кошғарий “Девон”ида бу сўз шахс номини ифодалаб келган, XIV аср ёзма обидаларида тутук сўзига келиб чиқиш жихатдан яқин турувчи тутғавул, туткавул (бож, солиқ йиғувчи) сўзи учрайди. А.М.Шчербак

¹¹ Қаранг: Абдурахмонов Ғ. , Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент. 1982. 118-бет.

¹² Қаранг: Кляшторный С.Г. Древнетюркские памятники. М. 1964. С. 78 – 90.

¹³ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III жилд. Тошкент. 1963. 22-бет.

¹⁴ Древнетюркский словарь. Л. 1969. С. 274.

¹⁵ Баскаков Н. А. К проблеме китайских заимствований в тюркских языках// Советская тюркология 1987 № 5. С. 69 – 75 .

тутқавул сўзини мўғулча тутқа= феълига -вул аффиксини қўшишдан ясалган, дейди¹⁶. Л. Будагов чигатой, яъни эски ўзбек тилида тутқавул ва тутқал терминлари “сакловчи, кўриқловчи, ушловчи, фармондор” маъноларида истеъмолда бўлганлиги ва улар “тут=” феълидан ясалганлигини таъкидлайди¹⁷.

II. Муайян жараён номи:

Билиг “илм” – Уб-50 < бил= “билмоқ”

Билир билигим билмәз-таг болты, ...

Билар аклим билмаётгандай бўлди ...

Битиг “ёзув” – кб-13 < бит= “ёзмоқ”

Бу битиг битигмә атысы Йол(л) ығ т(игин)

Бу битиг битилгучининг биродари Йўлуғ тегин.

III. Фаолият объекти маъноси:

Капығ “дарвоза” – кб-4 < кап= “ёпмоқ”

Тәмир капығқа тағи сўләдим, ...

Темир дарвозагача лашкар тортдим, ...

IV. Ҳаракат ёки фаолият натижаси:

Өлүг “ўлик, мурда” – Уб-49 < өл= “ўлмоқ”

... өлүги иуртда йолта йату қалтачы артигиз!

... ўлиги(нгиз) вайронада, йўлда ётиб колар эдингиз!

V. Қурол аслаха номи маъноси:

Сўнўғ “найза” – Уб-3 < сўнў= “жанг қилмоқ”

Сўнўғ батымы капығ сөкўпән, ...

Найза ботими қорни ёриб, ...

Ушбу терминнинг ясалиши ҳақида туркий тилшуносликда турфа фикрлар мавжуд. Жумладан, Ж.Клосон уни суң= “санчмоқ” феълидан ясалган деса (Клосон. Этимологик. 847-бет.), Т.Текин сўнў “найза” сўзидан ҳосил қилинган деган фикрни илгари суради (Текин. Грамматика. 111-бет), А.Н.Кононов тахминича, бу термин сў “лашкар, қўшин” асосида вужудга келган “сўн” сўзига -гў аффиксини қўшишдан ҳосил қилинган¹⁸.

Битигтош матнидаги иш-ҳаракат натижаси ёки жараёнини ифодаловчи лексемалар феъл ўзакка -ыш // -иш, -уш // -ўш аффиксларини қўшишдан ҳосил бўлади.

Сўнўш “жанг” – Уб-42 < суң= “санчмоқ, жанг қилмоқ”

Кул тегин ол сўнўшда отуз йашар әрти, ...

Кул тегин ўша жангда ўттиз яшар эди, ...

Хуллас битигтошдаги дериватив лексема қадимги туркий тилларда лексик birlikларнинг ясалиши ҳақида оз қўлсада, маълумот

¹⁶ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М. - Л. 1962. С. 129.

¹⁷ Қаранг: Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. I СПб. 1869. С. 743.

¹⁸ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников XII-IX вв. Л. 1980. С. 88.

олиш имконини беради. Бу эса туркий тиллар тарихи ва тараққиётининг ўрганишда аҳамиятлидир.

Ш.Зиямухаммадов

ТДГУ

Ахборот-коммуникация соҳаси терминларининг шаклланишида Ўзбекча сўзларнинг иштироки

Ахборот-коммуникация соҳасига эътибор Ўзбекистон мустақиллигини эришгач бекиёс кучайди. Бу соҳа республикани жаҳон миқёсига олиб чиқишда жуда катта фаолият кўрсатмоқда, у АҚШ, Англия, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, истиқболли соҳалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Табиийки, бу жараён ривожланаётган соҳа терминларининг ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак, ихчам ва қулай терминлар яратилишини талаб қилади.

“Ахборот-коммуникация” бирикма терминининг биринчи қисми “ахборот” ва иккинчи қисми “коммуникация” терминлари тилнинг алоқа-аралашув воситаси сифатида бир-бирига яқин икки хил кўринишда қамраб олади: “ахборот” беришда айтувчи ҳамда эшитувчи субъектлар муносабати, коммуникация жараёнида эса “хабар айтувчи \longleftrightarrow эшитувчи” ҳамда “эшитувчи \longleftrightarrow хабар айтувчи” субъектлар муносабати ифодасини топган. Демак, “ахборот” термини кучсиз алоқа-аралашувни яъни бир ёқлама “айтув \longleftrightarrow эшитув”ни, “коммуникация” термини эса икки томонга нисбатан кучли алоқа-аралашувни, яъни икки ёқлама “айтув \longleftrightarrow эшитув” жараёнини ифодалайди.

Шу ўринда “Коммуникация тармоғи” бирикмасининг “Телевидение оид русча-ўзбекча изоҳли луғат”да қавс ичида “маълумотлар узатиш тармоғи” деб изоҳлангани эътироз туғдиради, чунки бу ерда “узатиш” айтув ва “қабул қилиш” \parallel эшитув – бир ёқлама жараёни кўзда тутилган (Луғатнинг 101 -бети). Ушбу мақоламизда тилнинг ҳозирги кундаги алоқа-аралашув воситаси сифатида шу икки хил вазиятдаги, яъни “айтувчи \longleftrightarrow эшитувчи” ҳамда “эшитувчи \longleftrightarrow айтувчи” фаолиятини ифодалашда иштироки ахборот-коммуникация жараёни; мобил телефон алоқаси ҳамда Интернет терминлари доирасида кўриб чиқилади.

Мобил телефон алоқаси ҳам, Интернет ҳам ҳаётимизга янги қирин келган ходисалар бўлиб, буларга хос тушунчалар техника фанида ҳам ҳали янгилик. Ўз-ўзидан равшанки, терминологияда ҳар бир янги қирин келаётган тушунча ўз номи, яъни бошқа тилдаги номи билан қирин келади. Қабул қилаётган мамлакатда эса бу тушунчани ўз мамлакат аҳолиси учун қулай ном, яъни термин билан ўзига олиш муаммоси туғилади. Мана шу жараён – тилда қайси терминни танлаш жараёни – соҳа

терминологиясини шакллантириш жараёни сифатида ўта масъулиятли ва қийин нуқтадир. Кўриниб турибдики, янгиликни қабул қилувчи давлат халқи тилидаги шу пайтгача мавжуд сўзларнинг семантик майдонида бу тушунчани (янги бўлгани учун ҳам) ифодалаш имконияти оз бўлади, кўп ҳолларда, очиқ айтиш керак, бўлмайди ҳам. Чунки бу – янгилик бўлиб, аввалдан маълум нарса ёки тушунча эмас, демак, тилда ифодаси ҳам йўқ. Лекин бу янгилик аталиши, ном билан ишлатилиши керак. Соҳа мутахассислари бундай пайтда, албатта, янгиликни аташга яқин келадиган, муқобили бўла оладиган вариантни топишга ҳаракат қиладилар. Масалан, рус тилидаги “*доступ*”, “*доступность*” сўзи «жуда қулай» маъноси тўлиқ ифодаланиши билан техникада ажралиб турадиган терминлардан. Худди шунингдек, “*приёмник*” термини ҳам. Лекин ўзбек тилида “*доступ*” сўзи англатадиган тушунчанинг муқобили йўқ. “*Приёмник*” термини аниқ моддий асбобни номлайди, бундай асбоб эса асли йўқ эди. Бундай вазиятларда бошқа тилга хос сўз-терминга мувофиқ ўз тилимиздан сўз-терминни топиш қийин, албатта, ва ўз-ўзидан изоҳ тарзидаги бирикмали ифодани танлашга тўғри келади: “*доступ*” учун “*кира олиш*”, “*фойдалана олиш*”, “*доступность*” термини учун “*фойдалана олиш имконияти*” бирикмаларини ҳамда “*приёмник*” учун “*қабул қилгич*” бирикмасини олишга тўғри келди. Рус тилидаги “*скважность*” сўзига ҳам тенг келувчи сўз топилмаган ва у “*ўтказишга мойиллик*” тарзида изоҳловчи бирикма билан берилган¹. Айтмоқчимизки, сўзга сўз тарзида ўз тилидан термин танлаш жуда чекланган. Сўзга сўз тарзида, масалан, рус тилидаги терминларга ўзбек тилидан термин бўла олувчи сўзни танлаш ўзак сўзлар доирасида жуда кам, бармоқ билан санарли. Масалан: *тола, алоқа, майдон, сатҳ, шаффоф, тўлқин, тирқиш, хабар, маълумот, дастур, тўр, қаттиқ, юмшоқ, силлиқ, тармоқ, кўзгу, силжиш, хотира, мижоз, ҳужжат, қобиқ, тўхтаб қолиш, халақит* ва б.

Ўз тил сўз бойлигидан муқобил сўз осонликча топилавермайди. “Муқобил” дегани ҳам айна шу маънони бериш дегани эмас, чунки бу танланган сўзнинг семемалари қаторида мазкур янги тушунчани ифодаловчи семема, юқорида айтганимиздек, йўқ, лекин бу сўз “янгиликни ифодалашга имконияти бор” тарзида олинади. Юқоридаги мисолларда буни кузатиш ва ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки бу сўзлар соҳа терминлари сифатида хизмат қиляпти. Лекин айрим муқобил деб олинган сўзлар янги асбоб, янги тушунчанинг ҳамма жиҳатларини ҳам тўла ифодалай олмаётгани сабабли баъзи ҳолларда маъноси яқин, ёндош маъноли сўзлар терминликка таваккал ёки умид билан (балки сингиб кетар деб) танланади. Оқибатда матнда уларнинг манба тилдаги сўзга эквивалент ҳам, муқобил ҳам эмаслиги, маъно мундарижасидаги етишмовчилик

¹ Мобил алоқа тизимларига оид атамаларнинг изоҳли луғати. Тошкент: ЎзААА, ФТМТМ, 2008; Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Тошкент: ИНДР, 2005.

матндаги қўлланишида сезилиб қоляпти. Масалан: “*лесток*” уринда негадир “*ярок*” сўзи танланган. Ҳолбуки, “*ярок*” дарахтда, ниҳонда, қолаверса, бугада ҳам бўлгани ҳолда, гул япроқларини англаувчи, гулда тегишли бўлган “*лесток*” сўзи “*гулбарг*” ёки “*гуляпроқ*” сўзи билан берилиши керак эди. “*Замирание*” сўзи учун “*тиниш*” билан бирга “*сўниш*”, “*тинчиш*”, “*қотиш*” сўзларини ҳам қўллаш мумкин. Кейинги икки мисолда биз олиш мумкин бўлган муқобиллардан, яъни синонимлардан танлаш масаласини назарда тутаямиз. Аксинча ҳолатлар ҳам борки, ўз тилда имконият кам, танлаш учун сўз етишмовчилиги сабабли бошқа тилдан олинаётган икки хил тушунчани, икки хил нарсага бир сўз билан беришга мажбур бўлинади. Бундай ҳолатлар эса анчагина учрайди. Масалан: “*контакт*” ва “*подключение*” тушунчалари битта уланиш, улаш сўзи билан, “*оператив*”, “*скоростной*” ва “*быстрый*” сўзларининг маънолари ўзбек тилида биргина “*тез*” (“*тезкор*”) билан берилляпти: *быстрые замирания – тез тинишлар, оперативная связь – тез(кор) алоқа; “база” сўзи “база данных” бирикмасида ўзи қолган “маълумотлар базаси” тарзида. Лекин “базовая станция” бирикмаси “асос станция” деб, “базовая сеть” бирикмаси эса “таянч тармоқ” деб таржима қилинган. Сўзга сўз тарзида муқобил танлашда сўзнинг доминанта маъносидан келиб чиқиш лозим бўлгани ҳолда (1-мисол), кейинги икки мисолда сўзнинг контекстуал маъно ифодаланиши, яъни матний хусусий маъносидан келиб чиқиш ҳоллари учраб турибди. Шунингдек, “ведомая станция” – “бўйсунувчи станция” деб, “ключевой кадр” – “асосий кадр” деб олиними ҳам кўпинча муайян матндаги ҳолатга қараб муқобил танлашимизни, бошқа қатор матний ҳолатларни ҳам ўрганиб, кейин бош маъноли ҳолат – доминантани аниқлаш зарурлигини кўрсатиб турибди.*

Сўзга сўз тарзидаги эквивалент, яъни келувчи муқобил сўз топилмагандагина (бунда ҳисобга олинандиган белгилар проф. А.Ҳожиев томонидан кўрсатилган)² бошқа тилдаги термин айнан олинади. Масалан, *электрон, оптоэлектроника, локатор, оператор, спектр, анализ, процессор, монитор, вокодер, сайт, транкинг, биллинг* каби кўпгина сўзларни кўрсатиш мумкин.

Сохада бирон муайян асбоб, жараён, жараёндаги у ёки бу ҳолатларни номлаш учун бир сўз камлик қиладиган пайтда икки сўзли, ҳатто уч сўзли ифодадан фойдаланилади. Сўз кўпайгани сари икки сўзли, ундан кейинги уч ёки ҳатто тўрт сўзли атамаларда маъно мундарижасининг тобора торайиши, аниқликка интилиш, умумийдан хусусийга қараб бориш кузатилади. Мисолларни чоғиштиринг: Икки сўзли атамалар: *тўлқин қаршилиги, тўлқин ўтказгич, ўтказиш қобилияти, шиша тола,*

² Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. Тошкент. Фан. 1996.

тескари боғланиш, кўп нурлилик, майдон тўри, чақирувчи сигнал, рақамли ёзув, бўлинувчи муҳитлар, ноодатий хабарлар, ҳаво тарнови.

Уч сўзли атамалар: *рақамли узатиш тизими, ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот - коммуникация хизмати, автоматлаштирилган ахборот технологияси, тўғри келишликни тасдиқлаш, ахборот узатилмайдиган канал, каррали узатиш тезлиги, ҳаво алоқа линияси, кўп нуқтали линия.*

Икки сўзли ва уч-тўрт сўзли терминлар таркибида шу сўз-термин олинган манба – ўзга тилга хос сўзлар қатнашиши мумкин, чунки бу сўзларнинг асли ўзи қолиши мақбул деб топилган. Буни юқоридаги мисолларда ҳам кузатиш мумкин. Ўзбекистон жаҳон Интернет тизимига кирган, республикада ҳозирги кунда ахборот-коммуникация тизимининг бир неча линиялари ишлаб турган пайтда, табиийки, соҳа терминлари, соҳага хос тушунча ва жараёнлар ифодаси таркибидан инглиз, немис, француз тилларига хос сўзлар ва кискартмалар ҳам ўрин олмақда. Хуллас, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам соҳа терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишида ўзбек тили лексикасида мавжуд бирликлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур.

Мисолларни улар ҳали янгилиги сабабли изоҳи билан бердик:

Метамаълумотлар – Маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар: MPEG рақамли оқим билан бирга узатиладиган ёрдамчи (дастурий боғлиқ бўлган ахборот, хизмат тўғрисидаги ахборот) ва оқимни ҳамда унинг компонентларини идентификациялаш имконини берадиган маълумотлар

Силлиқ хэндовер – Мобил станция томонидан ўрнатилган боғланиш янги боғланиш ўрнатилмагуеча узилмасдан бажариладиган хэндовер процедураси.

Юмшоқ хэндовер – Ахборотни йўқотмай туриб, ишчи канални бир таянч станциядан бошқасига автоматик тарзда улаш. Юмшоқ қайта улаш режими бир вақтда, биттадан кўп таянч станция билан ишлаш имкониятини назарда тутати

Аналог транкинг алоқаси тизими – Тизимда ўрнатиловчи манتيкий модуллар билан жиҳозланган одатдаги (конвенционал) радиостанциялар ишлатилади, бўш каналларни қидириш эса барча ишчи частоталарни сканлаш йўли билан амалга оширилади

Икки томонга йўналтирилган интерфейс – Бир вақтнинг ўзида алоқанинг иккала йўналишида маълумотлар узатиш шини таъминловчи интерфейс

Web-узел (боғлама) – Web-шархловчи-махсус дастурлар ёрдамида компьютер орқали кўриб чиқиш учун мўлжалланган онлайнли ахборот ресурсларининг ўзаро боғланган тўплами

Web-саҳифа – Интернет бўйича фойдаланилиши қулай бўлган HTML-хужжат

Web-хужжат, WWW-хужжат – Гиперматни ўз ичига олган фойдаланувчига ажратилган сўз ёки иборага кўрсатиб, маълумотларни эркин фойдаланишга рухсат олиш, ушбу хужжатнинг бошқа қисмига бориш ушбу гиперхавола билан боғлиқ бўлган бошқа Web-хужжатга ўтиш имконини берувчи World Wide Web тўри ахборот манбаларининг таркибидаги хужжат.

Мобил тижорат – Мобил терминал ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш, банк операцияларини бажариш, товарларга буюртма бериш ва турли хизматларни кўрсатишга имкон берадиган мобил алоқанинг янги хизмати тури.

Ўзаро биллинг – Чиқувчи трафик юзасидан радиокомпаниялар билан симли алоқа операторлари ўртасида амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб китоблар

Мультидастурлаш –

Мижоз-сервер – 1.Хизматларни баён қилишнинг умумий усули ва бу хизматлар учун фойдаланиш жараёнлари (дастурлар) модели. 2.Тармоқлар ва мижозлар, серверларнинг бутун бўлган мажмуи.

Домен, соҳа – 1. Интернет тармоғидаги компьютер номининг таркибий қисми; 2.Номли мезон бўйича ажратилган ва уни қувватлаш учун жавоб берувчи ташкилотга эгалик қилиш учун берилган Интернет тармоғининг қисми.

Соҳанинг тараққиёти, жаҳоннинг бир қатор давлат ахборот тизимлари билан биргаликдаги фаолияти соҳанинг янги-янги тушунчалар билан бойишига, уларнинг атамалари бўлмиш янги ифодаларнинг, масалан, *маълумотларни долзарблаш, рақамли иқтисодиёт, ахборот мулкдори, ягона ахборот макони, ахборот жамияти, ахборот хавфсизлиги, хавфсиз электрон келишув, тармоқларнинг бутун жаҳон тўри* каби номлашларнинг тилимиздан жой олишига имкон яратмоқда.

М. Булатов
ЎЗМУ

Ўзбек ва инглиз тилларидаги инфор­мацион технологияларга оид қисқартмаларнинг умумий ва дистинк белгилари

Маълумки, ҳозиргача ўзбек тилига кириб келган фан ва техника соҳасининг турли жабҳаларига оид асарлар, хусусан, инглиз инфор­мацион технологиялари адабиёти таржималари бизга маълум айрим лингвистик ва экстралингвистик сабабларга кўра бевосита асар нусханинг ўзидан эмас, балки воситачи рус тили орқали амалга оширилган.

Инглиз информаион технологияларига оид адабиётлар, қўлланмаларнинг ўзбекчага тўла—тўқис таржима қилинмаганлиги, илмий изланишлар олиб борилмаганлиги, ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чикиб информаион технологияларга доир адабиётлар яратилмаганлиги ўзбек тилшунослиги зиммасига катта вазифаларни юклайди. Бир томондан инглиз тилида яратилган информаион технологияларга доир асарларнинг ижтимоий ҳаётга кириб келиши, бошқача қилиб айтганда ,ахборот алмашинувида тутган ўрни, фан ва техника, саноатнинг ривожига салмоқли хиссаси билан белгиланса, иккинчидан, ўзбек тилининг мавжуд имкониятларини ишга солиш йўли билан тўғридан-тўғри инглиз ва ўзбек тилларидаги информаион технологияларга доир қисқартмаларни таҳлил қилиш ва воситачи тил хизмати улушини ўзбек тили доирасида минимал даражага тушириш талабини юзага келтиради.

Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз тилларидаги информаион технологияларга оид қисқартмаларнинг умумий ва дистинк белгилари ҳақида фикр билдирмоқчимиз. Уларнинг энг муҳим умумий белгиси мураккаб қисқартмалар эканлигидадир. Бу каби қисқартмалар сўзларнинг бош ҳарфларидан ташкил топади. Масалан:

CATV-Cable Television—Кабелли телекўрсатувлар-КТК.

CD- Compact Disc—Ихчам диск -ИД (КД).

CDF-Channel Definition Format—Канални тавсифлаш формати-КТФ

CGA-Color Graphiss Graphiss Adapter—Рангли графика мослаштиргичи-РГМ.

Юқорида келтирилган инглиз тилидаги қисқартмалар (CATV, CD, CDF, CGA) ташқи жихатдан ўзбек тилидаги қисқартмаларга (КТВ, ИД, КТФ, РГМ) мос. Бу қисқартмаларнинг компонентлари турли сўз бирликларидан ҳосил бўлган. Сифат+от, сифат+от1+от2 каби формулага эга бўлган қисқартмалар ўзбек тилига ҳам мос тушиши (яъни сифат+от) ҳам мос тушмаслиги (сифат+от ўрнида от+от) мумкин:

| | |
|----------------------|--------------------------------------|
| Инглиз тилида | Ўзбек тилида |
| Сифат+от | сифат+от (сифат+от1+от2) |
| CD Compact Disc | ИД Ихчам диск. |
| PC Portable Compyter | ИК Ихчам компьютер |
| MS Mobile Station | МАС Мо ^с ил алоқа маркази |
| RT Reel Time | ҲБ Ҳа ^т ий вақт. |

Келтирилган 4 та мисолдан 3таси мос тушади: compact disk-ихчам диск ва ҳ. к. Лекин, биттаси инглиз тилида сифат+от шаклида бўлиб, ўзбек тилида сифат+от1+от2 шаклида мослашади. Масалан, стационар мобиле - Мобил алоқа маркази. Таржима назарияси нуқтаи назаридан қараганда

тушунчани тўлиқ етказиш мақсадида "алоқа" сўзи қўшилади. Инглиз тилида инфор­мацион технологиялар терминологиясида қолип бир неча элемент ва компонентлардан (уларнинг сони 7 ёки 8 тагача етади) ташкил топган бўлади. Бу компонентларнинг аксарят қисми ўзбек тилига ҳам мос тунаш мумкин. Ҳозир биз тўхталиб ўтаётган сифат+от конструкцияси энг кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, ўзбек тилида унинг ўх­ша­ши­ни учратиш мумкин. Масалан: Инглиз тилида CC-Carbon Copy, ўзбек тилида КН- Кўчирма нусха.

Юқорида келтирилган сифат+от1+от2 конструкциялари ўзбек тилига кўпроқ хос бўлиб, маънони тўлиқ англатиш учун унинг таркибидан бирор сўз қўшилади. Баъзан бу (сифат+от1+от2 конструкцияси) ташкари) қисқартмаларнинг учтаси отга тегишли бўлиши мумкин. Масалан:

| Инглиз тилида | Ўзбек тилида |
|---------------------------------|----------------------------|
| CD - Cingle Disk | БҲХ—Бир хил тезлик |
| SD- Standart Derivation | ЎҚЎ—Ўзгача квадратик ўтиш |
| AC - Fibre Channel | ОТК—Оптик тола канали |
| CD(I) Compact Disc (Intractive) | ЎФИД—Ўзаро фаол ихчам диск |

Юқорда айтиб ўтилган сифат+от конструкциясидан ташкари от+от конструкциялари ҳам фаолдир. Масалан:

| Инглиз тилида | Ўзбек тилида |
|---------------------------|------------------------------------|
| CA-Compyuter Assosiates | КУК-Компьютер уюшмаси , компанияси |
| IS- Information System | АТ- Ахборот тизими. |
| IT-Information Technology | АТ-Ахборот технологияси |
| MS- Microprocessor System | МТ-Микропроцессор тизими. |
| IP- Internet Protocol | ИБ-Интернет бённома. |

Инглиз тилидаги кўп компонентли терминлар икки турли бўлиши мумкин. Булар CAD—*Comyuter Aided Design*, CDCS *Continuous Dynamic Channel Selection* каби терминларини таққослаганда яққол кўринади. Ушбу икки термин бири тире орқали ифода этилган — *Computer Aided Design*. Ўзбек тилида бу қисқартма КЛ—Компьютерлашган лойиҳа шаклида бўлиб, тире орқали ажратилади, лекин инглиз тилидаги грамматик форма *Computer Aided* ўзбек тилида суффикс чизиқчалари орқали берилган.

Кўп компонентли терминларда грамматик тузилишлар турлича бўлади, яъни терминда компонентлар ўртасидаги маъновий алоқани ифодалаш мумкин бўладиган қандайдир грамматик восита (предлог, қўшимча)лар мавжуд эмас.

Термин ясовчи компонентларнинг грамматик жиҳатдан расмийлаштирилиши мавжуд бўлган биринчи тип терминлари мураккаб сўзлар туркумига киради. Ҳар бир компонент грамматик жиҳатдан расмийлаштирилган (хоҳ қўшимчалар, хоҳ предлоглар ҳисобига бўлсин) иккинчи тип терминлари турғун терминологик сўз бирикмалари синфини мансубдир.

Инглиз тили орфографиясининг ўзига хос томонларига кўра мураккаб сўзлар ўзбек тилида дефис орқали эмас, балки қоидага кўра ажратиб ёзилади. Масалан:

| | |
|---------------|--|
| Инглиз тилида | CD-ROM-Compact Disc Read-Only Memory |
| Ўзбек тилида | ФЎУ ИД-Фақат ўқиш учун ихчам диск. |
| Инглиз тилида | SOF-Silisan-On-Insulator |
| Ўзбек тилида | ИК- Изолятордаги кремний. |
| Инглиз тилида | RLL-Run-Length Limited encoding |
| Ўзбек тилида | ЧДЭТК- Чекланган давомийликка эга бўлган такрорланишни кодлаш. |
| Инглиз тилида | RTC-Read-Time Cloc |
| Ўзбек тилида | ХВС-Ҳақиқий вақт соат. |

Айни пайтда мураккаб сўзлар компонентлариаро маъновий алоқани кўрсатиб бериш мумкин бўлган грамматик шаклнинг расмийлаштирилмаганлиги, уларни таржима қилишда сезиларли қийинчиликлар туғдиради. Бундай мураккаб сўз-терминларни алоҳида таржима қилиш нисбатан қулайроқ.

Мураккаб сўз - термин кўпинча икки ёки ундан ортиқ от негизларининг бирикувидан ҳосил қилинади.

Терминологик турғун сўз бирикмалар қўшма сўзлардан фарқли ўлароқ, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сифат ва от , сифатдош ва от ёки предлоглар ёрдамида ўзаро боғланган бир неча отларнинг бирикувидан ясалади.

Информацион технологияларга оид терминларни структур-маъновий жиҳатдан иккита гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳга аниқловчи компонентлари бирор предмет, ҳодиса ва х. к. ларни тавсифловчи, сифатловчи аломатларини акс эттирадиган терминлар қиради. Иккинчи гуруҳга эса аниқловчи компонентлари келтирилган бирор предмет ёки ҳодисани бошқалари билан боғловчи, мансублик, алоқадорлик муносабатини акс эттирувчи терминлар қиради.

Иккинчи тур терминларнинг ўзбек тили терминлари билан мос келишувини таржима орқали ҳам кўрсатиш мумкин. Уларнинг маъноси ҳар доим таркибий компонентларининг маънолари маълум бўлса етарли даражада аниқ бўлади. Масалан, инглиз тилидаги "Electronic" сўзи-электрон, "Банкинг" сўзи-банк ва "System" сўзи-тизим эканлиги ҳолда "Electronic Banking System (EBS) термин бирикмаси "Электрон Банк Тизими" (ЕБТ) маъносини англатаётганлигини тушуниш мумкин. Шунингдек, "Electronic document" каби терминнинг маъноси ҳам худди шундай: электрон ҳужжат. Бирок шунга ўхшаш ҳолатларда ҳам чиқарилган маънони бутун контекст миқёсида текшириб чиқиш талаб қилинади. Гап шундаки, айнан бир грамматик конструкция ичида компонентлар ўртасида турли-туман, бир-бирига ўхшаган маъновий

алоқалар мавжуд бўлиши мумкин. Аниқловчи компонент нафақат мансублик, алоқадорлик муносабатини, балки предмет ёки ҳодисанинг ушбу қуршаб турган олам билан бўлган алоқанинг турли жиҳатларини тавсифловчи бошқа аломатни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан: интернет тилидаги ахборот технологияларига боғлиқ бўлган "DSS" қисқартмасини олайлик. Ушбу қисқартмани ёйиб очганда у икки маънони билдиради:

Decision Support System (DSS)
Digital Signature Standard
(DSS)

Ушбу DSSнинг иккинчисига эътибор берсак, ундаги биринчи компонент "Digital" кейинги икки сўз "Signature Standard"га алоқадор. Худди шу сўз билан келган бошқа терминларнинг ҳам мавжудлиги аниқланди:

Digital Subscriber Line (DSL)
Digital Signal Processor (DSP)
Digital Signature Algorithm (DSA)
Digital Video Interactive (DVI)

Ушбу терминлардаги Digital сўзи ўзбек тилидаги "рақам" сўзини тўлиқ мос келган:

Рақамли абонент линияси
Рақамли сигнал процессори
Рақамли имзо алгоритми
Ўзаро фаол рақамли видео.

Ўзбек тилида келтирилган учала мисолнинг барчасида аниқловчи компонентнинг роли айнан бир хилдир, яъни улар инглиз тилидаги рақам билан мос тушган. Тўртинчи от+сифат шаклидаги мисолда аниқловчининг мавжудлиги кўрилатган масалага путур етказмайди.

Инглизча "Computer Control" терминидаги биринчи компонент бошқарув йўлини ифодалайди ва нафақат "ҳисоблаш машинаси" ёрдамидаги бошқарувни, шунингдек "ҳисоблаш машинаси" бошқариш маъносини ҳам англатади.

Адабиётлар

1. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). М "Высшая школа". 1990.
2. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. М. 1988.
3. Русча - ўзбекча луғат. Икки томлик. Тошкент. 1983.
4. Brill E. Transformation-based error-driven learning and natural language processing: A case study in part-of-speech tagging. М. 1995.

Солиқ ва божхона терминларининг таржима жараёнидаги прагматик таҳлили

Солиқ ва божхона терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш, таржима жараёнида уларнинг лексик- семантик жиҳатларини ўрганиб, таҳлил этиш бугунги кунда ечимини кутаётган масалалардан бирига айланганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Маълумки, терминларнинг ўзаро муносабатини кўрсатувчи лингвистик бирликлардан бири терминларда кўп маънолилиқнинг мужассамлашганидир. Ҳолбуки қатор соҳавий терминологик тизимларда ҳам маънодош ва полисемантик терминлардан фойдаланиш жараёни ўз аксини топган. Бинобарин, солиқ ва божхона терминлари тизими ҳам бундан мустасно эмас.

Мазкур мақолада инглиз тили лексиконида солиқ ва божхона хизматига оид полисемантик терминлар кенг тарқалганлиги кузатилиб, бир тушунчани ифодалаш учун 5-6 ва ундан ортиқ терминларнинг қўлланиши аниқланди. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисолларга мурожаат қиламиз:

Кўпгина соҳаларда, шу жумладан солиқ ва божхона тизимида ҳам кўп мурожаат қилинадиган *ҳисобот* терминининг таржимасини инглиз тили лексиконида мавжуд бўлган қуйидаги эквивалентликлар асосида ифодалаш мумкин.

Report, Statement, Minute, Summary, Account, Record, Book-keeping.

Report сўзи от сўз туркумига оид бўлиб, *To report* феъл сўз туркумидан шаклланган (яъни *-to-* юклагаси тушиб қолиши орқали ифодаланади) *ҳисобот топишмоқ, рапорт бермоқ, хабар бермоқ (газета, радио ва телевиденияда), баёот бермоқ, шикоят қилмоқ, етиб келганлиги ҳақида хабар бермоқ* (масалан: *-юк, хат, телеграмма* ва ҳ.к.) каби маъноларни англатади.

Report терминининг муқобиллигини таъминлаш мақсадида қўлланган *Act термини* ҳам солиқ ва божхона соҳасилан ташқари мавжуд бўлган барча ижтимоий соҳалар учун ҳам хизмат қилган. «*Statement*» эса молиявий *ҳисобот*, «*Minute*» *ҳисобот*нинг ёзма шакли, «*Summary*», термини қисқа муддатли *ҳисобот* тури учун қўлланилади, «*Account*» ва «*Record*» бухгалтерия соҳасига оид *ҳисобот*, «*Book-keeping*» текширув аудиторлик *ҳисоботи*дир. Юқорида кутатганимиздек, бундай ҳолат нафақат таржима жараёни, балки информация алмашиш жараёнининг кийинлашувига ҳам олиб келмоқда.

Солиқ ва божхона терминшунослигида бундан ташқари ўз ўзлашган терминлардан иборат синонимик қаторлар тез-тез учраб туради. Булар айниқса инглизча ва русча интернационал лексемалар ва ўз қатъий доир луғавий бирликлардир.

Терминларнинг ўзаро муносабатини тасдиқловчи омиллардан бири бу антонимиядир. Солиқ ва божхона терминшунослигида ҳам антонимик терминлар мавжуд. Бироқ кузатишларимиз мазкур соҳа амалиётининг антонимик терминларнинг кам учрашини тасдиқлади. Шу боис мақолада тайёрлаш асосида солиқ ва божхона соҳасига оид инглизча терминларнинг махсус адабиётлар, луғатлар, ҳужжатлар, газета ва журналлардан ўрганиш фаол қўлланиладиган солиқ ва божхона терминларини тўпладик. Уларнинг маълум бир тизимга солгандан кейин, изланиш натижасида шунга ишонч ҳосил қилдик-ки, солиқ ва божхона терминшунослигида аффиксация усули билан ясаладиган терминлар ниҳоятда кўп учраб экан.

Тилшуносликда ханузгача мунозарали масалалардан бири термин ёхуд атама таърифига турлича изоҳ берилаётганидир. Рус терминшунослигида *В.Г. Даниленко* тадқиқотларида феъллар, ҳатто сифат, равиш кабилар ҳам қатъий шаклда *термин* ҳисобланади (термин-глаголь¹). Ўзбек тилшуносларидан *Х.Арзиқулов* мазкур фикрга қўшилиб, феълларни ҳам терминлар жумласига киритади² ва шундай ёзади: “Ҳар қандай сўз ва бирикма, ҳатто тиниш белгилари ҳам, реляторлар, шунингдек терминлар вазифасини бажаради.” Юридик терминлар тадқиқотчиси *М.Қосимов* шу йўналишдан бориб, қатъий равишда “феъллар ҳам термин жумласига киритади” деб уқтиради ва уларни тадқиқот объекти қилиб олади. Муаллиф “Кейинги йилларда терминларни нафақат статистикада, балки функционалиги доирасида ҳам ўрганиш билан боғлиқ равишда шунингдек аниқ бўлиб қолдики, феъллар ҳам терминлар жумласига киритади”, деб таъкидлайди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, тадқиқотларда мазкур аффиксли лексемалар махсус ўрганилмаган. Бинобарин, бундай лексемалар термин деб тан олинмаган.

Ушбу мақолада “солиқ” ва “божхона” терминлари ҳам *-лик* аффикси (инглиз тили грамматикасида *-to-* юкламаси) ёрдамида ясалмаслиги, балки ўзбек тилидаги каби *-иш* *иш-лаш* (*-ing-* суффикси) (давомий замонлар бундан мустасно) аффиксли ҳаракат номлари ўрнига қўлланилишини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб билдик. *Мағала*.

¹ Даниленко, В.Г. Лексико-семантические и грамматические особенности слов-терминов. Исследования по русской терминологии. М. Наука. 1971. С.67

² Арзикулов, Х. Семантические проблемы в терминологических системах французского языка на материале онкологической терминологии. 1980. С.20.

Ўзбек тилида мавжуд бўлган *солиқдан қочиш (бўйин товлаш)* тушунчасини инглиз тилида куйидаги терминлар билан ифодалаш мумкин.
Dodge -tax, evade-tax, avoid-tax, evasion-tax, shrink- tax

-моқ - ва *-ш, -иш, -лаш*, аффиксли сўзлар (феъллар) ва ҳаракат номлари (жумладан: *грудий – gerund ҳам*) асосан инглиз тили луғатларида, бундан ташқари стилистик мақсадларда ёзилган бадий ва публицистик асарларда учрайди. **Масалан “Humorist!” She cried, jumping into a cab”. You’re quite a humoris** (After Somerest Maugham)

Адабиётлар

1. Даниленко В.Г. Лексико-семантические и грамматические особенности слов-терминов. М. 1971
2. Арзикулов. Х. Семантические проблемы в терминологических системах французского языка на материале онкологической терминологии. 1980.
3. Кудрявцева О.Е., Попова Н.С., Скворцова М.В., Шевелева С.А.. English for business men. Ташкент.2001.

Ф.Холметова
ЎЗМУ

Ғафур Ғулом ҳикояларида эпитет (сифатлаш)

Маълумки, адабий тилнинг том маънодаги ижодкори халқ ҳисобланганлиги учун умумхалқ тилининг ранг-баранг турларини, айниқса унинг умуммиллий ўзаги тарихини ҳисобга олмай туриб адабий тилнинг ўтмишини тушуниш, унинг замонавий ҳолати ҳақида бирор бир мулоҳаза юритиш, ҳукм чиқариш амри маҳол¹.

Эпитет – предметнинг сифатини тасвири, образли ифодалаш учун ишлатиладиган сўз, тропнинг бир тури ҳисобланади.

Ғарчи эпитет бадий асарлар матнида изоҳловчи вазифасида кўринса-да, бироқ предметнинг сифатини меъёрдан ортик тасвирлаш учун хизмат қилади.

Ғафур Ғулом ҳикояларида шундай эпитетлар ўхшатишдан кейин кўп қўлланган бадий тасвирининг лексик воситаси ҳисобланади. Эпитет асарнинг бадий салоҳиятини оширади, матннинг жозибадорлигини оширади. Куйида ана шундай эпитетларнинг биъ нечтасини таҳлил қиламиз.

“Уй эгаси ўртага бир кир дастурхон ёзди.”

(“Ҳасан Кайфий” 230-бет.)

¹ Дадабоев Ҳ. Ғафур Ғулом ҳикояларида бадий тасвирининг лексик воситалари// Ғафур Ғулом ва давр. Т.2003.

Бу мисолда сифатлаш кир сўзидир. Дастурхоннинг таърифидан кўринишига нисбатан берилган баҳо.

Кир – 1. Бадан, кийим ва бошқа шу кабиларга чағи тўғри ўтиришидан ҳосил бўлган ифлослик. 2. Ювиладиган ёки ювилган кийим сочиқ, дастурхон ва шу каби буюмлар. (ЎТИЛ, I-т 387-б)

Изоҳли луғатда берилган икки таърифдан биринчиси мисолимишан кир сўзининг маъносига яқин. Ҳар қуни овқат ейилгач турли доғларнинг дастурхонга ўтириб қолишидан кир ҳосил бўлади.

“Бувасидан қолган бир эски арра билан олчин тўқмоқ бўлиши эди.”

(“Ҳасан Кайфий” 234-бет)

Бу мисолда иккита эпитет мавжуд: эски арра, олчин тўқмоқ.

Эски арра, кўриниб турганидек, арранинг анчадан бундан ишлатилаётганлигини, эскириб кетганлигини билдиради.

Олчин - 1. Ўзбек халқининг этник составига кирган уруғларнинг бирининг номи, шу уруғга мансуб кишилар. 2. Олчин тўқмоқ – дастурхон узун катта ёғоч тўқмоқ. (ЎТИЛ, I-т.436-б.) Келтирилган мисолда таърифларнинг айнан иккинчиси назарда тутилган.

“Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очик айвонда увин-тўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина ўратепанинг кир шолчанин устида ухлаймиз.”

(“Менинг ўғригина болам”, 200-бет)

Ушбу мисолда олди очик айвон, увин-тўда кўрпа-ёстиқ, кир шолча бирикмалари эпитетли бирикмалар ҳисобланади.

Олди очик айвон – уч томони берк бўлган ёзги ўтириш, дам олиш хонаси.

Увин-тўда кўрпа-ёстиқ – жуда эскириб кетган, йиртиқ-ямоқни тўкилиб кетган маъносини беради.

Кир шолча – шолчанинг кирлигини англатиб турган кир сўзи бу мисолда эпитет шаклини ҳосил қилган.

“Эшон докани тортиб олиши билан, ҳайҳот на кўзи билан кўрсинки, Роқия қиз ўрнида иймаланган жиқ тери, саксонлардан ошиб, оғзида тиш боласи қолмаган мукка кампир, бир вақтлар ўн дам солган Дадақўзининг онаси чиллашир Сарвар амма.”

(“Элатияда бир ов”, 69-бет)

Бу мисолда иймаланган жиқ тери, мукка кампир, чиллашир Сарвар амма каби сифатлашли бирикмалари келтирилган. Иймаланган жиқ тери – қари одамларнинг териси кўплаб ажинлар билан қопланганлигига ишора. Бу мисолда муаллиф терининг ана шундай сифатга эгалигини кўрсатиб берапти.

Мукка кампир.- мисолида муаллиф мукка сифатини кампирнинг жуссасига нисбатан қўллаган. Мук тушмоқ – оёқларини йиққан холда юз тубан ётмоқ деган маънони билдирса, мукка сўзи эгилган маъносини билдиради.

Чиллашир – инсон организмда никотин кислотаси етишмаслиги, тери ва ичак йўллариининг зарарланишидан иборат касаллик. Чиллашир Сарвар амма - бу қахрамонга нисбатан касал(озгин), котма маъносида қўлланган.

“Юзимга совук сув сепиб, Шафоат амма ўзимга келтирганда, Ганибойвачча йўқ, мен бир пуллик одам бўлган эдим, - деди.”

(“Кўнгилсизнинг қилиги” 14-бет.)

Совук сув, бир пуллик одам эпитетлари бу мисолда тўғри ва кўчма маъноларда қўлланилган.

Совук сифати сувнинг муздеклигини билдириб келган бўлса, бир пуллик сифати кўчма маънода – бир пулга қиммат маъносида қўлланилган.

“Ёқутхон билан қаторасига ётган кампир Энабувининг жин теккан юзини токнинг шапалоқ барглари орқали, олачалпоқ соялар билан бекитмоқчи.”

(“Соялар” 96-бет.)

Кампир Энабуви, жин теккан юз, шапалоқ барг, олачалпоқ соялар - ушбу гапда ишлатилган эпитетлар ҳисобланади.

Кампир – 1. Ёши улғайган, кекса қари хотин. 2. Ёши улғайган кишининг хотини ва унга мурожаат формаси. (ЎТИЛ. 1-т. 365-б.)

Луғатдаги таърифларнинг биринчиси мисолда қўлланган. Бу ўринда Энабувининг ёши катталиги назарда тутилмоқда.

Жин теккан юз – юзнинг ажинлари билан қопланганлигини билдирувчи сифат. Қариликнинг аломатлари – юзга ажинлари тушиб кетиши ҳолати билан белгиланади.

Шапалоқ барг – баргнинг ташқи кўринишига нисбатан берилган сифат. Одамнинг кафти шапалоқдек бўлади. Демак, бу мисолда дарахт барглариининг ҳажми одамнинг кафтидай бўлса, шундай сифат қўллашимиз мумкин. Токнинг барги кафтдек шапалоқ барг бўлади.

Олачалпоқ соялар – дарахт барглари оралаб тушган парча – парча офтоб, ойдин ёки қўланка, бир текис эмас маъносида қўлланган.

Ушбу жумла жуда чиройли тасвирлар билан боғланилган.

“Бир кун қиз билан шаҳарнинг обод бонаҳаридан бирида – мажнунтолнинг попуқ новдалари остига қўйилган зангори скамейкада, электр фонарларининг шуълаларидан бекиниб бир-бировимизнинг пинжимизга чунонам сингиб кетган эдикки, шапқўр бир йўловчи бизни, бирорга семиз киши деб ўйлади.”

(“Бўйдоқ, 148-бет.)

Обод боғ, попук новда, зангори скамейка, шапкўр йўловчи, киши бирикмалари ушбу мисолда эпитет бўлиб келган.

Обод боғ, попук новда кўринишига қараб, зангори скамейка ранга қараб, шапкўр йўловчи хусусиятига кўра, семиз киши хажмига кўра қўлланилган сифатлашли бирикмалар ҳисобланади.

“Бир нафасли нафс халовати, бир дамли хаёлдай субутсиз бир ҳолат учун энг қаттол жиноятларга иртиқоб қилғувчилар, ўша орқали бутун турмушни тасаввур этувчилар хамияти, динияси қўнғили гуноҳсиз маъсумаларга чексиз оғирлик юкловчилар бизда камми?”

(“Соялар” 101 бора)

Ушбу мисолда қўлланилган эпитетлар субутсиз ҳолат, қаттол жиноят, бутун турмуш, гуноҳсиз маъсума бирикмалари.

Субутсиз ҳолат – беқарор, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга кўчувчи маъносини билдириб келган. Ушбу мисолда Ғафур Ғулом ишонад нисбатан ишлатиладиган субутсизлик тушунчасини ҳолатга нисбатан қўллаган.

Қаттол жиноят – ашаддий, ёвуз, кескин, шиддатли маъноларини англатадиган тушунча бўлиб, ёвуз жиноят маъносида келтирилган.

Бутун турмуш – ҳаёти давомида, бутун сўзи бор-йўқ ҳаётининг хажми тарзида келтирилган.

Гуноҳсиз маъсума – гуноҳи бўлмаган, айбсиз; маъсум-беғуноҳ, по тоза; маъсума-маъсум аёл,

Чексиз оғирлик – чегараланмаган, ҳаддан кўп оғирлик.

Эпитетлар бадий услубни ривожлантирувчи бадий тасвирий лексик воситалари ҳисобланади. Бошқа услублардан фарқли ўлароқ бадий услуб ўзидаги такрорланмас эпитетлари билан ҳам ажралиб туради.

Ғафур Ғулом ҳикояларида эпитетларнинг ана шундай намуналаридан 300га яқин келтирилган.

Т.Қурбонов
СамДУ

Пиримқул Қодировнинг “Бобур” романида ҳарбий терминларнинг берилиши

Бадий адабиёт халқ тили ва адабий тил фактларини ўзида акс эттириши билан бир қаторда, тил тасвирий воситалари, турли лексик қатламлари, ифодалаш усуллари, фразеологик иборалари, мақолларнинг грамматик воситаларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнидаги систем ўзига хосликни белгилашда ҳам катта хизмат қилади.

Бадиий адабиётнинг «биринчи элементи бўлган тил» жамият тараққиётининг барча даврларида тарихий фактларни бадиий ифодалашда хизмат қилиб келган. Мозийнинг 500 йиллик воқеаларини ифодалашда ўзбек адабий тилининг ўша даврига доир намуналарини ўзида акс эттирган тарихий манбалар асосий материал сифатида хизмат қилади.

Тарихий мавзуни бадиий адабиётда ёритиш ёзувчидан машаққатли меҳнатни талаб қилиш билан бирга, унинг олдига катта масъулиятни ҳам қўяди.

Тарихий мавзуда ёзилган бадиий адабиёт (роман, повест, ҳикоя, драма ва ҳ.к.) ёритилаётган давр воқеаларига аниқлик (хужжатлилик), ҳаққонийлик билан ёндашишни талаб қилса, тил фактларининг берилиши, ифода усуллари, тарихий лексик қатламлар, грамматик бирликларнинг ифодаси ҳам ундан кам бўлмаслиги лозим.

«Бобур» романи ҳозирги замон китобхонига мўлжаллаб ёзилгани туфайли, унинг тили, табиий, ҳозирги ўзбек адабий тилининг нормаларини ўзида тўлиқ акс эттирган. Шунинг билан бирга, бу асар тарихий мавзуга бағишланганлиги сабабли унда тасвирланаётган лавҳаларда давр адабий тилининг характерли белгилари ўз инъикосини топмаслиги мумкин эмас. Буни биз асар тилининг лексикасида, айниқса, яққол кўраимиз. Асар лексикасининг энг характерли мавзуй гуруҳларидан бири ҳарбий терминлардир.

Маълумки, романда Бобур фаолиятининг салмоқли қисми – унинг тўхтовсиз ҳарбий юришлари, гоҳ ғанимни енгиб, ғалаба нашидасини суриши, гоҳ енгилиб, мағлубият аламини тортиши билан боғлиқ психологик воқеа-ҳодисалар акс эттирилган.

Аввало шуни айтиш керакки, романда қўлланилган ҳарбий терминлар ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган предмет ва тушунчаларни ифодаловчи лексик элементлардир. Бундай элементлар XIV-XVI асрлар эски ўзбек адабий тилида, жумладан, «Бобурнома» тилида ҳам мавжуд эди. Табиий, «Бобурнома»да ишлатилган ҳарбий терминларнинг барчаси П. Қодировнинг «Бобур» романида тўлалигича акс этмаган. Романда биз уларнинг айримларинигина учратамиз.

Роман тилида ишлатилган ҳарбий терминлар ҳарбий фаолиятнинг турли соҳаларига дахлдор бўлиб, уларнинг бир қисми келиб чиқиши жиҳатидан мўғулча ёки турк ва мўғул тиллари учун муштарак бўлган сўзлар эканлиги билан характерланади. Қолаверса, XI-XVI асрларда эски ўзбек тилида истъомолда бўлган, Алишер Навоий ва бобур асарларида акс этган ҳарбий терминларнинг кўпчилиги Амир Темур фаолияти билан боғлиқ. Амир Темур ўз қўшинида янгича конун-қоидаларни, тартиб-интизомни жорий этиш билан бирга, қўшинга Чингизхон армиясида мавжуд бўлган ва ўша давр учун намуна ҳисобланган аскарый тизимни олиб кирди. Шунинг натижасида кўпгина ҳарбий тушунчалар мўғулча

терминлар билан атала бошлади¹. Бобур ҳам ўз асаридан ана шундай асар мўғулча ҳарбий терминлардан, анъанага кўра, фойдаланди. У бу соҳада янгилик ҳам қилди. Аввало, Бобур лашкарга тартиб бериш, қисмларни жанггоҳда жойлаштириш, урушга тайёрлаш, хужум қилиш усуллари уларни ниҳоясига етказиш каби ишларни бажаришда ҳарбий юришларни доимо ўзи билан бирга бўлган Шайх Зайннинг «Фатҳнома» номли асаридан ўқиб ўрганган. У ёзади: «...чун бу «Фатҳнома»дан ислоҳи черикининг кайфияти ва куффор хайлининг камийяти, суфуф ва ясолнинг турушлари ва аҳли ислом ва аҳли куфрнинг урушлари мушаххас ва маълум бўлув, ул жиҳаттин беэиёда нуқсон ўшул»².

Иккинчидан, Бобур ҳарбий қисмларнинг жойлашиш тартиби тузилиши билан боғлиқ бўлган тушунчаларни аташда илгаридан, Амир Темур давридан давом этиб келган анъанага янгиликлар киритди. Бу анъана янгилик нималардан иборат эканлиги тўғрисида Бобурнинг ўзи шундай маълумот берган: «Агарчи баронғор ва ўнг қўл ва ўнг ён бир маъноси бор, вале алфоз тағйири била ташхис мухталиф маънийга мен итлоқ қилдим. Нечукким, маймана ва майсарақим, баронғор ва жавонғор дерлар, ясолда қалбнингким, ғўл делар, дохили эмас. Мунда бу навъ ясолни ўшул сарофате била баронғор ва жавонғор дейилди. Яна ғўлким, бошқа ясолдур, шунинг ямин ва ясорини имтиёз учун ўнг қўл, сўл қўл битилди. Яна ғўлдаким, хосса тобиндур, шунинг ямин ва ясорини ўнг ён ва сўл ён аталди. Яна хосса тобиндаким, бўй тенгидур, турки лафзида мутаррақим ҳам бўй дерлар, шунда ул бўй мурод эмасдур, якин муродтур, шунинг ямин ва ясорни ўнг ва сўл аталди»³.

Бобурнинг бу маълумотидан шу нарса аёнки, у қўшин тузилмаси таркибига кирувчи қисм (бўлак)ларни алоҳида-алоҳида терминлар билан атаган. Жумладан, қўшин таркибига кирувчи қисмларни саф-саф қилиб жойлаштириш, тузилиш тартиби *ясол* дейилса, шу ясолда уч хил *ғўл* (қалб, марказ) бўлади. Биринчи ғўлнинг ўнг ва сўл тарафида жойлашган қисмлар *баронғор* (*буронғор*) ва *жавонғор* (*жувонғор*) дейилади. Иккинчи бир ғўлнинг ўнг ва сўл тарафида жойлашган қисмлар *ўнг қўл* ва *сўл қўл* дейилади. Яна бир ғўл резервнинг ўнг ва сўл томони *ўнг ён* ва *сўл ён* дейилади. Яна бир ғўлники *ўнг* ва *сўл* деб аталади.

Ҳарбий тушунчаларни ифодаловчи туркча-мўғулча терминлар орасида –вул ва –л қўшимчалари билан ясалган терминлар алоҳида бир гуруҳни ташкил қилади. Турк ва мўғул тиллари учун муштарак бўлган –вул қўшимчали сўзлар эски ўзбек тилида асосан XIII асрда пайдо бўлган Немис олими Г. Дёрфер шу қўшимча билан ясалган сўзлар эски ўзбек

¹ Қаранг: Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент. 1996.

² Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. Юлдузча. 1989.

³ Юқоридаги асар. 272–273-бетлар.

тилида 100 тадан ортиқ эканлигини таъкидлайди⁴. Алишер Навоий «Муҳокамаат ул-луғатайн»да –вул кўшимчали сўзлардан бир нечтасини мисол қилиб келтириб, улар асосан сарой мансабларини ва ҳарбий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар эканлигини кўрсатган. Жумладан:

Ҳировул // ировул – илғор отряд, кўшиннинг олдида борувчи қисм, авангард.

Чагдовул // чангдовул // чиндовул – кўшиннинг охирида борувчи қисм, арьергард. «Бобурнома»да яна «арьергард бошлиғи» деган маънода ҳам ишлатилган.

Чаповул – кўшиннинг ўнг қаноти (буронғор).

Шақовул – кўшиннинг сўл қаноти (жувонғор).

Китповул // китповул – қалъа бошлиғи, комендант, кўрғон соқчиси.

Йонқовул – кўшин қанотини ҳимоя қилувчи отряд.

Дақовул – пистирма, пистирмада турувчи.

Шиговул – подшо саройидаги қабул маросимларини бошқарувчи катта амалдор, қабулга элчиларни олиб кирувчи.

Ясовул – саройга кирган-чикқанларни назорат қилувчи, бошқарувчи.

Шулар қаторига «Бобурнома»да учрайдиган *қоровул, жангдовул, тутқовул, баковул* каби сўзларни ҳам кўшиш мумкин.

«Бобур» романида эса –вул кўшимчали сўзлардан фақат *баковул, ясовул, жангдовул, шиговул, қоровул* сўзлари ишлатилган. Айрим ўринларда ёзувчи шу сўзларнинг маънодошларидан фойдаланган. Масалан, *ўнг қанот, чап қанот, марказ, илғор, юртчи, тилчи, ўнг, сўл*).

Турк ва мўғул тиллари учун умумий бўлган ҳарбий терминлар орасида –л кўшимчаси билан ясалган сўзлар ҳам борки, уларнинг баъзилари «Бобурнома»да бўлганидек, романда ўз синоними билан алмашилиб ишлатилган. Масалан, *ясол* ва *саф*: *Иброҳимнинг ҳарбий филлар ҳимоясига таяниб уришадиган кўшинида пиёдалар кўплиги ва сафлар тизги бўлиши маълум эди* (453). *Ҳеч ким буйруқсиз кўзгалмасин, ясол бузимасин!-деб ҳаммани қаттиқ тутиб турарди* (454).

Аммо ўша давр тилида фаол истеъмолда бўлган шу типдаги, яъни –л билан ясалган *бирқол* (пистирма), *тўсқол* (соқчи, қоровул), *суюрғол* (инъом, совға), *тунқол* (кўшиннинг белгиланган жойга тўпланиши ҳақидаги хабар), *қунбул, қумбул* (кўшин қанотларини душман ҳужумидан ҳимоя қилувчи ҳарбий қисм, отряд), *будол* (кўшин дам оладиган жой) каби сўзлар роман тилида учрамайди. Улар ўрнида шу тундан ифодалай оладиган ва ҳаммага тушунарли ўзбекча сўзлардан фойдаланилган.

Романда ишлатилган *навқар, ўлжа, дубулга, саосқ, жиба-жеба, мерган* каби мўғулча ҳарбий терминларни ҳисобга олмаганимизда ҳам, муаллиф ўша давр адабий тилида истеъмолда бўлган мўғулча-туркийча ҳарбий терминлардан айримларинигина асар луғат таркибига киритиб,

⁴ Далабоев Х. –ВУЛ кўшимчаси хусусида // Til va adabiyot ta'limi. 2003. № 5. 48–49-бетлар.

уларни воқеа-ходисалар, айниқса, уруш ҳаракатлари баёнида персонажлар нуткида ўринли бера олган.

XIV-XVI асрлар эски ўзбек тили лексикасига хос бўлган ва И. Қодировнинг «Бобур» романи тилида ҳам акс эттирилган, ҳарбий тушунчаларни ифодаловчи сўз ва иборалардан яна қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Қурол-яроғ номлари: *ўқ* (ёй ўқи, найза), *ойболта*, *тиг*, *камон*, *қалқон*, *тўп*, *тўфанг*, *ханжар*, *чакра* (хиндларнинг олтига кескир тўпбор қуроли), *чўқмор* (гурзи), *тура* (қалқоннинг бир тури) ва бошқалар.

Муҳофаза кийим-кечак номлари: *дубулға*, *жиба*, *зирҳли кийим* ва бошқалар.

Ҳарбий фаолиятнинг яна бошқа соҳаларига тегишли тушунча ва предметларни ифодаловчи сўзлар сирасига *хуфия* (жосус, разведкачи), *чопар*, *масоф* (очиқ жойда юзма-юз олишиш), *табл*, *нақора*, *карниш*, *ганим*, *ёв*, *ёзий* (душман), *туғ* (*байроқ*), *тўлғама* (қуршов), *туғбардор*, *чавондоз*, *йигит*, *бек*, *навқар*, *асқар*, *тўфангдоз*, *пиёда*, *девор*, *хандак*, *арава* (кейинги уч сўз муҳофаза иншоотларининг номи), *борут*, *хост*, *тобин* (резерв), *қувгинчи*, *ўрон* (парол), *чопқинчи*, *милтиқчи*, *наси* (душман келса, уруш хотирхоз қилувчи) каби лексемаларни киритиш мумкин..

Адабиётлар

1. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент. 1996.
2. Дадабоев Ҳ. –ВУЛ қўшимчаси хусусида // *Til va adabiyot ta'limi*. 2003. № 5. 48–49-бетлар.
3. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. Юлдузча. 1989.
4. Дадабоев Ҳ. –ВУЛ қўшимчаси хусусида. 272–273-бетлар. Яна қаранг: Дадабаев Ҳ., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент. Фан.1990. С. 75-76.

Эроний топонимлар хусусида

Эроний топинмалар, асосан, Ўзбекистон ойконимиясига хос, қисман гидронимия ва оронимияда ҳам сақланган. Тарихий манбаларда қайд этилган, аммо ҳозирги давр топонимиясида учрамайдиган суғдий топонимлар миқдори анчагина. Уларнинг айримлари қадимги хитой, араб, форс ва бошқа тилларда битилган манбаларда турли лисоний – шаклий кифада ёзиб қолдирилган. Ҳозирги Ўзбекистон худудида топонимлик мақомида қўлланаётган эроний номлар ёлғиз ҳолда эмас, балки қатор (гуруҳ) ҳолида учрайди. Уларнинг кўпчилигида объект турини билдирган лексема такрорланган. Бу лексемалар ҳозирги даврда топоформант шаклига эга. Улар ном таркибида ўзига хос лисоний ўзгариш жараёнини бошдан кечирган. Бу тур эроний топонимларнинг муҳимлари қуйидагилар.

1. -кент/-қанд/-кат/-кат/-гат/-қа/-қон/-гут/-ганч/-ган/-жанд компонентли топонимлар. Бу тур номлар асосан шаҳар, туман, шаҳарча, қишлоқ, маҳалла номларидир. Номлар таркибида бир хил такрорланган суғдий лексема дастлаб кўрғон, кейинчалик қишлоқ, шаҳар маъносини англатган: Кат, Навкат, Новкат, Тошкент, Самарқанд, Паркент, Пискент, Бешкент, Ишкент, Заркент. Китоб (кат об), Вобкент, Қўқон, Ургут, Урганч, Новқа, Пангат, Чингизкент (Самарқанд), Дукат, Вадиған, Хўжанд.

2. -диз/-ди компонентли ойконимлар: Тезгузар (<диз гузар), Тезоб (<диз об), Каманди (<ком он диз), Лаганди (лак+он-диз), Паканди (<пак+он+диз), Апанди (<об+пар+диз), Испанди (<кўх+кат+диз), Човди (<чов/шов+диз), Қараманди (<ғара+майн-диз), Испанди, Бувайда... Бу номларнинг барчаси кашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудига хос. Суғча диз – кўрғон. Жиззах номи XV-XVI асрда Дизак тарзида бўлган. Ўзбек тили таъсирида диз лексемаси ойконимлар таркибида жиз/жиза/жизза шаклига ўтган: Жизза Жиззалик, Хонжизза номлари генетик жиҳатдан диз/диза лексемасига дахлдордир.

3. -мон/-ман/-мин компонентли ойконимлар: Мангузар, Полмон (пар+майн), Шираман, Қовузмон, Ёзмон, Мотмон, Хушман, Хуммон, Ғишман, Лағмон, Эрман, Катмон, Ҳазормон, Сармо, Мармин. Жанубий Ўзбекистон (Жў) худудидаги бу номлар тарқалишидаги -ман/-мон топоформантининг этимони суғдча майн-мейн номининг ўгирмаси – Қишлоқча, Кўрғонча. Зомин, Сармон (Жиззах), Жизман, Жозман, Зорман (Самарқанд) номлари ҳам шу гуруҳга мансуб. Номлар таркибидаги суғдча қисм уларни бир топонимлик қаторга бирлаштиради.

4. -метан/-митан/-матон компонентли ойконимлар: Парметан, Шамметан (<шов+метан), Наматон (<нав+метан), Азизметан, Бўриметан (Жў), Зармитан (Навой, Самарқанд), Наметан (Бухоро), Мирзахон (Самарқанд), Ўрметан, Семитон. Митан/Метан қишлоқлари Навоӣ Самарқанд вилоятларида бир нечтадан. Сугдча митан/метан/матон истехком, қалъа, қишлоқ, мустаҳкамланган жой.

5. -жон/-жан/-шон/-жом компонентли топонимлар: Сомжом, Рупжон, Буржан, Зарафшон (Зарафшон водийси), Навжон, Шержон, Хонжон, Дахнаижон, Майжон, Бадахшон (Жў), Андижон, Арашон (Тошкент), Буржшон, Ардақшон, Нижон (Жиззах), Ойжон (Самарқанд). Қадимги шакли жан – канал, булок, сув манбаи. Бу тур номлар дастлаб гидропоним сифатида келган. Сўнгра бу номлар ойконимия сатҳига ўтган.

6. -кўх/-қоф/-хуф/-ғўб компонентли топонимлар: Ғўбдин (Қашқадарё, Жиззах), Кўҳак, Пешку, (Бухоро), Хўбон, Хуфар (Сурхондарё).

Топонимларнинг бу тури тилда ороним мақомида яралган. Сўнгра хўб оронимик, ҳам ойконимик функция касб этган. Қадимги эроний тилда қоф/хуф/ғўб/кўх – тоғ, чўкки; баландлик.

7. -фағн/-бағн/-вағн/-боғ/-боқ/-воқ компонентли топонимлар: Занжирбоғ (Самарқанд), Қорабоғ, Эскибоғ, Авғонбоғ (Жў), Чорбоғ, Боғдод, Боғдон (Жиззах).

Бу тур номлар, асосан, шаҳар микроойконимиясига хос бўлган. Қадимги эроний тилда фағн – ибодатхона.

8. -дак/-дақ/-доқ/-тоқ/-туғ компонентли топонимлар: Чодақ, Чортоқ (Наманган), Сангардақ (Жў), Пойтуғ (Андижон). Қадимги эроний тилда жумладан, сугд тилида дақ/тақ/тағи – дарё, оқар сув.

9. -дувон/-тувон компонентли топонимлар: Гиждувон. Қадимги топонимлар: Анбардувон, Базандувон, Дибадувон, Забадувон, Кахуштувон, Кокиштувон, Муждувон. Барчаси Нахшаб атрофида бўлган. Қадимги эроний тилда дувон/тувон – қишлоқ, овул.

10. -зай/-зой/-за/-зи компонентли топонимлар: Варзик, Варзингон (Наманган), Заяк (Жиззах), Зоғза, Варганза, Зомит, Испанза (Самарқанд). Қадимги сугд тилида зай-зой – ер, жой.

11. -ёп компонентли топонимлар: Хазорасп. Хоразмий тилида ёп – қатта ариқ.

12. -ком/-қон/-гон/-ган компонентли топонимлар: Наманган, Писком, Угом (Тошкент), Конимех, Шофрқон, Камри, Каманди (Қашқадарё), Ваткан (Самарқанд). Қадимги эроний тилда ком-гом/кам/кем – дарё, анҳор.

13. -кана/-кан компонентли топонимлар: Зачкана, Ваткана (Самарқанд). Қадимги эроний тилда канна/гана/хона – жой, ер; макон.

14. -об/-аб компонентли топонимлар: Тороб (Бухоро), Дарғом, Нахшаб, Сиёб, Ғуржоб, Вандоб, Катоб, Шўроб (Жў), Пахмаб (Самарқанд), Ғуроб (Жиззах), Панжоб. Сугд тилида об – сув, дарё, оқар ёки оқмас сув.

15. -зм/-зим компонентли топонимлар: Хорамз, Наразм (Қашқадарё). Туркменистон республикасининг Қашқадарёга чегарадош ҳудудида Наразим қишлоғи бор. Қадимги эроний тилда зим/зем – жой, ер; ўлка.

16. -қор/-қар/-ғар/-ғор/-хар/-хара/-ғара компонентли оронимлар: Шовқор, Ойқор, Чимқор, Тасқара, Пишағар (Жиззах), Харқуш (Самарқанд), Сўқар, Хардўзд, Ғуржоб, Арпақори, Карсагон, Масҳара, Палғар (Жў), Ғалча (Жў, Наманган), Данғара (Жиззах, Фарғона), Ғўроб (Жиззах). Суғд тилида қар/ғар – тоғ.

17. -мас/-мос/-маст/-мост компонентли топонимлар: Зармас, Сармос/Саримос, Қорамос, Мачай (Жў), Матчо (Сирдарё), Размас (Жиззах), Пирмаст (Бухоро), Розмос (Қашқадарё). Қадимги эроний тилда маст/мост – чўққи, қоя; тоғ; баландлик.

18. -кеш/-қаш/-қач/-кич/-қуш компонентли топонимлар: Киштут, Кеш, Сарқаш (Жў), Хорқаш (Бухоро).

Қадимги эроний тилда қаш/қиш/кеш/қуш – сув айирғич баландлик, сувни икки ё бир неча оқимга бўлиб юборадиган қоясимон дўнглик.

19. -арна/-орна/-анна/-онна компонентли топонимлар: Арнасой (Жиззах), Арна, Онна, Орна. Қадимги хоразмий ва суғд тилларига мансуб арна лексемаси дарёдан сув олувчи канал маъносини англатган.

20. -руд компонентли топонимлар: Рўдак, Шаҳруд.

Эроний тилларда ўтмишда руд – дарё.

21. -варғ/-варқ/-варг компонентли топонимлар: Варганза (Жў), Варқ (Навоий). Суғдча варғ/варқ/варг тўғон, дамба, сув банди.

22. -қас/-ҳас/-қас/-қаз/-қаз/-ғаз/-ғаз/-ғас/-ғус компонентли топонимлар. Бу тур номларнинг барчаси дастлаб дарё номлари сифатида яралган: Танғқас, Танғқас (Қашқадарё), Уғаз (Тошкент), Навхоз (Самарқанд), Зарғус (Сурхондарё). Хоразмий ва суғд тилларида қас/қаз/ҳас/ҳаз – оқар сув, дарёча.

23. -мағр/-мар компонентли топонимлар: Марғилон, Марзон, Мармин, Помук, Марғзор (Жў), Конимех, Пониқ (Самарқанд), Паймар (Жиззах). Қадимги эроний тилда мағр – ўтлоқ, яйлов.

24. -ровут/-равот компонентли топонимлар: Шеробод, Музравот, Заравут (Жў). Суғд тилида ровут/ровит/роват – даранинг боши; яйлов, ўтлоқ; кўрғон.

25. -тон/-дон компонентли топонимлар: Поштон (Қашқадарё), Риштон, Боғдон, Карқидон, Ҳавдон (Сурхондарё). Бу тур номлари микдори кам. Қадимги эроний тилда тон/дон – жой, макон.

26. -гард/-гирд/-кирд/-кард компонентли топонимлар: Сангардак (санггард-дак). Халқ дostonларида шаҳри Зангар/Зангор номи Санггард ойқонимининг ўзгарган шакли. Занжир, Занжирсарой номлари ҳам қадимги Санггард номи билан этимондош. Суғд тилида гард/гирд – кўрғон.

27. -вар/-вара/-вор компонентли топонимлар: вордон, Зевар, Вазир, Вор, Вори, Бўриметан (Жў), Далварзин (Жў, Тошкент, Андижон), Фаргон (Жиззах), Варахша, Вардона (Бухоро), Урмитан, Варзик (Наманган), Варзик (Фарғона).

“Авесто”да бу лексема вара шаклида қўлланган. Энг ибтидоий тураржой макони вар деб аталган. Ибтидоий маъноси – теварати дерах билан куршалган Парметан, Урганч, Ургут ойконимларидаги ширинлик лексемалари ҳам генетик жиҳатдан вар лексемасига этимондон бундан мумкин.

28. коҳ компонентли ойконимлар: Кампир (Қашқадарё, Сурхондарё), Когон, Капаржўй (Қашқадарё).

Ўзбекистон республикаси ва унга ёндош Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон республикалари ҳудудида қадимги турко-хоразмий тиллари луғавий ва грамматик бирликларидан ҳосил бўлган топонимлар мавжудлиги маълум. Қадимги эроний, жумладан суғд тили бирликларидан юзага келган топонимларнинг айримлари ҳақида тадқиқотларда фикр юритилди. Аммо уларнинг барчаси аниқлиниб, топонимик қаторлар тури ва миқдори белгиланиб, уларнинг лингвистик хусусиятлари батафсил тадқиқ қилинган эмас. Сабаби – ўзбек топонимик жамғармасининг ягона базаси яратилмаган, шундай маъсулятни биринчи илмий муассаса ўз зиммасига олган эмас. Регионал топонимия бўйича тўпланган ва тадқиқ қилинган номлар тадқиқотчилар кўлида. Ушар имловий, ясаиш, морфем, терс, этимологик, изоҳли ёки бошқа турдаги тарзида нашр қилинмаган. Ўзбекистон ҳудуди бўйича барча тур топонимлар картотекаси тузилмаганлиги боис топонимик қатлам ва унинг миқдорий нисбатини аниқлаш имконияти йўқ.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек топонимияси макротизимида эроний топонимларни махсус тадқиқ қилиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Эроний топонимларни араб, форс, хитой, ҳинд, арман, елани манбалари, озгаки ижод асарлари, амалда сақланган номлар номлар асосида тадқиқ этиш – долзарб. Чунки суғдий топонимлар Ўзбекистон топонимиясида ўзига хос микроқатламни ташкил қилади. Улар ўзига хос тарқалиш ҳудудига эга. Ҳар бир ҳудуд маълум бир топонимик қатор гуруҳининг яратилганлиги билан характерланади. Бу жиҳатдан Қашқадарё – Самарқанд – Бухоро вилоятлари алоҳида ҳудудни ташкил қилади. Бу ҳудудда метан/митан/матон компонентли ойконимлар кўпроқ яралган. Хоразм воҳасига ёп, арна, ганч компонентли топонимлар хос. Фарғона водийсида -дак/-дак/-доқ/-тоқ компонентли топонимлар қатори мавжуд.

Эроний топонимларнинг кўпчилиги илк ўрта асрларда яратилган. Айрим суғдча индикаторли ойконимлар сўнгги даврларда ҳам юзига келган. Бу ҳолатни аниқлаш бирмунча осон. Бунда суғдча индикаторли

топонимларнинг биринчи компонентини этнолингвистик жиҳатдан қиёслаш лозим: Навкат, Ишкент, Бешкент каби номлар илк ўрта асрларда яралган. Хўжакент, Шўркент, Файзкент, Алимкент, Миркент, Ўзбеккент, Пиримкент каби номлар X аср сўнгги даврда юзага келган. Ёп, арна компонентли номлар ҳам сўнгги даврлар маҳсули: Уйгурёп, Нукусёп, Найманёп, Човдирёп, Мангитарна, Пахтарна, Қиличвойарна. Закрланган топонимик қаторлар таркибидаги индикаторлар (кент, ёп, арна, ровут/равот)нинг айримлари V-X асрларда сўнг ҳам бир неча хил вазифа бажарган: апеллятив лексик бирлик, топоним ясовчи ономастик бирлик, номлар таркибида индикатор вазифасидаги лексема. Кўпчилиги эса, топоним таркибига қўшилиб кетиб, номни яхлитлаштирган, содаллашиш жараёнини тезлаштирган ва кучайтирган, фонологик жиҳатдан ўзгаришга учраган: Навкат → Новқот, Новқа, Навмитан → Наматон, Шовмитан → Шаматон, Мастғара → Масхара(тоғ), Мастчоҳ → Мачай/Мочай, Шопуркон → Шофиркон, Дизак → Жиззах, Варкат → Ургут, Варкант → Урганч, Даҳортак → Дардак, Сангарддак → Сангардак. Лисоний сатхларнинг бир неча турларида юз берган ўзгаришлар суғд, тожик, эски ўзбек тили, ўзбек тилида юз берганлигини аниқлаш махсус қиёсий тадқиқни талаб этади. Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, эроний топонимларнинг аксарияти дастлабки лисоний асос шаклидан фаркланиб фонологик-фонетик, морфемик, ясалиш ўзгаришларини бошидан кечирган.

Эроний топонимлар ҳақида яна бир лисоний, нутқий ҳолатни қайд этиш зарур. Чунончи, азалда шаклланган, ономастик бирлик сифатида нутқий амалиётда қўлланишда бўлган топоним аналогия тамойили асосида тилдаги бошқа бир лисоний бирлик билан ўхшаш шаклга келиб қолган. Хуржунқўл (Қашқадарё) ойконими халқ этимологиясида хуржун (икки кўзли қопсимон идиш)га ўхшаш қўл деб тавсифланади. Дастлабки компонент ҳам ўзгарган: хурд → хур. Бу тарздаги қайта шаклланиш бир қанча суғдий топонимларга хос: Нахшаб+арик → Лахчайарик, Комимарғ → Конимех, Марғзор → Мағзон, Фарғар → Палғар, Мастғара → Масхара, Даҳордак → Дардак, Варғинзой → Варганза.

Т.Эназаров
ЎЗМУ

Турли фан соҳаларида шева сўзларини қўллаш

Бугунгача ўзбек шеваларига оид сўзлар нафақат 1 лшунослик, балки математика, география каби аниқ фанлар нуктаи назаридан ҳам ўрганилган¹. Айни пайтда уларга бўлган эътибор ўта суст. Бундан салкам ўн аср муқаддам Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарида туркий тилларга оид сўзларни йиғиб қолмай, балки туркий тилларнинг шеваларига

¹ Шу ўринда Х.Хасанов ва Қори Ниёзийларнинг тадқиқотларига эътибор қаратиш керак.

хос элементларни арабларга шарҳлаб беришга муяссар бўлган эди¹. Хуш бугунги кунда нега шундай мукамал луғатларимиз йўқ. Бизнингча, турк соҳа луғатларини тузишда шева материалларига қайта-қайта мурожаат қилиш, улардан унумли фойдаланиш керак. Зеро, айти шева материаллари адабий тил луғат таркибини кенгайтирувчи бош манба ҳисобланади.

Алишер Навоий туркий, хусусан, ўзбек тилининг имкониятларини нафақат адабий тил, шунингдек ўзбек шеваларида мавжуд сўзларни шартга назар ва дostonларида ўринли қўллаш мисолида кўрсата олган². Ушундан кейин ижод қилган шоир ва ёзувчилар нутқида ва асарларида шевага оид сўзларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қўлланганлигини яхши биламиз. Ўз қиррали шеваларимиз XX асрнинг 50-70-йилларида жиддий тадқиқот объектлари бўлди. Натижада, кўплаб монографиялар, диссертациялар, илмий мақолалар ва диалектологик луғатлар нашр қилинди³. Аммо шеваларга оид жиҳатларни мукамал, комплекс ҳолда ўрганиш имконини бўлмади. Амалга оширилган изланишларнинг аксарини тадқиқотчиларнинг ўз шевалари юзасидан берган маълумотлари доирасида қолиб кетган.

Ўзбек шеваларига оид сўзларнинг бошқа фанларда қўллаш масаласи бугун кун тартибидан ўрин олмоғи лозимлигини таъкидламоқчимиз. Шу ўринда диалектолог А. Ишаевнинг қуйидаги сўзларини эсга олиш ўринли: «60-йилларда «майин шамол» маъносига элвизак сўзини шева вакиллари нутқидан ёзиб олиб, матбуотда эълон қилдим. Озроқ муддат ўтгач, эълон қилинган мақоламни ўқишиб, одамлар менинг мақоламга қарши раддиялар ёзишга тушишди, чунки кўпчилик шўро ғоялари билан улғайган эдилар. Бирок вақт ўтган сари «елвизак» сўзи одамлар дилига сингиб борди. Ҳозир бу сўзни ҳамма тушунади. Ҳатто, шу сўз ном сифатида қўлланган ҳолда асарлар ҳам ёзилди»⁴. Тўғри, академик Қори Ниёзий, географик фанлари доктори профессор Ҳ. Ҳасанов ҳамда унинг шогирдлари ушбу соҳаларга оид терминларни диалектал сўзлар билан алмаштиришни тўғрисида тадқиқотлар олиб боришган⁵. Бирок бу ишлар билан

¹ Қаранг: Махмуд Кошғарий. Девону луготияг турк. 1-Ш. Тошкент. Фан, 1960. 1963.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-1У. Тошкент. Фан 1983-1985.

³ Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент. Фан, 1971. -407 б.; Ражабов Н. Ўзбек диалектологияси. Тошкент. Ўқитувчи. 1996.; Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. Тошкент. 1978; Ўзбек диалектологиясидан материаллар. 1-қисм. Тошкент. 1957. 2-қисм. Тошкент. 1960; Ўзбек шевалари морфологияси. Тошкент. 1984.; Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент. 1966.; Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент. Фан. 1991.; Шоабдурахмонов Ш. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент. 1962.

⁴ Муаллиф бу олим билан бир неча йил бирга ишлаган.

⁵ Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси. -Т., Фан, 1962. -136 б.; Ҳасанов Ҳ. География терминлари луғати. -Т., Фан, 1964. -111 б.; Ҳасанов Ҳ. Беруний асарларида топонимика // Беруний ва ижтимоий фанлар. -Т., Фан, 1972. -Б. 125-128.; Ҳасанов Ҳ. Ер тили. -Т., Ўқитувчи, 1977. -102 б.; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. -Т., Ўзбекистон, 1981. -262 б.; Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. -Т., Ўзбекистон, 1985. -120 б.; Фуломов П. Географиядан қисқача русча-ўзбекча атамалар ва тушунчалар луғати. -Т., Ўқитувчи, 1993. -63 б.; Фуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. -Т., Ўқитувчи, 1994. -140 б.; Фуломов П. Н. Топонимика ва географик атамашунослик. -Т., 2000. -34 б. ва бошқалар.

кифояланиш мумкин эмас. Бошқа фан ва соҳаларга оид терминлар ҳам халқимиз каби азалдан ривожланиб, тараққий этиб келмоқда. Бирок улардаги терминлар тизимини шева материаллари асосида бойитиш масаласига берилаётган эътиборни етарли деб бўлмайди. Сабаби, кўпгина соҳа ва фанларда, асосан, ўзлашган сўзлар қўлланди. Шу ўринда бошқа соҳа ва фанлар учун шеваларимиздан термин излаш, топиш масаласи анча баҳслидир. Физика, кимё, астрономия, геометрия, математика, геогарфия, геология каби фанларда қўлланивчи шевага оид сўзлар лугатларини тузишни тасаввур қилиш қанчалик мураккаб ва баҳсли эканлигини бир ўйлаб кўринг. Шундай бўлса-да бундай тилидаги тажрибага қўл уришдан чўчимаслик керак.

Шу ўринда халқ географик терминларини бир умр ўрганган Э.М. Мурзаевнинг тадқиқотларини эътиборга олиш фойдадан холи эмас¹. Тўғри, шевага оид сўзлар-нинг фан ва ишлаб чиқариш соҳасида термин сифатида қўлланиши туб миллат вакилларига тушунарлиги билан эътиборни тортади. Аммо шева сўзлари ичидан турли фанларга оид сўзларни топиш муаммосини ҳал қилиш лозим. Бунинг учун ҳар бир соҳа вакили зарур маъно-мазмунни ифодалаш қурбига эга терминларни шева материалларидан қидириб топиши талаб этилади.

Термин танлаш тамойилларида бундай ҳол эътиборга олинган². Бунинг учун махсус тадқиқотлар олиб бориш зарурлиги ўз-ўзидан англашилиб турибди. Бизнингча, махсус тадқиқотлар олиб бориш жараёнида фан соҳалари бўйича тайёрланаётган дарслик ва қўлланмалардаги терминларни зарур ўринларда ўзбекчалаштиришга жиддий эътибор бериш лозим. Бу фикр кўпроқ ўрта ва олий таълим даргоҳларида ўқитилаётган фанларнинг ўқитувчиларига тегишлидир. Шундагина турли фан ва соҳалардаги терминларни тушуниш ҳамда тушунтириш анча осонлашади. Бу борада муайян тажрибаларга суяниш даркор. Жумладан, география фанлари номзоди Д.Айтбаев шеваларга оид сўзларнинг суғориш терминлари таркибида ишлатилишини ўрганган ва керакли мулоҳазаларга келган³. Бундай ишларни кучайтириш ва оммалаштириш даври келди. Олдинги даврларда тузилган лугатлар, сўзсиз, шева материалларини анча кенг микёсда қамраб. Улардан бугунги кунда унумли фойдаланиш мақсадга молик.

Турли фанлар терминларининг тизимида шевага оид сўзларни қўллаш билан қуйидаги ҳоллар рўй беради:

1. Ўзлашма сўзлар ўрнида шевага оид сўзни термин тарзида қўллаш уларнинг тушунарли бўлишини таъминлайди.

¹ Мурзаев Э. М. Словарь народных географических терминов. -М., Мысль, 1984. -654 с.

² Хожиев А. Термин танлаш мезони. -Т., Фан, 1996. -46 б.

³ Айтбаев Д.П. Махмуд Кошгарийнинг «Девону луғотит турк» асаридagi сув илми атамалари ва гидрографик маълумотлар хақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 20-жилд. Т., 1999. 178-181-бетлар.

2. Шевага оид сўзларнинг ишлатилиши билан соҳа ва фан вакилларининг миллий манфаат, миллий мафкура ҳамда миллий анъаналарга муносабати кучаяди. Натижада, азалдан ривожланиб келаётган кимё, физика, биология, геометрия, геология, тарих, географик каби фанларнинг терминлари тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлади.

3. Диалектал сўзларнинг фанлараро ўринли ишлатилиши фанлараро муносабатнинг кучайтиришга хизмат қилади. Бунинг учун шевани мазкур соҳалар нуктаи назаридан жиддий кузатиш, айти шу соҳаларнинг шевага оид терминларини топиш лозим бўлади. Шеваларга оид сўзларнинг турли фан-техника соҳаларида қўлланишини таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнида ўзбек тили аҳамиятининг ортишини кўрсатади.

4. Шевага оид жой номларини аниқлаш тадқиқотлар олиб боришни осон лаштиради. Баъзи кишилар шева билан топонимларнинг ўзаро иккинчи доимий алоқадорлигини билишмагани боис топонимикага оид тадқиқотларга қарши чиқиш ҳоллари юз бермоқда. Шева материалларини керакли эътибор берилган тақдирдагина топонимикага оид тадқиқотларнинг амалга оширилиши зарурлиги ҳис қилинади. Афсуски, шева материалларига эътибор анча сустлигини тан олиш вақти келди¹.

6. Янги ривожланаётган, янги пайдо бўлаётган фан ва техника соҳаларида шева материалларидан, заруриятга кўра, ўзга тилларнинг сўзлари ўрнида фойдаланишни эътибордан узоқлаштирмаслик зарур. Албатта, бугунги илм-фан, техника ривожини инсон яратмоқда, юзати келтирмоқда.

Демак, илм-фан соҳасидаги терминларнинг оммавийлигини таъминлаш учун аввало ўзбек халқ шеваларининг мукамал луғатини тузиш ва шу асосда бошқа соҳаларда ҳам термин сифатида қўлланаётган шева сўзларини ўрганиш, тадқиқ этиш зарурияти сезилмоқда.

Айтиш мумкинки, биз шева материалларини адабий тилга қориштириб юбориш ниятида эмасмиз, балки турли соҳаларга оид терминлар танлашда, яшашда шева материалларидан имкон даражасида фойдаланиш кераклигини урғуламоқчимиз, холос.

Н.Шойимов
ЎЗР ФА ТАИ

Шевалар луғатларини яратиш - давр талаби

Ўзбек халқининг сўз бойлиги унинг ўтмиши ва ҳозирги кунни, умуман, бутун борлигини ўзида мужассамлаштиради. Машҳур тилшунос олим В. И. Абаев: “Лексика – халқ турмуши ва онгининг кўзгусидир.”²

¹ Бу ҳақида муаллифнинг олдинги мақоласига қаранг: Эназаров Т. Шевашунослигимиз ҳақида ўйлар // Айюб Фуломов ва ўзбек тилшунослиги. Тошкент. 2008. 21-23 бетлар.

² Абаев В. И. О развитии литературных языков иранских народов Советского Союза // Закономерности языков народов СССР в Советскую эпоху // Иранские и Кавказские языки. М. 1969. С. 72.

деган эди. Маълумки, тилшуносликда лексика сатҳни ҳам диахрон, ҳам синхрон аспектларда ўрганишга катта аҳамият берилади.

Ўзбек халқи тил жиҳатдан учта йирик - қорлуқ, қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари (бу лаҳжалар эса бир қанча шевалардан) дан ташкил топган. Табиийки, уларнинг ҳар бири умумўзбек тили сўзлари билан муштарак ёхуд номуштарак сўз бойлигига эгадир. Шундай экан, умумўзбек тилининг халқимиз бисотида сақланиб келаётган сўз хазинасини тўплаб ҳар хил луғатлар тузиш, айниқса, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган бугунги кунда муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки луғатларда ўз ифодасини топадиган ҳар қандай сўз халқнинг маънавий турмуши, тафаккури ва маданияти ҳақида қимматли маълумотлар бера олади.

Шевалар вакиллари нутқида қўлланаётган турфа лисоний бойлик тўпланиб, сараланиб, луғат тарзида шакллантирилмаса, улар вақт ўтиши билан эскириши, истеъмолдан тушиб қолиши, натижада маънавий ва моддий маданиятнинг ажралмас бир қисми сифатида фан учун, келажак авлод учун изсиз йўқолиб кетиши аниқ. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қайд этилган кўпдан-кўп сўзларнинг ҳозир ҳам тилимизда ишлатилишда давом этаётганлигини фикримизни далилашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Шундай экан, ўзбек тили шевалари луғатини тузиш ва нашр этиш зарурат ҳисобланади. Тўғри, бундан қарийб ўттиз йил муқаддам “Ўзбек халқ шевалари луғати”¹ нашр этилган эди. Нисбатан кичикроқ ҳажмли мазкур луғатда ўзбек тили шеваларига хос айрим сўзлар ўз ифодасини топган. Эндиликда эса ҳар бир регионга хос бўлган шевавий сўзлар луғатларини яратиш вақти келди. Шу нуқтаи назардан, Қашқадарё воҳаси (вакилларининг асосий қисми қипчоқлар) аҳолисининг нутқида қўлланаётган айрим фонетик материалларга мурожаат қиламиз. Мазкур воҳа шевалари вакиллари нутқи асосида тўпланган фактик материал жонли халқ тили сўз хазинасининг ниҳоятда бойлигидан, хилма-хиллигидан далолат беради. Фикримизнинг исботи учун айрим мисоллар келтирамиз: *Зилтабон “ялқов секин юрадиган от”* демақдир. Бошқа ўзбек шеваларидаги каби Қашқадарё ўзбек шеваларида ҳам *тўл-тол – қўзилаш, қўзилашиш мавсуми* маъносида ишлатилади. Бу сўз қипчоқ ва қарлуқ лаҳжасида ҳам, қардош туркий тилларда ҳам ишлатилиб келинмоқда. (Қиёс қилинг: қирғиз, уйғур тилларида *тол, қорачой – балқар тилида тёлю; ДЛТ². толеду – қой толеду*)³ қўй қузилади).

¹ Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент. Фан. 1971. 407-бет.

² ДЛТ – Девону луғотит турк, III. Тошкент. 1963. 286-б.

³ Киргизско-русский словарь. М. 1965. С. 756.

Уйғурско-русский словарь, Алматы. 1961, С. 195. Русско-карачешво – балкарский словарь. М. 1965. С. 484.

Маълумки, шу кунга қадар унга диалектал сўз сифатида қаралаётган (ЎТИЛ)¹. Аслида мазкур лексема аллақачон ўзбек адабий тили луғат бойлигидан бемалол ўрин олиши зарур эди. Қуйидаги мисолларга ҳам эътибор берайлик: *темиртинкага “меҳнаткаш, тиришқоқ”*; *урқалтин тошбўрон (қилди)*; *кекан-кервас “димогдор, ўзини юқори тутадиган бошқаларга бетисандлик қилган киши” (Қиёс қилинг, қирғ. кербез – чванливый, чванливый) – (Кирг РС, 367)*; *сақманчи «ёрдамчи чўпон» (қиёсланг: кирг. сақман ≈ сакманчы – (Кирг. РС, 663))*; *синжав “кам овқат ейдиган (дод) ёки мол”*; *жан қахша // жан тала “жон куйдирмоқ, донини бермоқ”, чарва ва лабгар – “темирчи усталар фойдаланадиган асбоб; қозоннинг қолини тўз ясаш учун ишлатиладиган темир асбоб”. Чарх арабча сўз бўлиб, «табақча, лабгар тожикча «лаб+гир» – гирифтан (олмоқ) феълининг буйруқ маъни. Халпа “темирчи усталарга ёлланувчи шогирд”, тош чирақ – дастлаб тошдан ясалган, кейинчалик чўяндан қўйилган чирақ, «қора чирақ», леб-хам юритилади. Ойболтатож – гултожихўроз гулининг гултожиси, яъни, энг сараланган бир тури. Тепки – 1) тепиб ишлатиладиган нарса (вилосипед тепкиси); 2) касаллик (болангиз тепки бўпти). Ўжорга кетти – 1) жар (боллар жорға қорап кетти), 2) жорға/тарнав//торнов-тарнов (жомғир кув жоваяпти, жорғага плакти қўй, сувиға кир жўвामी, торновди суви қолин музлапти). Мош-моша “машмаша жанжал” (жонин келдинг, ўтыр!, жойингға, кув мош-моша қима!). Отасоқол – пастеги лабнинг ўртасига қўйилган соқол. Ҳазармант//ҳазорисманд// испанд//исриқ – исриқ. Ҳазор – тожикча «минг» маъносини («ҳазорисманд» - «минг та дардга даво», демакдир) ифодалайди. Шиптир – 1) сезгир, хушёр, ганин тез тушунадиган киши; 2) шиптир – киймлари кир-чир, лой, сув бўлиб юрган киши. Чамандагул – очилиб турган бир қанча гулларнинг тасвири (дўппи, кашта гулларидоги бир нусхаси). Понис – фонус (ёриткич). қорашўрва – пиёздоғ шўрва, чач - 1) соч, 2) чач – бирон нарсани сочин маъносида. Чокан – чакқон; жоқал кўрамиз – яққол кўрамиз; жонғи – 1) ҳозир (жонғи келди, ҳозир келти), 2) жонға чопап // шаҳона // шоҳона тўн – янги чопон, шаҳона тўн ва бошқалар. Кўринадики, кичик шеваси вакиллари нутқида адабий тилда учрамайдиган сўзлар ишлатилмоқда. Бундай сўзлар эса ниҳоятда кўп эканлигини таъкидлаб ўтамиз.*

Қисқаси, барча ўзбек шевалари қатори Қашқадарё воҳаси ўзбек шеваларида мавжуд ранг-баранг сўз бойлигини имкон борича тезроқ тўплаб, хилма-хил типдаги луғатлар яратиш, ўзбек адабий тили луғат таркибини, она тилимиз шевалар лексемалари ҳисобига бойитиш кечиктириб бўлмас масалалардан ҳисобланади.

¹ ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II. М. 1981. 245-бет.

Р.Сайфуллаева, Н.Йўлдошева
ЎЗМУ

Йиғиқ гапга ўзбек тили синтактик қурилишининг зотий моҳияти асосида ёндашув

Ўзбек халқи эришган миллий мустақиллик фанимизни “Ўзбек тили ҳодисаларини рус тили қолипларига солиб тушунтириш” тутқунлигидан озод қилди, унинг эркин ва мустақил ривожланиш йўлига ўтиб, тилшунослик ва она тили таълимининг миллий онг, миллий тафаккур ва мафқуранинг муҳим суянчикларидан, ёш авлодга ижодий тафаккур кўникмаларини сингдиришнинг асосий воситаларидан бирига айланишга имкон берди¹. Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, истиқлолга қадар “Ўзбек тили ҳодисаларини рус тили қолипларига солиб тушунтириш” мажбурий эди². Бу ҳолат нафақат ўзбек тилига, балки барча туркий тилларга муносабатда ҳам кўзга ташланар эди³. Ўзбек тили грамматикасига оид илмий изланишларда синтаксиснинг жуда кўп масалалари тадқиқ қилинди, аммо уларда бу категориялар система сифатида талқин этилмади. Зеро, систем ёндашув тилларнинг асл субутий сифатларини очишнинг маҳсулдор усулларидан биридир. Фанларда эркин тафаккур тарзининг шаклланиши ва таракқиёти натижасида системавий синтаксис грамматик қурилишининг айрим муаммолари талқинидан ўзбек тилининг муқаммал субстанционал синтаксисини яратишга қараб жадал тараккий этди.

Ўзбек тилининг яхлит синтактик таълимотини ишлаб чиқишда гапнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи (КҚҚ), яъни [Wp_m] асос қилиб олинди ва тадқиқ этилди⁴. Бундай субстанционал ёндашув ўзбек тили грамматик қурилиши талқинини тубдан янгилашга олиб келди.

Гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ўзида унинг умумий грамматик маъносини мужассамлаштириб, қурилиш элементлари орасидаги муносабатни ифодалайди. Гапнинг лисоний қолипи нутқда намоён бўлаётган гапларнинг шартли бир кўринишидир. Шунинг учун гапнинг [Wp_m] ва тармоқланишидан вужудга келган қуйи лисоний қурилиш қолиплари нутқда вокеланаётган гаплардан умумий ик ва хусусийлик муносабати даражасида фарқ қилади. Шу маъно! Сўфи Оллоёрнинг

¹ Умумий ўрта таълим давлат стандартлари ва ўқув дастурлари. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили. // Таълим таракқиёти. 1999й. 1- махсус сон.

² Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги таракқиёти. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. №4. 5-бет.

³ Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. М.- Л. 1948. С.244

⁴ Нигматов Х. И др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. // Тезиси формально-функционального исследования // Советская тюркология. 1984. №5., С. 5-10.

“сифат зоти эмас, на гайри зоти” тезисини келтириш ўринли. Нутқий гап қолипнинг кўринишларидан, ҳосилаларидан бири, лекин айнан унинг ўзи эмас.

Ҳар бир миллий тилнинг ўз қонуниятлари, миллий хусусиятлари мавжуд. Тилнинг онтологик табиати масалаларига миллийлик асосий ёндашиш лозим. Яъни миллий тилнинг ўз ички қонуниятлари, хусусиятларини ҳисобга олиб, таҳлил этиш лозим. Зеро, дунёда турли-туман халқлар бўлгани каби уларнинг нутқи, гапи ҳам турличадир. Масалан, туркий тиллар гуруҳига кирувчи ўзбек, қозоқ, қирғиз тилларидаги гапнинг синтактик қурилиши Ҳинд-Европа тиллари гуруҳига кирувчи рус, инглиз ва немис тилларидаги гап қурилишидан тубдан фарқ қилади. Ҳинд-Европа тиллари гуруҳига кирувчи инглиз, немис, рус тилларидаги гаплар “икки чўққили” бўлиб, уларда доим эганиш ифодаланиши шарт. Бу тилларнинг кесими яхлит ҳолда, бир ўзи келганга гап ҳисобланмайди. Чунки бу тиллардаги гапларнинг кесимида замон, шахс-сон, майли ифодаловчи махсус морфологик кўрсаткичлар йўқ.

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида гапни сўз, сўз бирикмасидан фарқловчи махсус морфологик кўрсаткичлар мавжуд. Гапнинг бу махсус морфологик кўрсаткичи кесимлик қўшимчалари, яъни кесимлик шакллари дидир. Гап кесимлик қўшимчалари билан шаклланганлиги туфайли сўз ва сўз бирикмаларидан фарқ қилади. “Зеро, энг кичик гап морфологик шаклланган атов биригидир”. Масалан, *Ёздим. Талабаман.* гаплари ана шу [WPm] нинг ёркин ва типик кўриниши бўлиб, ундаги *ёз* ва *талаба* қисмлари атов бириги яъни W бўлса, *-дим*, ва *-ман* формантлари морфологик шакллар, яъни қолипнинг Pm қисмидир. Йиғиқ гапда ўзбек тили гап қурилишининг субстанциал моҳияти кўзга ташланади.

Демак, ўзбек тилшунослигида бир таркибли гаплар масаласининг тўғри қўйилиши, яъни содда гапнинг энг кичик қурилиши асосига [WPm] нинг олиниши ва ҳал қилиниши ўзбек субстанционал синтаксисининг ютуғи ва синтактик қурилишни формал-функционал текширишнинг асосидир.

Гап асосига олинган кесимнинг мавқеи ҳақида мулоҳаза юритганда, А.А.Дмитриевнинг қуйидаги фикрларига таяниш лозим: “Сказуемое – есть неограниченный властитель, царь предложения; если есть в предложении кроме него другие члены, они ему строго подчинены, от него получают свой смысл и значение; если их нет, даже подлежащего, сказуемое само собой достаточно выражает мысль и составляет целое предложение. Само предложение есть ни что иное, как сказуемое одно или с приданными ему другими членами”⁶.

⁶ Дмитриев А.А. Практические заметки в русском синтаксисе. Два ли главных члена в предложении? Филол.з. 1987. Вып. IV. С.23. Общее языкознание. М. 1972.

Ўзбек тилида кесимлик шакли бошқа морфологик шакллардан фарқ қилиб, у гапнинг моҳиятини белгилайди ва бир ва ёки икки категорияларнинг биригундан соғина бўлади. Икки категорияли категорияси кесимлик вазифасини бирайтанда сафар тўғрисида, айта-сон, замон, тасдиқ-инкор, майли категориялари синтактик ифодалар. Морфологик шакллардан фақат кесимлик категориясиёна гапнинг моҳиятига тегишли бўганини айтиш ушбу гап шаклининг мазмун эмас. Демак, ўзбек тили синтактик қурилишининг асосий қисмига "гап бирлиги кесимлик категорияси", яъни [WPrn] тартибдир.

[WPrn] – ўзбек тили синтактик қурилишида гапнинг энг юқори қурилиш қолини ҳисобланади ва у юқориди айтиб ўтилганидек, бошқа тиллардаги гап қурилишидан фарқ қилади. Хусусан, Ҳинд-Европа тиллари билан қиёсласак, бу фарқлар тезда кўзга ташланади. Масалан, М.Қурбонова таъкидлаганидек, “Ҳинд-Европа тилларига бир таркибли гаплар умуман хос эмас ва гап ҳеч қачон эгасиз бўла олмайди”⁷. Турли структурали тил оилаларига мансуб ўзбек ва инглиз тилларидаги матнлар қиёсий ўрганилганда ўзбек тилидаги матнларда бир таркибли (эғали ва эгасиз) гаплар кўп қўлланганлиги, кириш компонентли гап бошланмалари ранг-баранг ва кўп эканлиги (*аниқ, албатта, модомики, сир эмаски, аслини олганда, керак бўлса...*) маълум бўлди. Инглиз тилида матнларда Родерик А.Якобс таъкидлаганидек, “...мажхуллик нисбатидаги гапларга урғу бериш, тингловчининг диққатини тортиш, гап таъсирини кучайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган”⁸. Ўзбекча гапларнинг ички ўринларида ҳам бир фикрдан иккинчисига ўтиш учун алоҳида сўз, ибора ва, ҳатто, гаплар қўлланган (*нега десангиз, аввало, ҳеч шубҳасиз, кўриб турганингиздек, таассуфки, барчамизга аён бўлиши керакки* ва бошқалар). Инглиз тилидаги вариантларида эса ўзбекча бир таркибли гаплар ўрнида *it* формал эғали гаплар ишлатилиши кузатилади. Демак, кесимлик категорияси ривожланган ўзбек тилидагидан фарқли равишда инглиз тилига хос гаплар доимо эга билан ифодаланиши шарт: *I read. I write. He went.*

Ўзбек тилида эса кесим шахс – сон жиҳатдан мукамал шаклланганлиги учун у эгасиз ҳам гап ҳосил қилаверади. Масалан: *Ёзаяпман. ва Мен ёзаяпман* гаплари орасида эга ҳақида денотатив ахборот узатишда ҳеч қандай фарқ йўқ.

Худди шунингдек, “Ўзбек тилида от, сифат, сон ёки бошқа сўз туркуми билан ифодаланган кесим предикативликнинг шахс – сон кўрсаткичини қабул қила олади ёки предикатив сўзлар орқали ифодалайди, шунинг учун улар эгасиз гапда ҳам кесим вазифасини бажара олади. Аммо

⁷ Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент. 2002. 67-бет.

⁸ Roderick A. Jacobs. English Syntax. A Grammar for English Language Professionals/Oxford University Press. 1993. P.55.

рус тилида эса отлар предикативлик кўрсаткичига эга бўла олмайди, шунинг учун предикатив отлар эга билан келгандагина кесим вазифасини бажара олади»⁹. Бу ҳолатни куйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Сог-саломатмисиз? – Здоровы ли вы?

Ўқитувчиман. – Я учительница.

Ўзбек ва рус тилларида кесим ўзига хос грамматик хусусиятларини ҳам эга.

Ўзбек тилида кесим содда ва таркибли бўлиб, турли кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланади. Юқорида таъкидланганидек, кесим вазифасида келган сўзларда шахс-сон, модаллик ва замон кўрсаткичлари бўлиши лозим.

Ўзбек тилида от-кесимдан иборат гаплар ҳам мавжуд. Бу от-кесимларда бирлик ва кўplik, шахс кўшимчалари шахс маъноларини ифодалаши билан бирга, ҳозирги замон маъносини ҳам ифодалайди. Масалан, *Тадбиркорман. Уйдаман.*

Ўзбек тили синтактик қурилишида от-кесимлар феъл-кесимлардаги каби эгали ёки эгасиз қўлланиши мумкин. Рус тилида эса, айтиб ўтилгандек, отларга қўшиладиган предикатив шахс-сон кўшимчалари йўқлиги туфайли бу тилда “отнинг ўзи мустақил ҳолда маълум бир морфологик кўрсаткич ёрдами билан кесимга айлана олмайди. У фақат эга билан келиб, кесим вазифасини бажариши мумкин”¹⁰. Масалан,

Тадбиркорман. – Я бизнесмен.

Демак, ўзбек тилидаги гапларнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи [WpM] шаклида бўлса, Ҳинд – Европа тилларида гапнинг минимал қолипи [S – P] тарзидадир. Бу эса бу тиллар орасидаги асосий типологик ва миллий фарқлардан ҳисобланади.

М.Раҳматов
ТДПУ

Алишер Навоийнинг «Насойимул -мухаббат» асаридаги форсий чун боғловчиси ва унинг синонимлари ҳақида

Чун боғловчиси ўзбек ёзма ёдгорликларида XIII асрдан то XIX асрнинг охири ва XX асрларгача фаол қўлланган. «*Чун* боғловчиси тожик-форс тилидан олинган бўлиб, эргаш гапли қўшма гап тузишга хизмат қилган. ... у сўнгги давр ёзма адабиётида жуда кам учрайди («Шажараи турк»да учрамайди), ҳозирги замон ўзбек тилида бутунлай қўлланмайди».

⁹ Азизов О. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. Тошкент. 1994. 200-бет.

¹⁰ Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. Тошкент. Фан. 1994. 8-бет.

У ёзма ёдгорликларда сабаб, сабаб-натига, пайт, ўқшатиш ва бошқа семантик муносабатларни ифодалаган¹.

Ҳозирги замон форс тилига оид изоҳли луғатларда *چۇن* (چون) боғловчисига турлича изоҳ берилади. Жумладан, доктор Муҳаммад Мўъиннинг изоҳлашича, *چۇن* боғловчиси қадимги шайланлий тили (*شايانلي*) *چيدون* сўзидан олинган бўлиб, ўқшатиш (تشيهه, چاند, چانن, چانن, چانن), *هنگامی*, *зеро* (زیرا), *бад ин сабаб* *بدين سبب* - (*ушбу сабабдан чун?*) маъносини форс тилида сўроқ оломшлари (*چگونه؟ چطور؟*) қандай?, *چانчи?* (*چانچي*)) ўрнида қўлланишини қайд қилади². Шунингдек, доктор Хасан Анварийнинг изоҳли луғатида бу боғловчи *تا* (*то*), *تا اينکه* (*тошунки*), *اگر* (*агар*) боғловчиси, *پس چرا* (*пас чэро? кейин нега энди?*); *در حدود* (*дар ҳудуди - ҳудудиди*); *قريب* (*қарийб*), *نزدیک* (*наздик - яқин*); *چه* (*чэ - нима?*), *چه قدر* (*чэ қадар - нимагача?*, *қанчалик*); *از ان جاکه* (*аз он жокэ-ўша жойданки*), *مانند* (*монанди - ўхшашлик*); *مثل* (*мисли - ўхшатиш*) сўзлари ўрнида қўлланиши ҳақида маълумот беради ва унинг форс шеъриятида чу шакли кенг қўлланишини таъкидлайди ва *چو* *{=چون}* *чун* билан бир хил маънода қўлланишини кўрсатган ҳолда унинг «шоирона» сўз эканлигини айтади³. Кўриниб турибдики, *чун* сўзи жумла таркибида лексик бирлик сифатида бирдан ортиқ семаларни ифодалаши мумкин ва, ўз навбатида, у лексик бирликлар билан синонимик муносабатга киришади. Биз анъанага кўра *чун* сўзининг кўшма гап қисмларини боғлай олиш имкониятларидан келиб чиқиб боғловчи номи билан аташни маъқул топдик ва ушбу мақолада боғловчининг ушбу табиатини Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асаридан олинган мисоллар билан изоҳламоқчимиз.

Боғловчининг эски ўзбек тилида қўлланиши билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

- *чун* боғловчиси пайт мазмун муносабатини ифодалаганда *вакте*(ки) сўзи билан синоним сифатида қўлланган. Масалан: *Чун Маккага етиштиш, машойиҳ хизматида ул ҳолимни айттим* (НМ 120). Ушбу гапдаги *чун* сўзи пайт маъносини ифодалаган. Уни қуйидагича трансформациялаш – синоними билан алмаштириш мумкин: *Маккага етган вақтимда...каби*. Қуйидаги мисолда бу ҳолат яққолроқ намоён бўлади. *...ул вақтеки ладуний кўзи била боқсақ, андоқдур ва чун гайри ладуний кўзи била боқсоқ, мундоқ* (НМ 177). С.Солихўжаева пайт эргаш гаплар эски ўзбек тилида *вақтеки* сўзини изоҳлаш билан ҳам ҳосил қилинганлигини таъкидлайди⁴.

¹ Абдурахмонов Г., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент. Уқитувчи. 1973.

² Абдурахмонов Ф. Тарихий синтаксис. Тошкент. Фан. 1974. 80-бет.

³ محمد معين. فرهنگ فارسی، تهران: س. ۱۳۷۵، جلد ۱، ص. ۱۳۲۰.

⁴ حسن انوری. فرهنگ بزرگ سخن، تهران: س. ۱۳۱۲، جلد ۳، ص. ۳۴۱۰.

⁴ Солихўжаева С. Пайт эргаш гапли кўшма гаплар тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 1988. №2. 14-бет.

- чун боғловчиси қачон (форсий كى - кей) сўзига синоним сифатини қўлланган: Чун сафарда бўлса эрди, номалар манга юборур эрди (НМ 236). Ушбу жумла таркибидаги чун сўзини Қачон сафарда бўлса... тарзини трансформациялаш мумкин. Ушбу ҳолатни қуйидаги жумлада ҳам кузатиш мумкин. Масалан: Яширин Ҳошуқа ҳар қачон важд этишса эрди, ранги оқарур эрди, чун ул важд таскин топса, яна ҳамул рангига қайтар эрди (НМ 102). Кўринадики, чун боғловчиси эски ўзбек тилида форс тили тожик тилларидаги каби вақтида, қачон каби лексик бирликлар ўрнини қўллана олган ва синтактик-семантик муносабатни таъминлаган.

- чун боғловчиси шарт мазмунли эргаш гапларни бош гапга боғлаганда, агар боғловчисига синоним бўлиши мумкин: ...чун анга ҳожатинг бўлса, мендин онт бер! (НМ 37). Ушбу гапга қўлланган чун сўзи агар сўзига синоним сифатида қўлланган. Уни агар сўзи билан алмаштирсак, маънода ҳеч қандай фарқ сезилмайди. ...агар анга ҳожатинг бўлса, мендин онт бер. каби. ... чун (агар) ҳақни ёд қилса, фарқини қадамизгача хабардор бўлгай (НМ 2079)

Чун ва агар сўзларининг синонимик ҳолати қуйидаги мисолда ҳам кўринади: Ва агар осий бўлса, эътироз қилгай, ва чун эътироз қилгай, қабул тушгай (НМ 404). Қуйидаги мисолда ҳам ушбу ҳолатни кўришимиз мумкин: Чун ул элтса, ермоқ оладур ва агар ул йигит элтса, силли урадургон, кўргунгдур (НМ 336). Айтиш мумкинки, бу типдаги гапларда чун, агар боғловчилари шарт мазмунини юзага келтиришда қатнашади.

Мисоллардан кўриниб турганидек, чун боғловчиси классик матнларимизда форс тилидаги каби имкониятларини намоён қила олган ва бу ҳолат, албатта, буюк Алишер Навоийнинг маҳорати – икки тил элементларидан унумли фойдаланганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Н.Рустамий
ТАИ

Ўзбек ва турк тилларидаги унлиларнинг киёсий тавсифи

Ўзбек адабий тили ва лаҳжалари фонетикаси Ш.Шоабдурахмонов ва В.В.Решетов томонидан мукамал ёритилган¹. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси ҳақида ҳам қимматли асарлар ёзилган². Турк тилининг

¹ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент. 1962.; Шоабдурахмонов Ш., Карлукское наречие узбекского языка. Ташкент. 1933. С. 191. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар. Тошкент. 1953.

² Абдурахмонов Ф. Ўзбек фонетикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963. 2-сон. 16–24-бетлар; Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Тошкент 1992; Махмудов К., XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетикаси. Тошкент. 1990. 10-бет; Умаров Э.А. Материалы по фонетике староузбекского языка. Ташкент. 1999; шу муаллиф. Вокализм староузбекского языка XV в. Ташкент. 1991.

фонетикаси турк³, рус⁴, ва гарб⁵ олимлари нашр қилган асарларда тавсиф қилинган. Аммо мазкур икки тилнинг фонетикаси бир-бирига қиёс қилиб ўрганилмаган.

Турк тили фонетикасини ўзбек тили нуктаи назаридан ўрганишнинг ўзбек тили учун ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти бор. Унинг илмий аҳамияти туркий тилларни қиёсий ва тарихий жиҳатдан ўрганиш учун зарурлигида. Амалий аҳамияти эса турк тилини ўзбекларга ва ўзбек тилини туркларга ўргатиш учун муҳимлигидир.

Мана шу ҳолатни ҳисобга олиб, ушбу тизимни ўзбек ва турк тилларидаги унлиларнинг қиёсий таҳлилига бағишладик.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида расман қабул қилинган фикрга кўра олгита унли бор⁶: *и, э, а, о, ў, у*. Бу унлиларнинг таснифий принципи ҳақида Э.Умаров томонидан янги фикр ўртага ташланди⁷. Олим мавжуд назариялардаги иккита камчиликни кўрсатади. Буларнинг бири унлилар талаффузидаги тил ҳаракатига оид. Э.Умаров “тилнинг қаттиқ танглайга томон кўтарилиши”, “тилнинг олдинга томон ҳаракат қилиши ва орқага томон ҳаракат қилиши” деган жараённинг унлилар талаффузида йўқлигини айтиб, оғизнинг очилиш даражаси борлигини таъкидлайди⁸. Шунга биноан олим “юқори кўтарилиш”, “ўрта кўтарилиш” ва “қуйи кўтарилиш” каби тушунчалардан воз кечиб, ҳозирги замон ўзбек тилидаги унлиларни оғизнинг очилиши даражасига кўра кенг (*а, э, ў, о*) ва тор унлиларга (*а, у*) бўлади⁹. Олим эътироз билдирган иккинчи масала ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги унлиларнинг қаторда фарқланиш – фарқланмаслигига оиддир. Олим ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлиларни қаторда фарқланмаслигини айтиб, уларни қаторда тасниф қилмайди¹⁰. Бу таснифга кўра ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлиларнинг тавсифи қуйидагича:

- и* – лабланмаган тор унли
- э* – лабланган кенг унли
- а* – лабланмаган кенг унли
- о* – лабланмаган кенг унли
- ў* – лабланган кенг унли
- у* – лабланган тор унли

³ Muharram Ergin, *Türk dilbilgisi*. İstanbul 1986. S. 29-94. Haydar Ediskun, *Türk dilbilgisi*. İstanbul 1993. S. 67-98. Tahsin Banguoğlu, *Türk grameri-sesbilgisi*, Ankara 1959.

⁴ Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.-Л. 1960.

⁵ Jean Deau, *Principes de grammaire turque*. Paris. 1955.

⁶ Туйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Уқитувчи. Тошкент. 1996. 23-25-бетлар.

⁷ Умаров Э.А. Материал по фонетике староузбекского языка. Фан. Ташкент. С. 17-19.

⁸ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаева Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Уқитувчи. Тошкент. 1975. 80-бет.

⁹ Умаров А.Э. Мазкур асар. 19-бет.

¹⁰ Умаров А.Э. Мазкур асар. 18-19-бет.

Бошқа олимларнинг таснифига кўра э ва ў унлилари ўрта кенг. Унлиларни қаторда фарқ қилувчиларнинг бир гуруҳи фикрига кўра *и, э, а* унлилари олд қаторга, *у, ў, о* унлилари орқа қаторга мансуб¹¹, иккинчи гуруҳ фикрига кўра э олд қаторга, *о* орт қаторга мансуб¹², *и, а, ў, у* унлилари- индифферент. “Индифферент” фарқсиз деган маънода бўлиб, унлининг қаторда фарқ қилмаслигини билдиради.

Турк тилида куйидаги унлилар мавжуд:

- а* – қалин, кенг, лабланмаган
- е* – ингичка, кенг, лабланмаган
- і* – қалин, тор, лабланмаган
- і* – ингичка, тор, лабланмаган
- о* – қалин, лабланган
- ō* – ингичка, кенг, лабланган
- и* – қалин, тор, лабланган
- î* – ингичка, тор, лабланган

Туркча *е* унлиси ўзбекча *а* унлисига нисбатан торроқ, *э* га нисбатан кенгрокдир. Туркча *і* ўзбекча “қир” сўзидаги *и* каби талаффуз қилинади. Туркча *і* ўзбекча “қир” сўзидаги *и* каби талаффуз қилинади. Туркча *о* ўзбекча “бўл” сўзидаги *ў* каби, туркча *ō* “қўл” сўзидаги *ў* каби талаффуз қилинади.

Бу унлилар уч жиҳатдан таснифланади:

1. Тилнинг горизонтал ҳолатига кўра. Бу жиҳатдан унли тил олди, тил ўрта ва тил орқа бўлиши мумкин. Унлини талаффуз қилганда тилнинг олд қисми юқорилашса, бундай унли “тил олди унли” дейилади. Талаффуз вақтида тилнинг орқа қисми юқорилашса, бу ҳолатда ҳосил бўлган унли “тил орқа унли”, *ё* “орт қатор унли”, *ё* “қалин унли”, *ё* “қаттиқ унли” деб аталади. Агар тилнинг ўрта қисми кўтарилса, бу ҳолатда талаффуз қилинган унли “тил ўрта унли” ёки “ўрта қатор унли” дейилади. Турк тилида тил ўрта унли йўқ. Турк унлилари қаторда икки гуруҳга, тил олди ва тил орқа унлиларига бўлинади:

Тил орқа унлилари: *а, і, о, и*

Тил олди унлилари: *е, і, õ, î*

2. Оғизнинг очилиш даражасига кўра. Бу жиҳатдан унли икки, уч ёки тўрт гуруҳга бўлиниши мумкин. Икки гуруҳга бўлинганда бири “очик” иккинчиси “ёпик” дейилади. Тўрт гуруҳга бўлинганда “ярим очик” ва “ярим ёпик” деган икки тур қўшилади. Уч гуруҳга бўлинганда унлининг “ярим очик” тури ёки “ярим ёпик” тури бўлмайди. Тилшуносликда “очик” истилоҳи ўрнида “кенг”, “ёпик” ўрнида “тор” сўзлари ҳам ишлатилади.

¹¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқитувчи. Тошкент. 1975. 80-бет.

¹² Рештов В.В. Узбекский язык. Часть 1. Введение, Фонетика, Государственное учебно-педагогическое издательство УзССР. Ташкент. 1959. С. 113.

Оғизнинг очилиши пастки жағнинг қуйи тушиши ва қўтарилишига боғлиқ бўлгани учун очиқ унлини “қуйи қўтарилиш унлиси”, ёпиқ унлини “орқа қўтарилиш унлиси” деб ҳам атайдилар. Турк тили унлилари бу жиҳатдан ҳам икки гуруҳга бўлинади:

Кенг унлилар: *a, e, o, ɔ*

Тор унлилар: *i, i, u, u*

3. Лаб иштирокига кўра. Бу жиҳатдан унлилар икки гуруҳга, лабланмаган ва лабланган унлиларга бўлинади. Унлини талаффуз қилганда лаб чўччайди, “лабланган” дейилади, лаб чўччаймаса, “лабланмаган” дейилади. Турк тилида:

Лабланган унлилар: *o, ɔ, u, u*

Лабланмаган унлилар: *a, e, i, i*

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги унлилар тизими ҳозирги замон турк адабий тилидаги унлилар тизими билан қиёсланганда қуйидаги фарқлар кузатилади:

1. Ўзбекча унлилар қаторда фарқланмайди, туркчада фарқланади. Ўзбекча *a, y, u, u* унлилари индифферент, яъни қаторда фарқсиз. Туркчада эса буларнинг ҳар бири олд ва орқа қатордан ўрин олиб алоҳида-алоҳида икки фонемани ташкил қилади: *a – e, u – u, o – ɔ, i – i*. Қиёсланг: *at* (от) – *et* (гўшт), *baş* (бош) – *beş* (беш); *durmak* (турмоқ) – *dürmek* (ўрамоқ), *ütmek* (қуйдирмоқ); *on* (ўн) – *ön* (олд), *or* (жар) – *ör* (тўсик); *diş* (ташқари) – *diş* (тиш).

2. Ўзбекчадаги *o* ва *э* унлилари туркчада йўқ. Туркчада ўзбекча *o* ўрнида тилорқа *a* қўшилади. Масалан, ўзбекча бош туркчада “беш” бўлади. Ўзбекчадаги *э* ўрнида туркчада кўпинча тил олди *i* (*i*)си қўлланади. Масалан, ўзбекча “кетмоқ” туркчадаги “гитмак” (*gitmek*) бўлади. Ўзбек ва турк тилларининг унлилари орсидagi фарқ ана шулардан иборат.

Адабиётлар

1. Haydar Ediskun. Turk dilbilgisi. Istanbul 1993.
2. Jean Dean. Principes de grammaire torque. Paris. 1955.
3. Tahsin Banguog'lu. Turk grameri-sesbilgisi, Ankara 1959.
4. Абдурахмонов Ф. Ўзбек фонетикаси тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963.
5. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.-Л. 1960.
6. Muharram Ergin, Tark dilbilgisi. Istanbul 1986.
7. Махмудов К., XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетикаси. Тошкент. 1990.
8. Решетов В.В. Карлукское наречие узбекского языка. Ташкент. 1933. Фонетика.
9. Решетов В.В. Узбекский язык. Част 1. Введение, Фонетика, Государственное учебно-педагогическое издательство УзССР. Ташкент. 1959. С. 113.
10. Умаров Э. Вокализм староузбекского языка XV в. Ташкент. 1991.
11. Умаров Э. Материалы по фонетике староузбекского языка. Ташкент. 1999.
12. Ҳ.Неъматов. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Тошкент. 1992.
13. Шоабдурахманов Ш. Карлукское наречие узбекского языка. Ташкент. 1933.
14. Шоабдурахмонов. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент. 1962.
15. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар. Тошкент. 1953.

МУНДАРИЖА

МАҲМУД КОШҒАРИЙ – 1000 ЁШДА

| | |
|--|-----|
| Ҳ.Дадабоев. “Девону луғотит турк”даги туркий тилларга хос фонетик ва лексик-семантик хусусиятлар ҳақида | 3 |
| Ж.Худойбердиев. “Девону луғотит турк” асарининг Ўзбекистонда ўрганилиши | 10 |
| Г.Шукурова. “Девону луғотит турк”да устки кийимни ифодаловчи лексемалар парадигмаси | 16 |
| УМУМИЙ ТИЛШУНОСЛИК | |
| А.Ҳожиев. Тил бирликларини таснифлаш масаласи | 21 |
| А.Абдуазизов. Морфонологик алмашинувлар ва валентлик ҳақида | 26 |
| М.Миртожиев. Семаларнинг сўз семемаси таркибидаги тутган ўрнига кўра типлари | 30 |
| Ҳ.Неъматов, Н.Ширинова, Н.Юнусова. Ўзбек градуонимияси Европа тилшунослигида | 36 |
| Ё.Тожиев. Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг истиқболи ҳақида | 40 |
| Н.Маҳмудов. Ўзбек нутқи маданияти ва социолингвистика | 46 |
| Т.Мирзақулов, М.Эркаев. Морфем маъноларнинг борлиқ – онг – тил тизимида муносабати | 51 |
| Р.Расулов. Ҳолат валентлиги реализаторининг агенс ҳолатининг кечиш тарзини ифодалаш | 53 |
| С.Аширбоев. “Чигатой гурунги” ва Ўзбек тили имлоси | 58 |
| О.Бозоров, О.О.Бозоров. Тил ўрганишда фалсафий қонунлар методологияси | 61 |
| ✓ Б.Йўлдошев. Ўзбек шеваларининг лингвопозтик хариталарини тузиш муаммолари | 66 |
| ✓ Б.Йўлдошев. Ўзбек тилшунослигида матннинг ўрганилиши ҳақида | 68 |
| М.Қурбонова. Структурализм ва ўзбек формал – функционал тилшунослиги | 72 |
| К.Садыков. Великий шелковый путь и его влияние на культурные и религиозные взаимоотношения восточных народов | 78 |
| А.Пулатов. Ўзбек компьютер лингвистикаси муаммолари ва уларни ечиш йўллари | 81 |
| С.Мухамедова. Ўзбек тилида сифат валентлиги тушунчаси | 87 |
| С.Ризаев. Ўзбек тили машина фондининг яратилишига доир | 91 |
| Ш.Усмонова. Туркий тилларда “ротацизм-зетацизм” дилеммаси | 95 |
| Н.Бекмухамедова. Ўзбек танащув эълонлари матнининг ҳажми хусусида | 98 |
| Г.Искандарова. Тил, маданият ва шахснинг ижтимоийлашуви | 101 |

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

| | |
|--|-----|
| Ш.Раҳматуллаев. Қадимги туркий тилга мансуб синкретизм асосида юзага келган омонсемалар ҳақида | 104 |
| З.Дўсимов. Хоразм шевалари лексикасидаги субстрат қатлам ҳақида | 107 |
| И.Йўлдошев. <i>Китобатчилик</i> терминларига доир айрим мулоҳазалар | 109 |
| З.Ҳамидов. “Таашшукнома” асари ва унинг туркий қатлами | 112 |
| Қ.Омонов. Қадимги туркий ҳужжатларнинг аталиши тўғрисида | 116 |
| З.Холмонова. “Бобурнома”даги оккзионализмлар ҳақида | 120 |
| Ш.Эгамова. Навоий асарлари тилидаги айрим туркий сўзларнинг фонетик шакллари | 126 |
| Ҳ.Тоғиматов. Қўлам сифат маъноларининг реаллашуви | 130 |
| Ў.Лафасов. Қаршилангириш – лингвопозитик унсур сифатида | 136 |
| Ф.Абдуҷабборова. “Қутадғу билиг”да шахснинг табиий ҳолатини ифодаловчи сифат-лексемалар | 139 |
| З.Алиқулов. Истиқлол даври ўзбек терминологияси тўғрисида | 142 |
| Ю.Шайманова, Г.Адашуллаева. Ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши ва айрим семантик хусусиятларига доир | 147 |
| Д.Йўлдошева. Алишер Навоий асарларида афсонавий куш номлари услубий восита сифатида | 151 |
| Д.Абдуллаева. Полисемия ходисаси ва унинг ўрганилиши ҳақида | 154 |
| Б.Абдушуқуров. “Қисаси Рабғузӣ” асаридаги феъл-лексемалар | 158 |
| Р.Мавланова. XV аср мунозаралар лексикасининг айрим хусусиятлари | 162 |
| А.Ҳасанов. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида оғзаки нутқ лексикаси | 165 |
| А.Убайдуллаев. Ҳиндистонда яратилган туркий тилли лугатлар | 168 |
| Н.Тоғиматова. Култегин битикгошидаги лексик бирликларнинг ясалиши | 172 |
| Ш.Зиямуҳамедова. Ахборот-коммуникация соҳаси терминларининг шаклланишида ўзбекча сўзларнинг иштироки | 176 |
| М.Булатов. Ўзбек ва инглиз тилларидаги инфор­мацион технологияларга оид кискартмаларнинг умумий ва дистинк белгилари | 181 |
| О.Аҳмедов. Солиқ ва божхона терминларининг таржима жараёнидаги прагматик тахлили | 185 |
| Ф.Холметова. Ғафур Ғулом ҳикояларида эпитет (сифатлаш) | 187 |
| Т.Қурбонов. Пиримкул Қодировнинг “Бобур” романида ҳарбий терминларнинг берилиши | 190 |
| ШЕВАШУНОСЛИК ВА ТОПОНИМИКА | |
| Т.Нафасов. Эроний топонимлар хусусида | 195 |
| Т.Эназаров. Турли фан соҳаларида шева сўзларини қўллаш | 199 |
| Н.Шойимова. Шевалар лугатларини яратиш - давр талаби | 202 |
| ФОНЕТИКА ВА ГРАММАТИКА | |
| Р.Сайфуллаева, Н.Йўлдошева. Йиғиқ гапга ўзбек тили синтактик қурилишининг зотий моҳияти асосида ёндашув | 205 |
| М.Раҳматов. Алишер Навоийнинг “Насойимул -муҳаббат” асаридаги форсий <i>чун</i> боғловчиси ва унинг синонимлари ҳақида | 208 |
| Н.Рустамий. Ўзбек ва турк тилларидаги унлиларнинг киёсий тавсифи | 210 |

